A movie poster for the film 'Unutilgan Sohillar'. The top half features a close-up of a man's face (Nurali Qobul) with a serious expression. Below this, a woman with long, dark hair and large eyes looks directly at the camera. The background is a scenic landscape with a rocky shoreline, a body of water, and a forest under a cloudy sky. The title 'UNUTILGAN SOHILLAR' is written in large, bold, yellow letters at the bottom.

НУРАЛИ ҚОБУЛ

UNUTILGAN  
SOHILLAR

Нурали ҚОБУЛ



# УНУТИЛГАН СОҲИЛЛАР

РОМАН 

УЎК:821.512.133-31

КБК:84(5У)7

К52

Қобул, Нурали

Унутилган соҳиллар: роман (қайта нашр)/Н.Қобул. – Тошкент:

Dizayn-Press, 2013. 256 бет.

*узбек адабиёти*

УЎК:821.512.133-31

КБК:84(5У)7


*Қўлингиздаги китоб инсоннинг инсонга, юрти ва улусига бўлган меҳр-муҳаббати, умиду ишончи, садоқату оқибатининг унутилмиш соҳиллари, инсон аталмиш жонзоднинг умр сўнгида яккама-якка қоладиган тоғ каби буюк ҳасрат ва армони ҳақидадир.*

*(Асардаги воқеалар мустабид шўро тузуми даврида бўлиб ўтган)*

ISBN-978-9943-20-194-1

<p>2018/20 6926</p>	<p><b>Alisher Navoiy</b> nomidagi <b>O'zbekiston MF</b></p>
-------------------------	---

© «DIZAYN-PRESS» нашриёти, 2013



## ИНСОНЛИК ШАРАФИ ВА АДОЛАТГА САДОҚАТ

### Ўнгсўз ўрнида

- Эна, худо қаерда?
- Кўкайимизда, қош-қовоғимизди ўртасида, балам.

*Энам билан суҳбатдан*

Чин инсон, миллатнинг том маънодаги кўзи очиқ зиёлиси ўз ҳаётини, иқтидору салоҳияти, орзу умидлари, эзгу интилишларини азалий қадриятлар ҳисобланмиш адолат, меҳр-оқибат, биродарлик тантанаси учун бағишлайди, фидо эта билади. Умр мазмунини олийжаноблик, эзгулик, ўз юрти, халқи, дўст-биродарларига, бир сўз билан айтганда одамларга яхшилик қилмоқ, кишилиқнинг тўғри йўлдан юрмоғига хизмат этмоқ деб тушунади.

Роман қаҳрамонлари оддий ва олий ҳақиқатлар йўлида курашадилар. Ватани ва халқи юкини енгил этмоқ ўғурида ўзларини ўту чўққа урадилар. Табиийки эл-юрт манфаати, шон-шарафи учун жонини жабборга беришга ҳозир кишининг кўзига бундан бошқа муқаддас эътиқод ва юксак мақсад кўринмайди.

Ҳар бир инсон ўз тасавуридаги ҳақиқатлар йўлида

одимлайди. Ақлисалимликдан, истеъдоду қобилиятининг даражасидан келиб чиққан ҳолда биров ҳаёт ташвишларига ўралишиб, тирикчилик дея аталмиш машаққатнинг оддий ҳақиқатлари пешида елиб югуради. Бу йўлдаги меҳнат ва изтиробларни умрининг мазмуни деб билади.

Дунёвий фикрлайдиган, борлиқни теран мушоҳада эта олган бошқа бир шахсият эса буюк ҳадафларни кўзлаб, олий ҳақиқатларнинг қарор топмоғи йўлида мужодала этади. У бу илонизи ва машаққатли йўлда тўғрилиги, самимийлиги туфайли жазоланиб, ён-атрофидагиларни ўзи каби покдил ва беғубор дея ўйлаб, қоқилади, йиқилади. Тажрибасизлиги боис барча воқеа ва ҳодисаларнинг икир-чикиригача ҳисобга ола билмай, бошини бот-бот тошга уради. Юксак инсоний хислату фазилатлар соҳиби бўлмиш шахслар бир-бирларига қаноту равот бўлмоқ баробарида бир-бирларига бўри ҳам эканликларини у пайтда ўйлаб кўрмаган бўлади. Ўттиз нафар дўстингдан бештаси рақиб (бештаси эмас, йигирма бештаси бўлмаса агар) деган ота сўзини бор бўй-басти билан англаб етганида эса кўп сувлар оқиб ўтган, тошларга урилган бош анча мунча яра-чақа олган бўлади.

Адабиёт аталмиш муқаддас адолатнинг мезони ана шу олий ҳақиқатга садоқат, ундан бир одим бўлса-да чекинмасликдир. Ҳалоллик сотилса ўлганидек, адабиёт ва маънавият ҳам сохталаштирилса, тирикчилик манбаига айлантирилса ўз сеҳри-жозибасини, муқаддас мақсади, улусни улус этажак тамойил ва мезонларини йўқотади.

Табий ва самимий инсоннинг камчиликлари, ана шу беғубор туйғулардан бенасиб, қалби эзгулик аталмиш ҳисдан мосуво нохайрихоҳларига кўл келади. Ожизлар ва қўрқоқлар тез бирлашадилар ва ярқ этиб чиққан кучли, ёрқин шахсиятга қарши турли разил йўллар воситасида курашадилар. Афсуски, савобнинг таги тешик деганларидек, ҳақиқат, эзгулик ҳар доим ҳам ғалаба қозонавермайди.

Инсон умри, ҳаёт билан ҳаётини фарқи бўлганидек, бу ёруғ дунёни тарк этмоқнинг ҳам фарқи бордир. Мард, жасур ва ботир шахсиятлар юлдуз каби ярқираб, кишилар қалбини иситиб яшайдилар. Ожиз, хоин ва қўрқоқлар эса иштони

## *Унутилган соҳиллар*

Йўқнинг чўпдан ҳадиги бор дегандек қалтираб, қақшаб яшайдилар. Хоин ва ожиз қони челаққа, мард ва ботирнинг қони эса юракка томади.

Роман ана шу юксак инсоний эътиқод, оқни оқ, қорани қора демоқ йўлидаги мужодала ҳақида бўлиб, (табиийки бу жараён осон кечмайди) ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидаги Сталин қатағонидан бошлаб, тўқсонинчи йилларгача бўлган суронли даврнинг қабарик қирраларини бадиий бўёқларда акс эттиради.

Шу нарсани эътибордан қочирмаслик керакки, катта бадиий битикларда юз берадиган воқеа ва ҳодисалар, қисмату қадарлар вақт ва замон элагидан ўтиб, интиҳосига етгандан сўнг ўз ранг ва бўёқларини топади. Рассом кўриб туриб асарини чизса, ёзар бошдан кечириб, тасаввур этиб ёзади. Буюк Лев Толстой биринчи жаҳон савашини майдонидан чиқиб келибоқ "Уруш ва тинчлик"ни битмоқ учун ёзув столига ўтира олмас эди. У бу гайриинсоний қатлиомнинг дунё халқлари, кишилар тақдирига таъсир этган барча қирралари ойдинлашиб, сувлар тингач, ёзувчилик виждони призмасидан ўтказиб бўлгач, воқеа ва ҳодисаларга ўз муносабатини билдиради.

Кўлингиздаги китоб саксонинчи ва тўқсонинчи йилларда бот-бот чоп этилган, инсоннинг инсонга, юрт ва улусига бўлган меҳр-муҳаббати, садоқату оқибатининг унутилмиш соҳиллари, инсон аталмиш жонзотнинг умри сўнгида яккама-якка қоладиган тоғ каби буюк армон ҳақидадир.

Қайдлар инсон инсон каби ўлмоқ, ўз шахсиятида инсонийлик истеъдодини, кишилик шаъни ва салоҳиятини такомилга етказмоқ, чин инсонлик шарафига ноил ўлмоқ баҳсидир. Инсонийлик таланти юксак, одамгарчиликни энг олий мақом деб билган бутун шахсиятлар, эл-юртга яхшилик, халқига хайри-саодат келтириб яшайдилар. Модомики кишининг феъл-атворида, инсоний салоҳиятида қусур мавжуд экан, бу нарса унинг ишида, хатти-ҳаракатида ҳам ўз аксини топади. У жуда яхши дурадгор, мақоланавис ёки матн таҳрир эта билувчи муҳаррир бўлиши мумкин. Бироқ одами соз, жаҳонда оз дегандек, бутун шахсият бўлиб етишмаслиги мумкин. Зотан биз ким бўлиб, не тирикчилик ила машғул

## **Нурали ҚОБУЛ**

---

бўлмайлик, ақлнинг йўли биттадир. Шараф ила яшаган шахсиятлар ҳаёти ҳам шарафли шаклда ниҳоясига етади. Шарафсиз ҳаётнинг сўнги ҳам шарафсизларча тугайди. Зотан кишининг ҳақиқий баҳосини устига тупроқ тортилгандан сўнг берадилар. Бунга қадар одамлар бўлгани каби кўринмай, кўрингани каби бўлолмай яшайверадилар.

Шу ўринда бадий асарларда дуч келадиганингиз тарихий шахслар образлари ва уларга муносабат ҳақида тўхталмоқчиман. Тарихий, бадий битикларда ижодкор саксон беш фоизгача бадий тўқимадан фойдаланиши мумкин. Албатта тарихийлик ва ҳаққонийликдан чекинмаган ҳолда. Тарихий шахсларнинг ижобий томонларини таъкидлаб, нуқсон ва хатолари ҳақида гап кетганда кўп ҳолларда кишилар масалага умуммиллий, умумдавлат ва умумҳақиқат нуқтаи назардан эмас, мавжуд ижтимоий, социал иқлимдан, шахсий, субъектив қарашларидан келиб чиқиб ёндашадилар.

Тарих, тарихий шахслар фаолияти, уларни қораламоқ учун эмас бугунги ва келажакдаги авлодлар хулоса чиқармоғи учун ўрганилади. Кечмиш тарихий шахслардан кейин келадиган кишиларнинг шу хатоларни такрорламасликлари учун ўрганилади, тадқиқ этилади. Тийрак ўқувчи ўтмишга ўша замон ва макон кўзи билан қарайди. Бугуннинг шarti ва мезонлари билан ўлчамайди. Ўзидан чиққан тарихий шахсларни сиёсатга аралаштириб, ўзга халқлар ғашини келтирмайди. Ота-боболар билан ифтихор этилади. Оталар эса муносиб фарзандлари билан фахрланадилар. Буюк даҳолар ва тарихий шахслар кечмишнинг абадият пиллапоясидан аллақачон муносиб ўринларини эгаллаганлар. Қўлимиздан келса уларнинг асл, ишонарли бадий образларини яратиш, фаолиятларининг ўрганилмаган қирраларини тадқиқ этмоғимиз керак. Бу ерда энг муҳими халқнинг ўз тарихига, ўтмишига тўғри, ҳақиқий ва танқидий кўз билан қарай билмоғидадир.

Теран тарихий закосиз тўғри ва ҳақиқий тарих, айниқса бадий тарихий асар яратиш қийиндир. Масаланинг яна бир эътиборли томони борким, билиб-билмай, ўрганиб-ўрганмай, моҳиятига етиб-етмай тарихий шахсларга баҳо бермоқ ва байроқ қилмоқликдир. Бу масалага ғоят тамкинлик билан ёндошмоқ керак деб ўйлайман. Жаҳон тарихида ўз миллати ва ватани учун байроқ ўла билмоқлик шарафига ноил шахслар кўп эмас.

## Унутилган соҳиллар

Қолаверса, бадий асар – адабиётдир. Адабиёт – барча санъат соҳаларининг ўқ илдизи, тамал тошидир. Ундаги воқеа ва шахслар фаолиятини таҳлил этмоққа фелъетон ёхуд танқидий мақола каби ёндашмоқлик, адабиётни англамасликдир. Асардаги ҳодисалар, тахмин қилганингиз катта-кичик образларнинг ижобий ёки салбий тарафлари ҳақида муаллифни айблай олмайсиз. Бадиятни тушунган ўқувчи унга соф санъат асари сифатида боқади.

Умуман китобсиз яшаш – борлиқни англамай ўтмоқ демакдир. Сиз борлиқни англамоққа фақат табиат, тарих, адабиёт ва фалсафа фанларини ўрганмоқ орқали етиша биласиз. Шу ўринда яна бир мисолга эҳтиёж туйдим. Биз узундан узоқ кинофильмларини томоша қиладиган, қўшиқларини тинглайдиган Туркияда китоб – энг зарур, эҳтиёж ҳис этилган товарлар рўйхатида 235 ўринда турар экан?! Етти фоиз атрофидаги халқ эса умуман ўқиш – ёзишни билмайди. Эрбил университетига ташриф буюрган машҳур санъатчи Иброҳим Тотлиса талабаларга ҳавас қилиб, ўзининг мактаб юзини кўрмаганини айтганда кўз ёшларини тия олмади... Янглишмасам Россия Федерациясида бундай бўлмаса керак.

Адабиётнинг вазифаси адолатга хизмат қилмоқ экан, ҳақиқатни топтаб, банда ҳақини танимай, диёнатдан юз ўгириб, ҳақ-ноҳақлик, юрт ва улус каби муқаддас эътиқодлар бобида баланд пардаларда қўнишиб, бозорлик қилиб, арзонгаров юртсеварлик ва халқпарварлик қилмоқ, ёки отдан тушгач, оташин ватанпарварга айланмоқ – мунофиқликдир. Зотан миллатчилик инсон ва халқларни айириш, айримчилик – фосиқнинг сўнги чорасидир.

Сизга шу ўринда бир мисол келтиришни лозим топдим. Боиси халқимиз тарихида бундай, ўзини халқ деб билган бир гуруҳ оломон амалга оширган хоинона ишлар етарли қадар бор. Кемерово ўрмонларидаги ҳибсхона касалхонасида оғзидан қон келиб ётган Усмон Носир ўша пайтдаги бош раҳбар Усмон Юсуповга оғир шарт-шароитли Сибир турмасидан Ўрта Осиё атрофидаги илиқроқ бир қамоқхонага ўтказишга ёрдам сўраб, ёлвориб мактуб ёзади. Бошлиқ муносабат билдирмоқ учун хатни Ёзувчилар уюшмасига юборади. Ўз қаламдош дўсти, ватандош ва миллатдошини қўшқўллаб ёзиб бериб сотган, ўлимга йўллаган

## Нурали ҚОБУЛ

---

ёзувчилар ва унинг уюшмаси сўнг нафасини олаётган қондошига ота юртга, она ватанга яқинроқ бир ҳибсхонада кўз юмишни ҳам раво кўрмайди. Бу воқеага изоҳ бермайман. Сиз азиз, зийрак ва тийрак дўстим изоҳ бериб, хулосани ўзингиз чиқаринг...

Масаланинг бундан-да ёқа ушлайдиган тарафи шундаки, ўзини ижодкор санаган бундай ҳамкасбларимиз ҳамон орамизда бор эканлигини айтмасам, виждонимга қарши иш қилган, сизга ёлгон сўйлаган бўламан. Ёлгон сўйлаган киши, тилига ҳоким бўлолмаган кишидир. Зотан оғзига эгалик қила олмаган одам, ҳеч бир ерига эгалик қила олмайди.

Ёзувчининг сўнгги садоқатли дўст ва сирдоши, дардкашу ғамдоши, қондошу жондоши ўқувчидир. У қайд этган битикларни ўқидингизми, демак, уни англамоққа, тушунмоқни истамоққа ҳозирсиз. Кишилар орасидаги англашимовчилик ва муаммолар уларнинг бир-бирларини англамоққа ҳозир эмасликларидан, англамоқни истамаганларидан келиб чиқади. Инсонни билмоқ учун аввал уни севмоқ керак деганида, Фейербах ҳам шуни назарда тутган.

Унинг ҳақиқат, ватан ва улус дарди ҳақидаги фикрларила ғойибона дардлашдингизми, демак сиз асл ватандош, миллатдош ва имондошсиз. Ва унга сиздан-да яқин инсон йўқдур. Шу муқаддас эътиқодлардан мосуво, инсон дардини англамоқдан йўқсил, ақл ва мантиқдан айри тушган жон-жигар ҳам биздан эмасдир.

Бойси, сиз ҳаётга шунчаки тирикчилик, кун кечирмоқ нигоҳи ила боқувчи сирасидаги бир киши эмассиз. Инсониятни инсоният этган, уни бугунги онг, ақли-идрок тантана қилган ёруғ кунларга олиб чиққан китоб ва билим аталмиш буюк ихтиро, мўъжизанинг моҳиятини англаб етган, ўқиб уққан, борлиқ ҳақида шаклланган фикру қарашга эга шахсиятсиз.

Тўғри ва соғлом фикрлаган, дунё илмларини эгаллаган ҳолда ўз истиқболини аниқ-тиниқ кўз олдига келтира билган улусгина ўзининг муносиб келажагини ярата олади. Достоевский таъкидлаганидек, халқнинг унинг мавжудлиги билан эмас, ўз орзу-интилишларини нималарга ва қандай йўналтираётгани билан баҳолаш керак.

Ердан узилмаган, ахлат балчиғида онгли равишда сузмаган,

## *Унутилган соҳиллар*

адабиёт аталмиш маъбаднинг муқаддаслигига шак келтирмаган ҳақиқий санъаткор, бир умр ҳаётдаги энг буюк илинжи — ўзи ила бирга кулиб йиғлаган, азобу изтиробини баҳам кўрган суҳбатдошининг нафис назокати, юксак инсоний маданияти ва олийжаноблигига ишониб, суяниб, унинг-ла ғойибона дардлашиб, отамлашиб яшайди. Уни ўзининг орқатоғи, сўнгги дақиқага қадар ёнида қолгувчи садоқатли дўсти деб билади.

Ёзувчи учун ўқувчи фикридан азиз ва муқаддас нарса йўқдир. Зотан кишида дунёқарашига кўра оламга боқиш, уни мушоҳада этиш кўникмаси шаклландими, у томир отиб, ижтимоий фикрга айланиб, моҳият касб этади. Ижтимоий тафаккур тараққий топган улусларда жамият ривожланиши тезлашади.

Ана шу эзгу ҳислар, самимий эътиқод-ла, покиза юрагингизнинг тафти сезилиб турган сижоқ кўлингизни дийдорлашув илинжида чин дилдан, эҳтиром-ла қисиб қоламан. Оламни тутиб турган, кишиликни умидли келажақ сари етаклаган, инсонни ҳазрати инсон мақомига кўтарган оддий ва олий ҳақиқатлар, адлу-адолатга садоқат ҳеч қачон беғубор қалбингизни, кенг ва очиқ кўнглингизни тарк этмасин дейман!

Сиз азиз, садоқатли дўстимга меҳр ва севгиларим-ла

*Муаллиф*

## УНУТИЛГАН СОҲИЛЛАР

### Роман

*Бахт деган нарсанинг ўзи йўқ ва  
унинг бўлиши ҳам керак эмас. Агар  
турмушимизда маъно ва мақсад  
бўлса, у бизнинг бахтимизда  
эмас, балки бошқа маъқулроқ ва  
буюкроқ ишда бўлади. Яхшилик қилинг!*

**А.Чехов**

*Кимлар жон берди,  
Кимлар ваъз айтди,  
Шу Ватан учун...  
Ўрхон Вели*

*Ўзини билганни,  
ўзингдек бил...  
Оталар сўзи*

### I

Даштларни ўз кўйига солган баҳор водийларнинг совуқ шамоллари қанотида тоғ этақларига ва ҳали оппоқ қор қоплаб ётган қоялар томон талпинар, дарахтлар барг ёзиб, яланғоч шаҳарни беркитарди.

Фақат тани-жони соглом киши қиёфасида, юриш-туришида илк баҳор кезлари кўзга ташланадиган, завқ-шавқ, жўшқинлик, борлиққа меҳр-муҳаббат ва ҳаётдан мамнунлик ифодаси зоҳир кишилар кўчани тўлдириб ўтаётган одамлар орасида ажралиб турарди. Бундай дамларда, юрагидан озгина бўлса-да, эзгулик жой олган кишилар, беихтиёр, юмшоқтабиат, атрофидаги барча жонли-жонсиз нарсаларга раҳм-шафқат кўзи билан қарайдиган оққўнғил одамга айланадилар. Қалби ўзгаларга яхшилик қилишни тусайди. Юрагининг туб-тубида нимагадир, кимгадир интиқлик, соғинч ва армон туйғуси жунбушга келади.

Бу дақиқаларда минг бир тоифадаги одамлар ҳам ўзларининг асл қиёфаларини яширолмай қоладилар. Табиатнинг бу сеҳрли лаҳзалари энг бағритош одамни ҳам инсофга эндиради. Ҳаётининг беғубор ва беозор дамларига ошно этади. Қалбига адолат ва ҳалоллик уруғини сепади. Қониди диёнат мавжуд одамларда бу уруғ кўкаради. Ҳаёт ташвишларига ўралишиб ўтмишини унутган ва келажакни кўз олдига келтиролмайдиган кишилар эса бу беғубор туйғулардан бебахра ўтадилар.

Янгидан ташкил этилган вилоят газетаси туман таҳририятини колхоз бозор биқинидаги эски ва пастқам биносиди иш бошлади. Инқилобдан бурун европача услубда қурилган ва шаҳар ҳокими яшаган чиройли бинонинг туман босмаҳонаси жойлашган тенг ярми рус газетаси таҳририятига берилди. Муҳарририят, котибият, корректура ва дастлаб ишга қабул этилган ходимлар қисқа фурсатда наридани бери таъмир қилинган хоналарга тиқилишиб олишди. Бир неча ходимга эса жой етишмай қолди.

Туман газетасининг қирқ йиллик муҳаррири, чорпахил Сувон Содиқов таҳририят биносини эмас, гўё ўз уйини бўшатиб бергандек мамнун ва мағрур эди. У вилоят газетасининг ёш ходимлари олдига дам-бадам кириб, ҳар бирига алоҳида панду насиҳат қилар, ўзидан нима ёрдам керак бўлса бажонидил тайёрлигини таъкидлар, бошпанаси йўқларнинг ижарага уй-жой топишига кўмаклашарди. Куракдек келадиган кафтини кўрсатиб, урушдан кейинги йилларда газетани қандай машшаққатлар билан дастгоҳли машинада босганлиги ва қопда орқалаб колхозларга ташиганини эринмай, қайта-қайта ҳикоя қиларди. Ходимларнинг кечаю-кундуз тиним билмаслиги, хона етишмаганига қараб ўтирмай, ҳовлидаги қари ўрик остига стол қўйиб олган ёш қишлоқ йигитларининг зўр завқ-шавқ билан қоғоз қоралашлари ёши етмишга бориб қолган тўрт киши тўпланиб гувоҳлик берса ҳар қандай гапга ишонадиган, салгина юракка тегадиган нарсага кўзида ёш ҳалқаланадиган кечмиш давр журналистининг ҳавасини қўзғатган, вужудига чўғ ташлаган эди. Энди у ишга одатдагидан эртароқ келар ва узоқ ўтириб ишлаб қолар, йўл-йўлакай албатта эски ишхонасига бош суқиб

ўтарди. Хонама-хона қоғоз кўтариб югуришиб юрган йигитлар Содиқовни кўришлари билан бир-бирларига қараб мийиғида кулиб қўйишар, бу беозор ва болафеъл кишининг қисфасида улар ўзларининг келажакларини кўргандек қалбларининг тубида шафқатга ўхшаш маънос бир ҳис жунбушга келарди.

— Нега энди ўринбосар Кўшшаев етти-саккиз ходим сиғиши мумкин бўлган ҳайҳотдек хонани бир ўзи эгаллаб ўтириши керак? Нима, бошқалар мачитга ишляптими? — деди ўрик соясида терлаб-пишиб ёзаётган катта мухбир Шариф Расоев шерикларининг диққатини бўлиб.

У ҳеч ким тушунмайдиган ғалати шеърларига Шариф Расо деб имзо қўяр, ҳамкасблар ҳазиллашиб уни Шариф Расво ҳам деб аташарди. У эгилиб "С" ҳарфи шаклида юрар, қадам ташлаганда энгашган елкалари туянинг ўркачидек кўтарилиб тушаверарди. Оёғидаги пошнаси баланд, ранги ўнгиб кетган туфлиси лўкиллаб юришини янада бўрттирар, айниқса тезроқ юрганда ёнверидегиларнинг диққатини тортмасдан қолмасди. Ўз ўйлагани ва хаёл қилганидан бошқани тан олмайдиган Расоев ишга келган кунининг эртасигаёқ таҳририятнинг энг тиш қоққан ходимларидан бири, латифаларнинг уйини куйдирадиган Ҳайитқул Норматов томонидан "кенгурудан чиққан классик" деган лақаб олди. Классик сўзи ўз-ўзидан тушиб қолиб, ҳамма уни орқаворотдан кенгуру деб атайдиган бўлди. У томининг тунукасини шамол учуриб кетса ҳам подшоликни сўкадиганлар хилидан эди.

Бир гапириб ўн куладиган Норматовнинг "Абдунемисали ака" ва "Асқардепутат" деган латифалари таҳририятда деярли ҳар куни бир неча бор айтиларди. У ҳар айтганда латифага янада жон киргизиб юборар, эшитган киши унинг ҳикоя қила билиш қобилиятига таҳсин ўқирди.

— Уруш пайти, фронт линияси экан, — дерди у кафтини тиззасига ураркан нашъа қилиб. — Герман радиоси эртадан кечгача жоврармиш: "Рус, сдавайтесь, сопротивление бесполезно! В Германии корошо живёш, корошо кушаеш Сдавайтесь". Буни эшитган иккита сархумлик содда маслаҳатлашиб, асирга тушмоқчи бўлишибди. Улар фашистларга қандай мурожаат қилишни узоқ ўйлашибди. "Немис" десак кўнглига келади деб ўйлашибди. Ниҳоят бири

окопдан бошини чиқариб: "Ассалому алайкум Абдунемисали ака, устоз Абдугитлерали ака яхши юрибдиларми? Болачақалари яхшими? Сархумликлар ҳам пленга тушса майлими", дермиш...

...Сўнгра ҳафсала билан иккинчи латифани айтар эди.

Ўзимизнинг қорақумлик машхур чўпон, Меҳнат Қаҳрамони Асқар Тўқлиев Иттифоқ депутати этиб сайланганда илк даъфа Москвага борган экан. "Россия" меҳмонхонасининг депутатларга хизмат қиладиган залига виқор билан кириб ўтирибди. Беш минут, ўн минут кутибди, официантқадан дарак йўқ. Русчаниям янтоққа судраб гапирди. Ниҳоят тоқати тоқ бўлиб ёнидан ўтаётган қизни чақирибди.

— Абизянка, мўжна!

— Пожалуйста, не аскарбляйте! — дебди ҳайрон бўлган қиз қаршисига келиб.

Депутатнинг ранги қизариб қумсарибди.

— Асқар не билат, Асқар депутат! — дебди овозини баландлатиб.

Официн қиз ҳайкалдек қотиб қолибди.

— Где иззат, где ҳурмат, биз депутат, — дермиш Тўқлиев жиддий оҳангда.

Яна гуррос кулги кўтариларди.

— Тўғри, бирорта кичикрок хонани олса бўлади-ку, — Расоевнинг гапига қўшилди Норматов. — Қирқ беш даражали иссиқда, кўчада ишлаб бўладими?

— Тўпланишиб, редакторга кириб айтиш керак, — деди чўпдек озгин ва қуёшда қорайган қўлини пахса қилиб Расоев. — Нима, биз ердан чиққанмизми?

— Унга бу хонани редакторнинг ўзи берган бўлса, энди қандай қилиб чиқаради? — ёзишдан таққа тўхтаб гап қотди ориқ ва қоққалла Исломов.

У гапирганда узун бўйинини янада чўзар, бўйин томирлари бўртиб, кўзи ола-кула бўлиб кетарди. Доимо бирваракайига икки ишни уддалашга ўргангани учун у қитирлатиб ёзар ва мунозарада қатнашарди. Исломов ён-верида содир бўлаётган жиддий воқеа ва ҳодисаларга ўз муносабатини билдирмас, озгина бўлса-да обрўсига (аслида бу нарса унда йўқ эди) путур етказадиган ёки бошлиқлар эшитса ранжийдиган гап-сўзлардан

## Нурали ҚОБУЛ

ўзини олиб қочарди. Муҳим бир гап гапирилганда эса ўзини диққат билан қулоқ солаётган кўрсатиб, ўлимтик кўзларини ўша одамга қадаб тураверади. Ундан бирорта жўяли фикр ёки тузук-куруқ гап чиқса ҳам, у буним кимдандир эшитган ёки таҳасиб қилган бўларди.

— У қилтириқни бу хонадан тириклай чиқариб бўпсан, — гапга аралашди қишлоқ хўжалиги бўлимнинг катта муҳбири Сафар Ҳусанов. — У ёғини сўрасанг навбатчиликдан сўнг шу ернинг ўзида тунаяпти. Ҳар кечкурун ошхонага бормай, тушлик билан кечки овқатни бир қилиб, қоровул Фармон амакининг ризқига шерик бўляпти. Эвазига оқсоқолни эринмай мақтайди. Кўрасизлар ҳали квартира олгунга қадар шу хонага кўчиб келади.

— Йўғ-е, ўлдими? — деди Исломов ёзишдан таққа тўхтаб.

Урикзорни танг қилиб вилоят журналистикасига асос солаётган жонкуярлар ўз-ўзидан жимиб қолишди. Ҳусановнинг оғзини қийшайтириб тутун пуфлагани, Расоевнинг икки букилганча пичирлаб материал ўқиётгани барча паст-баланд товушлар орасидан ажралиб турарди.

— Йўли бор, — деди анчадан сўнг, тушликдаги буюртма сомсадан сўнг соянинг куюғини олиб, оёғини чалкаштирганча кўк чой ичиб ўтирган Ҳайитқул Норматов.

— Йўли бор. Лекин сен довдирларга ишониб бўлмайди, — гапида давом этди у пиёлага тўлдириб чой қуяркан. — Яхшироқ тарбиялашса, анча-бунчангдан тузуккина сотқинлар етишиб чиқади. — бурро-бурро қилиб деди у.

— Нега энди? — унга қараб хўмрайди ҳар елкаси замбилдек келадиган Элназаров столдан қаддини кўтарганча оғзини тўлдириб. — Нима, бизни ёш бола ёки аҳмоқ деб ўйлайсизми?..

— Аҳмоқнинг катта-кичиги бўлмайди укам, — жавоб қилди Норматов. — Жумладан хоиннинг ҳам.

Унинг оҳиста ва босиқ оҳангдаги бу гапидан сўнг яна орага жимлик чўкди. Элназаровнинг гапи оғзида қолди.

— Сотган одам эмас, айтинг йўлини! — деди ручка ушлаган қўли қалтираб Расоев чийиллаган овозда. — Биз ҳам йигитмиз деб бош кўтариб юрибмиз...

— Рост, Ҳайитқул Норматович. Аслида Қушшаевнинг ўзи

одамгарчилик қилиб, шу ишга бош бўлиши керак эди. Мен шама қилиб ҳам кўрдим. Фойдаси йўқ. Кўлингиздан келса бир иложини қилинг, — деди пешона терини артаркан қишлоқ хўжалиги бўлимнинг мудирини, ҳар бир гапнинг эга ва кесимини жой-жойига қўйиб гапирадиган Абдунаби Шокиров. — Бу ўтиришда ўтган-кетган бозорчиларга ҳам кулги бўляпмиз. Редактор ҳам шу масалада ланжлик қияпти.

— Яхши. Бўпти. Иложи бор. Сизлар индамай ишларингни қилаверинглар. Шубҳаланмаслиги учун Қўшшаевнинг кўзига камроқ кўринганларинг маъқул, — деди Норматов муғомбирона мийиғида кулиб. — Демак, ҳеч ким туяни ҳам, думини ҳам, бўталоғини ҳам кўрмаган...

Ҳамма ишини йиғиштириб, анграйганча Норматовга тикилиб қолди. У эса йигитларни хоналик қилганидан эмас, бу ярим ҳазил, ярим чин ғаройиб ишни амалга ошириш жараёнидан, мижғов ва майдагап Қўшшаевни таъзирини беришга жазм қилганидан лаззатланарди. У одатига кўра шимининг икки чўнтагига қўлини тиқиб, лабини чўччайтирганча ҳуштак чалиб, ҳовлининг у бошидан бу бошига бориб келарди. Норматов ҳар қандай ходим кун бўйи қиладиган ишни узоғи билан икки соатда уддалар, қолган пайтда эса хаёл суриб юрар, машинистка қизларнинг бошини айлантлар, чой ичар ва шахмат ўйнарди.

— Ҳайитқул қушни вилоятда Қўшшаев билан бирга ишлаган. Нозик томонини билади чамамда, — деди Элназаров Норматовга ишора қилиб. — Барчамизни шарманда қилмаса эди.

— Нима қилсаям майли, ишқилиб ўша хонани бизга олиб берса бўлди, — деди Ҳусанов елкаси билан нафас оларкан ҳаяжонини зўрға босиб. — Кундабек Қулбоевични кабоб қилиб еса ҳам барча бирдек рози бўлади.

Орадан бир кун ўтди. Эрталаб ишга келганимда ўрик остида атайлаб бир-бирига қарамай (кулиб юборишдан чўчишиб) Элназаров билан Расоев ёзиб ўтиришар, ҳаммадан бурун ишга келадиган қабулхона секретари Тошбуви опа эртаю кеч кўлидаги бир тутам калитни ўйнаб юрадиган бош муҳаррирга содир бўлган воқеа тафсилотини сўзларди. Элназаров билан Расоев эса ўзларини эшитмасликка олиб, вазиятни зимдан кузатиб, астойдил қоғоз қоралашарди.

— Кечагина таъмир қилинган бўлса, илон қаердан чиқади? — деди менга қараб муҳаррир. — Қўшшаевнинг кабинетидан илон чиқибди.

Хайратдан бир зум қотиб, турдим-у, ичимдан отилиб чиқаётган кулгини тўхтагиш учун тишимни тишимга қўйдим.

— Қўшшаевни "тез ёрдам" олиб кетибди. Бирор киши орқасидан бориши керак, шекилли, — гапида давом этди муҳаррир. У ўнг қўлидаги калит солинган қопчиқни чап кафтига тез-тез урарди. — Балки, редакция номидан сиз бориб келарсиз.

— Бир оғиз сўзингиз Адҳам ака, — жавоб қилдим тилимга бошқа калима келмай.

Узун-қисқа бўлиб, Қўшшаевнинг хонасига йўналдик. Хонага кирганда ўнг томонда, тўрдаги голланд печи олдида чала ўлдирилган олачипор илон аранг думини қимирлатарди.

— Ўлган-ку, биров деразадан ташлаган чиқар-ов, — деди зийрак муҳаррир бир менга, бир Тошбуви опага қараб.

Сўнгра индамай хонасига кириб кетди. Қаердандир ҳаллослаб етиб келган қоровул Фармон амаки илонни чиқариб ташлади.

— Балки печнинг ичидан чиққандир, — дедим ўзимни кулгидан тия олмай.

— Бу даштнинг илони, биров олиб келиб ташлаганга ўхшайди, — деди Фармон амаки илонни айлантириб кўраркан.

— Эрталаб ишга келсам худ-бехуд бўлиб Қўшшаев ўтирибди. Тахта бўлиб қолган. "Илон, илон" деб хонасини кўрсатарди. Капалагим учиб кетди. Фармон амаки ҳам қай гўрларда юради, қани энди топила қолса. У ёққа югураман, бу ёққа югураман, ҳеч ким йўқ. Илон чиқиб келмасин деб, эшикни беркитиб, стулни тираб қўйдим. Кейин "тез ёрдам"га телефон қилдим.

Иш вақти тутагунга қадар, кун бўйи, ҳар бир хонада, ҳовлида ва редакция атрофида жойлашган магазинларда ҳам Тошбуви опанинг жуссасига мос келмайдиган ингичка овози эшитилиб турди. Воқеа тафсилотини сўраган ва сўрамаган ҳар бир кишига у бўлиб ўтган воқеани бўрттириброк такрорларди.

— Хайриятки, Тошбуви опа кеп қоптила. Бўлмаса, бечора Қўшшаевнинг куни битган экан, — дерди хатлар бўлимнинг ҳисобчиси Дилором машбюро қизларига кечқурун. — Худога бир айтгани бор экан бечоранинг. Илон билан қурбақани кўрса тутқаноғи тутиб қоларкан...

"Тез ёрдам" машинаси Қўшшаевни уйига (у ҳали кўчиб келмаган, шаҳар четидаги қандайдир қариндошиникида яшарди) элтиб ташлабди. Эртага ишга чиқаркан. Тушга яқин шундай хабар келди. Озғин, ходимларга ўнг кафтини чап кафтига тик тушириб, биродар дея мурожаат қиладиган (уни ходимлар ўзига билдирмай "Биродар" деб аташарди) Қўшшаев эртаси куниёқ редактор қабулхонаси қаршисидаги котибиятнинг иккита ходими ва фотомухбир ўтирадиган каталакдек хонага кўчиб ўтди. Ўрикзорда жавлон ураётган олти азамат эса ўша заҳотиёқ Шокиров бошчилигида "илон чиққан" хонани эгаллашди. Бу орада бошқа хонадан Шариф Расога ҳам жой топилди.

Эшикдан киришдаги ўнг бурчак бизники, яъни маданият бўлиминики эди. Тўрда мен, менинг столимга "Т" шаклида тақаб қўйилган столда бўлим ходими, хонадагиларга садоқат билан чой дамлаб, тушликка ўз вақтида сомса ва кабоб буюриб келадиган, оёқ-қўли чаққон, дилкаш йигит Ҳакимжон Ҳамидов ўтирарди. Менинг ўнг тарафимда, дераза тагида доимо сочини ҳўллаб, силлиқ тараб юрадиган, хотин-қизларга ғоят серилтифот зоминлик йигит Абдунаби Шокиров, унинг қаршисида бўлим ходими, ўзини таҳририятнинг энг зўр мухбири деб ҳисоблайдиган, иложини топса сигаретани иккиталаб чекадиган Сафар Ҳусанов жой олганди. Ҳусановнинг ўнг тарафида эса, Норматов таъбири билан айтганда, таҳририятнинг пиво ичиш бўйича махсус мухбири Муродқул Саидов ўтирар, икки гапнинг бирида "энди" дегани учун у ўз-ўзидан "Энди" деган лақаб олганди. Эшик қаршисидаги жойни эса қаердандир каттакон эски столни топиб келган (у кичикроқ столга сизмасди) пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Қулмамат Элназаров эгаллаганди. Унинг "Запорожец" маркали машинаси бўлиб, кабинадаги яккаю ягона ўриндикда ўзи ўтирар, машинага чиққан киши ўтирғичлари олиб ташланган жойга тўшалган кўрпага тиззалаши керак эди. Машинани тўхтатиш керак бўлганда эса у тезлигини пасайтириб, чап оёгини ерга тирарди.

Ғоят интизомли ва зиёли Шокировнинг хатти-ҳаракатини кузатиб, деразага тикилиб ўтирардим. Унинг олдидаги қоғозлар тартибли ва жой-жойида турар, стол

устидagi	ойна тагида
	Alisher Navoiy
	nomidagi
6926	O'zbekiston MK

область ташкилотлари раҳбарларининг рўйхати ва телефонлари, машҳур хонанда Шерали Жўраевнинг ўзи дастхат ёзиб берган сурати қўйилганди. У вилоят ижроия кўмитасининг план бўлимига қўнғироқ қилишга ҳозирлик кўрарди. Ҳар куни эрталаб соат ўнда облплан ходимлари билан қўнғироқлашиб, кечаги дала ишлари маълумотини олиши керак эди. Хонадагиларнинг ҳаммаси Шокировга сездирмай, унинг облплан раисининг ўринбосари Қодиржоновга қўнғироқ қилишини кутишарди. Раис ўринбосари Абдулҳақ Муталовичнинг исми ва отасининг исмини айтишга Шокировнинг ҳеч ҳам тили келишмасди. У стол устида турган қоғозга катта-катта ҳарфлар билан бир неча бор "Абдулҳақ Муталович" деб ёзар ва ичида қайта-қайта такрорларди. Ниҳоят у телефон номерини терди-ю, томоғини қириб қўйди.

— Саломалайкум Абдулмақ Хуталович. Мен Шокировман, редакциядан...

Хонада шифтни кўчиргудек кулги кўтарилди. Шокиров қизариб, каловланиб қолди. Мендан бошқа ҳамма хонадан чиқиб кетди. Шокиров терлаб-пишиб рақамларни ёзар ва қайта сўрарди. Ниҳоят, у телефон дастасини жойига қўйиб, ўзини стул суянчигига ташлади. Чуқур нафас олди. Тахи бузилмаган дастрўмоли билан пешона терини артиб, кўйлагининг юқори тугмасини ечди. Менга қараб, кўрмайсизми, дегандек хижолатдан қизариб жилмайди.

## II

Унинг ортиқча хатти-ҳаракатлари ҳам ёқимли ва хузурбахш эди. Бу ҳаракатлар унинг ақл бовар қилмас гўзаллиги ва нигоҳингта сингиб қоладиган истараси иссиқ сиймосига заррача путур етказмас, аксинча, уни янада сирли ва маҳобатли кўрсатарди. Қани энди ана шу фаришта, ана шу хилқат билан мангу бирга яшасанг! Қани энди инсон умрининг чегараси бўлмаса... дея ўйлардим ҳаяжондан энтикиб.

Ҳар куни уни бир неча бор кўрмасам фикрим бир тўхтамга келиб, кўлим ишга бормаиди. Сафарга уйдан жўнаб кетиш керак бўлса-да, бирор нимани баҳона қилиб, таҳририятга бош суқиб ўтаман. Дардимдан воқиф Норматовнинг чеҳраси ёришиб, менга

ҳаваси келганидан ҳузур қилиб жилмаяди. Бу ҳурлиқонинг олдидан бепарво ўтиб кетиш учун ё жинни ёки аблаҳ бўлиш керак, дейди у менинг жиғимга тегиш учун, паст овозда. Мен унга ўқрайиб қараб қўяману, индамайман. Менинг болаларча қизариб-бўзаришимдан у завқланади.

Унга биргина бўлса-да, тўйиб тикилмасам кун бўйи хаёлим қочиб, ишим юришмасди. Узоқроқ кўрмай қолсам соғинчдан юрагим қафасда қолган қушдек сиқилар, ҳеч кимни кўрмай ва эшитмай қолардим. Газетада сон оралаб бир саҳифалик мақолам чиқарди. Гоҳида газетанинг ярмидан кўп материали бизнинг бўлимдан тушарди. Ҳамкасбларим бу қадар жонимни жабборга бериб ишлашимдан ҳайратда эдилар.

— Бунчалик ўзингни қийнайверма. Барибир орден ёки медаль беришмайди, — дерди Шариф Расо қилтириқ панжаларидаги сигаретани ўйнатиб. — Журналистлардан Меҳнат Қаҳрамони чиқмаган.

— Ўзини кўрсатиб, редакторнинг ишончини қозониб, мансаб пиллапоясидан тезроқ кўтарилмоқчи, шекилли, — дейишарди бошқалари орқаворотдан.

Мен ишламасам, нима биландир машғул бўлмасам туролмасдим. Хуллас, ўзим билан ўзим овора эдим. Бу гапларни ҳам кейин, воқеалардан бир неча йил ўтгач, эшитдим. Саломатнинг ҳар бир қараши, тинглаганда ҳушимни олиб қўядиган сўзлари менга қандайдир сирли келажак ваъда этарди ва ғайратимни жўштирарди. Хаёлан тоғу тошларга чиқиб ҳайқиргим келади: "Эй қоялар, эй она куёш, эй одамлар! Эшитмадим деманглар, мен Саломатни яхши кўраман!" Ёд бўлиб кетган ана шу сўзлар қанотида гўёки учиб юрардим. Кўзимга ҳамма нарса ўзгача кўринар, дунё ҳам яралгандан бери ана шу гўзалликка, покликка ва нурга йўғрилгандек эди. Ҳаммага яхшилик қилгим, ҳеч бўлмаса бир оғиз яхши сўз айтгим келарди.

Севги!.. Саодатбахш азобдур!..

Бу сўзлар усиз кечган дақиқаларимда ҳўп янчаётган отдек хаёлимда гир айланарди. У эса қадди-қомати келишган, қорачадан келган, кўкраклари бўлиқ, ғамгин кўзлари кулганда ёниб кетадиган, тимқора ва қалин қошлари қайрилган, хипча

бел, бүй-басти ҳайкалтарош ясаган маъбудадек мутаносиб ва гўзал қоматининг ҳар бир аъзоси бўртиб турган, ҳаяжонланганда ўзини йўқотиб қўядиган оловдек ҳароратли ва тортинчоқ келинчак эди.

Унинг кўйида савдойи бўлиб қолган эдим. Кўзимга ҳеч нарса кўринмасди. Саломат! Мен шу пайтгача дунёда ана шундай беғубор ва беозор бир фаришта борлигини, у ҳам барча қатори шу тиниқ осмон остида, мана шу она замин узра оҳиста қадам босиб, барча билан баробар баҳор ҳиди анқиётган ҳаводан нафас олаётганини билмай, қандай яшаганлигим ҳақида ўйлардим.

Унинг турмушга чиққанига икки йил бўлган, лекин фарзанди йўқ эди. Ҳар куни эрталаб эри уни машинасида ишхонага олиб келар ва ишдан сўнг олиб кетарди. Бу пайтларда мен хонада ичимни ит тирнаб, ҳозироқ биров бўғиб ўлдирадигандек ўзимни қўярга жой тополмай азоб чекардим. У баъзан эрига қўнғироқ қилиб, кечқурун қизлар билан тикувчига учраб ўтмоқчи эканлигини айтиб, рухсат сўрарди. Ёлғон гапирганидан хижолатини яширолмай юзи ловуллаб қизарганча кўчага югуриб чиқарди. Ҳафтада бир, икки марта мен уни уйи олдидаги эски боққача кузатиб бориш бахтига муяссар бўлардим. Бу ҳузурбахш дақиқалар кўз очиб юмгандек тез ўтиб кетар, унинг қўрқувданми, ҳаяжонданми музлаб қоладиган лаблари нафаслар туташганда чўгдек қизариб, қалбларга ўт улашаётгандек ёниб кетарди. Биз бу дақиқаларда ҳамма нарсани унутардик гўё. Ажралиш дақиқалари келганда қулоқларим остида унинг майин ва ёқимли товуши ўрмаларди.

— У кўрса мени сўйиб қўяди! Кейин сизни кўролмай қоламан! — унинг кўзларидаги ёниқлик бирдан сўнарди.

— Мен бари бир сизни тортиб оламан! Тирик эканмиз, биз бирга бўлишимиз керак! — дейман сочининг бўйидан маст бўлиб.

— Мен сизни бир умр кутиб яшадим! Ўзимни бахшида этишга арзигулик инсонни учратолмай ўтиб кетишдан қўрқиб яшадим! Худога шукр, сизни топдим! Энди менинг бор-йўғим сизсиз!

— Менга қаранг! Кўзларингизга тўйиб-тўйиб қарайин! Сизни кўриб турсам ҳам соғинаман! Мунча яхшисиз?!

– Сизни ҳар куни кўриш учун тонгнинг тезроқ отишини қанчалик кутишимни билсангиз эди! Уйимиздаги ҳамма нарсаларга сизнинг нигоҳингиз ўрнашиб қолгандек, ҳар бир хатти-ҳаракатимни сиз кузатиб тургандек туюлаверади! Ҳеч ким боролмайдиган ёқларга кетайлик! Бўлмаса юрагим тарс ёрилиб, ўлиб қоламан!

– Хўп асалим! Биз албатта кетамиз! Мен учун бор дунё ва ҳақиқат сизсиз! Биз аслида битта одаммиз! Шу пайтгача бир-биримизни қидирдик! Ниҳоят топишдик! Шунинг ўзи қанчалик катта бахт эканлигини тасаввур этасизми? Ахир, биз бир умр учрашмаслигимиз, бир-биримизни тополмаслигимиз ҳам мумкин эди-ку! Мен сизни топишимига, мана шундай кўзларингизга боқиб, қувонч ва ҳайратдан кўз ёши тўкишимга ишонардим! Эшитяпсизми? Ишонардим! Дунёда истаганини тополмай, ўлганининг кунидан оила ва бола-чақа қилиб юрганлар қанчалик кўплигини кўриб турганда сиз менинг фариштамсиз! Сизнинг борлигингизнинг ўзи менга нақадар чексиз саодат бахш этишини билмайсиз, шириним! Сиз бор экансиз, мен яшайман! Рақибларга ва мени жини суймайдиган қалби қораларга қасдма-қасд яшайман ва курашаман!

– Гапирманг! Ҳозироқ юрагим ёрилиб ўлиб қоламан! Кўзларингизга тўйиб-тўйиб қараб олай! Қиёфангизни кўз олдимдан кетиб қолса анчагача тополмайман! Яшириб қўйган жойимга бориб суратингизга қараб келаман. Суратингизни ўпаман! Сиз эркак одамсиз! Кучлисиз! Мени қаёққа бўлса ҳам тезроқ олиб кетинг! Бўлмаса, бўлмаса билмайман нима бўлади!

Гоҳида ҳафта ёки ундан кўпроққа чўзилган айрилиқ дамларидан сўнг, у мени кўрганда қувончдан йиглаб юборар ва тили қалимага келмай қоларди. Мен ҳам ҳайратдан қотганча термилиб тураверардим. Энди биз борган сари туйғуларимизни яширолмас, қанчалик бир-биримизга интилсак, кўришганда ўзимизни йўқотиб қўйишдан шунчалик чўчирдик. Илжи борица ўзгалар олдида дуч келмасликка уринардик. Мен у ишлайдиган хатлар бўлимнинг эшигига яқинлашим билан оёқ-қўлим бўшашиб, қилаётган ишим эсимдан чиқиб кетарди. Бўлимларга келган хатларни тарқатиш учун у бизнинг хонага ҳар куни киришга мажбур эди. Остонадан ҳатлашиб билан

## Нурали ҚОБУЛ

юзи ловуллаб қизарар, ҳаяжондан титраб, гапини йўқотиб кўярди. Бу — сўз билан тасвирлаб бўлмас қудратли титроқ менинг ҳам вужудимга ўтар ва ниманидир баҳона қилиб, чиқиб кетардим. Дунёда аёл кишининг сенга бўлган муҳаббатини туйишдан катта бахт йўқ экан! Дунёнинг барча қувонч ва ташвишлари сенга ўзини бахшида этган аёл севгиси олдида ўтаверсин!..

Бизнинг севги можаромиздан аллақачон хабар топган, бироқ мен билан қай оҳангда гаплашишни ўйлаб юрган муҳарриримиз ниҳоят ҳузурига чорлаб, хонаси эшигини ичдан беркитди.

— Хай Нурзоджон! Ҳорманг энди, ишлар қалай? — деди одатича калитларни ўйнаб, мени оғир суҳбатга тайёрламоқчи бўлгандай. — Чақирмасам кирмайсиз?

— Раҳмат. Ишлар тузук, — дедиму шолғомдай қизариб кетдим ва негадир бу одамни яхши кўрганлигим учун шу дақиқада меҳрим товланиб, кўзим жиққа ёшга тўлди.

Жобиров ўрнидан туриб, хона бўйлаб юра бошлади. Сўнгра, яна курсисига оғир чўкди-да, столнинг тортмасини узоқ қитирлатиб, бир дона сигарета топди.

— Нега чақирганимни пайқагандирсиз? — деди юзимга қарамай столга термилганча.

— Ҳа, — дедим чуқур нафас олиб.

— У ёғи нима бўлади?

— Билмадим.

— Билмасангиз чатоқ-ку. Бу масалада енгил ўйлаб бўлмайди. Оқибати ёмон тугаши мумкин. Бунинг устига эри савдода ишлар экан. Айтишларича, ҳеч нимадан қайтмайдиган бола эмиш. Ёшлик ҳаваси деса, сиз ҳам ёш эмассиз. Гапнинг очиги, сизнинг ҳаётингиздан, келажагингиздан ташвишдаман.

— Яхши кўраман. Адҳам ака! Нима қилаётганимни гоҳида ўзим ҳам билмай қоламан!

— Бу туйғулар ўтиб кетади. Ҳа, ўтиб кетар. Кейин ўзингиз ҳам уялиб юрасиз, — деди Жобиров менга ҳавас билан тикилиб.

— Мен бола эмасман-ку! Бу шунчаки ўтиб кетадиган ҳис эмас!

— Ана энди ўзингизга келдингиз. Бола эмассиз. Шунинг учун ҳам жиддий ўйлаб кўришингиз керак. Келажагингиз олдинда.

Сиз тенги йигитлар ҳали ўқиб юришибди. Сиз эса колхозда, мактабда, туман газетасида ишладингиз. Мана энди вилоят газетасида бўлим мудирисиз. Сиртдан ўқиб, дипломни ҳам олдингиз. Ўсадиган йигитсиз. Олий маълумотли, ҳар қандай гўзал қиз сиздек йигитга жон-жон деб тегади. Ёки бўлмаса ўз қишлоғингиздан ўнинчини битирган, онаси ўпмаган қизга уйланинг. У бировнинг хотини бўлса... Можаро билан бошланган ҳаётнинг охири бахайр бўлишига ҳеч ким кафиллик беролмайди. Эл қатори, қонун-қондаси билан, замонавий расм-русмга кўра чиройли тўй қилиб уйланингиз маъқул эмасми? Нима қиласиз бошингизга ғавғони сотиб олиб? Ижодкор одамга тинчлик, осойишталик ва яхши оилавий иқлим керак.

Мен сукут сақлаб, анчагача нима деб жавоб қайтаришимни билмадим. Муҳаррир эса калитларини ўйнаб, сигаретасини тутатганча, оғзимга қараб турарди.

— Билмадим, ака! — каловландим тилим айланмай. — Бошқа биров билан яшашни ақлимга сиғдиролмайман! Нима керак севмаган аёлга уйланиб, бировни бахтсиз қилиш! У ҳам бунга чидай олмайди!

— Чидайди. Чидамай қаерга боради. Аёл кишининг дод-войи мушукнинг миёвлаганидек гап. Эртасигаёқ эсидан чиқиб кетади. Мана биз ҳам севишиб турмуш қурмаганмиз. Балодек яшаб юрибмиз. Олтита боламиз бор. Бировдан кам жойимиз йўқ...

— Билмадим. Мен ихлос қўйган одамларни чин юракдан яхши кўрмасам, нафратланадиган одамлардан ҳазар қилмасам, яшай олмайдигандекман. Ундан ажралсам нима бўлишимни билмайман.

— Нима деганингиз бу. Ўзингизни бирор кори-ҳол қилмоқчимисиз ёки?..

— Билмадим. Усиз ҳаётим издан чиқиб кетадигандек.

— Да-а! Ёзганларингиздан ҳам сезилиб турибди! Фақат севган одамгина шундай ёзиши мумкин! Оддий мақолангиз ҳам новеллага ўхшайди! Ростини айтсам, сизга ҳавасим келади! Бундай ёниқ муҳаббат мингдан бир одамга насиб қилади! Ва инсон шахсиятини юксалтиради. Фақат истеъдодли кишиларгина сева оладилар. Лекин кимдир айтган шекилли, муҳаббат ҳеч кимга фойда ҳам, зиён ҳам келтирмайди деб.

– Йўқ! Ҳақиқий муҳаббат одамга шундай қанот бахш этадики...

– Мен эса сизнинг ҳаётингиздан хавотирдаман, – деди совуққина қилиб Жобиров, бир тутам калитини ўйнаркан.

– Пешонада борини кўраман!

– Пешонанинг ёзиғи ҳам одамнинг ўз қўлида.

– Мен ҳамма нарсани пухта ўйлаб, ҳисоб-китоб билан иш олиб боролмайман. Билмайман, бунинг учун қандай одам бўлиш керак. Кимни севиб, кимга уйланишни киши режалаштира олмас экан.

– Да-а! Сизнинг кўзингизга ҳозир фақат бир нарса кўринади. Мен эса бутун бошли бир жамоа ва газета учун жавоб беришим керак. Эртага ўша жувон ўзига ўт қўйиб юборса, тарбия ишлари жойида эмас, деб менга партиявий жазо беришади. Сиз эса бу газета бўлмаса, бошқасида ишлаб кетаверасиз, оғайни.

– Истасангиз, ҳозироқ ишдан кетишим мумкин.

– Кетишга шошилманг. Менинг сизга муносабатим ёмон бўлганда бундай гаплашмасдим, Нурзоджон. Сизнинг гапларингиз ҳақ. Севгини қолипга солиб бўлмайди, уни режа асосида амалга ошириб ҳам бўлмайди. Бироқ бунда фақат ҳис-туйғуга эмас, ақлга ҳам таяниб иш қилиш керак. У қадар ўлдим-қуйдим бўлмай боши қўшилганлар ҳам бир-бирини жуда ёмон кўришмаса керак. Кўпинча, катта машмашалар ҳам ўшандай севишганлардан чиқади. Сабаб улар ҳаётга, эр-хотиннинг ўзаро муносабатларига жуда катта, биз газетачилар тили билан айтганда, умуминсоний талаблар қўйишади ва худди ана шу талабларга ўзлари жавоб беришолмаганидан ўртада олов чиқади. Севги бу аслида табиийлик дегани. Нотабиийлик аралашган жойда муҳаббат бўлмайди. У шунчаки ахлоқ ва одоб доирасидаги андишага айланиб қолади. Бунда кишилар бир-бирларининг олдида муттаҳамга айланиб қолмаслик учунгина инсонлик, эр-хотинлик бурчларини адо этадилар. Бизда кўпчилик оилалар худди шу асосга қурилган. Жумладан бизнинг ҳаёт ҳам. Бир кам дунё деганлари шу экан ўзи. Ёшликда кўп нарсаларни ҳисобга олиш учун имкон ва ақл етишмас экан. Бўлар-бўлмас нарсага учиб, бир умр азоб чекиб яшаш мумкин. Сизни тартибга чақирмоқчи бўлдим-у, ўзимнинг қиёфам очилиб қолди. Севги билан қобилият ёнма-ён юради. Бугун

## Унутилган соҳиллар

зиқновга олиб ўтирибман-у, балки бир кун келиб сиз билан ош-қатиқ бўлганимни фахрланиб гапириб юрарман. Гапнинг индаллосини айтганда, эҳтиёт бўлинг, Нурзоджон. Сақла сомонни, келар замонни, деган гап бор. Энг муҳими ўзингизни ёмонотлиқ бўлишдан асранг. Шу қадар ноинсофлар борки, мингта яхши хислатингиз ёки ишингизни кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олишади. Сизни иғво ботқоғига белаб, бир умр қоралаб ўтишлари учун эса биттагина хато ёки эҳтиётсиз ҳаракатингиз етиб ортади. Уларга сизнинг бахтингиз чопиб, омадингиз юришгани эмас (бундай нуқсон ҳар бир кишида бўлади), ўзгалар бахтсизлигидан лаззатланидиган бу тоифа одамларга кўпроқ оёғингизнинг қоқилиши хуш ёқади. Ҳаёт бир марта берилади. Ҳиссиётнинг жиловини қўлга олинг. Севги дарахти ҳис-туйғудан гулласа ҳам, унинг илдизи ақлдан қувват олади. Акс ҳолда у узоқ яшаб, яшнамайди. Мен сизни яхши кўраман. Орамиздаги гап шу ерда қолади. Унга ҳам тушунтиринг. Ўзини босиб олсин. Авзойингиздан ҳеч нимадан тап тортмайдиганга ўхшайсиз. Лекин бунақа кўр-кўрона фидойилик керак эмас. Бу яхшиликка олиб бормади. Арзимаган бир хатти-ҳаракат умр бўйи қилган тоатибодатингизни бир пул қилиши ҳеч гап эмас. Икковларинг бир жойда ишлайсизлар. Сизларнинг ортингизда бутун бошли жамоа турибди. Ўйлайманки, бизнинг юзимизни ерга қаратадиган воқеа юз бермайди? Менинг гапларимга эътирозингиз борми?

— Йўқ, раҳмат.

— Бўлмаса ишингизга бораверинг. Илтимос, Нурзоджон, агар хизмат бўлмаса менга бир дона сигарета топиб келиб берсангиз? Ҳазил-ҳазил билан туппа-тузук кашандага айланаман, шекилли, — деди Жобиров мен эшик томон йўналганда.

Уйга боришга юрагим безиллайди. Отам билан онам сендан кичиклар икки болали бўлди, қачон уйланасан дея зиқновга олишади. Уларга нима деб жавоб беришни билмайман. Шу мавзуда гап айланса беихтиёр гашим келиб, кўзим ёшланаверади, дардимни айтолмайман. Уларни бир амаллаб тинчитаман-да, ўз аҳволимга, ота-онамга ҳақиқатни айта олмаслигимдан изтироб чекаман. Уларни ҳам, ўзимни ҳам қийнамаслик учун таҳририятнинг уйсиз ва бўйдоқ ходимлари

## *Нурали ҚОБУЛ*

---

яшайдиган педагогика техникумининг ётоқхонасида тунаб қоламан. Ҳайҳотдек хонада саккиз киши ётамиз. Лекин ҳаёт мароқли. "Яшаш қандай фойдали, яхши яшаш эса ундан ҳам" деб қўяди сигаретасини бурқситиб Ҳусанов. Бу ерга ярим кечада, фақат тунаш учун келамиз. Кунимиз таҳририятда ўтади. Гўзал ва малоҳатли Саломатга, дўстларимга ва ишга бўлган меҳр-муҳаббат мени яшашга ва курашишга ундайди. Ўзлингни намоен этмоқ учун интилмоқ, курашмоқ, қотиб қолган одамларга қарши ўт очмоқ керак, дея ўйлайман. Юрагимдаги севги ҳислари тўлиб-тошар, уззу-кун сармаст юрардим. Беихтиёр қўй боқиб юрган пайтларда ёзган сатрларимни тақрорлайман:

*Мен ёриб чиқарман,  
Ёриб чиқарман!..*

...Мен ўзимда йўқман! Таҳририятга суратим кириб чиқади! Унинг ишга келмай қўйганига бир неча ой бўлди. Наҳотки Чехов бу борада абадул-абад ҳақ бўлиб қолса... Олижаноб, гўзал бир муҳаббат туғилишга туғилади-ю, лекин ҳеч ёққа йўналтирилмайди, англолмайди ва қабиҳлик орқасида бир ожизлик сифатида ҳалок бўлади... Нечун шундай?

Саломатни кузатган йўлларда тентирайман. Ишим ҳам юришмай қолди. Кечалари унинг уйи атрофида ўралашиб, деразаларига кўз тикаман. Дераза тоқчасига қўйилган тувакдаги гуллар бир неча бор гуллади. Том бўғотига уя қурган чумчуқлар бот-бот палапонларини учирма қилишарди. Тарновга лахмайтириб омонатгина уя қурган бир жуфт уқувсиз мусича бир тухумини синдириб, бирини зўрға очарди. Кўчада бирорта одамнинг қораси кўрингунча, она мусичанинг палапонига жиёилдонидан дон чиқариб беришини кузатиб тураман. Назаримда у ҳам худди шу дақиқада боласини эмизаётгандек туюлаверади. Вужудимни сўз билан ифодалаб бўлмас бир туйғу қоплаб, карахт бўлиб қоламан. Дарвоза ва эшикларни бузиб, отилганча унинг олдига кириб боргим, ўз ожизлигим ва қатъиятсизлигим учун узр сўраб, тиз чўкиб йиғлагим келади.

Мен вақт ва умр ўтаётганлигини, юрагимга жо бўлган бу буюк саодатсиз яшай олмаслигимни тобора аниқроқ ҳис этардим. Борган сари ўзимнинг интиҳоси ноаниқ, туманлар

ортида, қуёш чиққандагина бир ярқираб кўринадиган қорли чўққилардек олис муҳаббатимдан, ҳижрон ва азобдан лаззатлана бошладим. Бу азоб менга ҳузур-ҳаловат бахш этар ва мен парвонадек ўзимни шамга урмасдан яшай олмаслигимни англай бошлагандим. Ҳаприқаётган, бўғзимга тиқилгудек тез ураётган юрагимдан садо келарди:

*Мен қурбони бўлгайман  
Бир буюк муҳаббатнинг...*

### III

— Нурзод, сизни редактор сўраяптилар, — деди полни гурсиллатиб хонага кириб келган бир кўйлак Тошбуви опа.

Муҳаррир хонасида вилоят филармониясида ишловчи эллик ёшлар атрофидаги башанг кийинган, юзида маишат нуқси акс этиб турган, чўмичбурун, сарғишдан келган кўккўз киши ўтирарди. Унинг аёли вилоятда таниқли кўшиқчи эди. У хотини ёнида доира чалиб, ашула айтиб юрар, тилла тишини ярқиратганча сийқаси чиққан жумлаларни такрорлаб, тўйларга раислик ҳам қиларди. Муҳаррир бизни таништирган бўлди. Меҳмон малол келгандек, зўрга ўрнидан қўзғалиб қўл узатди. Оғзини тўлдириб турган тилла тишлари биринчи учрашувдаёқ ҳар қандай кишида совуқ таассурот қолдирарди.

— Оилавий аҳволим фожиавий бир ҳолатда, ёрдам беринглар, деб келибдилар. Мана хатлари, — деди муҳаррир менга қараб. — Аслида бу иш суд органларининг функциясига киради. Билмадим, сиз нима учун бизга мурожаат этяпсиз? — меҳмонга қаради бошлиқ. — Қолаверса, жамоат ташкилотлари бор.

— Мен газета ва журналларни жамиятимиздаги энг гуманистик ва ҳалол органлар деб биламан. Ўйлайманки, ҳар қандай жабрдийда одам бошига мушкул иш тушганда истаган юқори ташкилотга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, — деди меҳмон дона-дона қилиб, китобий тилда.

У гапирганда, беихтиёр, ияги ва елкалари кўтарилиб тушарди. Гапнинг маромига қараб, тумшуғини гоҳ ўнг, гоҳ чап томонга бурарди. У билан гаплашган одам иложи борича суҳбатдошининг юзига эмас, ерга ёки атрофдаги бирор нарсага қарашга ҳаракат қиларди.

— Бўпти, керакли ташкилотлар билан мана бу укамиз гаплашадилар, — деди муҳаррир менга қараб, гапни қисқа қилиш учун хатни олдимга суриб қўяркан. — Сизларга рухсат.

Муҳаррир хонасидан чиқдик. Меҳмон истар-истамас орқамдан эргашди. Кечаси навбатчилик қилгани учун тушдан кейин ишга келадиган Қўшшаевнинг хонасига кирдик. Босмаҳона иши ҳали изга тушмагани боис газета ҳар куни кечикиб чиқарди.

— Кўзимга жуда иссиқ кўриняпсиз-да, вей, ука. Қаердансиз? — деди меҳмон хонага киришимиз биланоқ шимини чимдиб кўтариброқ қўйиб, ўзини диванга ташларкан. — Бир эмас, бир неча бор отамлашганмиз, — виқор билан сўзларди у ёғланиб, ўртасидан фарқ очилган сочини тараб. Сўнгра кўйлагининг ёқасини чертиб, дастрўмолини бўйнига қўйди.

— Ўсмаданман. Сизни биламан. Тўй-маъракаларда кўз-кўзга тушади-ку, — дедим унинг хатини ўқишга киришиб.

— Вей, Холиқ Худойбердиевичнинг қишлоғиданман денг, — деди у вилоят раҳбарларидан бирининг номини тилга олиб. — Ўтган куни Раҳмон Ҳусановичнинг тўйида бирга эдик. Мен ҳам шундоққина қўшни қишлоқданман. Йўқ, биз сиз билан жуда яқин таниш бўлишимиз керак. Роса отамлашганмиз. Лекин қаердалигини эслолмаяпман.

— Бўлса бордир. Мен ҳам эслолмаяпман, — дедим хатдан бош кўтармай.

Жабрдийда одам (у хатда ўзини шундай деб атагани) томонидан саводсизларча ёзилган хатни сабот билан ўқиб чиқдим. Хатнинг қисқача мазмуни шундай эди. *"Мен, меҳрибон ота, садоқатли эр ва таниқли санъаткор Шокир Шарипов 19...йили ҳозирги умр йўлдошим бўлмиш Раҳима Шариповага уйландим. Биз севишиб турмуш қурдик. Худога шукр, беш фарзандимиз бор. Бугунги кунга келиб, беш норасида гўдакнинг онаси бўлмиш турмуш ўртоғим Р.Шарипова мени хору зор қилиб ташлаб, ўзидан йигирма беш ёш кичик Н.Қодиров деган бухоролик беандиша бир отарчи билан яшамоқда. Мен ошламсиз бир кун ҳам яшай олмайман. Мени ошламни тиклаб, фарзандларим бағрига қайтишимга ёрдам беришингизни, акс ҳолда бу бевафони газетада фельетон қилишингизни сўрайман. Бу савобли ишларингиз учун олдиндан миннатдорчилик билдираман ва ўла-ўлгунча хизматларингизда бўламан."*

Гапни нимадан бошлашни билмай, беихтиёр, яна хатга кўз югуртириб чиқдим.

— Жуда қизиқ-ку, — дедим унинг ҳадик акс этиб турган кўзларига тикилиб. — Шунча йил редакцияларда ишлаб, бунақа шикоят хатига дуч келмаганман. Одатда аёллар бирдан-ярим шу мазмунда эрларидан нолиб мурожаат қилишади. Бироқ... Эркаклар...

— Нимаси қизиқ, ука, — гапимни илиб кетди меҳмон қиёфасига азоб чеккан ифода бериб. — Бу ҳаётини масала. Ҳар кимнинг ҳам бошига тушиши мумкин. Беш боламни эсласам юрагим қон бўлиб кетади. Бунинг устига, қанчалик қалбимга озор бермасин, хотинимни яхши кўраман. Айниқса, кейинги ярим йиллик айрилиқдан сўнг, усиз яшай олмаслигимни астойдил ҳис этдим...

Унинг кўзларида ёш қалқди. Бўйнидаги дастрўмолини олиб, кўз ёшини артган бўлди. Ёш боладек бурнини тортиб қўйиб, ерга тикилганича "аттанг, мендек одам" дегандек бошини сарак-сарак қилди.

— Яхши кўраман, дейсизми?

— Ҳа, яхши кўраман. Лайли-Мажнун бўлиб, бошимиз кўшилган.

— Илгари севгансиз. Ҳозир эса у биров билан яшаяпти. Хўп, оилангиз тикланди ҳам дейлик, лекин шунча гап-сўздан кейин яна яшаб кета оласизми?

— Муҳаббатнинг кўзи кўр дейдилар, укажон, вей. Бошингизга ишқ можароси тушмаган, шекилли. Ит теккан билан ариқдаги сув ҳаром бўлиб қолмайди-ку. Вей, укажон, бунинг устига бешта фарзанд бор. Уларнинг келажаги нима бўлади?

— Тўғри, болаларга жабр...

— Балли сизга. Бунияма ҳамма тушунавермайди.

— Ўзингиз биласиз-у, лекин юрак дарз кетгандан кейин бундан буёнги ҳаёт...

У бир қалқиб тушди. Юзларидаги умид ўрнини хавотирлик эгаллади.

— У ёшгина эрчалари билан айш-ишрат қилаётган данғиллама уйни мен қурганман. Аравани от тортаверсин-у,

кўланкасида ит ётаверсин экан-да, а? Яп-янги "ГАЗ-24"ни бир кечада тинчитди. Уйдаги қўлга илинадиган нарсаларни, қимматбаҳо гиламлару зеб-зийнатларни ўйинчисиникига ташиб бўлди. Нима, мен оғзимни очиб қолавераманми? Вей, ука, ўғри бўл, ғар бўл, эви билан бўл, деган гап бор...

– Эҳ-ҳа-а, гап бу ёқда денг? Бу масалани маҳалла кўмитаси билан маслаҳатлашиб, суд органлари орқали ҳал қилсангиз маъқул эмасми? Бунга редакцияни аралаштириб, чор тарафга довруқ солишнинг нима кераги бор?

– Вей, ука, – деди у пешона терини шоша-пиша артиб, дамсар ураркан. – Райсудга ҳам бордим, вилоятга ҳам бордим, ундан каттасига ҳам бордим. Папка қўлтиқлаган одам борки, у манжалақини танийди. Мен билан совуқ гаплашганига қараганда, редакторингиз ҳам у билан салом-аликка ўхшайди. Одамларимизни биласиз, иштонсиз юрса ҳам, сендан мен камми деб, отарчини бўкиртириб, бир довруқли тўй қилмаса уйқуси келмайди. Бу атрофда у кириб чиқмаган тешик қолмаган...

– Шу пайтгача қандай яшагансиз? – унинг гапини бўлдим.

– Уни аҳён-аҳёнда жиловини тортиб турадиган Мурод Маллаевич ҳам горкомнинг биринчилигидан бўшаб қолди. У киши бизга узоқроқ қариндош бўладилар. Жуда ҳалдидан ошиб кетаверганда, шу кишининг олдига йиғлаб-сиқтаб борадим. Чақиртириб, ОБХССу прокуратурага ҳозироқ кўрсатма бераман, керакли жойга тиқиб қўйишади, деб дўқ-пўписа қилардилар. Шу билан бир-икки йил попуги пасайиб юарди. У кишини ҳам худо кўп кўрди. Ўзимни қайга уришимни билмай, катта бошимни кичик қилиб, сизларнинг олдиларингизга келдим, ука, вей...

– Биласизми, Шокир ака, бу ўта шахсий оилавий масалада. Эр-хотин ўзларингиз, ҳеч кимнинг аралашувисиз, ҳал қилсаларингиз бўлмайдими? Нима қиласиз ўзингизни ҳам, бошқаларни ҳам овора қилиб?

– Вей, укам-ей. Келиб-келиб дардимни сизга айтаманми? У беоқибат менинг сўзимга қулоқ солармиди. Худди мендан аллергия бўлгандек, кўрди дегунча орқаси тутади. Эр-хотиннинг орасида ҳар қандай гап-сўз бўлади, тўғрими? Биз

## *Унутилган соҳиллар*

ҳам фаришта эмасмиз. Биздан ҳам ўтган. Битта-яримтаси билан юрганмиз. Билиб-билмай хотинга қўл кўтарганмиз. Эрчиликда...

– Бундан чиқди хотинингизга қўл кўтариб, яна устидан арз қилиб юрибсизми?

– Йигитчилик-да, ука, вей. Ким хотинини урмаган дейсиз? Хотинни урмасангиз ҳам туртиб туринг, оғайни, йўқса эрим ўлган, дер экан. Ҳеч бўлмаса ётган жойини тепиб-тепиб қўйинг. Яхши кўргандан кейин киши рашк қилади, бошқа бўлади. Икки ёрнинг уришгани – ўйнашгани дейдилар. Бўлган, ҳаммаси, Одамларга ўхшаб ўзимизни сутдек оппоқ қилиб кўрсатмоқчи эмасмиз. Кўзингиздан билиниб турибди. Жуда гўзал қалбли, инсонпарвар ва камбағалпарвар йигит кўринасиз. Таги тоза йигитга ўхшайсиз. Туси бордан туйрилма, деган гап ҳам бор. Фақат мени тўғри тушунишингизни илтимос қиламан. Мен бошидан гапирай, сиз эшитинг. Ҳозирги кунда сенга ёрдам берадиган киши нари турсин, дардингни тинглайдиган одам боласи ҳам топилмай қолди. Вей, бу юрак қон бўлиб кетди-ку, укажон! Эр-хотинликни қўя туринг, мен уни боламдек тарбиялаб, қўлига соз тутқазгандим. Одам қилганман, жондан азиз шогирдим. Ҳатто исмиям Улқизми – пулқизми деган одамнинг тили келмайдиган қишлоқча эди. Ўзим Раҳимахон деб ўзгартириб, паспорт ёздириб берганман. Уни олиб қочиб... келиб уйланганимда ўн беш ёшда эди. Ҳақиқий севганимдан уни олиб қочганман, – гапини тўғрилаб кетди у.

– Бир йил яшаганимиздан кейин ёшини беш йилга каттартириб, никоҳдан ўтганмиз. Никоҳ мудираси: "Келин сиздан катта экан-ку" деганда, "муҳаббатнинг кўзи кўр бўлади опажон" дея жавоб берганман. Ҳатто у ёғини сўрасангиз, туппа-тузук хотинимни, бир боламини ташлаб, шу жодугарга уйланганман. Унда фақат эркакшода овоз бор эди. Кўр эчкидек маърайверган билан санъат бўлмади-ку, ука. Бунини мёндан яхши биласиз. Овозини қолипга туширдим, соз чалишни, қўшиқ танлашни ўргатдим. Менинг орқамдан у ойимча кунига олти марта қўйлак алмаштирадиган, бриллиант сирга-ю, феруза кўзли узук тақадиган бойвуччага айланди. Мен бечора бора-бора у таннозхоннинг шофёрига, танқўриқчисига, қоровулига айландим. Энди эса шофёрликка ҳам ярамас

## Нурали ҚОБУЛ

эмишман, вей. Қаранг, бу бедодликни? Мени итмисан, одаммисан демайди. Кишини хўрлаш, инсоний ҳуқуқларни топташ ҳам шунчалик бўладими? Ҳозир ҳатто укамнинг машинасига бензин олишга ҳам кучим етмайди. Бор-будимни тортиб олиб, кўчага ҳайдаб чиқарди. Ўзингизни менинг ўрнимга қўйиб кўринг!..

Яна унинг кўзи ёшланди... Ўзича ичидан тўлиб-тошиб келаётган йиғини босган киши бўлиб, ерга тикилди. Қулоғим остида у икки гапнинг бирида такрорлайдиган, асабимга тегаётган "вей" сўзи жаранглар, юзидаги сохта ва чучмал ифодадан гашим келарди. Лекин сабр-тоқат билан уни тинглаш керак эди.

— Бунча паст кетманг. Унчалик ғариб одамга ўхшамайсиз, — дедим суҳбатдошимнинг актёрлигидан энсам қотиб. — Бўладиган гапни айтинг. Биздан, редакциядан нима истайсиз? — сўрадим меҳмоннинг бир қарашдаёқ кишини ҳафсаласини пир қиладиган япасқи, узлуксиз маишатнинг нуқси ўтириб қолган қип-қизил юзига тик қараб.

— Вей, бор экансиз-ку, ука, — ҳаяжонланиб кетди у. — Менга ҳам шуниси керак. Айрон тилаб келсанг челагингни яширма, деганлар. Мен бутун қилмишимни олдингизга дастурхон қилиб ёздим. Гапларимни эшитиб, тили саккиз қарич бу одам дўсту душманнинг фарқига бормайдиган аҳмоқ экан, деб ўйламанг! Одамлар артистлар ҳақида не-не гапларни тўқиб чиқаришмайди дейсиз. Бундан бир неча йил бурун бировлар машҳур бир артистни, отини айтмасам ҳам танийсиз, ўшани аёлларнинг кўкрагига шампан виносини укол қилдириб, эмар экан деб оғизларини тўлдириб гапириб юришди, тўғрими? Ахир, шампанскоени одам танасига укол қилиб бўладими? Ўлиб қолади-ку! Энди, тўғриси айтсам биз ҳақимизда ҳам шунга ўхшаган олди-қочди гаплар юради. Бу фалокат аёлга ёндашдим-у, одамларнинг оғзига эрмак бўлдим-қолдим. Одамларга ҳам ҳайронман. Бутун тирикчилигини йиғиштириб қўйиб, бировларни гийбат қилишади. Ундан кўра кўчада безорилик қилиб юрган ўғлингни, бузуқлик йўлига кириб кетган суюқ оёқ қизингни йиғиштириб ол. Ўн иккинчи калишдек шу оғизга ҳам ашулами дегандек, ким қўйибди сенга бировларга ақл бўлишни. Ўқимай

мулла, чўқимай қарға бўлганлар шу қадар кўпки, қўлидан тариқча иш келмасаям, оғзи карракдек ёпилмайди. Минг гапирган ўлади дегани ҳам бўлмаган гап экан. Ҳозир одамлар гапирмаса ўлиб қолади. Фирт аҳмоқ ҳам ёқангдан тутиб олиб, сенга эртадан-кечгача нақл ўқиши мумкин. Биз ҳам юрт кезиб, эл кўрган, одам таниган йигитларданмиз. Икки оёғимизни бошқаришга бир бошимиз етади. Керак бўлса биз ҳам жуда кўпларга ҳаётда йўл кўрсатганмиз, ёрдам берганмиз. Анча-мунча одамга яхшилик қилиб, бошини силаган бўлсак ҳам, фақир эчки панада деб елкамизни қисиб юрибмиз. Ҳеч кимнинг олдини кесиб ўтганимиз йўқ. Худога шукур, ҳозир ҳам ўлар ҳолатда эмасмиз. Кўй кўрмасак-да, қий кўрганмиз.

Меҳмон йўлакдаги қадам зарбидан очилиб кетган эшикни беркитиб қўйиб, гапни қолган жойидан давом эттирди. Мен унинг оғзига тикилиб ўтирдим.

— Ҳали сиздек битта-иккита жондек укаларнинг кўнглини олишга қурбимиз етади. Худога шукур, ака-укаларнинг номига ўтказиб қўйган, уй ҳам, машина ҳам бор. Бобой ҳам бақувватлар. Шариф носвойчи деб эшитган чиқарсиз. Дўконлари эски шаҳар бозорида. Чол ҳали-бери тоб ташламасди. Кенжамиз аварияда нобуд бўлгандан сўнг, синиб қолди бояқиш. Бир ука Тошкентга чиқаверишдаги автосервиснинг бошлиғи. Мобода битта-яримта илтимослар бўлса, бажонидил. Ўша фалокат бошимизга тушган пайтдаги азобларни айтишга тил ожизлик қилади. Лекин сизга айтишим керак. Шунда сиз мен кечирган азоб-уқубатларни тўлароқ ҳис этасиз. Бунинг устига ёзиб-чизувчи, журналист одамсиз. Ҳақиқатни билишингиз керак. Форишга кетгандик. Эндигина давра одамга тўлиб, тўй бошланай деб турганди. Раҳимахон "Сайёдхон ва Ҳамро"дан битта қўшиқ айтиб бўлиб, "Ушшоқ"ни бошлаган эди. Раққосаларимиз дадилроқ бўлиш учун элик-элик қилиб ўтиришганди. Ўпкасини қўлтиқлаб бир амаким етиб борса бўладими? Тили оғзига сиғмайди. Афт-башарасидан бирор фалокат юз берганлигини сезиб, дарҳол четроққа тортдим. Фарҳод "Икарус"нинг остига кириб кетибди, дейди ҳансираб. Овозингни чиқарма, бировни тўйини азага айлантирмайлик, дедим уни тергаб. Тўғри-да, шунча йил йиғиниб-териниб маърака қилган бир бечорани ноумид қилиб бўладими?

Дардимни ичимга ютиб, ярим кечагача астойдил хизмат қилдик. Тўй эгасининг боши осмонга етди. Шу тўйда "Қизилқум"нинг директори Донабой Умаров ипга тизилган элликта элликталикни Раҳимахоннинг бўйнилариغا маржондек осиб қўйганди. Ана йигитнинг марди. Бу дунёда инсон қўлидан келса бировга яхшилик қилиши керак. Биздан қоладигани ҳам шу. Ўзимнинг ғам-ташвишим деб, ўзганинг қувончини яримта қилиш эр кишининг иши эмас. Яхши ҳам ўлади, ёмон ҳам. Сиз ёзувчибашара одамсиз. Менинг ўша пайтдаги ҳолатимни тасаввур этоласиз. Бу қадар қайғуни ичга ютиб, қўшиқ айта олиш учун инсонга қанчалик ирода ва сабот кераклигини тасвирлаб бўлмайди. Бир умр мана шу ҳаёт. Одамлар учун, ўзгалар бахти, ўзгалар қувончи учун яшаймиз. Яхши инсонлар йўлида жон фидо қилсанг, ҳузур-ҳаловат топасан. Менинг ҳаётим шундай. Лекин мен сизга айтмоқчи бўлганим бошқа нарса. Фақат сиз мени тўғри тушунинг. Ҳаммасига ҳаёт мажбур қилган. Шусиз ишимиз битмаган. Ҳаёт биз газета ва китобларда ўқигандан юз баттар бошқача ва қийин. Табиб-табиб эмас, бошидан ўтган табиб, деганларидек, буни бошидан кечирган биледи. Ўша тўйдан соат тўртларда қайтиб келиб, Раҳимахонни уйга ташладим-у, бобойни машинага миндириб, фалокат юз берган жойга қараб жўнадик. Ана энди бобойнинг таънасини кўринг. Тўйни ташлаб келсанг, ўлармидинг, оқпадар? Ахир, қачонгача пул сенга оталик, жигарлик қилади, дейди. Қани энди носнинг ҳидидан мияси айниган бу чолга бир гапни тушунтириб бўлса. Мени койишдан чарчаб, беҳуш бўлиб йиқилади. Машинани тухтатиб, оғзига валидол соламан. Сал ўзига келгач, яна йўлга тушамиз. Сўраб-суриштириб охири жасадини ўликхонадан топдик. Моргда бир врач билан қоровул бор экан. Қани энди жасадни берса. Эрталаб, дўхтирлар ёриб, текширишгач, олиб кетасизлар, дейди. Бобой эса ўликхонани бошига кўтариб, боламини ёрдирмайман деб доллайди. Охири ранги мурдадан ҳам беш баттар совуқ врачни четроққа тортиб, чўнтагига икки юз сўм тикдим. У пулнинг қанчалигини сўради. Қоровулга ҳам шунча бериш керак, бўлмаса бефойда деб туриб олди. Ҳар қалай қоровул гапга тушунадиган, инсофли одам экан, юз сўмга кўнди. Тонг отмай, жасадни олиб келдик. Тушга қолмай,

чиқардик. Хайриятки, бахтимга сен бор экансан, бўлмаса боламнинг ўлигини дўхтурлар қиймалаб ташларди, дейди чол охири менинг хизматимнинг қадрига етиб. Баччағар шу кўқонсиз ҳеч иш битмай қолди-да. Қаранг ука, мурданиям пуллашади-я? Одамларни инсофини бўри еб қўйган. Уларни ҳам кутиб ётган бало бордир, ахир. Ҳақиқат қолмади. Ҳаммаси пулга айланиб кетди...

— Сиздек одамлар бор экан, ҳеч қачон ҳақиқат тўқис бўлмайди, — дедим ўзимни қўлга олиш учун ўрнимдан туриб юрарканман.

— Тўғри айтасиз, ука, вей. Жуда тўғри. Биз ҳам фаришта эмасмиз. Бизда ҳам гуноҳ кўп. Лекин шусиз ишинг битмаса, нима қилиш керак? Бегуноҳ парвардигор дейдилар. Шу парвардигор деганни топишганда, униям қўлга олиб, парвардигор бўлганига пушаймон едиришарди. Биз ҳам хом сут эмган бандамиз. Ўзи, тўғри яшашнинг қўлланмаси йўқ-да, оғайни. Масалан, сизда ҳам ўзингизга яраша камчиликларингиз бор. Албатта, газетага ўзингиз таниган ва билганларни мақтаб ёзасиз. Битта-яримта савдо-сотикда ишлайдиган қариндош-уруғингизга фалончиси газетада ишлайди деб, индашмайди. Албатта газетани сотиб еб бўлмайди. Лекин бўлар-бўлмас гапларни ёзиб, супрадек қоғозни тўлдириб, пул ишлашади. Уни биров ўқийдими-ўқимайдими ўйлаб кўришмайди. Бундай олиб қарасангиз, давлатнинг исроф бўлган қанчадан-қанча қоғози ва бу ишга сарф бўлган харажат учун айбдор кишилар жавоб бериши керак. Биз агитбригадада далама-дала кўп юрамиз. Дала шийпонларида тоғ-тоғ бўлиб ётган ҳеч ким ўқимайдиган газета ва журналларни бир кўрсангиз эди. Юрагингиз орқага тортиб кетади. Бобой ҳам нос ўраш учун почтачилардан қўл тегмаган семиз-семиз журналларни арзимаган пулга сотиб олади. Демак, шунча куйиб-пишиб ёзиладиган нарсалар ҳавога учиб кетяпти, сиз айтмоқчи бўлган гап халққа етиб бормаяпти. Бундан чиқади шу иш орқасида кун кўрадиганлар нонини ҳалоллаб емаяпти. Ўзинг билмай қоласан, ҳар йили ойлигиндан қайтариб, беш-олтита газета-журналга обуна қилиб қўйишганини! Бундай олиб қарасак, хато ва камчилик ҳаммамизда бор. Бунга барҳам бериш учун эса бир-биримизга кўмаклашишимиз керак, вей.

Лекин мен сизга айтсам, вей, яхшилиқни ҳам билган биларкан. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз бежиз номардга берган нонинг у дунёда сени сўроқ қилади, дейишмас экан. Коса лаби каж келганда, яхшилигингни керак бўлса отанг ҳам билмайди. Мен бировларни гийбат қилмайман. Ўз ҳаётимдан, ўз тажрибамдан келиб чиқиб гапираман. Мана ўша отамни олиб кўринг. Мен билан келинининг орқасидан миллионер бўлган. Биласиз-ку, ҳозир бу нос деган бемаза нарсани ҳар ким ҳам қилавермайди. Носфурушман деганнинг пичоғи ёғ устида. Кунига камида юз тушади, вей. Бозор кунлари эса қўяверинг. Пулни текислаб, дасталаш учун ҳашар қилишга тўғри келади. Болалигимизда отам буни бизга топширарди. Ўшанда бир сўмликни липпамга яширганимда, ўлгудек дўппослаган, номард. Бир сўм учун-а. Тағин ота эмиш. Давлатга ойига номига эллик сўм тўлаб қўяди. Ўзингиз билган оҳак заводининг тоши ҳали-бери тугамайди. Ҳозирги носларга шу тошни майдалаб солишади. Одамларга ҳам ҳайронсан. Ракка дучор қиладиган заҳарни пулларига ўз қўли билан сотиб олишади-я. Бизнинг юзимиздан ўтиб, чолга ҳеч ким мушугини пишт демайди. Нокас чол эса буни тушунмайди. Замбур аридан асал олса бўлади-ю, лекин бу зикна носвойчидан садақа ҳам чиқмайди. Унга индамай юрганларнинг эса оғзини мойлаб туриш керак. Улар бекорга кўриб кўрмасликка олишмайди, албатта. Нечтаси ўзимга очикдан-очик айтган. Керак бўлса бир кунда кавушини тўғрилаб қўйишади. Гоҳида жуда қаҳрим келиб, бир танобини торттириб қўйай дейман-у, яна шайтонга ҳай бераман. Бундай олиб қараганингизда бошимизга тушган мана шу ташвишларга чолнинг ўзи айбдор. Бизни тузукроқ тарбиялаш, катта-катта ўқишларга ўқитиш ўрнига мактабга ҳам юбормай эртадан кечгача нос учун теракнинг пўстини шилдирарди. Одамларнинг ейишга бир бурда нони, эғнида кийими бўлмаганда ҳам отам билан онам кечалари сандиқдаги пулни шамоллатиб, қайта санаб жойига қўйишарди. Лекин биз ялангоёқ юрардик. Мўлтони болалар ҳам бизга ўхшаб оёқяланг чопишарди. Тошлаганга тош тегмас, асраган кўзга чўп тушар дегандек, уларга бало ҳам урмасди. Кейин билсак одамларнинг раҳмини келтириш учун оёқлари остига қалампир суртиб қўйишар экан. Буни билиб қолган ота

жонивор бизга ҳам оёқ кийими олиб бермай, товонимизга қалампир суриб қўярди. Пишиқликни қаранг эй. Ака-укалар бир-биримизнинг кийимимизни алиштириб киярдик. Қаранг, шунда ҳам отанинг чизган чизигидан чиқмасдан айтганини ўринлатардик. Ана фарзанднинг мўмин-қобиллиги. Ана ота-онага ҳурмат-иззат. Ҳозир бундай болалар қайда. Эндиги болалар отасига қаллиқ ўйнашни ўргатади. Ношукурлик қилмаймиз, вақти келиб биз ҳам кўрадиганимизни кўрдик. Керак бўлса олдимизни кесиб ўтганларни пачкаси бузилмаган элликталиклар билан уриб пешонасини ёрдик. Тўғри, бу ишимиз номаъқул. Лекин одамлар бизга бундан бешбатарини қилган. Тепки еган осмонга қарамайди-ку, ахир. Бел ушлашганда отанг ҳам кўзингга кўринмас экан. Тўйларингизга қамишдан бел боғлаб хизмат қилайин, укажон. Ҳалиям дастимиз узун, худога шукр. Узатсак унча-бунча ерга етади. Ўша ўзингиз билган Мурод Маллаевич ойлаб Москвада ўқиб, Қримда дам олганларида ҳар куни хушторлари билан бирга қаҳратоннинг буюғида ҳам нонушталарига Самарқанднинг хусайниси-ю, Еттисойнинг қазисини, Хоразмнинг шакарпалагию Учқоранинг кишмишини канда қилмай етказиб турганман. Ўзиям шаҳримизда тош отсанг Мурод Маллаевичнинг ўйнашларига тегаркан. Бири қўйиб бири Москвага, ёз бўлди дегунча, Кавказга учишади. Уларнинг этагини кўтариб, бизга ўхшаганлар ҳалак. У ёғини сўрасангиз ўзимиз ҳам кўпини қўлдан ўтказиб юбордик. Ўзимиздан қолганларини Мурод Маллаевичга жўнатардик. Аёллар ҳам аблаҳ бўлиб кетган. Амалинг ёки қўқонинг бўлмаса яқинингга йўлашмайди. Йигитчиликда ўйнаб-қулиб қолиш керак. Мана ўзингиз ҳам қора сочу қорақўз, сирикдек йигитсиз. Юрмаганмисиз? Юргансиз! Бундай йигитларга гўзаллар кўнглини олмаслик гуноҳ. Ёш бир жойга бориб қолгандан кейин қилган барча тоат-ибодатинг бир пул. Кексайган чоғда эслашга арзигулик ишларни навқиронликда қилиш керак укам. Ўлганингдан кейин эса калла-почангни пишириб ейишсин. Бечораю беозор, тартибли ва ҳақиқатгўй бўлиб юрганинг учун ҳеч ким сенга раҳмат демайди. Қайтанга яшашни билмайдиган ландавур деб, устингдан қулишади. Ҳаётда ҳаммасини кўрдик, ука. Бироқ кўрган сари кўргинг, бўлган сари бўлгинг келаверар экан...

Ҳикоясидан оғзим очилиб қолганига мағрур бўлган Шарипов бўш келмасди. Хира ва ҳаракатсиз кўзларини менга қаданганча, ўнг қўлини сермаб гапни олиб қочарди. Назаримда гапирган гапи ўша заҳотиёқ унинг эсидан чиқиб кетаётгандек эди.

— Керак бўлса акалар ва дўстлар учун аэробусда ош дамлаганман. Хизматимни миннат қилмайман. Инсон боласи ўзининг бировга қилган яхшилигини-ю, бировнинг ўзига қилган ёмонлигини унутиб яшаши керак. Ман дарёдан сув бағишлаган одамман, вей. Тўғри, халқнинг устида кун кўрамиз. Лекин халқдан олганни яна қайтариб ўзига сочамиз. Еганмиз, едирган ҳаммиз. Бир нарсадан виждоним олдида покман-ки, ҳеч қачон қон ва жон чиқан жойдан бир нима умидвор бўлган эмасман. Бир ўлганга, бир куйганга тегма, дейдилар. Ҳаммамиз шу она халқимизнинг фарзандимиз. Она халққа сидқидилдан хизмат қилмоқ ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи. Сиз мени тушунасиз, албатта. Ёзиб-чизадиганлар одамнинг афтига қараб кимлигини билишади. Раҳимахоннинг энг чўчийдиган одамлари ҳам газетачилар. Узоқ йили район газетасида бир марта танқидга учраб, икки йиллик доми-ризқдан мосуво бўлгандик. Шундан буён газета деса хоним сапчиб тушадилар. Сизнинг бир оғиз гапингиз. Юз сўм ойлик билан бола-чақа боқиб бўлмаслигини мендан яхши биласиз. Филармония планни бажармаса шуям йўқ. Директор қулоқни тинч қўйсин деб, кўплар ведомостга қўл қўяди-ю, ойликни олмайди. Уни чақириб бутун қилмишларингиз бизга маълум, аввало, инсон, айниқса санъаткор, жамиятнинг асоси бўлмиш оиласини мустаҳкамлаши керак, дейсиз. Акс ҳолда биз тегишли чоратадбирларни кўришга мажбурмиз, деб қўясиз. Гап орасида, эрингиз билан ярашинг, шундай обрўли одам бошпанасиз, кўча-кўйда сарсон-саргардон бўлиб юрмасин, яхшими-ёмонми болаларингизнинг отаси, бунинг устига вилоятда, қолаверса, республикада таниқли оила, деб қўясиз. Фиди-биди деса, кимларга қанча пул ва совға бериб радио ва телевидениеда запись қилдирган, кимлардан қанча олиб тўйларга борган, ҳаммасининг рўйхати менда бор. Сизга бериб қўйишим мумкин. Совға қилган гиламларини уйларига осиб қўйишибди. Бриллиант сирғани топиб берган магазинчини ҳам яхши биламан. Ҳатто биттасининг уйини батареяларигача алмаштириб, бошдан-оёқ таъмир қилиб

бергандик. Ундан ташқари қайси катта билан қаерда дон олишингиз ҳам бизга маълум десангиз тамом, ўзини таппа оёғингизга ташлайди. Сизга пул-мул ҳам тикиштиради. Олинг, бундайларникини емоқ савоб. Ҳаромдан келган ҳаромга кетади. Сиз емасангиз, прокурорми, начальник милициями, шунга ўхшаган биттаси еб кетади. Биласизми, бу қанжиқнинг ўйнашлари шу қадар кўпки, уларни исмини адаштириб юбормаслик учун ҳаммасини жоним деб чақиради. Урдим, сўқдим, бефойда. Фарнинг тавбаси бўлмас экан. Уғри ўртоқ, гар ғалтак қилар экан...

Бу гаплардан анчагача ўзимга келолмай тор хонада у ёқдан-бу ёққа юриб, ҳансираганча терини артаётган кишининг ўлимтик кўзларига тикилиб қолдим. Унга қандай даъфи — жавоб қайтаришни ўйлардим. Бировга, дунёда мана шундай одам бор деб айтсанг, ишонмайди, деган фикр хаёлимда чарх урарди.

#### IV

...Ҳамсуҳбатим, биз отамлашганмиз, деганда ҳақ эди. Отамлашмасак-да, у билан бир қурда ўтириб, еб-ичганмиз. Ўша манзара худди кечагидек шундоққина кўз ўнгимда турибди. Унда тоғли туман газетасида ишлардим. Ҳаётимда ҳеч қачон худди шу ерда ишлаганчалик ўз меҳнатимдан лаззатланмаганман. Редакцияда асосан бўйдоқ йигитлар ишлашар, уй-жойимиз йўқ, бир хонани ётоқхона қилиб олиб, кечаю кундуз чексиз ҳавас ва иштиёқ билан газета чиқарардик. Байрамона дастурхонларни хуш кўрадиган редакторимиз Қодир Кулбоев мени чақариб, район комбайнчилари кенгашидан саҳифа тайёрлаб келиш учун "Гулбулоқ" совхозига зудлик билан жўнашимни айтди. Тумандан кенгашга борадиган мутахассислар билан кўнғироқлашиб, уларнинг машиңасида етиб олиш мумкинлигини ҳам кўшиб қўйди. Бир хил қолилда бўш шеърлар ёзиб, туман маданият уйининг ҳаваскорларига айттириб юрадиган Қодир Кулбоевнинг хитойча чўзинчоқ қўш ликопчани эслатадиган ялпоқ юзи ва бурнининг устига кўндирилган каттакон кўзойнаги унинг бесўнақай ва сохта сипогарчилигини бўрттириб кўрсатарди. У ўзининг арзимаган майда-чуйда ишларини ҳам одамларга яхшилик қилипман,

мен бўлмасам бу хайрли ишлар амалга ошмасди, деб ўйларди. Аслида эса бу тирикчиликнинг туб замирида шахсий манфаати ётар унинг бу сохта ташаббускорлиги кишининг габини келтирарди. Елкаларини силкитиб, лўкиллаб юриши эса кўпқарига ярамайдиган, лекин тулпорлар охуридан ем еб юрган чўбир отни эслатарди.

Шартта папкани қўлтиқладим-у, ҳеч кимга қўнғироқ қилмасдан йўлга чиқдим. Совхозга борадиган йўл шундоққина таҳририят биносининг орқасидан ўтарди. Бекатда одам йўқ эди. Автобусни кутиб, ўтган-кетган машиналарга эътибор бермай хаёл суриб наридан-бери бориб келардим. Физиллаб ўтиб кетган "Газик" бекатдан анча нарида тўхтади. Шофёр кабинадан чиқиб, мени имлади. Машина номерига кўзим тушгач, довдираб қолдим. Туман раҳбари Муҳиддин Раҳимовнинг хизмат машинаси эди. Машинага яқинлашганимда, шофёрнинг ёнидаги олд эшик очилди.

— Ҳорманг, ука, кенгашгами? — деди Раҳимов ўзимни йўқотиб қўйганимни сезиб табассум билан елкамга қоқаркан. — Журналистлар асаларидек бол йиғиб, доимо ҳаётнинг қайнаган жойига ўзларини уришади. Балли, ука, ана шундай бўлиш керак. Лекин бу редакторингизнинг бор ақли қорнига уриб кетганми дейман? Ҳурмат юзасидан ва қолаверса этика бўйича биринчи секретарь қатнашадиган мажлисларга ўзи бориши керак. Мен ўзи тушунар деб, атайлаб индамайман. Бироқ у кишига қанчалик индамақангиз, шунча қорасини кўрсатмайди. Гапимни бошлиғингизга айтиб қўйинг. Сизни оғзингиздан бу гапни эшитиш унга мен айтгандан ҳам яхшироқ таъсир қилса керак.

Мен индамай кулоқ солиб борардим. Менинг, танқидий мақолалари билан туманда ном чиқарган мухбирнинг катталар олдида мушукдек пусиб ўтиришимдан ёнимдаги шофёр ҳузур қиларди шекилли, аҳён-аҳёнда аҳволинг қалай танқидчи, дегандек мийиғида жилмайиб, қараб кўярди. Биринчи секретарь мени танимасди. Демак, мени шофёри кўрсатган. Одатда катталар йўл-йўлакай шофёрларидан кўзга иссиқроқ хотин-қизларни ва ҳар хил кишиларни сўраб-суриштириб юрадилар.

## Унутилган соҳиллар

– Янглишмасам, "Калаванинг учи Номозбоевда" деган танқидий мақолани сиз ёзгандингиз шекилли? – деди Раҳимов муддаога кўчиб.

– Ҳа, – дедим ўгирилиб.

– Жуда яхши мақола, ўз вақтида ёзилган. Умуман, танқидий чиқишлар бизга керак. Бироқ сарлавҳани нотўғри қўйгансизлар. Мен тепса-тебранмас редакторингизга ҳам айтдим. Мақолада бор-ёўғи "Оқтош" совхозида сенаж ва беда уни тайёрлаш танқид қилинган. Сизлар бўлса, гўёки Номозбоев Ойқор тоғини ютиб юборгандек ваҳимали сарлавҳа қўйибсизлар. Бунақа бўлмайдиди. Эшагидан тушови қиммат дегандек, сарлавҳа, мақоладаги гапга яраша бўлиши керак. Бу мақоладан кейин ҳам Номозбоев одамлар билан ишлаши, хўжаликка раҳбарлик қилиши керак-ку. Ҳозир катгаю-кичик уни кўрса калава келяпти деб, бир-бирига қараб қулармиш. Ўтган куни райкомга, районда ё ўша мухбир ёки мен ишлайин, деб келибди. Кап-катта одам, алам қилган-да. Лекин мен газета тарафида турдим. Сизларни ҳимоя қилдим. Битта танқид билан озиб қолмайсан, ўзинг ҳам калавадек бўлиб шишиб кетибсан, камроқ егин, бу кетишда совхозни шу беш йилликдаёқ еб битирасан, деб ҳазил-чин койиб ҳам қўйдим. Бундан буён танқидий мақолаларни райком билан маслаҳатлашиб чиқариш керак. Сиз ёш, ўсадиган йигитсиз. Вилоят ва республика матбуотида эълон қилинган мақолаларингизни ҳам ўқиганман. Ҳарҳолда шу ернинг фарзандисиз. Инсон ўз юрти тўғрисида илиқ гапларни ёзиши керак. Камчилик қай биримизда йўқ. Аста-секин ҳаммасига барҳам берамиз. Шунинг учун ҳам кечаю кундуз тиним билмай елиб-югурамиз. Матбуот халқнинг сўзи. Шундай бўлгач, ўйлаб иш қилиш керак. Арзимаган бир ҳаракатимиз билан бировнинг умр бўйи йиққан обрўсини ер билан битта қилиб қўйишимиз ҳеч гап эмас. Бизнинг мақсадимиз – фақат айбдорларни диктаторларча жазолаш эмас, энг аввало уларни тарбиялаш, тўғри йўлга солиш. Жазолаш эса қочмайди. Матбуотда ёзилган ҳар бир жумла – бу тарих. Тарих эса ҳаққоний бўлиши керак. Оқни оқ, қорани қора дейишимиз лозим. Ана шунда халқ бизнинг орқамиздан эргашади.

– Менимча Номозбоевга ўхшаган эскича фикрловчи, тепса-тебранмас кишиларни қобилиятига яраша иш билан таъминлаш керак, – дедим ўз фикримни очик айтиб.

Бироқ фикрларимни охирига етказа олмадим. Биз Гулбулоққа етиб қолгандик. Раҳимов суҳбатнинг бу тариқа давом этишини кутмаганидан қовоғи уюлиб, ёқа ва бўйинбоғини тугрилай бошлади. Манзилга етганимиздан хурсанд эди, чамамда. Сабаб, табиий равишда менинг овозим ўчганди.

— Сизда гап кўлга ўхшайди, ўртоқ мухбир. Бафуржа гаплашармиз, — деди Раҳимов индамай машинадан тушиб кетишни ўзига эп кўрмай, гўёки мен арзимаган майда-чуйда гапни гапиргандек юзимга қарамай.

Кўзларидан унинг худди шу дақиқада мутлақо бошқа нарсаларни ўйлаётгани сезилиб турар, юзи деворга гапирётгандек ҳиссиз қотиб қолганди. Бу билан у менга оғзим бор деб ҳар нарсани саннайверасанми, дегандек силтаб ташлаган ва унга пешвоз чиқиб кутиб олувчиларга буни шунчаки йўл-йўлакай олиб келдим, мен билан бирга келганига ҳайрон бўлманглар, дегандек эди.

Идора олдида район ва совхоз раҳбарлари тўпланишиб турарди. Котибнинг машинасини кўргач, қорин солган кап-катта одамлар худди боғча болаларидек югуришиб кела бошлади. Бу гоят ғалати ва кулгили манзара эди. Кутиб олганларнинг кўпчилиги илк бор мен билан ҳам бошқачароқ кўришишди. Мен эса хижолат бўлардим. Одамлар, эътиборини тортмаслик учун ниманидир баҳона қилиб, четроққа чиқдим. Кенгаш пайтида Раҳимовнинг шофёри олдимга келди.

— Катталарнинг олдида оғзингизга келган гапни айтаверасизми, оғайни? — деди у каттазанлик билан.

— Мен кимга нима дейишимни ўзим биламан, оғайни, — жавоб қилдим унинг кўзига тик боқиб. — Маслаҳат керак бўлса эса сиздан сўрамайман!

У елқасини қисиб, изига қайтиб кетди. Йиғин тугади. Районга борадиган йўл бўйида машина кутиб тургандим. Ҳаллослаб яна ўша йигит чопиб келди.

— Сизни хўжайин чақиряпти, юраркансиз, — деди ҳансираб.

— Нега?

— Чой ичишса керак. Артистлар бор. Хуллас, базми жамшид бўлади. Юравермайсизми. Қизиқ одам экансиз-ку, — деди у менга "мўлтонидан чиққан ботир-ей", дегандек ўқрайиб.

## V

Соя-салқин боғ ўртасидаги ҳовуз устига жойлашган каттакон шийпонда элик кишилик дастурхон тузалганди. Столда қуш сутидан бўлак ҳар нарса муҳайё эди. Раҳимовнинг эътиборини сезган совхоз директори мени қистаб, қарийб биринчининг ёнига ўтқазяёзди. Раҳимовнинг чап тарафи, тўр бўш эди. Ярим соатлардан кейин механизаторларга концерт берган артистлар келишди. Қуни кечагидек эсимда. Даврадагиларнинг деярли ҳаммаси танийдиган қўшиқчи Раҳимахон Шарипова бедана юриш қилиб, Раҳимовнинг чап ёнига келиб ўтирди. Улар бир-бирларига ғалати қарашди. Унда эркакларни ўзига тортадиган шаҳвоний куч, сирли бир жозиба мужассам эди. Кўзга яқин ва бойвуччароқ йигитларни назардан қочирмайдиган шаҳло кўзларида ҳеч нарсадан тап тортмаслик ҳисси билан бирга ишқий майлга ўчлик, эркак кишининг кўнглини топа билишдек сеҳрли қудрат акс этиб турарди. Унинг эри билан келган кишилар эса пойгақдан жой олишди.

Шу тариқа кўнглини айнитадиган даражада суюқ тилаклар ва сен е, мен е, сен ич, мен ич бошланиб кетди. Раҳима Шарипова Раҳимовга ноз-карашма қилиб икки жуфт қўшиқ айтди. Қаердандир пайдо бўлган икки раққоса ўйинга тушди. Мен беихтиёр Шарипованинг эрини кузата бошладим. Унинг икки кўзи ўн етти-ўн саккиз ёшлар чамасидаги қимтинибгина рақсга тушаётган қизда эди.

Боғни айланиш учун эълон қилинган танаффусдан сўнг базм янада қизиди. Бўғзигача тўйиб ароқ ичиб олган совхоз директори вилоят партия комитетининг биринчи секретари Шомирзаевнинг соғлиғи учун қадаҳ кўтаришни сўради. Директорнинг сўзи совимасдан қип-қизил бўлиб ўтирган, ҳирсдек семиз район прокурори Жумановга сўз берилди. У район коммунистларининг йўлбошчиси, шу даврада ўтирган ажойиб кадрларнинг устози, қалби дарё инсон Муҳиддин Раҳимовичнинг сиҳат-саломатлиги, бахт-саодати ва яна узоқ йиллар ўзларининг бошларида отадек ғамхўр бўлиб туришлари ҳамда у кишининг кўксиларида Олтин юлдуз ярқираши учун олишни сўраганда, қадаҳларнинг жаранглаганига ширакайф

кишиларнинг яккам-дуқкам чалинган қарсағи ҳам қўшилиб кетди. Бақбақаси осилган Раҳимов сармаст эди. Беихтиёр унинг қўли Раҳимахоннинг елкасига бориб қоларди. Энг қисқа сўзни илгари обкомнинг биринчи секретари бўлиб ишлаган, недир фалокат юз бериб қамоқда ҳам ўтириб келган Усмонов айтди.

– Кўришганимиз ва кимлигимизни англаб яшашимиз учун, – деди у истар-истамас ва қадаҳни лабига теккизиб қўйди.

Бироқ Раҳимов унинг соғлиғи учун ҳам қадаҳ кўтаришларини сўраганда, ҳақорат қилингандек, оғир аҳволга тушди ва кўп ўтмай ниманидир баҳона қилиб ўрнидан турди. Шу орала мен ҳам кўзғалдим. Ҳаяжонланган Усмонов ион чироқлари ёритиб турган йўлакда сайр қилиб юрарди. Гурунглашгиси келди шекилли, имо қилиб мени ёнига чақирди.

– Сезиб турдим, сиз ҳам қийналдингиз, – деди Усмонов юзимга тикилиб. – Булардан қочиб қутулолмайсиз. Боиси бундайлар жуда кўп. Йиқилсангиз ҳам шуларга чалишиб йиқиласиз. Мен сизни биламан. Бир неча мақолангизни ўқидим. Ёқди. Турткилайверишмаса, яхшигина нарсалар ёзишингиз мумкин.

Сўнгра, у киши мендан район газетасининг бир сонига неча сўм гонорар берилишини сўради. Ўттиз сўм деган жавобни эшитгач, ҳайрон бўлиб қараб қолди. Эллик ёшлар чамасидаги қадди-қомати келишган бу одамнинг юзида ҳаётнинг қадрига ета билиш, ҳар бир кун ва дақиқа ғанимат эканлигини астойдил тушуниш ҳисси зоҳир эди.

Ўз омадсизлигини ўйлайвериб чарчаган ва энди ўйламай қўйган, мансаб пиллапоясига чиқиб тушган, нима ва қандай иш қилишини биладиган, воқеа ва ҳодисаларнинг интиҳосини олдиндан сезадиган, эзгу туйғулари қалбнинг қатида қолиб кетган ва ноҳақлик қурбони бўлган одамлар ўзларини шундай тутадилар.

– Ана у чинор شوҳидаги қуриган баргларнинг ҳилпирашини қаранг. Қовжираб қолибди-ю, узилиб тушгиси келмайди. Армоннинг самода муаллақ қолган шакллари, – деди Усмонов йўл бўйидаги азамат чинор таги бўйлаб юришга даъват этаркан, қаршидаги شوҳлари ерга тегай деб турган кекса беҳи дарахтидан кўз узмай. – Танасини қуртлар илма-тешик қилиб ташласа-да, ҳосилини қаранг.

Ион чироқлар нурида товланаётган ҳар бири чойнакдек келадиган беҳиларнинг тенг ярми ерга тўкилиб ётарди.

— Халқнинг дардини ёзишингиз керак. Вақтингизни қизғанмасангиз, менинг дардимни бир тинглаб кўринг. Буям бир гап. Ҳар қалай, сиздек журналист учун зарар қилмайди. Тўғриси, журналистларга унчалик эътиқодим йўқ. Гапим орасидан ҳақиқатни ажратиб олабиларсиз деб ўйлайман. Журналистларимиз тўтиқушга ўхшаб қолишган. Кўра-била туриб ҳақиқатдан кўз юмишади?! Ҳаёт ҳақиқати биз минбарлардан оғиз кўпиртириб гапирганидан тамоман бошқача. Бундан минг йиллар бурун ҳам кишилар меҳр-оқибат кўтарилиб кетяпти деб ташвиш чекканлар. Бундан кейин ҳам шундай деб ўйлайдилар. Меҳр-оқибат кўтарилиб, биров-бировни унутиши ёки бошқа бир кишини топиши мумкин. Буни кечирса ва тушунса бўлади. Бироқ бутун атрофингни хоинлик ва қаллоблик ўраб, сени қўллайдиган киши нари турсин, ҳатто бир оғиз тўғри гапни гапирадиган одам ҳам топилмаса-чи?

Усмонов сояда қолгани туфайли сийрак ўсган бедапояга тўкилган беҳидан бир дона олиб, ҳидлади-да, устидаги тукини тозалай бошлади. Биз боғни тенг иккига бўлган йўлакдан кетиб борардик.

— Мен умуман бугунги юргизилаётган иқтисодий сиёсатга қўшилолмайман. Айниқса, қишлоқ хўжалик сиёсатига. Назария бўйича бизнинг йўлимиз тўғри. Лекин аллақачон бу йўлдан чиқиб кетганмиз. Бизда бу соҳада ягона умумий йўналиш йўқ ҳисоб. Қорнимиз тўқлигию устимиз бутлигига мағрур бўлиб юрибмиз. Жамиятнинг асл мақсади бу эмас. Биз иш юритишни билмаймиз. Лекин ноқобиллигимизни бўйнимизга олишга ор қиламиз. Бутун иқтисодий сиёсатни бошқатдан қайта кўриб чиқиш керак. Масалан, бизда раҳбарнинг пахта етиштиришга ақли етса бас, унга районнинг тақдири топширилиб қўйилади. Шу ишни ҳам ҳалол покиза бажарса майли эди. У шахснинг бошқа томонлари ҳеч кимни қизиқтирмайди, юқоридаги масъуллар бу ҳақда ўйлаб ҳам ўтирмайдилар. Сабаб — ўзларининг даражаси паст. Пастлар одатда ўзидан ҳам пастроқни қидиради. Холбуки, аслида бундай одамлар қобилиятига яраша бригадирликми ёки бошқа бир иш қилиши

керак. Ваҳоланки, юқоридагиларга худди шундай одамлар керак. Етук одамлар улар учун хавфли. Ақллиларнинг олдида уларнинг нодонлиги кўзга ташланиб қолади. Шу боис йўлини қилиб, бундайлардан ўз вақтида халос бўладилар. Истеъдодли одам эса ноҳақлик алам қилиб ича-ича ўзини ейди ёки бўлмаса қобилиятини тирикчилик йўлида кераксиз ва нобоп ишларга сарфлайди. Мана шу йўсинда жамият ва халқ қобилиятли кишилардан маҳрум бўлаверади. Қолипга мўлжалдан ортиқ ёки кам лой солсангиз, албатта гишт бузилади. Кимдир айтганидек, ахлоқий талаблар эса одоб доирасидан чиқиб кетяпти.

Нафаси ичига тушиб қолган Усмонов тўхтаб, чўнтагидан кўлрўмолини олиб, пешона терини артди-да, ўзини қўлга олган бўлиб, хаста овозда фикрини давом эттирди.

— Уларга ёқишим, ўз курсимни сақлашим учун кўр-кўрона бўйсуним, жинояткорона кўрсатмаларни бажаришим, кун кўришим учун улардан аҳмоқроқ бўлишим ёки ўзимни шундай кўрсатишим керак эди. Мен бунинг уддасидан чиқа олмадим. Бизда шунақа, эшакнинг айби учун эгарни жазолайдилар. Худо ҳам сақлансанг сақлайман, деганини англаб етганимда кеч бўлганди. Бизда чироқ кўтарганлар орқада юришади. Ҳар қандай ҳалол ва буюк кишини юзингда кўзинг бор демай исатаган дақиқамизда шармандасини чиқарамиз. Шундан сўнг, у ё инфаркт билан ўлиб кетади ёки умуман ўнгарилмайдиган бўлиб қолади. Сабаб, биз ўз қалбимизга ўзимиз сиғмаймиз. Шундай бўлгач, қандай қилиб бошқаларни сева оламиз? Риёкорлик. Юзиқоралик. Бир-биримизни алдашга ўрганиб қолдик. Ҳатто алданаётганимизни сезиб турамиз-у, кучоқлашиб, ўпишиб кўришамиз ва хайрлашамиз. Аслида бизнинг бир-биримизга салом ва хайрдан бошқа гапимиз бўлмаган бўлади. Мана шу икки сўзнинг орасида нимани гапирсак, ҳаммаси шунчаки олди-қочди ва ёлғон-яшиқдан иборат бўлиб чиқади. Амал ҳеч қачон истиқбол бўла олмас экан, ука. Бу касаллик билан ўзимиз ҳам оғриганмиз. Эс-ҳуши жойида, қўлидан бирор иш келадиган қобилиятли одам аслида ўзини бўлар-бўлмас вазифалардан олиб қочиши керак экан. Рост-да, нега энди шу пайтгача содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган номаъқулчиликлар учун бир кун келиб у жавоб бериши керак? Нега энди у кўра-била туриб жиноятчиларга

## Унутилган соҳиллар

қўшилиши керак? Вақти-соати келиб, уни қабридан суғуриб олиб бўлса ҳам қора курсига ўтқазадилар. Амалпараст эса ўзини мансабга уради. Мақсадга етмоқ учун у ҳеч нимадан тоймайди. Улар бошқа бирор ишни уддалай олмасликлари учун шундай қиладилар. Бундайларнинг илдиз отиши учун ўзимиз имконият яратиб берамиз. Бу азаматлар эса "план, мажбурият" дея қичқиришдан бошқа нарсага ярамайдилар. Улар учун бу ёруғ дунёда пахта етиштиришдан бошқа тирикчилик йўқдек. Бизда ҳамма нарса пахта ишига бўйсундирилган. Хоразмда ҳатто болалар боғчасига ҳам пахта экишаркан. Эрта-индин қабристонларга ҳам пахта экамик. Пахта тайёрлаш мажбуриятини бажарган жойда идеология ҳам, маданият ҳам, халқнинг турмуш даражаси ҳам яхши деган хулосага келиб ўрганиб қолганмик. Йўқ, аслида ҳечам ундай эмас. Биз бу маҳсулотни кишиларнинг мароқли, завқли меҳнати эвазига етиштираётганимик йўқ. Пахта меҳнати бизда ғоят кўр-кўрона ва зўрма-зўракилик асосида ташкил этилганки, беихтиёр у деҳқонда ўз ишига меҳр-муҳаббат эмас, нафрат уйғотади.

— Фикрингизга қўшиламан. Бизда деҳқончилик, умуман ишлаб чиқариш маданияти паст, — дедим Усмоновнинг юрагимдаги гапларни айтаётганлигидан тўлқинланиб. — Барча соҳада инқилоб қилиш керак... Одамлар онгида бир фикр пайдо бўлди. Чет элда нима ишлаб чиқарилса сифатли ва яхши. Бизники аксинча... Нега шундай?

— Бизда деҳқончилик маданияти шаклланмай туриб, издан чиқиб кетди, — деди Усмонов фикрини бўлганимдан норози оҳангда менга тикиларкан. Негадир шу дақиқада унинг бировни тинглашга тоқати йўқдек эди. — Минглаб гектар экин оборотига кирмаган ерларга пландан ташқари пахта экилишини, бу майдонда қилган меҳнати учун бечора деҳқон ҳақ олмаслигини биласизми? Унга пландан ташқари кўп ҳосил олиб, мажбуриятни бажарганлиги учун орден ва медаль беришади, холос. Қаранг, биз бу жиноятимиз билан оддий деҳқонни ҳам қалбаки шон-шуҳратга ўргатыпмик. Йил-ўн икки ой тизза бўйи сув кечиб юрган сувчига шу темир ҳам йўқ. Биз чигитни ерга ташлагандан етиштирган ҳосилимик эгнимизга кийим бўлиб келгунга қадар қаллоблик қиламик.. Пахта пунктлари ва заводларидаги номаъқулчиликлар ҳақида

гапиришга тил ожизлик қилади. Бу ерлардаги тирикчилик бизга киноларда кўрсатишадиган чет элдаги мафияларнинг ишидан қолишмайди. Чорвачиликдаги аҳвол бундан беш баттар. Кўкрагига юлдуз таққан илғор чўпонларнинг беш юз, керак бўлса мингтадан қўйи бор. У пландан ортиқ қўзини ўз ҳисобидан тўлайди. Ёшлар бирор-бир ташкилотнинг шалтоқ машинасини ҳайдаса ҳайдайдики, қўй боқмайди. Сабаб — у ердаги меҳнат машаққатли ва ҳавас билан ишлайдиган даражада эмас. Ваҳоланки, бугунга келиб биз чорвачиликда ишни шу қадар онгли ва давр талаби даражасида ташкил этишимиз керакки, ёшлар энг яхши заводларга оқиб боргандек унга интилин! Қайда! Бизда бунинг акси. Меҳнатнинг қай тарзда ташкил этилиши, ўша халқнинг маънавий даражасини белгилайди. Афсуски, бизда бу даража рўмолча олиб йиғлагулик аҳволда. Ибратли янгиликка интилиш, ўз устимизда ишлаш, тажрибалилардан ўрганиш ўрнига бир-биримизни илдизимизга болта уришни афзал кўрамиз ва аслида бу билан халқимизнинг тараққиётига тўсқинлик қилаётганимизни, унинг илғор фарзандлари шаънига доғ тушираётганимизни тўла-тўкис ҳис этмаймиз. Бунинг ҳаммаси инсонни қилган меҳнатни нотўғри ташкил этилганига бориб тақалади. Инсон ўз меҳнатидан лаззатланиши, дарёда мазза қилиб чўмилаётгандек ўз юмушини ҳузур қилиб бажариши, бу иш уни эзгуликка чорлаши, келажакка ишонч билан қарашга ундамоғи керак. Аҳвол шу ҳолатда кетар экан, деҳқон ёки чорвадор ҳеч қачон фарзандига ота касбини ардоқлашни тиламайди. Шундай экан, бизда халқ хўжалигининг фан-техника тараққиёти асосидаги келажакки мавҳум бўлиб қолаверади. Шундай экан, бизда ҳеч қачон меҳнат — халқ маданиятининг асосини ташкил этолмайди. Шундай экан, бизда ҳеч қачон меҳнат ва ҳаёт санъат даражасига яқинлаша олмайди. Илгари одамлар бежизга тоғларга, дарёларга, табиатга сизинмаганлар. Инсониятнинг ота-онаси аслида шулар. Бизда эса бунинг ҳаммаси оёқ ости бўлди. Ер эса йиллар ўтиб ўз қиёфасини йўқотса ажаб эмас. Ўзга юртларда йўқ бўлиб кетган, кетаётган ботқоқлик ва тўқайзорларни қайта тикламоқдалар. Бизда эса... Биз дарахтнинг шохига чиқиб олиб, ўзи ўтирган шохга болта ураётган ношудмиз. Шу қадар

бурнимиздан нарини кўрмаймизки, эртага ана шу дарахтдан тос тепамиз билан ерга қулаб тушганимиздан сўнг ҳам, қилмишимиздан хулоса чиқаролмаймиз. Бизда табиатнинг асл қиёфаси қолмади ҳисоб. Она заминнинг асл ҳолати қолмаган маконда халқ, Ватан туйғуси ҳам мавҳум бўлади. Шу кетишда пахта бизнинг миллий ифтихоримиз эмас, миллий фожиамизга айланади. Аниқроғи, аллақачон айланган. Биз нуқсон ва камчиликларимизни жиноятга айлантириб юборганмиз. Бунинг оқибатида ожизлик ва кучсизлик келиб чиқади ва доимо кўрқувда яшаймиз. Ана шу икки нуқсон, ўз ортидан хиёнат ва бепарволикни чақиради. Одатда хиёнат қилганлар соясидан ҳам чўчиб, юрагини ҳовучлаб яшайдилар. Атрофимизда ўзимизга ўхшаганлар кўп бўлгани учун бошқалар нима бўлса мен ҳам шу-да, дея аҳмоқона беғамлик билан жазони кутамиз. Мен ҳамма нарсани ўрганавериб, тушунавериб чарчадим. Бутун бошли бир вилоятни бошқардим. Жумҳурият бўйича қишлоқ хўжалиги раҳбари бўлдим. Халқимизнинг ривожланиши йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш, унинг тараққиётини издан чиқарувчи кучларга, одамларни тўғри ва ҳалол яшашга, онгли меҳнат қилишга, эзгу ишларга йўналтириш учун, кишиларимиз қон-қонига сингиб кетган маҳаллийчилик, уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, лаганбардорлик, порахўрлик ва ҳаромхўрликка қарши кураш бошлаган эдим. Қишлоқ хўжалигини мутлақо янги хўжалик ҳисоби ва бозор тартиби усулида ташкил этмоқ ниятида эдим!

Усмоновнинг қоқсуяк елкалари титрарди. Чап қўли билан сизаётган ёшини артар ва оҳиста қадам босганча фикрини тўплашга уринарди. У аллақачон менинг юзимга қарамай боғ оша қорайиб ётган тоққа тикилганча гапирарди.

— Шарқ меъморчилигининг ўлмас обидалари, халқ санъатининг бетакрор намуналари оёқ ости бўлиб ётибди. Хивани, Шаҳрисабздаги Темур қурдирган Оқсаройнинг аҳволини кўрганмисиз? Қайсидир бир ўзбек шоири бу бедодликка норозилик сифатида ўзини шу ерда отмоқчи бўлган экан, деб эшитганман. Ахир Самарқанд, Бухоро ва Хиванинг, умуман, халқимизнинг маънавий бойлиги бўлган барча меъморчилик обидаларининг ҳар бир ғиштини кўзимизга суртиб, бошимизда асрашимиз керак-ку! Қани энди имкон

бўлса-ю, Оқсарой ва Кўксаройни қайта тикласак! Халқ ҳунармандчилигининг ўнлаб соҳалари ўлиб кетаётир. Одамлар сайёат турларига ҳам иқтисодий нуқтаи назардан ёндашадиган бўлиб қолдилар. Қўлёзмалар ва шарқшунослик институтида қанчадан-қанча шарқ донолигининг жавоҳирлари қўл урилмасдан, чоп этилмасдан ётганлигини биласизми? Энг даҳшатлиси бу қўлёзмаларни ўқийдиган одамларнинг ўзи йўқ. Сабаб – тарихимиз битилган араб алфавитини ҳеч биримиз билмаймиз! Ўғлим Шарқ шунослик институтида ишлайди. Яқинда у республика Фанлари академиясининг президенти билан учрашув бўлганда, шу саволни берибди. У нима деб жавоб берибди денг! Даҳшат! Даҳшат! Ақл бовар қилмайди. Академик аҳмоқ бўлиши мумкин, лекин чаласавод бўлишга ҳаққи йўқ! Биз бу қўлёзмаларни эмас, тезроқ жаҳон стандарти даражасида дастгоҳлар ишлаб чиқишга кўпроқ ўйлашимиз керак, дебди. Ана сизга президентнинг даражаси! Ана энди додингизни бориб худога айтинг! Наҳотки инсоният ўтмишидан юз ўгириб, келажак сари борса? Фақат миллат сифатида ўлаётган халқлар шундай қилиши мумкин. Халқ сифатида шакллана олмайдиган халқларгина шу йўлдан бориши мумкин. Ахир бу ахлоқий карлик ва маънавий кўрлик-ку! Мен мана шулар учун кураш бошлаган эдим!.. Юқоридагилар мени ўзини кўрсатмоқчи бўлганликда, ман-манликда айблашди. Энди мени йўлдан олиб ташлаш учун баҳона керак эди. Устма-уст комиссия юборишавериб, ишни илгаригидан беш баттар издан чиқаришди. Улар Тошкентда туриб, вилоятда бошбошдоқлик вазиятини вужудга келтиришди. Ташаббус кўрсатганим учун оладиганимни олдим. Аниқроғи, қамалиб чиқдим, соғлигимни йўқотдим ва энди ҳатто аламимдан юз грамм ароқ ичишнинг ҳам уддасидан чиқолмайман. Ўтган кунга шукр қилиб юрибман. Гапнинг очигини айтсам, энди яшашга у қадар ҳам ишқибоз эмасман. Қўлингдан бировнинг оғирини енгил қилиш келмас экан, вақтида оёқ узатганинг маъқул. У ёғини сўрасангиз, кимларгадир мени қамоқда тинчитиб юбориш ҳам топширилган экан. Ўрнимга адашиб, бошқани бўғизлаб қўйишгандан сўнг бу иш очилиб қолди. Яра янада газак олиб кетмаслиги учун шоша-пиша Олий Кенгашнинг авф этиш комиссиясининг қарори билан мени қамоқдан

чиқариб юборишди. Янгангиз ҳам мен чиқмагунча, тегишли идораларнинг оstonасига ётиб олди, бечора. Суд пайтидаги кийноқ ва таҳқирларни айтмайсизми? Токи ҳамма "айб"ларимни кўр-кўрона бўйнимга олгунимга қадар гоҳ Тошкент қамоқхонасида, гоҳ Ховос қамоқхонасида ўғри ва каллакесарлар орасида сақлашди. Уларга мени калтаклашни, таҳқирлашни тайинлаб кўйишган экан. Ана шундан кейин ҳам "гуноҳ"ингизни бўйнингизга олмай кўринг-чи! Ҳаётга қасдма-қасд ҳаммасига чидадим. Ҳа, бу жон фойдага қолган. Лекин одамларни, ҳаётни қанчалик севишимни, гўзаллик олдида қандай ҳайрат ва интиқлик билан яшашимни билсангиз эди. Ҳамма тоат-ибодатим бир пул бўлди. Энг ёмони халқ олдида, бола-чақам олдида юзим шувит бўлиб қолди. Улар кўз олдида асл қиёфам хира тортди! Бу хираликни мен қон билан юваман! Ўйлайманки, келажак авлодлар оқни оққа, қорани қорага ажратарлар. Улар биздек қисқа ўйламаслар, Нурзоджон, укам! Мени, бу гапларни дуч келганга айтса керак деб ўйламанг. Бу бош қаерларда ёрилмади дейсиз. Одам зоти охири қора қисматга кўникар экан. Шу пайтгача мени тушунмаганлар энди тушунишадими? Сизнинг кўзингизга кўзим тушгандаёқ қувониб кетдим. Негалигини билмайман ва бирдан сизга дардимни тўкиб солиш истаги пайдо бўлди. Мен ҳамма нарсадан чарчаганман. Гапиришдан ҳам, гапирмасликдан ҳам. Кимдир гапир, гапирсанг ҳам ўласан, гапирмасанг ҳам ўласан, шунинг учун гапириб ўл, деган экан. Соғлигим яхши эмас. Шунинг учун гапириб қолай. Узоққа бормайман-ов. Ёлғиз ўзим юрганimgа ҳайрон бўлманг. Одамлардан толиққанман, уларга бўлган ишончимни йўқотиб кўйдим. Қалбимдаги жавоҳир синди. Одамларда ўзгаларнинг бахтсизлигига кўзёши тўка туриб, лаззатланишдек одат бор. Даҳшатли касаллик бу! Мени бу ерга Раҳимов таклиф этганди. У билан гаплашишга тоқатим йўқ. У ҳам байроқни кўтариб, орқа-олдига қарамай чопадиганлардан. Бир пайтлар уни партия ишига мен олиб кирганман. Хатоларим жабрини тортиб юрибман-у, лекин менинг хатойим оқибатида кўкариб қолган дарахтлар, гуллаб-яшнаб ўсаётир. Телба дунё, деб шуни айтадилар. Ҳозир машина келса кетаман. Балки келажакда сиз катта ёзувчи бўлиб етишарсиз. Менинг гапларимни халққа етказарсиз. Агар

қўлингиздан келса шундай қилинг, ука! Илтимос! Бизнинг ёзувчиларимиз жангнинг қоқ ўртасига ёриб кира олмаяптилар! Ҳақиқат учун бўлаётган жанг атрофида от қамчилаб юрибдилар. Сизга кутилмаганда юрагимни очгим келди. Ҳар қандай журналист билан мана бу қорин қўйган амалпарастнинг авлиёсидан кўра минг марта ҳузур қилиб суҳбатлашиш мумкин. Аҳмоқ билан зиёфат егандан кўра, ақлли билан тезак терган афзал. Тагин бу одам давлатга қарши гаплар гапиряпти деб ўйламанг. Аслида давлат биздан худди мана шуларни, ҳамма нарса табиат ва жамият қонун-қоидалари, асосида бўлишини талаб қилади. Бизда эса ана шу талабга яраша ақлу заковат етишмайди...

Усмоновнинг гапини бўлиб ёки луқма ташлаб бўлмас, эди унинг юрагида қат-қат бўлиб ётган дардларини тўкиб солишига халақит бермаслик керак эди. У ўз ҳаёти ва келажаги устидан аллақачон ҳукм чиқариб қўйган, бир пайтлар қалбини ларзага келтириб, уни хаёлан самоларга парвоз эттирган орзу-умидлар, ноҳақлик эзиб ташлаган вужудини тарк этганди. Ёнимда оҳиста қадам ташлаб кетаётган ва аҳён-аҳёнда шийпонни бошига кўтариб қичқиришаётган маст-аласт кишиларга лоқайдлик билан назар ташлаб қўяётган Усмонов авзойим ва кўз қарашларимдан нима дейишимни англаб турарди. У одамнинг афтига, об-ҳавонинг тафтига қараб, ҳар нарсани илғайдиган киши эди. Бетиним ва ҳаяжон билан гапирганидан овози хириллаб қолган Усмонов оғзини ҳўллаш учун томоғини қирар ва қуруқшаган лабини яларди.

— Ўзимиз билиб-билмай даставвал эзгулик учун чин юракдан курашадиганларни йўлдан олиб ташлаймиз, — деди Усмонов бироз сукут сақлагач, кўзимга тик қараб. — Унинг битта арзимаган гуноҳи шу пайтгача қилган ўнлаб хайрли ишини йўққа чиқаради. Одамларимиз ношукур, на яхшилиқни, на ёмонлиқни билишади. Шунинг учун бор-э деб, ҳаммадан қўлимни ювиб, қўлтиғимга урганман. Балки мен юз фоиз ҳақ эмасдирман. Билмадим. Дўстларим ҳам қолмади. Арабларда, дўсти йўқ кишини ўлдиринглар, деган гап бор. Лекин бу нотўғри. Мен дўстликни илоҳий бир туйғу деб билганимдан дўстсиз қолдим. Бенуқсон дўст қидирсанг дўстсиз қоласан деган нақлга амал қилиб, янглишмадим. Вақтида мен дўстларимнинг

гуноҳини кечирдим, нуқсонини яширдим. Улар учун ҳеч нимадан қайтмадим. Охир-оқибатда эса улар мени бир йўла Николайнинг ўтмас сариқ чақасига сотдилар. Давр, одамлар орасидаги ноинсоний муносабатлар дўстликнинг туб моҳиятини ўзгартириб юборди. Бундайроқ қилиб айтганда, дўстлик маишийлашиб кетди. Унинг маънавий қудратига путур етди. Ҳаётда ҳеч бўлмаганда бир кишига садоқатли дўст бўла олмаган фарзандларига ҳам муносиб ота бўла олмайди. Оёғим узангида турганда ҳамма менга дўст ва хайрихоҳ эди. Мендан ақлли ва тажрибалилар ҳам олдимга маслаҳат сўраб келишарди. Оғзимдан чиқиб кетган аҳмоқона гаплар ҳам ҳикматдек янграрди. Одамлар соямга салом беришарди. Ўзларича мени кўкларга кўтармоқчи, мендан пайғамбар ясамоқчи бўлишарди. Бу эса менга ҳақорат туюларди, одамлардан ва гоҳида ўз-ўзимдан нафратланардим. Худо, мени дўстларимдан асра, душманларимни ўзимга қўйиб бер деган гап минг бор ҳақ. Мени боши узра кўтармоқчи бўлганлар эрта кунда биринчи бўлиб ерга ташлаб юборишларини билардим ва бундан азоб чекардим. Дўстим деб юрганларим бошимга етдилар. Ҳаётим қил устида турганда, мени тушунишни истамадилар. Шундай бўлгач, ким нима деса оғзига тикиладиган халққа тўзим берсин.

Асабий кўнишаётган суҳбатдошим фикрини жамламоқ учун яна тин олди. Йиғламасада оқаётган кўз ёшларини артиб, сўзида давом этди.

— Ҳаёт сиз билан мен тасаввур этгандан минг чандон машаққатли ва аёвсиздир. Энг яқин кишиларингиз, қонқардош, ҳатто фарзандларингизда ҳам уларга бўлган меҳр-муҳаббатингиз акс садосини, ҳатто учқунларини кўрмас экансиз бора-бора бу севги ҳам қалбингизни тарк этар экан. Мақсадсиз, журъат ва жасоратсиз киши ошсиз, ишсиз ва ишқсиз қолар экан укажон. Мен ҳеч кимнинг мурувватига муҳтож эмасман ва ҳеч кимдан нажот кутмайман. Бизда бировлар учун ўзлигидан кечиш нари турсин, ҳақ гапни айтадиган кишилар ҳам қолмаганини аллақачон англаганман. Бундайлар ҳатто фан, адабиёт ва санъат арбоблари орасида ҳам йўқ. Инсон асаби темирдан эмас. Бунинг устига хом сут эмган бандамиз. Ўзини дўст санаб, орқамдан кун кўриб, қанчалик ўзимни олиб қочмайин оёғимга бош уриб

юрганларнинг ўша пайтдаги хоинликларидан кечалари уйқум учиб кетади. Мен ўзимча нопоклик ва виждонсизликнинг ҳам чегараси бўлади дея ўйлардим. Йўқ, ундай эмас экан. Бу нарса чегара билмас экан. Фожиали томони шундаки, худди ўша хоин ва иккиюзламачилар эндиликда элга йўл кўрсатиб, ўзини даҳо санаб юрибди. Қани энди бўлаётган номаъқулчиликларни билмаслик ва кўрмаслик учун кўр ва кар бўлиб қолсанг. Кўзингни ёғини ялаб, мурувватингдан баҳраманд бўлиб юрганлар аслида пинҳона оёғинг тойишини, бошингга мусибат тушишини кутиб юради. Бундайлар ўз бошига бирор фалокатни сотиб олса ҳам сендан кўради ва мени қутқариб олмади, дея тирик пайтингдаёқ гўрингга гишт қалай бошлайди. Балки бу унинг сени жини суймаслигидан эмасдир. Одамда шундай бир ожизона одат бўлади, биров гуллаб-яшнаб, обрўси ошиб кетаверса (ҳатто у яқин қариндоши бўлса ҳам) унга нисбатан қандай қилиб юрагидан ҳасад жой олганини ўзи ҳам сезмай қолади. Ва сенинг бошингга (у кутган ва ўзича бу ҳақда башорат ҳам қилганман деб одамларга айтади ҳам) ташвиш тушганда қалбининг тубида қандайдир қониқиш туяди. Юзингга айтмасанда, сени ҳаддан ошиб кетганликда, унча-бунча одамни назар-писанд қилмай, ҳисоблашмай қўйганликда айблайди ва бора-бора сени ношудга чиқаради. Халқда ўзагинги ўзингники узоди деган гап бор. Жуда кўп одамларга яхшилик қилганман. Қизиқ, бора-бора душманлар қолиб кетиб, ўша — яхшилик қилганларинг энг катта душманингга айланиб қоларкан. Сабаб — бир пайтлар сен қўли узунроқ одам бўлиб, унга саховат қилгансан. Вақт ўтиши билан ўша мададинг унга ҳақоратдек туюла бошлайди. Сабаб у ўша пайтдаёқ ўзини сендан ўн чандон устун деб ўйлаган ва эндиликда фикрининг нақадар тўғрилигига имон келтириб турган бўлади. Ваҳоланки, бир пайтлар сен унинг тақдирини изга солиб юборгансан. Унинг ожизлигидан воқифсан, камчиликларини яхши биласан. Аслида у шунинг учун сени ёмон кўради. Бизда ишдан кўра гап кўп, ука. Умрида китоб кўрмаган киши ҳам сенга эртадан-кечгача фалсафа ўқиши мумкин. Хотинини йўлга солломайдиган одам совхозни бошқаради. Боласи сўзига қулоқ солмайдиган яна бир киши районга мутасадди. Бошқа бир хотинбоз вилоят тақдирини ҳал қилади. Яна бир порахўр ўзини

республика ташвишини чекаётган қилиб кўрсатади. Юқорида мен куйиб-пишиб сўзлаган нуқсон ва маънавий жиноятларнинг илдизи мана шуларга бориб тақалмаслигига ким кафиллик бера олади. Бунинг устига ўзимизга эн бўлмай туриб, бировларга бўй бўлмоққа тиришамиз. Мен дунёнинг ҳеч бир ери тенг келмайдиган она еримизни, меҳнаткаш халқимни севаман! Чет элларда яшаб, Ватан тупроғи нима эканлигини англаб етганман. Кубада беш йил Шўро Иттифоқининг маслаҳатчиси бўлиб ишладим. Ҳар куни Фидель Кастро билан Кубанинг тақдирини белгилайдиган ишлар устида бош қотирардик. Кубанинг тутуми ҳам янглиш. Бу ерда халқ амалтақал, оч қолмаслик учун яшайди. Шериклик ошни ит ичмас дегандек, бутун бошли бир халқни бошқа давлат садақаси эвазига босиб бўлмайди. Ҳар бир халқ ўз ақли ва меҳнати эвазига яшамоғи керак. Уша пайтда бир нарсага имон келтирганман. Агар кишида Ватан туйғуси тўқис бўлмас экан, бу хоинлик билан баробардир. Лекин менинг меҳр-муҳаббатим, ватанпарварлигим ҳеч кимга керак бўлмади! Бу сўзнинг қадри ва моҳияти ҳақида ўйламай қўйдик. Кишилар инкубатордан чиққан жўжадек бир-бирларига ўхшашади, бир хил фикрлашади ва ҳатто бир хил кийинишади. Бизда катта мақсадлар билан яшайдиган одамлар камайиб кетяпти. Айримлар учун давлат нарҳида тўрт кило яхши гўшт топиш қаҳрамонлик билан баробар бўлиб қолди. Арзонроқ тўрт кило колбаса ва пишлоқ ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Мен сизга ғалати бир воқеани айтиб берай. Тошкентда Пушкин кўчаси бўйлаб троллейбусда келаётгандим. "Болалар дунёси" магазинининг олдида пойтахтимизга ташриф буюрган "Апельсин" ансамблининг афишаси осиб қўйилган экан. Ишонасизми, бунга кўзи тушган йўловчиларнинг тенг ярми апельсин сотилаётган бўлса керак, дея шу бекатда тушиб қолишди... Икки тоифадаги кишилар — мансабдорлар ва пулдорларгина ўз ишларини хамирдан қил суғургандек битирадилар. Оддий кишилар учун арзимаган иш ҳам осонликча ҳал бўлмайди. Одамлар ҳеч кимга ва ҳеч нимага ишонмай қўйдилар. Ёлғиз оллоҳим менинг, биринчи муҳаббатим, дегандек, наҳотки одамларнинг ёлғиз паноҳи пул бўлиб қолса? Сабаб — кўплар умрининг қолган қисмини ҳузур-ҳаловатда

ўтказишни бойликсиз тасаввур этолмайдилар. Шунақа, маънавий бойлиги йўқ одам албатта моддий бойлик томон интилади. Бунинг ҳаммаси лозим даражада саводли ва маданиятли эмаслигимиздadir. Айрим зиёлиларимиз эса Беруний, Ибн Сино, Ал Хоразмий, Форобий, Навоий ва Улуғбекни етиштирган халқ албатта ақлли ва маданиятлидир дея ўйлашади. Йўқ, халқнинг бугунги ақл-идроки ва фаҳм-фаросати, маънавий даражаси ўтган буюкларнинг бўйи билан ўлчанмайди. Беруний башорат қилган Ер шарининг ярми Америго Виспуччи билан Христофор Колумб ҳисобига ўтиб кетганидек, бир киши очган кашфиётни ундан кейинроқ бошқа одам ҳам ихтиро этиши мумкин. Улуғ шахсиятларимиз ҳурматини жойига қўйишга ҳам ярамадик. Сохта улуғларимизнинг эса эрта-индин ёки бўлмаса устига тупроқ тортилгандан сўнг чуви чиқади. Бошингиз омон бўлса кўрарсиз. Мен у пайтгача яшамасам керак... Ўргимчаклар қўшилишгандан кейин яхши кўрганидан урғочиси эркагини еб қўяркан. Биз ҳам шунга ўхшаб, яхши кўрган одамларимизни бошига етиб ва бу ҳолдан қониқиш туйиб яшаймиз.

Усмоновнинг кўнгли бузилганидан овози титраб кетди. Кейинги пайтда шунақа, болага ўхшаб бўлар-бўлмасга кўзи ёшланадиган бўлиб қолган ва бу ожизлигидан гаши келарди. У ҳўл дастрўмолини бўғриққан юзига, лаб ва кўзларига босарди. Энди унинг овози суҳбат бошидагидек жарангдор ва дадил эмас эди. Назаримда, ёнимда хаста овозли бошқа бир киши гапириб кетаётган эди.

— Менинг бу узундан-узоқ монологимдан Усмоновнинг хаёли кирди-чиқди бўлиб қолибди, деб ўйламанг. Гапнинг очиги мен унчалик яхши нотиқ эмасман. Олий партия мактабида дарс берганимда унча-мунча ҳикоя қилишни ўрганганман. Фикрлашим доимо сўзлашимга ҳалақит беради, — гапида давом этди менга ўгирилиб қараб қўйиб. — Хаёлга келганда, айтиб қолмасам гапим эсимдан чиқиб кетади. Гоҳида эса ўзимни мутлақо ҳеч нимага ақли етмайдигандек нотавон ҳис этаман. Идроким бўшаб қолгандек туюлади. Шундай пайтларда илгари ўзимни отмоқчи бўлардим. Лекин бу игвогар одамлар сени тинч ва эртароқ, ўз инон-ихтиёринг билан ўлганингга ҳам қўйишмайди. Қани мен ўзимни нобуд қилайчи, ана унда кўрасиз гап-сўзни. Менинг уйимдан юз килограмм

тилла ва бир неча миллион сўм пул топилган ва ўз жиноятларимни беркитмоқ учун ўзимни ўлдирган бўлиб чиқаман. Есенин, Блок, Маяковский ва Фадеев жиноятларини беркитиш учун ўзларини ҳалок этмаган бўлсалар керак?! Қандай буюк истеъдод эгаси бўлмасин, агар улар бизда бўлганда Абдулла Қодирий ёки Чўлпондан беш баттар кунга қолишарди. Бир умр сохта ватанпарварлар уларнинг гўрига гишт қалаб ўтишарди.

Усмонов энди гапидан адашиб кетди. Қаттиқ ҳаяжонланганидан фикрни йўқотиб қўйди, чамамда тун чўқаётгани қорамтир боққа тикилганча ўйланиб қолди.

– Бизда ҳаётга шунчаки тўғри қараш етишмайди. Шу боис ўтмиш тарихимизга ҳам, келажагимизга ҳам тўғри қарай олмаёпмиз. Ожизмиз! Жуда кўп нарсаларга ёндашув пухта ўйланмаган ва асосли ишлаб чиқилмаган, — деди қўлини орқасига қилганча тўхтаркан. — Жуда кўп қарашлар эскирган ва давр талабига жавоб бермайди. Назаримда биз қариб, ҳолдан тойган байтални миниб олиб, уни бор кучи билан савалаётган маст отбоқарга ўхшаймиз. Бу аҳволда байталнинг ҳам бошига етамиз, ўзимиз ҳам ҳолдан тоямиз. Бироқ бу ҳақда очиқ-ойдин, рўйи рост, юрак ютиб айтишга бизда журъат, жасорат ва мардлик етишмайди. Мардлар эса ўз айблари устига ўзгаларникини ҳам оладилар. Яхшилик кўзга кўринмайди, ука, ёмонликни эса кўмиб ташлаб бўлмайди. Одамлар пулини олиб ишини битириб берганини, умр бўйи бола-чақасини ризқини қийиб, ёмон кунимга ярар деб, топган-тутганини қоқиштириб олиб боласини ўқишга киритиб қўйганини, бошингга фалокат тушганда бахтсизлигингни савдолашганларни ҳалол ва тўғри одамдан кўра кўпроқ ҳурмат қиладилар. Бу халққа асл миллатпарвар ва ватансевар фарзандлар эмас, тонггача бетайин ашула айтиб чўнтагини қоқиштирадиган суюқ отарчи керак... Дейлик, сиз бир жиноят қилиб қўйдингиз. Чўқаётган одам чўпга тармашгандек тақдирингиз қўлига тушиб қолган дуч келган ҳуқуқ ҳимоячисига нажот кўз билан қарайсиз ва ниҳоят у билан "гаплашадиган" киши топасиз. У эса сизга "нажоткор"нинг шартларини айтади. Бу ишингизга саккиз йил беришаркан. Бир юмалоқ (бу минг бўлади) берсангиз тўрт йилга тушириб берармиш, дейди воситачи кўзи ҳаром ўлган,

қўйнинг кўзидек бўлиб. Бошқа иложингиз йўқ. Албатта рози бўласиз. Қавм-қариндошингиздан қарз-ҳавола қилиб бўлса ҳам бу пулни тодиб, келтириб берасиз ва аслида қонун бўйича жиноятингизга яраша бўлган жазо — тўрт йилни олиб кетаверасиз. Шу районда Худойбердиев деган шундай прокурор бўларди. Билмадим ҳозир ишлайдими, йўқми, лекин ўлгандан ҳам пора оларди. Жазолашга улгуролмай қолгандик. Энг ёмони, бундайлар битта-иккита бўлса майли эди. Буларга қарши курашиш гоят мушкул бўлиб қолган. Хуқуқ ва адолатни тикламоқ учун ҳаммасини қайтадан бошламоқ керак. Аслида халқ бундайларга еганинг заҳар, кийганинг кафан бўлсин, дейиши керак. Бироқ ҳечам бундай дейишмайди. Сабаб — улар ўзгаларнинг ҳақиқага хиёнат қилиб, манфаатдор бўлган кишиларига, яхшилик қилган бўладилар. Ҳеч қачон одил, ҳақ, тўғри ишни талаб қиладиган кишиларни яхши демайдилар. Бундай одамларни ўзиям ёлчимайдиган, бировга ҳам сояси тегмайдиган ношуд дейдилар. Уни қавм-қариндошларига қайишмайдиган, ўз яқинларининг бошини силамайдиган, ўз юртидан кадр тарбияламайдиган, ўзининг эртасини ўйламайдиган, керак бўлса давлатнинг иши деб ўз боласига ҳам яхшилик тиламайдиган бағритош одамга чиқаришади. Шунинг учун ҳам алоҳида одамларга эмас, кўпчиликка, халққа яхшилик қилиш керак. Яхшиликни одамлар, бир тўп оломон унутиши мумкин. Лекин халқ унутмайди. Сен халққа боғ яратиб ёки кўприк қуриб бер, бўлди. Сен оғзидан қўймайди. Ваҳоланки, аслида бу ишни шу халқни ўзи қилган бўлади. Сен унга бош-қош бўлиб тургансан. Шунинг учун ҳам раҳбарлик истеъдоди халқнинг кучини, унинг хоҳиш-иродасини қай тарзда йўналтира билиш билан белгиланади. Менимча, ҳақиқий раҳбарлик истеъдоди ҳам рассомлик ёки ёзувчилик истеъдодидек камдан-кам учрайдиган ҳодисадир. Истеъдодли раҳбар халқнинг орзу-умидларига қанот, ҳаётига нур бахш эта олади. Одамларни зарур бўлган ишга руҳлантириб, улар юрагига бахт-саодат сари бориш ва унга эришиш туйғусини сола билади. Ўтти кўз ёши билан ўчириб бўлмаганидек. Балки менинг бу гапларимнинг ҳаммаси бефойдадир. Лекин бунга ишонгим келмайди. Мен сизга айтган гаплар бир кун келиб баралла айтилади. Шунда ўз

## *Унутилган соҳиллар*

нобакорлигимиз устида қаҳқаҳа этиб куламиз ва йиглаймиз. Вужудимнинг қуввати ўзимга маълум. Сиздан сўнги илтимосим, укажон! Мени унутманг! Сўзларимни одамларга етказинг! Халқимиз бир-бирининг оёғига болта уриб, нонини дуч келганга едириб, итнинг кейинги оёғи бўлиб юриш учун яралмаганини ҳайқириб айтинг! Қилич қинда ётаверса занглайди. Ҳар қалай кучли ва ўткир одам ҳам ҳақиқат учун курашмас экан, бора-бора инсон сифатида тугайди. Курашмоқ керак! Кураш...

Усмоновнинг овози сўниб бориб, бирдан тўхтаб қолди. Терлаб, қизариб турган юзи оқарди, ўнг қўли билан чап кўкрагини гижимлади. Мен ҳайратдан қотиб турардим. Сўнгра у киши беихтиёр менга суянди. Мен эса карахт эдим.

— Энди мени машинагача суяб боринг, маза қочди, — деди ўнг қўлини елкамга қўйиб.

Машинадан эса дарак йўқ эди. Меҳмоннинг аҳволи оғирлашганини кўрган боғ қоровули Эшмурод амаки югуриб келди. Усмоновнинг оқараётган юзидан қон қочганди.

— Олиб кирайлик, — деди менга ташвишли назарда тикилиб.

Усмоновни дид билан безатилган хоналардан бирига олиб кириб ётқиздик. Унинг ўнг қўли чап кўкрагида қотиб қолгандек эди.

— Ука, менинг олдимга бирор соатдан кейин кириг! — деди Усмонов гезарган ва қуруқшаган лабини ялаб. — Унгача мен ўзимга келиб қоларман! Машина келса, шофёрга жавоб бериб юборинг! Бугун кетолмасам керак!.. Илтимос, менга бир пиёла сув берсангиз?

Эшмурод амаки билан хонадан қайтиб чиқдик. Оқсоқол ҳамон менга ишқилиб бирор кори-ҳол юз бермасайди дегандек, ташвишли маънода қараб кўярди.

Мен яна салқин ва осуда боққа чиқдим. Ёлғиз ўзим хаёлга чўмиб боғ айланарканман, беихтиёр Лермонотовнинг қалбимга яқин сатрларини такрорлай бошладим:

Танҳолик бахт эрур, кўкарган чечак...

Бир ярим соатлар чамаси вақт ўтгач, Усмонов ётган хонанинг қия очиқ эшигидан мўраладим. Боя чиқаётганда атайлаб эшикни салгина очиқ қолдиргандим. Ўнг қўли полга тегиб турган Усмонов ҳали уйғонмаган эди. Эшмурод амакини уйғотиб юбормаслик учун оёқ учида юриб яна ҳовлига чиқдим. Салқин ва тоза ҳаводан эт жунжикарди. Тоғ тарафдан эсаётган ёқимли ва роҳатбахш шабададан тўйиб-тўйиб нафас олдим, бир лаҳза кечаги воқеаларни, Усмоновни, ҳамма-ҳаммасини унутдим. Хаёлимни тоғ бағрида милтирабгина ёнаётган бир жуфт гулхан бўлди. Бу вақтда чўпонлар қотирмани чўққа тоблаб, кисирлатиб еб, офтобада қайнаган кийик ўтили чойни ҳузур қилиб ичишаётган бўлади. Беихтиёр кийик ўти солинган хушбўй, қайноқ кўк чойнинг таъмини туйдим. Гулхан алангаланганда Ойқор қояларини қоплаб ётган олачалпоқ қорлар янада яққол кўзга ташланади. Институтга киролмай, қишлоқдошларнинг сўраб-суриштиришидан безиб тоғда, амманнинг ўғли Раббим аканинг ёнида қўй боқишни афзал кўрган, ўшанда ўзим сезмаган ва эндиликда ҳаётимнинг энг мароқли онлари бўлиб кўринаётган дамлар кўз олдимдан бир-бир ўта бошлади. Ўша пайтда тўғриси, қўй боқишимдан ўзим ҳам уялганман. Одамлар "сени мактабда аъло ўқиган деб эшитардик, наҳотки ўн йил ўқиб, қўй боқсанг? Отанг ҳам ўлар ҳолатда эмас, озгина сарфу харажат қилса, бундай таёқ судраб юрмасдинг. Охир-оқибатда пешонангга чўпонлик битилган экан, ўқиб нима қилардинг" деган учуриқларидан, кўпларнинг эса бу гапларини очиқ-ойдин ва ўлгудек кўпол тарзда юзимга айтишларидан хижолат бўлардим. Шунинг учун қишлоққа ҳам келмай, уззу-кун сурув ортида юрардим. Севимли машғулотим — қат-қат тошлардан силуэтлар ясардим. Илк бор хаёлан, ҳеч бир суратга қарамай, Ойқор тоғи ва айиқ шаклини ясаганимда ҳайрат ва қувончдан ҳайқириб юборганман.

— Эҳ-ҳей! Қўйлар! Қўйжонлар! Қадрдонларим! Мана, кўринглар менинг ишимни! Сизларни боқаётган боланинг қўлидан нималар келади-я!

Қўра қаршисидаги чўпонлар яшайдиган уйнинг токчалари суратларга тўлиб кетганди. Бола-чақам, моли-ҳолим демай,

бунинг устига ўз ихтиёри билан куну тун ишлайдиган мендай чўлиқни топиш Раббим ака учун тангрининг марҳаматидай эди. У киши менинг хизматимдан миннатдор эканлигини билдириб қўйиш учун бўлажак журналист ва айни пайтда рассомга бозордан турли хил егуликлар олиб келарди. Назаримда кунлар секин ўтарди. Одатда ўзи шундай бўлади. Ишинг юришганда кунларнинг қандай ўтганини сезмай қоласан. Омад чопмай, ишинг бароридан келмаганда эса кунлар тошбақа юриш қилиб секин ўтади. Шеригим, севгидан куйган Узоқ чўпон билан кечаю кундуз бирга бўлсак ҳам гапимиз тугамасди. У ҳар сафар Тошкентда, юрфакда ўқийдиган бир йигит ўзи яхши кўрадиган қизнинг номусига текканини, аламидан ўша йигитнинг думбасига пичоқ санчганини қайта-қайта ҳикоя қилиб берарди. Ҳар қандай мавзуда бошланган гап, айланиб шу воқеада тўхтарди. Мен унинг кўнглига қарардим ва ҳар сафар янги бир воқеани эшитаётгандек, диққат билан қулоқ солардим. Ҳар бир хатти-ҳаракатини ўзига билдирмай, эски ён дафтарчамга ёзиб қўярдим.

Болалигида, жувоз айлантираётган от тепкисидан оғзи аралаш чап юзида қолган тиртиғи, гапирганда, юзига аллақандай ғайри табиий ифода бахш этарди. Отаси ўлгандан сўнг ўқишни ташлаб кетган, сурув орасида ётиб юриб катта бўлган Узоқ ҳар бир совлиқнинг қайси кўчқордан қочиб, қачон кўзилашигача аниқ биларди. Мен уни ўз ишини шу қадар пухта билиши ва сидқидилдан ишлаши учун яхши кўрардим. У ҳечам ёлғон гапирмас, алдам-қалдам гапни хаёлига ҳам келтирасди.

— Бари бир мен Улбўсинга уйланаман. Ўйлайвериб бошим оғирлашиб кетади. Биласанми, у мени мендан ҳам кўпроқ яхши кўради. Ишонасанми? Дунёда бировни сени чин дилдан яхши кўришини туйишни сен ҳали тушунмайсан. Мен усиз бир кун ҳам яшолмайман. Қишлоққа бориб ўша ифлоснинг уйига ўт қўяман. Керак бўлса унинг номуси учун ўзимни чўққидан ташлайман. Бўғизлайман уни, бўғизлайман! — дерди у титраб-қақшаб.

Сўнгра Узоқ нарироққа бориб йиғлар ва анчагача ҳеч ким билан гаплашмай юрарди. Улиб-тирилиб унинг кўнглини олишга уринардим. Қани энди қўлимдан келса-ю, унга чексиз яхшиликлар қилсам дея ўйлар эдим. Ниҳоят у айтганини қилди. Сурувга қўшиб боқиб юрган ўн битта қўйини Раббим акага

сотиб, биз билан йиғлаб хайрлашди-да, шу кечасиёқ Улбўсинни қишлоқдан олиб, тоғ оша Панжакент томонга қочиб кетди. Раббим ака унга ўша тарафдаги бир ошнасиникига боришни, истаса унинг ёнида қўй боқишини тайинлади.

Улбўсинлар оиласида ўн битта қиз бор эди. Унинг энг катта опасининг оти Норбуви бўлиб, энди ўғил туғилсин дея умид қилишиб, иккинчи қизнинг отини Ўғилой қўйишди. Шундан сўнг яна қиз туғилавергач, Ултувой, Улбўсин, Ўғилжон ва энди етар деган ўйда Басбуви деб исм қўйишгач ҳам яна олтига қиз туғилганди. Номоз қоровул ҳамон хотининг ўғил туғишини кутарди.

Узоқ кетгач, анчагача онасидан ажралган кўзидек гарангсиб юрдим. Ҳавасим келиб, у билан хаёлан суҳбатлашардим. У ошиб ўтиб кетган, чўққиларни қишин-ёзин оппоқ қор қоплаб ётадиган Ойқор ортига соғинч ва интиқлик билан тикилардим. Айниқса, ой тоғ ортидан мис баркашдек тўлишиб кўтарилаётганда кўз олдимда жараланган севгилари ва она қишлоқдан айрилиқни меҳр-муҳаббат ва садоқат билан даволаётган Узоқ чўпон билан Улбўсин гавдаланарди. Уларнинг тақдири мени ҳаяжонга солиб, вужудимда сўз-ла ифодалаб бўлмас эзгу-туйғуларни жўш урдирарди. Беихтиёр, хаёлимда севиб, орзу-ўйларимда ардоқлаб юрган дунёда тенги йўқ сулув ва ақли расо, қўшиқ тимсолидаги бир гўзални тасаввур этардим. Бу илоҳий мўъжиза шундоққина қаршимда мени кутиб тургандек туюлар ва уни йўқотиб қўймаслик учун кўзларимни чирт юмиб олардим. Вужудимни қоплаган бу ғайритабиий ҳис хиралашгач, у юлдуз қадар йироқлашар ва бу туйғудан карахт бўлиб юрардим.

Мен ўша дамда, ҳозир ҳам гоҳида ўзимни ўзим тушунолмайман. Шундай дақиқалар бўладики, бирор нарсдан таъсирланиб юрагим ҳаприққанидан ўзимни кўярга жой тополмай қоламан. Вақт ўтиши билан кўзимга ёниб кўринган нарсалар ўз сеҳрини йўқотади ва мен уларнинг ҳеч ким илғамайдиган қабарик томонларини пайқаб, англаб етиб, ихлосим қайтади. Шунда дунё кўзимга тор кўриниб кетади. Теварак-атрофимни ўтиб бўлмас тўсиқлар ўраб тургандек туюлаверарди ва ўзимда бу тўсиқларни енгиб ўтадиган куч тополмайдиганга ўхшайман. Рухимни мавҳум ва англаб бўлмас

бир ҳолат қоплайди... Одамларга ноумидлик ва ишончсизлик билан қарай бошлайман. Одамларнинг бу қадар қисқа умрни бекордан бекорга ўтказаятганларидан, арзимаган таъқиқларга, сарф этаётганларидан ҳайратланаман ва кўп ўтмай бу ҳайрат азобга айланди. Бу – гўзал ва фақат бир марта бериладиган ҳаёт деган илоҳий инъом олдида инсон деб аталмиш гўл ва ғариб жонзотнинг доводиранлари бўлса керак дея ўйлайман. Бу тушқунлик ҳам узоққа чўзилмайди, чекинади. Мен ҳаётга яна завқ-шавқ ила қарай бошлайман...

Бир амаллаб сиртдан ўқишга кирганимда ҳам Раббим аканинг ёнида қўй боқардим. Қишки сессиялардан бирида мен билан тортинмай, доимо очиқ чехрада гаплашадиган (мен курсда энг ёш эдим), гапи ҳам табассумидек ёқимли, ўзи бенуқсон даражада гўзал ва назокатли марғилонлик Дилбархон исмли курсдошимнинг бир хатидан сўнг...

"Нурзоджон! Қамчидеккина йигитсиз. Лекин кийимингиздан оғилнинг ҳиди келади. Бунақада Фарғонанинг паридек қизлари сизга қарамайди..."

Ўзимни йўқотиб қўйганимдан сўзлар кўз олдимдан пилдирашиб ўта бошлади. Ер ёрилмади-ки, кириб кетсам. Ўзим сезмаган ҳолда билмайман, танамгами, усти-бошимгами қўйнинг ҳиди ўрнашиб қолган экан. Шу-шу қизларнинг яқинига йўламайдиган бўлдим. Кўп ўтмай қишлоғимиздаги саккиз йиллик мактабга пионервожатий бўлиб ишга ўтдим ва ўзимни бирдан улғайиб қолгандек ҳис эта бошладим. Шаҳарда, интернатда ўнинчини битирганим учун болаларнинг кўзига худди катта шаҳарларда институтни битириб келган ўқитувчидек туюлардим, шекилли, унча-мунча муаллимнинг гапига қулоқ солмайдиган ўқувчилар мен билан ҳисоблашарди. Ундан ташқари шу пайтгача мактабга пионервожатий штати берилмаган бўлиб, бу лавозимдаги кишига болалар директор ва илмий бўлим мудирини каби алоҳида ҳурмат билан қарашарди.

Ўша – мактабда иш бошлаган эрта баҳор кези эди. Дадам иккимиз ер ағдарардик. Кўни-кўшиларимиз ҳам томорқаларида ишлашарди. Бизнинг ҳаракатимизни кузатиб турган қаршидаги қўшнимиз Абдувоҳид аканинг бешинчи синфда ўқийдиган Назар исмли ўғли отасидан "Дада, пионервожатий ҳам ер чопадими?" дея сўрагани эсимда. Роса кулишгандик.

Далаю даштга ўрганиб қолган эканман, ҳадеганда ишга киришиб кетолмадим. Кейинчалик англасам, сурув ортида уззукун таёқ судраганча, "ҳай-ҳай"лаб юрган одам бирдан бошқа юмушга кўниколмас экан. Кўй боқиш учун юриб чарчамасанг бас, тоғу тошда елиб-югуриб юраверасан ва бора-бора кўникиб кетасан. Қанча юрсанг, шунча енгил тортасан. Бу фикрлар менинг чўпонликка бўлган романтик қарашларим маҳсулидир балки. Лекин аслини олганда кўй боқиш оғир ва серташвиш, отамнинг таъбири билан айтганда, кишини одамгарчиликдан чиқарадиган касб эди. Йил-ўн икки ой қишлоқдан нарида, учоворадан чиқиб, ўлик-тирикдан беҳабар қолади одам, дерди отам.

Кўзилатиш авжига чиққан кунларда шу қадар ҳолдан тоярдики, кўра деворига бош тираб мудрашга тўғри келарди. Бу шунчаки мизғиш эмас, қарийб ярим ҳушдан кетишга ўхшарди. Бир кечада саксон-тўқсонга кўзилаган совлиқни кўздан қочирмаслик, шунча кўзини оғизлантириб, она-бола қилиш, совлиқларни кўзилаган пайтига қараб алоҳида кўраларга ажратиш, уларга ем-хашак бериш (агар у бўлса) ва асосий сурувдан хабардор бўлиш – бунинг ҳаммаси ҳар қандай меҳнатсевар ва матонатли одамнинг ҳам тинкасини қуришиб, жонидан тўйдиради.

Айниқса, боласини ҳидини адаштирган совлиқларга бошқа бир кўзини олдириш жараёни менга азоб берарди. Деярли ҳар куни эрталаб икки-учта совлиқ боласини адаштириб, эмизмас, овози бўғилиб қолган кўзилардан бири аранг юриб олдига борса, тепкилаб, сузиб ташлар, яқинига йўлатмасди. Кўй-кўзиларни топиштиравериб кўзи пишган Раббим аканинг бундай пайтларда қони қайнаб кетарди. Унинг қаҳр билан сўкинган овозини эшитган совлиқлар ҳайиққанидан девор паналаб қолишарди. Кўтон девори ёқалаб қурилган, битта кўй сиғадиган усти очиқ катакларда орқа ва олд оёқлари тушовланиб, думбасининг остига туз кўйилган совлиқлар жон талвасасида ўзини деворга урарди. Совлиққа кўшиб кўйилган кўзи уззукун унга тармашиб, бир қултум сут илинжида ҳалак бўларди. Тузнинг ачитаётганидан жони азобда қолган совлиқ оёқлари остида ўрмалашаётган кўзини эмиздирмас, оч-наҳор, кулликланган кўйи ётаверишини охири англади. Ҳадеганда кўзини олавермаса Раббим ака уларни бирма-бир савалаб

## *Унутилган соҳиллар*

чиқар, калтаклаш ҳар икки-уч соатда такрорланарди. Бу калтакдан тентак бўлиб қолиб, бир неча кундан сўнг биз чўлиқларга емак бўладиган совлиқларгина кўшиб қўйилган кўзини олмасди. Омади чопмаган кўзи эса совлиқдан бурун тери учун учун сўйилиб кетарди. Айрим совлиқлар узоқ пайтгача бирорта кўзини олмас, Раббим ака бундай қўйларни икки орқа ва олдинги бир оёғини кўшиб кулликлаб, кичикроқ сойга кўзи билан бирга ташлаб кўярди. Шу боис, кўшхонада ҳар куни такрорланадиган юракни эзувчи бу ҳолатнинг шоҳиди бўлмаслик учун ярим кечада кўзилари катта бўлиб қолган асосий сурувни кўзғатиб, тоғ тарафга ҳайдаб кетардим. Бошқа бир чўлиқ эса кўзилайдиган сурувни боқарди. Унинг иши меникидан огирроқ эди. У тушга яқин сурувни кўтон яқинига ҳайдаб келар ва бунгача камида уч-тўртта совлиқ кўзилаган бўларди. Кўзиларни кўтариб, совлиқларни кўрага олиб келиш керак эди. Хуржунга солиб, иккита кўзини нобуд қилган Бобонқозоқ чўпон Раббим акадан сўкиш эшитиб, эшакдан ажралган, энди қора терга тушиб, уст-боши булганганча, бир неча чақиримдан кўзиларни кўтариб келарди. Кўзилаган совлиқлар маъраганча, унинг орқасидан эргашарди. Негадир мен ана шу манзарани кузатишни яхши кўрардим. Шу дақиқада одамзод билан ҳайвонот яхлит мавжудотга айлангандек туюларди, назаримда.

Устидан тушган жойингда тошдек қотиб, қорни очмаса бир ҳафта ҳам қимир этмай қулоғини осилтириб тураверадиган, пашша кўришга ҳам эринадиган кўкиш қари эшак менга текканди. Ҳатто барча эшаклар қатори кунда бир неча бор ханграшга ҳам эринар, хира кўзларини юмганча, турган жойида ухлар, аҳён-аҳёнда пишқириб кўярди. Энди унинг жони кириб қолганди. Бошқа чўпонлар уни эрмакка минишар, минишга эҳтиёж бўлмаса ҳам устидан туришмасди. У мени урмаслигим ва халаламаслигимни билиб тез юрмасди. Бу беғам ва тарки дунё қилган ҳайвонга тикилгани сари эшак ва унинг эгаси ҳақидаги бир ҳикоят ёдимга тушаверарди.

Бир одам эшакка китоб ўқишни ўргатмоқчи бўлиб, анча азият чекибди, унинг хатти-ҳаракатини кузатган кўшниси охири чидай олмай олдига келиб, яхшиси, ўзинг ундан сукут сақлашни ўрган, деган экан. Инсон зотига бўйсунувчанликда

эшакка тенг келадиган махлуқ бўлмаса керак. Лекин одам боласи доимо беминнат нарсанинг қадрига етмаганидек, бу бечора ҳайвоннинг машаққатли меҳнاتини ҳам бир пулга олмайди. Бирорта жонзотнинг бекор туришига йўл йўқмайдиган Раббим ака менга эргашиб юрадиган бу беозор жониворнинг фойдаси тегмаётганини кўриб, уни сув ташиш учун қўшхонадагиларга олиб берди.

— Чўпоннинг ёстиғи муздан, кўрпаси қордан бўлади, деҳқон қорда, чўпон гўрда тинади — дер эди икки гапнинг бирида Раббим ака.

Болаликдан чорвага аралашиб ўсганлигим учун бу қийинчиликлар менга табиий туюларди. Мактабда ишлай бошлаганимда ҳам Раббим акадан узилиб кетолмадим. У киши иши кўпайиб кетганда мендан чўпонларга нон элтиб бериш, қўйларни чўмилтириш ёки қирқимга кўмаклашишни сўраб қоларди. Мактабда катта ҳавас билан иш бошладим. Бироқ бора-бора касб сифатида ўқитувчилик кўлимдан келмаса керак, дея ўйлай бошладим. Сабаб — мен вожатийликни топшириб, ўқитувчи бўлиб ишлаётганимда ҳам бутун ўқувтарбия ишлари программа талаби ва ўқувчилар қониқиш ҳосил қиладиган даражада бўлишига интилар эдим. Бироқ мактабда бунга имконият йўқ эди. Мактаб директори — туман ва колхоз раҳбарларини кўрса шайтонлаб қоладиган Саидқулов учун қишлоқ бригадири Муродқул мўйловнинг гапи қонун эди. У раҳбарларнинг олдида кулаладек юмаларди. Муродқул бригадир бир мўйловини бураса, Саидқулов шартта дарсни тўхтатиб, ўқувчиларни ягана ёки пилла ажратишга жўнатарди.

Мактабда маориф талаблари асосида ишлаб бўлмаслик, ўқитувчиларнинг болаларга билим бериш учун эмас, кунни ўтказиш учун мактабга келиб кетишларини ҳис этиш мени қийнай бошлади. Ўқитувчилардан кўпи болаларни инсон сифатида шакллантириш, фикрлашга ўргатиш, уларга тўғри йўл кўрсатиш ўрнига шаклланмасданоқ емирила бошлашларига йўл қўяётганликларини ва буни ҳеч қачон кечириб бўлмаслигини, бу ҳақда чор тарафга жар солиш, одамларни огоҳлантириш кераклигини юрагимнинг туб-тубидан ҳис эта бошладим. Бу ҳақда директорга, илмий мудирига ва ҳамкасбларимга айтганимда елкаларини қисийди. Айримлари эса устимдан кулишди. Шундан сўнг, талвасага тушиб қолдим.

Ўйлаб-ўйлаб буни мендан атиги бир неча ёш кичик бўлса ҳам мени дўст ва тенгдошдек кўрадиган, ўзим мушоҳадага, теварак-атрофда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга бефарқ қарамасликка даъват этаётган ўспиринларга айтдим.

Нихоят, биз бу ҳақда Тошкентга ёздик. Шундан сўнг, мактабда бошланган тўполон (болалар буни ярим ҳазил, ярим чин "қўзғолон" деб аташарди) раҳбарликнинг ва жамоанинг қарийб учдан икки қисмини ишдан кетиши билан якунланди. Бироқ бу ўқитувчилар бошқа мактабларга ишга юборилган эди. Вилоят ва пойтахтдан келган комиссия аъзоларига ишдан четлаштирилган бу кишиларни уларнинг қобилиятига яраша деҳқончилик ёки чорвачилик соҳасида иш билан таъминлаш кераклигини талаб қилдим.

— Сиз бизга жамиятнинг энг ривожланган босқичидаги талабларни қўйяпсиз, шекилли, — деди ўзини Маориф министрлигининг бошқарма бошлиғи ўринбосари деб таништирган, ёш бўлса-да, сочи эрта оқарган, ҳирсдай семиз киши. — Биласизми, республика бўйича неча мингта ўқитувчи етишмайди?

— Бу ўқиш ва ишлашда ҳеч ким ўша ривожланган жамиятни кура олмайди. Бирорта даҳо коммунизмни амалга ошадиган ғоя деб айтмаган. Биз ҳали социализмнинг шунчаки оддий талабларини ҳам бажара олганимиз йўқ. Сиз республикада муаллимлар етишмаслиги ҳақида ўйлашингиз мумкин. Буни ҳам ватанпарварлик нуқтаи назаридан эмас, балки шу соҳада ишлаганингиз учун биласиз. Бу ишлар ҳеч қачон сизнинг ҳаётингиз мазмунини ташкил этмаган бўлса керак. Шахсий манфаати учун жонини жабборга берган одам ҳеч қачон ўзини халқ ва давлат ишига баҳшида этолмайди. Сизлар юз минглаб ўқитувчиларга худди сурувга қарагандек қарайсизлар ва халқ маорифининг тараққий этишини эмас, ҳар йили тасарруфингиздаги олий ўқув юртларига қандай қилиб соққасини олиб, икки-уч нафар абитуриентни киргизишни ўйлайсиз. Сизларнинг иш услубингиз тайёрлов министрлигининг картошка ёки сабзавот тайёрлаш планини бажариш ишига ўхшайди. Даражасини қандай бўлишидан қатъи назар сизга тирик ўқитувчи керак, ўқитувчи ишлаб чиқаришингиз керак!

Вазирлик ходими бир зум ён-веридагиларга қараб,

каловланиб қолди. Бақбақаси тегаверганидан тугуни ейилиб кетган, кир ва эски бўйинбоғи уни янада семиз ва бесўнақай кўрсатарди. Хона тўла одам эди. Воқеанинг бу даражада ривожланишини ҳеч ким кутмаганди. Терга тушиб ўзини ноқулай сезаётган меҳмон гапини ўнглолмай, нажот истаб атрофга жаланглади.

— Ўзингиз институтга қанча бериб киргансиз? — деди у ниҳоят бўғиқ овозда кўзларини чақчайтириб. — Бу ҳақоратингиз учун мен сизни судга беришга ҳам ҳақлиман!

— Мен ҳеч нима бермаганим учун кундузги бўлимга кира олмадим. Сиртқи бўлимда ўқияпман. Мени эса бемалол судга беришингиз мумкин. У ерда сиздан беш баттар, бошқа бир порахўр ўтирибди. Албатта, у сизни қўллаб-қувватлайди.

Меҳмон, бу одамми ўзи, дегандек директорга, илмий бўлим мудири ва бошқаларга бирма-бир қараб чиқди. Бироқ унга нажот қўлини чўзадиган, менинг ҳақоратомуз таъналаримдан кутқарадиган жон кўринмасди. Узларининг бундан ҳам баттар чуви чиқишидан чўчиган кишилар мум тишлагандек жим ўтиришарди. Кўпчилиги эса шундай катта одамнинг шарманда бўлаётганлигини қизиқиб томоша қиларди.

— Нега ноҳақдан ноҳақ бировларни айблайсиз? Мана, ўзингиз айтдингиз, бир тийинсиз кириб ўқияпсиз экан-ку? Тагин нима керак сизга? Тушунолмамаяпман!

— Сиз мени ҳеч қачон тушунмайсиз, тушуна олмайсиз ва тушунишни истамайсиз. Мен бари бир ўқишга кирар эдим. Бир йил олдин бўлмаса бир йил кейин. Кириш имтиҳонларини топшириш пайтида ва ўқиш мобайнида шуни билдимки, ўқитувчиларнинг кўпчилиги ўз фанларини ўрта мактаб ҳажмида ҳам билишмайди. Шундай экан нега энди мен ўқимаслигим керак? Ҳаётни қай даражада тушуниш ва фалсафани бир четга қўйиб турайлик, соф фан нуқтаи назаридан қараганда, мендан саводсизроқ одам олий ўқув юртида дарс бериши керак экан-у, нега мен ҳатто студент ҳам бўла олмас эканман? Педагогика институтларига кириш узоғи билан уч-тўрт мингдан ошмайди. Бироқ юрфак, автомобиль йўллари ва медицина институтларига кириш қанча туришини биласизми?

— Ишим тушгани йўқ, — деди меҳмон терини артаркан гўлдираб. — Илтимос, ёқамни қўйиб юборинг. Юрагим чатоқ...

— Ишингиз тушган. Тушганидаям бир эмас, бир неча марта тушган! Жуда катта олди-бердиларнинг орасида тургансиз! Ахир, министр ва министр ўринбосарлари бечораларнинг ҳам бола-чақаси бор! Хизматни садоқат билан дўндирмасангиз улар сизни бир кун ҳам ушлаб туришмайди! Кўзларингиз айтиб турибди! Сиз жуда уста ва ҳурматли порахўрсиз! Агар сиз порахўр бўлмаганингизда мана шу ишни тинчитиб, Саидқуловни бошқа мактабга директор қилиб ўтказмаган бўлардингиз! Ўқитувчилик қўлидан келмайдиган, дипломи сотиб олганларни маориф соҳасидан четлатар ва дипломини бекор қилдиар эдингиз! Сиз икки дунёда ҳам бундай қилмайсиз! Сизга қўлингиздаги каби шикоят хатлари тушиб турса, бас, кунингиз ўтиб, ошиғингиз олчи тушаверади. Ўқитувчилар Бойқул Саидқулов орқали сизга қанча тўплаб беришганини одамлар билмайди, деб ўйлайсизми? Мен буларга қарши курашиб юрибман! Улардан бири эса отамдан қарз сўраб борибди! Тошкентдан комиссия босди, ўқитувчилар юз сўмдан тўплаб бермасак бўлмайдиганга ўхшайди, дебди! Сен ҳам юз сўм берасанми, деб отам мени ҳам зиқновга оляпти! Наҳотки, бу ишларнинг иси чиқмай кетади, деб ўйласангиз?! Наҳотки, сиз — тоғни талқон қиладиган одам пул ва маишатга шу қадар муккангиздан кетган бўлсангиз? Наҳотки, дунёда шундан бўлак қайғунгиз йўқ?

Менинг хаёлим жойида эмаслигига ишонч ҳосил қилган министрлик ходими папкасини қўлтиқлаганча, қадди-бастига ярашмаган чаққонлик билан хонадан отилиб чиқиб кетди. Унинг орқасидан директор ва бошқалар ҳам шоша-пиша чиқишди. Хонада математика ўқитувчиси Мирза Раҳматов қолди.

— Ўзингни кўрсатиб бўлдингми? — деди у қаҳрини зўрға босиб. — Шунча ақли, билимдон экансан, бор Тошкентга! Министр бўл! Ишни йўлга сол! Бу ерда номаъқулнинг нонини еб ўтирибсанми?

— Бораман! Министр ҳам бўлишим мумкин. Лекин бу билан иш ўнглиниб кетмайди! — дедим аччиғим чиқиб. — Сиз менга ёзғирманг!

— Шундай экан буларга нима дейсан? Бировларнинг пора олгани ёки нотўғри ишлагани учун у бечора жавоб бериши керакми?

## **Нурали ҚОБУЛ**

— У бечора эмас, аблаҳ! Адаштирманг! Шунча ёшга кириб бечора билан аблаҳни фарқига борсангиз керак!

— Ўйлаб гапир! Отанг тенги одамман! Шундай дейишга уялмайсанми?

Менинг юрагимда бояги одамга айтолмаган гаплар тугён урарди. У туппа-тузук одам бўлиши мумкин эди. Бироқ уни мана шу Раҳматовга ўхшаган одамлар йўлдан оздирган! Порага ўргатган! Бунга ҳам кимлигини айтишнинг вақти келди чоғи!..

— Сиз ҳам кўра-била туриб, порхўрни, товламачини ҳимоя қилишга уялмайсизми? Нега ўзингизнинг фарзандингиздек одам ҳақиқат учун, болаларингизнинг келажаги учун курашганда ёрдам бериш ўрнига, йўлини тўсасиз! Оталар, устозлар болага тўғри бўл, ҳалол бўл, ўзгалар ҳақиқага кўз олайтирма, бошингга қилич келса ҳам ҳақ гапни айт, деб ўргатишмайдими? Сизларни ўзларингиз тўғри ва мардона яшаш нари турсин, одамдек тирикчилик юритишни ҳам билмайсизлар-ку! Тўғри, сиз, эсимни танигандан бери бировнинг ҳақини емадим, ўқитувчилик билан топганимга қаноат қилиб келдим дерсиз. Лекин неча ўн йиллар мобайнида мана шу қишлоқ мактабларидан бирорта пичоққа илинадиган одам чиқдими? Сизни ўз вазифангизни тўғри бажариб, ўқувчилардаги мавжуд, қобилият ва имкониятга қараб, уларга тўғри, инсоний, давлат қонун-қоидалари асосида таълим-тарбия берганингизга кафолат борми? Ахир, сизнинг ишингиз подачи ёки теримчининг ишидан фарқ қилади-ку! Сиз ўзингизнинг кимлигингизни билмайсиз! Аслида ўзингиз ўйлаб юрган ва орзу қилган одам эмаслигингизни ҳам англаб етмайсиз! Юрагингизда болаларнинг келажагини ёритадиган эзгулик йўқ! Бошқа иш қўлингиздан келмаганидан, ишламасангиз кунингиз ўтмаслигидан ўқитувчилик қилиб юрибсиз. Сизга ҳам каттароқ амал тегиб қолганида қарсиллатиб порани ҳам олардингиз, бошқа номаъқулчиликларни ҳам қилардингиз! Етти букилиб паноҳларингизга порани узатардингиз, мансаб пиллапоясидан баргихазондек учиб кетмаслик учун ҳар қандай тубанликдан тоймасдингиз! Минг афсус-надоматлар бўлсинким, шу нарса сизда йўқ ва ҳеч қачон бўлмайди! Сабаб — сизнинг бўларингиз бўлган! Сиз ўзингизнинг маза-матрасиз қўшигингизни айтиб бўлгансиз! Одатда кўпчилик математиклар бир ёқлама ўйлайдилар,

ўзларини даҳо санайдилар. Уларнинг кўпчилиги ҳатто тарих, фалсафа, ҳуқуқ ва сиёсатнинг шунчаки оддий томонларини ҳам тушунмайди. Гўёки икки карра икки тўрт бўлишини улардан бошқа ҳеч ким билмайдигандек!

Раҳматов сени инс-жинс айлантирган чоғи, дегандек, менга заҳархандали тикилиб ўтирарди. Столга тирсақларимни тираганча, қулоғим сизда, дегандек, Раҳматовнинг кўзига тик қарадим.

– Кўй, ука. Кўл кўтармасингдан бурун чиқиб кетай, – деди Раҳматов юзимга қарашга ҳазар қилгандай, авлод-аждодингдан бирорта эси-хуши бутун одам чиқмаган, деган маънода ерга тикилиб. – Болалигингда ҳам гўр эмасдинг! Бундан буён ҳам ҳеч ким сендан ёлчимамайди! Мени тинч кўй. Сени одам бўлгин, ёши улуғларни юзидан олаверма, деганимга гуноҳқор бўлдим, шекилли. Шу тўғрилигинг билан ҳақиқатнинг тубиға етсанг майли эдику-я! Мен сен билан тумшуғингга мушт еб, охир бир кун яна шу қишлоққа қайтиб келганингда гаплашаман. Шу гапим эсингдан чиқмасин! Кўпам ишқирингнинг тошни ёравермасин<sup>1</sup>, ука! Сенга ўхшаган ҳақиқатталабларнинг кўпини кўрганман. Сен сўймоқчи бўлган товукнинг мен патини юлиб қўйганман. Сен мени амалдор бўлганингда пора оласан, дединг. Узинг-чи? Эртага ўзингни ҳам оппоқ машинага миндириб қўйишсин, ана шунда кўрамиз. Амал теккач, овозинг ҳам ўз-ўзидан ўчиб қолади. Бўйинбоғни тақиб, силлиққина бўлиб мулла минган эшакдек майин тортиб қоласан. Юқоридагилар нимани буюришса, бўзчининг моксицидек физиллаб бажариб юраверасан. Яна шуни билиб қўйки, менга бу гапларни гапиришга сенинг маънавий ҳақинг йўқ. Яхшими-ёмонми мен сени ўқитганман. Майли, ёмон ўқитган бўлай. Лекин ҳар қалай сабоқ берганман. Сен эса олий маълумотли бўлмай туриб, отанг қатори одамнинг, устозингни ёқасидан оляпсан. Шуям кимлигингни кўрсатади. Сенга бошқа айтадиган гапим йўқ.

– Керак бўлса мен олий маълумот олмаслигим мумкин. Бошқаларни билмадим. Лекин шахсан менга институт ҳеч нима бераётгани йўқ. Қуруқдан-қуруқ бир ой Фарғона кўчаларида санғиб, Теракмозорни танг қилиб ароқ ичиб, ош еб юриб қайтиб кетамиз.

– Ўша ердаям ҳаммага ақл ўргатиб, жонидан безор қилган бўлсанг керак, – деди Раҳматов юзини тескари буриб.

<sup>1</sup>Халқта, ҳайдаганинг беш эчки, ишқирингнинг тошни ёради, деган нақл бор. Шунга ишора.

— Мана, уч йилдан бери бирга ишляпмиз. Негадир сизни кўплар тушунмайди. У ёғини сўрасангиз, ўзингиз ҳам ўзингизни тушунмайсиз. Ким нимани гапирса албатта тескарисини айтасиз ёки бўлмаса ўша одамни ерга уриб, пачакилайсиз. Сизнинг назарингизда ҳамма аҳмоқ ва ҳеч балони тушунмайдиган овсар. Сиз ҳаммага итдан бўлгансан, қурбонликка ҳам ярамайсан, деган кўзда қарайсиз. Ўзингиз эса ҳеч ниманинг асл моҳиятини англаб етолмайсиз. Бундай, дўппингизни олиб қўйиб, мен кимман, деб ўзингизга савол бериб кўринг. Ҳаммага ақл ўргатасиз, лекин ўзингиз қандай қилиб тўғри йўлдан юришни билмайсиз. Бу эндиликда жамиятимиз кишиларига хос бўлган энг хавфли қусурдир. Ёшингиз ҳам бир манзилга етиб қолди. Шундай экан, энди, дейлик, мана шу бугун мактабда юз бераётган найрангбозлик ва аблахликни рўйи-рост айтсангиз бўларди. Тўғри, сиз унга пул берганингиз йўқ ва бермайсиз ҳам. Лекин мени қувватлашингиз мумкин эди-ку. Бироқ сиз ҳечам бундай қилмайсиз. Сиз қилар ишини биладиган, шу боис иши юришган одамларга ҳасад ва нафрат кўзи билан қарайсиз. Ношуд ва аҳмоқ эмасликлари учун уларни жинингиз суймайди. Сабаби эс-ҳуши жойида одам кимлигингизни бари бир сезиб қолади ва онгли равишда сиздан ўзини олиб қоча бошлайди. Фақат биров кўрсатган тарафга қараб чопадиган аҳмоқгина бунини сезмаслиги ва бу ҳақда ўйламаслиги мумкин. Сиз кўпни кўрган, доимо сувдан қуруқ чиқиб юрган одамсиз. Воқеа ва ҳодисаларни ақл-фаросат билан бўлмаса-да, тажриба тарозиси билан ўлчашга қурбингиз етади...

Раҳматовни ўқувчилик пайтимдан эслайман. У доимо суҳбатдошининг истагига қарши гапирар, ҳар қандай фикрга шубҳа билан қарар ва ҳаммани қоралар эди. Бунини у шу ишнинг тўғри ёки нотўғрилигидан эмас, ўзининг бахиллиги ва ичиқоралигидан қиларди. Унинг назарида ёруғ дунёда бирорта ҳам ҳалол одам ва юксак эътиқод йўқ эди. Унингча бирор бир эзгу ишга тўғри йўл билан эришиб бўлмасди. У ҳар бир одамнинг муваффақиятига шубҳа ва паст назар билан қарар, ўша одам ҳақида ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайдиган фисқу фасод гапларни ўйлаб топарди. Унинг ёлғон умри ҳаётини эрмакбашара бир тирикчиликка айлантириб қўйган, бунини ўзи англамас ва англай олмас, ўқимай мулла, чўқимай қарға бўлганлардан эди.

Жони халқумига келган Раҳматов олдида турган сиёҳдонни менга қараб отди. Сиёҳ юзи аралаш елкасига тўкилди. Сўкинганча ташқарига чиқиб кетди.

Мен ҳаяжонимни босиб, деразадан кўзга ташланиб турган далага тикилганча ғамгин ўтирардим. Дераза остида ўнинчи синф ўқувчилари шивирлашарди. Ойнадан уларнинг ташвишли чеҳраларини, қовоқлари чимирилиб ниманингдир маслаҳатини қилишаётганини кузатардим. Улар ўқитувчилар хонасига имо қилиб, ўзаро тортишардилар. Ниҳоят, ўқувчилардан бирининг кўзи менга тушиб қолди. Беихтиёр кўзимни қисиб, жилмайдим. Бошим билан хонага киришга ишора қилдим. Болалар менга таажжуб билан тикилиб туришарди.

— Қалай? Сизларни зиқновга олишмаяптими? — сўрадим ўқувчилар хонага киргач.

Улар бир-бирига қарашди.

— Бизга дўқ-пўписа қилишяпти, — деди Бувражаб исмли сепкил юзли қиз. — Мактабдан ҳайдаймиз дейишяпти.

— Яна нима дейишяпти?

— Шу, — деди у ёнидагиларга қараб паст овозда.

— Юринглар, яйловга чиқиб гаплашамиз, — дедим ўрнимдан туриб эшик томон юрарканман.

Қишлоқ подаси ҳайдаб чиқиладиган сайҳонликка етганда, давра қуриб ўтирдик.

— Муаллим, сизни ишдан ҳайдашяптими? — деди болалардан бири йиғламсираб.

— Агар сизни ҳайдашса, биз ҳам бу мактабдан кетамиз!

— Мени ҳеч ким, ҳеч қачон ҳайдай олмайди. Мен ўзим кетяпман. Бу деганим, сизлар билан ажралишиб кетамиз деганим эмас... Борган жойимда менинг сизларга янада кўпроқ фойдам тегади.

— Қаерга кетасиз, муаллим?

— Қаерга?

— Нега кетасиз?

— Кетманг!

— Биз сизга ўрганиб қолганмиз!

— Кетманг, муаллим!

— Ҳадемай ўзларинг ҳам учирма бўлиб кетасизлар. Мен ҳам

сизларга ўрганиб, суяниб қолгандим. Лекин доимо бирга бўлишнинг иложи йўқ. Мени Бахмал туман газетаси таҳририятига ишга таклиф этишяпти. Бу менинг азалий орзуим. Энди бундайларга қарши қалам билан курашамиз.

Улар бир-бирларига қараб, жимиб қолишди.

— Ура! — дея қичқирди болалардан бири. — Ура! Энди уларни бошлаб фельетон қиласиз!

— Бир бопланг, муаллим!

— Ура!

Сўнгра биз хайрлашдик. Негадир шунда менинг кўзимдан тирқираб ёш чиқиб кетди. Кап-катта болалар ва бўй етган қизлар бўйнимдан кучиб хайрлашганда довдираб, ўзимни йўқотиб қўйдим.

## VII

Боғдаги тинчлик ва осудаликдан қарахт эдим. Олчазор тарафда иштиёқ билан сайрай бошлаган булбулларнинг овозидан ҳайрон бўлиб, соатга қарадим: бир ярим соатлар чамаси айланибман. Одатда булбуллар полапонлари учирма бўлгунча сайрайдилар. Ҳалигина Ойқор чўққисида ой тепага келиб қолибди. Карим Усмонович уйғониб қолгандир деган ўйда изимга қайтдим. Хонасининг деразаси очиқмикан? Йўқ, очилмаган бўлса керак. Нега, боя шу фикр хаёлимга келмади-я.

Эшикдан мўралагимда, Усмонов шифтга тикилиб ётарди.

— Анчадан бери кутяпман. Боғ айландингиз, шекилли, — деди ҳоргин овозда. — Агар малол келмаса, деразани очиб қўйинг. Ҳаво салқин ва тоза бўлса керак. Озгина мизғибман.

— Хабар олгандим. Ухлаб ётган экансиз, — дедим деразани очиб қўйиб бу кишининг оёқ томонида турган стулга ўтирарканман.

— Қаранг-а, қандай соф ҳаво кирди хонага, — деди кўкрагини тўлдириб, нафас олган Усмонов.

— Узр, боя очиб қўймабман, — дедим хижолат чекиб.

— Ҳечқиси йўқ, раҳмат. Ҳалиям сизнинг борингизга шуқр деяпман, бўлмаса билмадим ҳолим не кечар эди. Кўрқаман, учинчи инфарктдан. Учинчисидан шу пайтгача ҳеч ким соғ қолмаган. Икки инфарктни ҳам ўша ёқда орттирганман. Билмадим, учинчиси, қаерда... Ишқилиб, нима бўлсаям уйда, янгангизни олдида... Сени

## Унутилган соҳиллар

яккаю-ягона тушунадиган, сен учун бутун ҳаётини бағишлаган аёлнинг қўлида жон бериш қанчалар катта бахт ва бахтсизлик эканини тасаввур эта оласизми? Алҳазар! Ҳайласам юрагим орқага тортиб кетади. Ҳаёт маъносини англаб етган одамга ўлимни ўйлаш нақадар қийин. Оқибатни эслаш шу қадар оғир бўлса, билмадим, жон таслим қилиш...

– Карим Усмонович, сиз бу қадар тушкунликка бериладиган одамга ўхшамайсиз. Ҳайламанки, сиз ҳеч қачон ўзлигингиздан чекинмай яшайдиган шахсиятсиз! – дедим титроқ овозда.

Усмоновнинг кўзида ёш милтиради. Кўзини юмганда икки чеккасидан сизаётган ёш ёстиққа оқиб тушди. Мени ҳам кўнглим бўшашиб кетди. Ҳурнимдан туриб хонада наридан бери юрган бўлиб, деворга осиглиқ картинага тикилиб қолдим. Бу Иван Николаевич Крамскойнинг "Номаълум гўзал" асари эди. Ҳаёлимда бу гўзал аёл менга эътибор бермай, хона тўрида ётган Усмоновга "кўп азоб чекаверманг, эртами-кечми ҳамма бирдек умрнинг интиҳоси ҳақида ўйлаб қолади. Совуққонроқ бўлинг, дунё ташвишлари олдида сизнинг бу қадар куйиб-пишганингиз нақадар аҳамиятсиз ва ўткинчидир. Одамлар кўзингизга қараб туриб сотқинлик қиладилар. Дўппи тор келганда ҳамма ўз кўмочига кул тортади. Камдан-кам одамларгина бир умр ўзлигига садоқат сақлайди ва ҳар қандай шароитда ҳақиқатни айтади. Ҳаммасига тупуринг! Ҳаммасига..." деяётгандек эди.

Ўгирилиб қараганимда, Усмонов ҳам мижжа қоқмай картинага тикилиб турарди.

– Крамской рус тасвирий санъатида янги йўналиш ва қарашларни бошлаб берган. Унинг эстетик қарашлари асарларидан ҳам қимматли, – дедим мавзунини ўзгартириш ва фикрини чалғитиш учун ҳамсуҳбатим томон юриб.

– Портретлари ҳам тенгсиз! – деди Усмонов ҳаяжонланиб. – Ана, Настасья Филипповнага қаранг! Бизнинг устимиздан йиғи аралаш кулиб турибди.

Усмонов картинага термилиб умрининг ёрқин ва такрорланмас дақиқаларини ўйлагандек энтикарди.

– Менимча, у кўпроқ Анна Каренинага ўхшайди. Настасья Филипповнага ташқи кўриниши ўхшаса-да, у бутун қалби билан Каренина. Настасья Филипповна бетгачопарроқ ва ҳеч нарсадан тап тортмайдиган аёл. Бу эса, қаранг, қандай маъсум ва ижобий

маънода мағрур ва олийжаноб. У ҳаммага яхшилик қилишни истайди. Лекин одамлар унинг эзгу туйғуларини оёқ ости қилмоқчи бўладилар. Шунинг учун ёмонга қаҳри қаттиқ. Орномус ва диёнат учун жонидан ҳам кечиши мумкин. Биласизми, мен Крамскойни қанчалик яхши кўраман. У дастлаб кўмилган Волково қабристонига ҳам борганман...

— Эҳ, укам-ей, укам! — энтикди Усмонов юрагини орзиқтираётган туйғуни босиб. — Қани энди шу олийжаноблик ва самимийлигингиз учун ҳаёт сизни тақдирласа. Одамлар сидқидилликни доим ҳам тўғри қабул қилавермайдилар. Бизнинг бошимизга тушган тавқу маломатлар сизни четлаб ўтсин. Биз ҳам янгангиз билан ўзимизча еттинчи осмонда юрганимизда Москва ва Ленинграддаги адабиёт ва санъатга даҳлдор ҳар бир кўчага кириб чиққанмиз. Мен университетнинг иқтисод, у эса филология факультетида ўқирди. Бу соҳада у менинг кўзимни очган. Ўшанда биз Пушкин уйида Крамскойнинг Достоевскийни ўлим либосида чизган асарини кўрганмиз. Унинг жасади ҳам куёшдек нур сочиб турибди. Ақл бовар қилмайди. Даҳшат! У ҳаётдан кўз юмганда, суратда шу қадар доно ва буюк бўлса, тириклигида қандай бўлган экан? Россия бундай даҳоларни қандай қалбига сиғдира олган экан-а? Наҳотки, инсон заковати шу қадар чегара билмас бўлса? Наҳотки, ақл-идрокнинг қамрови шунчалик кенг ва теран бўлса!..

Беихтиёр буюк санъаткор ва файласуфнинг миллий санъат ҳақидаги сўзлари ёдимга тушди.

..Мен миллий санъат тарафдориман, фикримча, санъат миллийликдан ўзга бўлмайди. Ҳеч қачон ва ҳеч қаерда бундан ўзгача санъат бўлмаган. Агарда умуминсоний санъат мавжуд бўлса, у фақат умуминсоний тараққиётга етакчилик қилувчи кудратда эга миллат томонидан яратилади.

Шундан сўнг биз узоқ сукут сақлаб, картинага термилиб қолдик.

— Третьяков галереясида аслини кўрганман. Одамлар эртадан кечгача унга тикилиб ўтираверишади. Бири йиғлайди, бири ўйга толган, бири ҳайратдан ўзини кўярга жой тополмайди. Ана ҳақиқий санъатнинг кучи. Бизда ҳам қачондир ўша Крамскойлар давридек бир давр келиши, Ўзбекистоннинг асл рангини дунё бор бўй-басти билан кўриши керак. Лекин бизда, адабиёт ва санъатда ўлчов чатоқ. Ҳар қандай истеъдодни

## Унутилган соҳиллар

Ўзимизнинг даққиюнусдан қолган тор ва эски қолипимизда ўлчаб кўрамиз. Сўзсиз, у бизнинг қолипимизга сиғмайди. Шундан сўнг боши ортиқ бўлса бошини, оёғи узун келса оёғини кесишга киришамиз. Истеъдод — бу ҳамма нарсага бошқача, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган кўз билан қараш, одамлар ўрганиб қолган, лекин аслида уларни ўз комига тортиб кетаётган барча нарсаларга қарши исён кўтариш, уни кутаётган ҳалокатдан огоҳ этиш ва бир умр одамларни ҳайратга солиб яшамоқ, демакдир! Менинг фикрларим сизга бачкана туюлиши мумкин. Ўйлайманки, сиз мени, урилиб-сурилган собиқ амалдорни кечирасиз. Мен катта бир шахс эмасман. Шунинг учун фикрлашим ҳам шунга яраша. Иқтисод фанлари доктори деган унвон ҳеч нарсани англатмайди. Ҳозир қушга тош отсангиз фан кандидатиға ёки докторга бориб тегади. Энг қизиғи, қўлидан ҳеч бир иш келмайдиган қобилиятсизлар ўзини фанга урадиган бўлишди. Эртага у бир амаллаб доктор бўлиб олади-да, амал талаб қила бошлайди. Унвон унга мақсадлари сари боришиға пиллапоя бўлиб хизмат қилади... Сиёсат ҳеч қачон ярим ақллиларнинг тирикчилигиға айланмаслиги керак! Ваҳоланки, бизда анчадан буён ва ҳозир ҳам шундай!.. Сиёсат — бу кўйлактаги биринчи тугмани тўғри қашашдир...

Толиқди шекилли, Усмонов гапдан тўхтади. У чуқур ва оҳиста нафас оларди.

— Сал қолган шуниям бекор қилишларига, — деди анчадан сўнг. — Бундай ўйлаб қарасам айб ўзимда. Мансабға ўзимни урмай, илм йўлидан кетганимда тинч юрган бўлармидим. Амалға мағрур бўлган тўзар, деб шуни айтадилар-да. Асли ҳар қандай кишининг характерида озгина бўлса-да амалпарастлик касали бўлади. Бировда кўпроқ, бировда озроқ. Шундай буюк Пушкин ҳам подшоликка яқин бўлишға интилган-ку, ахир. Инсон эртаси нима бўлишини билмайди. Лекин ниманингдир илинжида яшайди. Нималигини эса ўзи ҳам аниқ-тиниқ тасаввур этолмайди. Ўзича ғойибдан келажак катта бир бахтни кутса керак. Билмайди-ки, бу омад ва бахт унга ўзи билан бирга шунча ташвиш-тахлика, рақиб ва душманлар олиб келишини. Қанчалик омадинг юришса, шунчалик сени жини суймайдиганлар кўпаяди. Яна ўша гап. Сени ёмонлигинг ёки эришганингга номуносиблигинг учун эмас, ўша омад ўзларига

## **Нуралли ҚОБУЛ**

қулиб боқмаганлиги, бир умр одамларнинг тилига тушмай ўлиб кетишлари, узоқ йиллардан сўнг дунёга уларнинг яшаган — яшамаганлиги билинмай кетиши учун сенга ҳасад ва нафрат кўзи билан қарайдилар. Бу дунёда ҳамма нарса нисбий экани, бахт ҳам, омад ҳам ўткинчи эканлиги, мукамалликка интилган одам учун бунинг ҳаммаси бир чақага қиммат эканлигига ақли етмайди уларнинг. Сенга халақит беришдан, сен ҳақингда катта-кичик бўҳтонлар тарқатишдан лаззат топадиган бўлиб қоладилар ва бора-бора бу уларнинг касаллигига, овунчоғига айланади. Улар сени суёлмаслик дардига мубтало бўладилар ва шу азобда қоврилиб ўтиб кетадилар.

Усмонов шифтга тикилиб, жимиб қолди. Мен у кишининг ҳаяжонланиб кетиб, яна безовта бўлишидан ташвишланардим. Унинг қони қочган юзлари оқариб, лаблари кўкиш тусга кирган эди. Пешонасидаги ажинлар қаватлашиб, қоши чимирилган ҳолда "Номаълум аёл"га тикилиб турарди. Мен унинг нигоҳидан, оти чиқмаган йигитдан номи чиққан тепа афзал, деган маънони уқдим.

— Менга раҳмингиз келмасин, Нурзоджон, — деди босиқ оҳангда бошини кўтариброқ кўяр экан. — Энди вақти ўтди, кеч бўлди. Биз ҳамма нарсани очиқ-ойдин гаплашишимиз керак. Сезиб турибман, мenden нималарнидир сўрамоқчи бўляпсиз-у, тортинаяпсиз. Илтимос, тортинманг. Ҳадеб фалсафа сўқавергани менга ноқулай бўляпти. Турмушимизда мен шуғулланмаган катта-кичик ишлар қолмаган. Шунинг учун ўзингиз жавобини топишга қийналган муаммолар хусусида фикрлашсак яхши бўлади, деб ўйлайман. Шу баҳонада мен ҳам ўз дардимни айтиб оламан.

— Ҳа, сиздан сўрамоқчи бўлган фикрлар хаёлимда айланиб юрибди, бироқ чарчаб қолармикансиз?

— Мен энди бари бир ухлолмайман. Сиздан ҳам бир кечалик уйқунинг баҳридан ўтишингизни сўрайман. Фақат гаплашишимиз учун эмас, мени ёлғиз қолдирмаслигингиз учун. Негадир ўзимни жуда ёлғиз ва нотавон ҳис этяпман. Сизга дардимни айтиб, ичимни бўшатганим учунми, билмадим. Ҳар қалай ҳеч қачон бундай аҳволга тушмаганман.

— Биласизми, мен сиздан нимани сўрамоқчи эдим. Эсингизда

бўлса, сиз вилоятнинг бош раҳбари эканлигингизда ўнинчи ун комбинатидаги жиноий ишлар очилиб кетди. Ўшанда одамлар сизни шу ишни бости-бости қилмоқчи бўлган ва шунинг учун жавобгарликка тортилиб кетди дея гапиришганди. Ҳанузгача аслида нима воқеа юз берганини, ким айбдору ким бегуноҳ эканлигини ҳеч ким билмайди. Фақат менинг ўзим учун ўша воқеани айтиб беролмайсизми?

— Бир хил ўйлаганимизни қаранг. Ўзи навбат шу воқеаларга келаётган эди. Сўрамасангиз ҳам айтардим. Менинг отдан тушиб, бу қадар абгор бўлишим, бевосита шу воқеага бориб тақалади. Бу номаъқулчилик узоқ йиллардан бери давом этиб келган. Мендан олдинги котиб пайтида ҳам. Ҳозир эса ақл бовар қилмас даражада. Фақат бошқа усулда давом эттиришяпти. Бу усуллар юқоридан келган текширувчи-ю, папка қўлтиқлаган ревизорларнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмайди. Бир пачка ўн сўмликни чўнтагига уриб, кети чаноқ бўлиб қайтиб кетаверишган. Буларнинг ишлари Тошкент ва Москва билан боғлиқ. Аслида пул бўлиштириш масаласида орадан гап қочган-у, менинг ҳам оёғимга болта уриш учун бу масаланинг очилиши тепадагиларга керак бўлган. Буни кейинчалик билдим. Ўрнимда бошқа, гап-сўзга тушунадиган киши бўлганда, балки бу жиноят узоқ йиллар мобайнида очилмай келавериши ҳам мумкин эди. Бу қопқон аслида ўзим учун қўйилганлигини билмаган ҳолда ташаббусни қўлга олиб, айбдорларга тегишли жазо берилишини қаттиқ туриб талаб қилганман. Менга чоҳ қазиётганларга ҳам худди шу нарса керак бўлган экан. Мен уларнинг кўз ўнгида ўзимнинг бўйимни ўлчаб лаҳад қазиганман. Улар буни мароқ билан кузатиб одамларига тегишли кўрсатмаларни бериб туришган. "Ударник" совхозида цемент аралаштирилган аралаш озуқани еб, юздан ортиқ қорамол нобуд бўлгандан кейин бу гап бутун республикага тарқалиб кетди. Одамлар ейдиган унга эса оқтош қўшилган. Буни илгари озроқ, ҳеч ким билмайдиган миқдорда қилишган. Лекин уларнинг асл жинояти олдида бу ҳолва. Йўқ буғдой ва арпани қабул қилиб олишлари, уни ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатида яна ўша дон ўрнига пул кўтариб келган хўжаликларга юбориш жараёни узлуксиз такрорланган ва бу ерда миллион-миллион сўмлик операциялар амалга оширилган.

## Нурали ҚОБУЛ

Етиштирилмаган, ишлаб чиқарилмаган ва истеъмолчига етказиб берилмаган минглаб тонна қоғоздаги маҳсулотлар учун одамлар иш ҳақи ва мукофот олганлар, орден ва медаллар билан тақдирланганлар ҳамда сизга ўхшаган журналистлар уларни кўкларга кўтариб мақтаб ёзганлар. Қаранг, бутун бир йирик жинойи жараён, кишилар кўз ўнгида жасорат тимсоли қилиб кўрсатилган. Қаранг, биз бундай ишларга қанчалик уста бўлиб кетганмиз. Бўлиб ўтган воқеаларни эсласам ўзимни гоёт ғариб сезаман. Имкониятим даражасида қарши курашмоқчи бўлдим. Бироқ, бу гирдоб ўзимни тортиб кетди. Мен уларнинг, сувни лойқалатиб қўйиб, балиқ овлашларига ҳалақит берардим.

Усмонов гапдан тўхтаб, тин олди. Ўнглиниброқ ётган бўлиб, яна картинага тикилди.

— Ҳаёт шундай экан, укажон, — деди чуқур нафас олиб армонли оҳангда. — Узоқни кўзлаб юрсанг чалиб йиқитишади, оёғинг остига қараб юрсанг пешонангни деворга уриб оласан...

— Ноқулай бўлса ҳам бир нарсани сўрамоқчиман, Карим Усмонович, — ҳамсуҳбатимнинг нигоҳидан кўзимни олиб қочдим. — Сиз илмий-тадқиқот институтининг оддий ходимлигидан вилоят ва жумҳурият раҳбариятигача бўлган йўлни босиб ўтдингиз. Шунга қараб, бизда қобилиятли одамларнинг ўсиши учун шароит, имконият бор деган хулосага келса бўладими? Гапнинг рости бизда катта лавозимларга дипломатлаб пулни орқалаб от қўйганлар ҳам оз эмас.

— Гапингизда жон бор, — жавоб қилди Усмонов анчадан сўнг ўйланиб. — Ўзолмаган отга узанги баҳона деган ўйга борманг. Менинг ҳаётим, қўйни боқиб семиртириб, сўйиб еган кишининг тирикчилигига ўхшайди. Кубадан қайтганимда Москва мени республика раҳбариятининг истагига қарши ўлароқ Марказқўмнинг қишлоқ хўжалик бўйича котиби қилиб жўнатди. Ушанда ўттиз беш ёшда эдим. Мендан барча бирдек чўчиган.

— Мен бир нарсага тушунмайман. Дейлик, жуда катта партия арбобини шармандаи шармисор қилиб ишдан бўшатишди. Лекин у ўзини ҳақиқий коммунист ва ноҳақлик қурбони деб биледи. Бироқ унда ўзини оқлаш ва ҳақлигини исботлаш учун ҳеч қандай имконият йўқ. Амалда у барча нарсалардан маҳрум қилинади. Уни ҳайдаб, ўрнига келганлар эса ўзларини ундан

ҳам ҳақиқийроқ коммунист деб биладилар. Пайти келиб булар ҳам ўзлари тагига сув қуйган ўша раҳбар ҳолига тушадилар. Бошқа бир, янада ҳақиқийроқ коммунистлар келиб буларни ҳам савалаб-савалаб ўйиндан чиқариб юборади. Ва буларнинг деярли кўпчилиги келажаги қандай тугашини кўз олдига келтириб, яккаю-ягона садоқатли дўст — пул ва бойлик тўплай бошлайдилар. Халқ эса қай бир раҳнамонинг оғзига қарашни билмай, ҳайратдан ёқа ушлаб юраверади. Қани бу ерда мантиқ? Наҳотки пойдевор қуриб, бино тиклаганларнинг ҳаммаси ноҳақ бўлса? Унда умуман бу бино тўғри тикланганми, деган савол тугилмайдими?

— Ҳақсиз! — деди Усмонов шифтга тикилганча ҳаяжонини босишга уриниб. Менинг бир нарсага имоним комил бўлдики, қаерда инсон кадр-қиймати пасайиб бораверар экан, одамлар орасидан меҳр-оқибат кўтарилаверар экан, ўша жамиятда ҳеч қандай маънавий ва ҳатто моддий юксалиш ҳам бўлмайди. Бу аҳвол давом экан, кишилар ҳақиқатга интиланган сари ёлғонга эҳтиёж сезаверадилар ва ҳеч бир эзгу ишни ҳақ йўл билан амалга ошириб бўлмайди...

## VIII

Усмонов кечаси қай маҳалда ётмасин эрталаб соат бешда туришга ўрганиб қолган эди. Райкомнинг биринчи секретари бўлиб иш бошлаган пайтдан шунга одатланганди. Ҳар куни эрта тонгдан бошлаб камида икки-уч хўжалик даласини айланиб, ишга ярим соат бурун келарди. Катта карвон қайси йўлдан юрса, кичик карвон ҳам шу йўлдан юради, дегандек, райком ходимлари ҳам ишга ярим соат олдин келадиган бўлишди. Аппарат ходимлари билан гаплашиладиغان қисқа муддатли йиғилишларнинг бирида Усмонов иш вақти соат саккиз яримда эмас, тўққиздан бошланишини, биринчи раҳбарга қараб, ҳамма ярим соат илгари ишга келиши шарт эмаслигини айтди. Кун бўйи ўз вазифасини уддалай олмаган, ҳеч бир ишни қойиллатмаган киши ишга барвақт келиб ҳам, ишдан кейин қолиб ҳам тегирмон тошини жойидан жилдирмайди. Биз одамларга ўзимизни кечаю кундуз ишлаётган қилиб кўрсатишимиз шарт эмас. Усиз ҳам кишилар ким қандай ишлаётганини билади. Қобилиятли, тартиб-интизомли одам маълум иш соатида ўз вазифасини сидқидилдан бажаради. Агар у

стол муштлайдиган бюрократ, одамларни уриб-сўкадиган саводсиз, этикадан йироқ маданиятсиз киши бўлса, унинг ҳар бир куни, ҳар бир соати халқ учун зиёндр... Шундай мазмундаги фикрларни Карим Усмонович вилоятта ўтгандан кейин ҳам девон мажлисида ҳам таъкидлади.

Усмонов уйга келтирилган бугунги газеталарни кўраётганда хотини, доимо паст ва дардчил овозда гапирадиган Раъно Мардоновна вилоят ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Норқулов телефонда сўраётганини айтди. Уйга камдан-кам қўнғироқ қиларди Норқулов. Демак, зарур бир гап бор, хаёлидан ўтди.

— Эшитаман, — деди у одатига кўра.

— Ассалому алайкум, Карим Усмонович! Саломатгинамисиз?..

— Ички ишлар министрлигидан келган оператив группа кечаси ўнинчи ун комбинатини босибди. Юқоридан кўрсатма бўлганга ўхшайди. Группа бошлиғи Григорян мен билан зўрға гаплашяпти, — деди ҳансираб Норқулов.

— Жиноят қилинган бўлса вазирликдан келиб босадими, сиз ушлайсизми, бунинг нима фарқи бор. Бу факт сиз билан менинг ёмон ишлаганимизни кўрсатади, холос, — жавоб қилди Усмонов танбеҳ оҳангида.

— Бу воқеанинг оқибати яхшиликка олиб бормади, Карим Усмонович. Жуда кўп одамнинг ёстиғи қуриб кетади, — деди ҳаяжонини босолмай Норқулов.

— Ишхонага келинг, гаплашамиз, — деди Усмонов телефон дастасини қўяркан.

Усмонов машинадан тушганда, навбатчи милиционер олдида вилоят прокурори Насруллаев тоқатсизланганча наридан-бери бориб келарди. Биринчининг машинаси билан кетма-кет Норқуловнинг автоинспекторлар кўрганда симёғочдек қотиб қоладиган "00-02" номерли машинаси ҳам физиллаб келиб тўхтади. Прокурор ва генерал Норқуловнинг бирдан бу қадар безовта бўлаётганидан ҳайрон бўлган Усмонов таажжубини сездирмасликка ҳаракат қилиб, одати бўйича навбатчи милиционер билан илиқ саломлашди, ҳол-аҳвол сўраган бўлди.

— Ҳаммаси жойида, ўртоқ биринчи секретарь! — дея честь берди ёшгина йигит ўзига хос бўлмаган йўғон ва расмий оҳангда.

## *Унутилган соҳиллар*

Усмонов бу содда ва тўпори йигитга "ҳаммаси жойида эмасга ўхшайди-ку, оғайни" дея ҳазиллашмоқчи бўлди-ю, яна индамади. Прокурор ва оғир гавдасини селкиллашиб зинапоядан чиқиб келган Норқулов билан кўришиб, биргаликда лифтда учинчи қаватга кўтарилишди.

— Ташвишларингиз бирга ўхшайди, чамамда, — деди Усмонов қабулхонага киришганда Норқулов билан Насруллаевга қараб ва шу жуда қисқа дақиқада улар бири-бирдан ҳадиксираётганини ва орада қандайдир сир борлигини пайқайди. Прокурор билан генерал эса ноқулай аҳволга тушганларини сездириб қўйишди. Усмонов уларни алоҳида-алоҳида қабул қилиб бўлмаслигини, агар шундай қилса орадан гап қочишини сезди-да, секретарь қиз билан саломлашиб, индамай хонасига кириб кетди.

Бугунги почтани кўтариб Усмоновнинг орқасидан кирган, сочи кесилган, озғин, қиррабурун ва бўйдор секретарь қиз Усмоновнинг кабинетига таклиф этганига қадар улар ўзаро келишиб олган шекилли, юзларида сохта мамнунлик ифодаси акс этган ҳолда, хонага киришди. Аслида Усмонов иккисини шунинг учун ҳам қабулхонада қолдириб кетганди.

Насруллаев билан Норқулов кирганда, Усмонов телеграммаларга кўз югуртирарди. "Ярим йиллик планни шараф билан бажардик, социалистик мажбуриятни уйдаладик..." Гўёки шу билан ҳамма муаммо ҳал бўлгандек, буниям қандай бажаришгани жумбоқ, хаёлидан ўтказди Усмонов. Киши табиатида нотўғри яшаш ва ишлашга мойиллик ва ўчлик нимадан келиб чиқар экан? Ақли заифликданмикан? Бундай десанг, ҳаммани ақли заиф деб бўлмайди-ку. Ҳатто айрим кишилар ҳаёти қил устида турган бўлса ҳам жиноятга қўл урадилар. Сабаб нима? Бунга сабаб шуки, улар маълум бир вазифага олинадиган одам бериши керак бўлган поранинг суммасини белгилаб қўйишган. Ана шу масалани ҳал қилиши керак бўлган масъул шахс бу "соққа"ни ўзидан илгари ишлаган киши ҳам олганлигини ва ундан кейин келадиган одам ҳам олмасдан қўймаслигини билади. Шунинг учун бу номақбул ишдан ўзини тия олмайди. Пора берган одам эса сарф-ҳаражатини ўн ҳисса қилиб чиқариб олади. Порахўрлик шу тариқа ўзининг ички қодалари асосида ривожланадиган ва

## Нурали ҚОБУЛ

тўхтатиб бўлмайдиган механизмга айланиб қолди. Тўхтатмоқчи бўлган ёки унинг шартларига бўйсунмаган одамни эса суриб, четга чиқариб юборишади. Халқнинг тузалишдан кўра бузилишга майли кучли. Нега шундай экан-а?

Усмонов бюро ўтказиладиган катта столда ўтирарди. Ўқийётган қоғозидан бош кўтармай, хонага кирганларга қўли билан жой кўрсатди. Ундан уч стул нарида Насруллаев, унинг ёнида Норқулов ўтирарди. Насруллаевнинг сохт-сумбати келишган, қорачадан келган юзида нимадандир ҳадик, лекин давлат аҳамиятига молик гоят муҳим ишларга алоқадор кишиларга хос ясама жиддийлик бор эди.

— Эшитаман, — деди Усмонов мижжа қоқмай уларга тикиларкан.

Норқулов Насруллаевга қаради. Насруллаевнинг хижолат чекиб, гап бошлагани қорамағиз юзида деярли сезилмасди. Қора одамнинг хижолат чекканини фақат кўзларидан пайқаш мумкин.

— Саид Норқулович сизга учини чиқарган масала, — деди Насруллаев Усмоновнинг кўзига бир қараб қўйиб. — Ўша оператив группада республика прокуратурасидан ҳам одам бор экан. Иш катталашадиганга ўхшайди. Комбинатда камомад катта бўлса керак. Кавлаштира бир неча йил бурунги ишлар ҳам очилиб кетади ва бу нарса анча-бунча обрўли одамларга бориб тақалади. Шу масала хусусида олдингиздан ўтмоқчи эдик. Сал эҳтиёт бўлиш керакмикан?

— Сизнинг фикрингиз? — Норқуловга қаради Усмонов.

— Менинг фикрим ҳам шундай. Агар ҳамма иш қонун-қоидаси билан амалга оширилса, комбинатда ишлайдиганларни бир четдан қамашга тўғри келади...

Шу пайт кутилмаганда каттакон қизил телефон босиб-босиб жиринглайди. Усмонов дастга қўл узатди.

— Алайкум ассалом, Неъмат Назарович, раҳмат. Ўзингиз? Районда тинчликми? А-ҳа...

Узунбулоқ райкомининг биринчи секретари Неъмат Назаровнинг сўзини Насруллаев билан Норқулов аниқ-тиниқ эшитиб туришарди.

— ...Ўзимизнинг ўнинчи ун комбинатидан райондаги новвойхонага олиб келинган юз тонна ундан нон пишириб

## Унутилган соҳиллар

бўлмапти! Новвойлар унга оқ қум аралаштиришган дейишпти! Ҳатто ўзим ҳам бориб кўрдим. Хамир гижирлаб ётибди! Одамлар райкомга, шикоят қилиб кела бошлашгандан кейин сезиб қолдик! Пиширилган нонни еб кўрдим. Қабихлик бу, Карим Усмонович! Кўчага чиқишга ҳам уяляпман! Энди бу ёғини эшитинг! Балки бу телефонда айтадиган гап эмасдир. Лекин орқага суриб бўлмайди. "Ударник" совхозига олиб келинган аралаш озуқага эса цемент қўшилган экан! Юздан ошиқ қорамол нобуд бўлибди. Совхоздагилар бир ойдан бери бу воқеани яширишаётган экан. Эшитишимча, ун комбинати катталаридан кимдир келиб, дамларингни чиқарманглар, қанча молларинг нобуд бўлса тўлаймиз, деган эмиш! Бошим қотиб қолди. Ҳозир хабар қилишларича, қандайдир оператив группа совхозни босибди...

— Тушунарли, Неъмат Назарович! Менинг олдимда худди шу масалада ўртоқ Насруллаев билан Норкулов ўтиришибди. Ҳозир Норкулов ўз кишилари билан районга етиб боради. Вазиятга қараб мен ҳам ҳаракат қиламан! Содир бўлган воқеага фақат тўғри кўз, қонун талаблари асосида ёндашиш керак. Бошқа гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Пиширган ошларини ўзларига едириш керак. Шундай қилиш керакки, айбдорлар ҳам, уларга хайрихоҳ бўлганлар ҳам четда қолмасин.

— Вазиятни билиб, ўша ердан менга телефон қилинг, — деди Усмонов Норкуловга. — Бирор нарса эътибордан четда қолмасин. Ишни бости-бости қилиш ҳақида эса гап бўлиши мумкин эмас.

Норкуловга берилган бу топшириқ Насруллаевга ҳам жавоб эди. Норкулов честь бериб, гавдасини силкитганча чиқиб кетди. Насруллаевга эса худди шу керак эди. Зийрак Усмонов Норкуловнинг енгил тортганлигини пайқамай қолмади.

— Янглишмасам, сиз менга яна ниманидир айтмоқчига ўхшайсиз, — деди Усмонов сигарета қутисини очаркан, Насруллаевга жиддий тикилиб. — Ўйлайманки, бизнинг орамизда ҳеч қандай сир бўлиши мумкин эмас, Омон Насруллаевич. Биз биргалашсак мана шу жиноятларнинг олдини олишимиз мумкин эди. Лекин бунинг урдасидан чиқолмадик.

Насруллаев бир зум каловланиб қолди. Усмонов деразадан ҳовлига маъюс тикилганча сигарета тутатди.

– Мени кечиринг, Карим Усмонович. Ҳайлаб кўрсам, бу гапни сиз ишга келган дастлабки кунлардаёқ айтишим керак экан. Ҳар хил хаёлга бориб, журъат этмагандим. Энди билсам эҳтиёткорлик қиламан деб, хато қилган эканман. Ун комбинати хусусида биз ўзимиз жиноий иш кўзгагандик. Кейин билсак, бу комбинат йўқ донни бор қилиб ишлаб чиқиб, хўжаликларга қоғозда жўнатиб, вилоятнинг галла планини кўтариб юрган экан. Буни обком ва оближрокомдагилар ҳам яхши билишаркан. Жанжал катталашиб, республика прокуратураси, Олий суд ва Марказқўмгача борди. Охир-оқибатда биз, яъни шахсан мен: "Бу унчалик жиноятга кирмайди, бу ишни одамлар ўзлари учун, халқнинг обрўси учун қилишган", деган оғзаки мужмал жавобни олдим ва ишни ёпишга мажбур бўлдик. Олий суддагилар ҳам юқоридан кўрсатма олишган шекилли, "бундай ишлар яқин йилларда Олий судда кўриб чиқилмаган, ўзларингни обкомларинг билан гаплашинглар", дейишди. Хуллас, ўша пайтда биз тирноқ остидан кир излаган одамга ўхшаб қолдик. Лекин иш бости-бости бўлиб кетди. Бугун эса мана шу ўзингиз эшитиб турган воқеа. Энди ишқилиб емаган сомсага пул тўламасак бўлгани.

Насруллаевнинг чеҳрасидан ташвиш аломати сезилиб турарди. Усмонов унинг ҳамма гапни айтмаганлигини пайқади. Лекин асосийсини айтди-ку, лозим бўлганда яна айтар, хаёлидан ўтказди гапирганда бақбақаси селкиллаб турадиган Насруллаевни ён томондан кузатиб.

– Бу жиноятлар бор бўй-басти билан очилиб кетса, оқибатда нималар юз беришини тасаввур этасизми? – сўради Усмонов сигаретасини кулдонга босиб учираркан.

– Ҳа, – деди қисқа сукутдан сўнг Насруллаев. – Иш бошида турганлар усталик билан чап бериб, ҳамма нарсага балоғардон – топшириқни бажарганлар бўлади.

– Айниқроқ айта оласизми кимлар бунга бевосита айбдорлигини?

– Биринчи айбдорлар жиноятни амалга оширган ва уларни рағбатлантирган одамлар. Аниқроқ қилиб айтганда, комбинат директори Акрам Аминов, вилоят дон тайёрлаш идорасининг директори Ҳасанов. Қолаверса, обкомнинг қишлоқ хўжалик бўйича секретари билан оближроком раиси ҳам бу

тирикчиликдан беҳабар деб айтишга менда ҳеч қандай асос йўқ. Ундан ташқари собиқ биринчи ҳам буни билмайди, деб бўлмайди. Карим Усмонович, мени кечиринг-у, лекин бир нарсадан сизни огоҳлантиришим керак. Сиз вилоятда олиб бораётган иш, кадрларни алмаштиришингиз, халқ хўжалигининг ҳар хил соҳаларига янгича ёндашув пойтахтдаги катталардан кимгадир ёқмаяпти, чамамда. Мен кейинги ўн беш йилдан бери шу атрофдаги уч вилоятда прокурор бўлиб ишляпман. Бунақа ишларни кўравериб кўзим пишган. Бу иш аслида сизга қаратилган эмасмикан деб ўйлайман. Одатда, улар ўзлари учун керакли бўлган одамлар ишлаётган вилоятларда бунақа қилишмайди. Улар биздан кимнидир қаттиқ жазолаш ниятида, шекилли. Агар сиздан бошқа раҳбар деб ўйласак, улар бу ишни ўша пайтда қилишарди. Шунинг учун сиз бир эмас, ўн баробар хушёр бўлишингиз керак. Агар иложи бўлса дарвозангиз олдига тузукроқ пост қўйдилинг. Қўшни вилоят раҳбарларидан Тоғаевни жазманининг уйида заҳарлаб ўлдирилганидан хабарингиз бор. Акрам Аминов дегани ҳар нарсага қодир одам. Сизни бу қадар очиқ ва тўғри ишлашингиз бюро аъзоларини ҳам елкасини тириштираётгани сир эмас. Сабаб – биз ҳали очиқ-ойдин, ҳамма ишни халқ билан бамаслаҳат ва унинг кўз олдида қилишга ўргана олганимиз йўқ. Юқорида бир ишни қиламиз-у, халқ орасида бунинг аксини гапирамиз. Бундан мақсад асл номаъқулчиликни яшириш ва халқда ўзимиз юргизаётган сиёсатга сохта хайрихоҳлик уйғотишдан иборат бўлади. Сиёсатни чуқур ва нозик тушунган одамларгина бу найрангбозлигимизни сезадилар. Миш-мишга ташна оломон эса шундай экан-да, деб бир гапга ўнта кўшиб, бир-бирининг ҳақиқатдан йироқ фикри муҳокама қилиб, маъқуллаб юраверади. Одамларга мунозара учун мавзу, от қўйиш учун чортоқ бўлса, бас. Ҳеч ким чортоқ у ёқда эмас, бу томонда бўлиши керак эди-ку, нега солимини фалончи эмас, писмадончи ушляпти дея, бош қотириб ўтиришмайди. Биз тентакни қочган томонга қараб қув деган гапни шиор қилиб олганмиз. Бундан чиқадики, қочаверган тентак бўлгандан кейин бутун ишини йиғиштириб қўйиб, липпасини кўтарганча, уни қувиб юрган ҳам соғ эмас.

Насруллаев бошлиқнинг вақтини олмаяпманмикан, деган ўйда соатига қаради. Сўнгра нима дейсиз дегандек, Усмоновга тикилди.

– Гапларингиз тўғри, бу ҳақда янада чуқурроқ ўйлаб кўриш лозим. Бафуржа бир гаплашишимиз керак экан. Ҳозир эса менга айтинг-чи, Норқулов ҳақида қандай фиркдасиз? – деди Усмонов.

– Қийин масалани сўрадингиз? – деди Насруллаев тўғриси айтиш кераклигидан хижолат чеккандай. – Яхши фикрда эмасман. Милиция ходимлари орасида у ҳақда "танга берсанг ҳам олади" деган гап юради. Бу бежиз эмас. Норқуловнинг савиясидаги бошқа одам ҳам шу вазифада ўтирса, у қилган ишни қилади. Милиция органларида кадрларнинг даражаси жуда паст. Ёшлар ичида ҳам касби-кори йўқ, бирор бир тузукроқ ишнинг бошини тута олмаганлари шу системага ишга кирипти ва шапканинг соясида юмалоқ-ясси қилиб сиртдан бирор олий ўқув юртини битириб, ишлаб юришибди. Қараб турибсизки, йил ўтавериши билан елкадаги юлдуз кўпайиб, бир куни Норқуловдек танасини зўрға кўтарадиган генерал бўлиб етишишади.

– Тўғри. Бироқ прокуратура ва судлов органлари кадрлари таркиби-чи?.. Судларнинг кўнгилни айнитадиган даражада саводсиз ёзилган ҳукмларни кўп ўқиган бўлсангиз керак, – деди Усмонов аввал ўзинга боқ деган маънода.

– Ўқиганман, нимасини айтасиз. Бу соҳада ўқитиш иши чатоқ. Ҳуқуқшунослик факультетларини шу соҳага майли бор, қобилиятли болалар эмас, пулдорларнинг фарзандлари киришяпти. Булар ўқийди дейсизми? Оқибат эса сиз айтгандек.

– Майли. Бу ёғини кўраверамиз. Ишларнинг боришини кузатиб туринг. Жумладан Норқуловнинг хатти-ҳаракатини ҳам.

Усмонов Насруллаевни эшиккача кузатиб қўйди. Сўнгра қайтиб келиб, Давлат хавфсизлик комитети вилоят бошқармаси бошлиғининг номерини терди...

## IX

Карим Усмонов уйига кеч соат ўнларда қайтди. Ювиниб, чой ичишга ўтирганда, хотини норози қиёфада, телефонда сўрашаётганини айтди.

— Нотаниш одам, салом-алигиям галати, — деди Раъно Мардоновна зийрак кўзларини эрига қадаб. — Кечаси ҳам тинч кўйишмайди.

Усмонов телефон дастасини олди.

— Саломалайкум, ўртоқ Усмонов, — деди нотаниш овоз.

— Салом.

— Сиз мени танймайсиз? Лекин гапларимни яхшилаб эшитиб олинг! Бу гап сиз учун ҳам, биз учун ҳам муҳим! Агар бизнинг гапимизга амал қилмасангиз, келажакда биз учрашамиз ва бу учрашув яхшилик билан тугамайди. Сиздан битта илтимос ва талаб! Ун комбинати иши бўйича кўпам жон куйдираверманг! Сиз учун бу қимматга тушиши мумкин! Мени тўғри тушунинг! Ҳамма ишни ўша комиссия аъзоларига қўйиб бераверинг! Улар билан ўзимиз гаплашамиз! Акс ҳолда фалокатдан ҳеч ким сизни қутқариб қололмайди! Саломат бўлинг, оғайни!..

Ҳаяжонсиз ва совуқ, худди тайёр матнни ёддан айтиб бергандай тин олмасдан гапирган киши жавобни ҳам эшитмай трубкани тарақлатиб қўйди. Усмонов қисқа-қисқа гудок бераётган дастани ушлаганча, бир зум туриб қолди. Овқатланиш учун столга келиб ўтирганда ҳам карахтлиги тарқамади. Хаёлига беихтиёр, агробирлашма раиси Ҳакимов билан ун комбинати директори Аминов келаверди. Ҳакимов Аминовни қутқариб қолиш учун ҳаракат қиляпти. Унинг гапига вилоят ижроия комитетининг раисидан тортиб, ҳамма раҳбарлар қулоқ солади. Фақат Усмонов ўз билганидан қолмайди. Усмонов билан тил топишиб бўлмади. Энди у билан бошқача усулда гаплашиш керак. Усмонов бу кўнғироқ ҳақида хавфсизлик бошқармаси бошлиғига айтмоқчи бўлди-ю, фикридан қайтди. Кейинги пайтда у ҳам Усмоновдан ўзини олиб қочадиган, воқеа ва ҳодисаларга ўз фикрини билдирмайдиган одат чиқарди. Бу ҳам ўшалар тарафида, шекилли. Хуллас, бу ерда бир гап бор.

Эртаси куни эрталаб соат ўн яримларда махсус ҳукумат станциясининг телефони жиринглади. Усмонов иккинчи кўнғироқдан сўнг, трубкани кўтарди.

— Саломалайкум, ҳорманг Карим Усмонович! — деди хирилдоқ овозда Марказий Комитет секретарларидан бири. —

Ун комбинатида нима гап? — сўради шу масалага доир ахборот столининг устида турган бўлса-да. — Наҳотки, аҳволнинг шу даражага етганини пайқамаган бўлсаларингиз? Республиканинг номига доғ туширадиган воқеа юз берибди-да?!

— Республиканинг номига доғ туширадиган гаплар ҳали олдинда, — деди Усмонов босиқ, оҳангда. — Бу ҳаммамиз учун огоҳлантириш. Дуч келган ун комбинати ёки пахта тозалаш заводини текширтириб кўринг, ана шунда биласиз ҳақиқий аҳволни. Яхши бўлди, бу соҳадаги давлат жиноятчилигини биринчи бўлиб биз очиб берамиз. Ўз навбатида бу бошқаларга ҳам туртки ва сабоқ бўлади. Эртага ўзим Тошкентга бормоқчиман, бафуржа гаплашармиз...

Бундай жавобни кутмаган Марказий Комитет котиби гапини йўқотиб қўйди. Унинг хайрлашаётгандаги сўзидан "Сен, Усмонов тинч ўлмайдиганга ўхшайсан-ов" деган шамани уқса бўларди. Усмонов ўзича бу кўнғироқнинг тафсилотини таҳлил қила бошлади. Одатда бундай ҳолатларда кўрсатма тепадан бўлмаганда вазиятни билиш, гоҳида эса кўнғил сўраган бўлиб каттанинг ўзи кўнғироқ қиларди. Усмонов билан бўлган гапни тармоқ секретари оқизмай-томизмай унга етказди. Каттакон ўзини олиб қочдими, демак, бу яхшиликдан далолат бермайди. Иш оғир кўчадиганга ўхшайди. Усмонов, ожизлик қилиб қоласан, шекилли. Бунинг устига кечаги кўнғироқ. Ҳам тепадан, ҳам пастдан. Мана сенга ҳаётинг спектакль, Усмонов. Ечимини ўзинг топиб олавер. Насруллаевга кўнғироқ қилсамикан? Телефонларга ҳам ишониб бўлмайди. Яхшиси, чақиртиргани маъқул. Усмонов Насруллаев билан бирга тушлик қилиб, маслаҳатлашмоқчи эди. У билан иложи борича эркинроқ ва норасмийроқ ҳолатда гаплашиш керак. Кўпни кўрган Насруллаев ернинг остида илон қимирласа билади.

— Сиз билан бафуржароқ гаплашиш учун тушликка чақирдим. Узр. Балки бизнинг тушлигимиз сизга маъқул келмас. Лекин сидқидил меҳмон қиламиз, — деди Усмонов сабзи сувидан ҳўплаб, маккажўхори ёғида қоврилган қуруқ пиёзга қалампир сепаркан. Улар кабинет ортидаги хос хонага ўтишгач.

— Мен тушликда уйга қатнайман. Гапнинг ростини айтганда, ресторан ва ошхоналарнинг овқатини еб бўлмайди. Шу соҳа ҳам ҳеч ўнганмаяпти-да, — деди Усмоновнинг қаршисида ўтирган Насруллаев овқатга қўл ураркан.

— Ошхоналаримизнинг таомини еб бўлмайди деб, сиз билан мен йўламаганимиздан кейин у ерда аҳвол тузалармиди. Бизга доимо соя-салқин жойда, алоҳида таом пиширишади. Халқнинг нима еб, нима ичгани билан ишимиз йўқ. Вилоятдан вакил бўлиб борсак ҳам зиёфатни еб, хурмачамизни ароққа тўлдириб қайтиб келамиз. Совға-салом ҳам қилишади. Район ва хўжалик раҳбарлари шаънига қадаҳ кўтариб, ёлғон справкани ўзларига ёздириб қайтиб келаверамиз. Ишнинг ва халқнинг асл аҳволини яшираемиз. Биласизми, ҳали жойларда ҳафтасига бир кило гўшт емайдиган оилалар бор. Биз эса минбарни ағдаргудек бўлиб мақтаниб, айюҳаннос солиб юрибмиз. Мен ўз тажрибамдан келиб чиқиб, шунга амин бўлдимки, ҳеч қачон яхши нутқ сўзлаган одам, яхши ишламайди. Эскилар ҳам айтишади-ку, худо камдан-кам одамга икки томонлама беради деб. Бу гапда жон бор. Икки томонлама худо ёрлақаганлар даҳо ёки ҳақиқат йўлида қурбон бўладилар.

Насруллаев Усмоновнинг гапига қулоқ солиб, ҳурмат юзасидан овқат емай турарди.

— Кечирасиз, диққатингизни бўлганим учун, қани, емакка қаранг. Сиз меҳмонсиз. Ўзим минбарда туриб ватан учун жанг қиладиганларни танқид қилатуриб, дастурхон устида ҳам ваъз айтаяпман, — деди қулиб Усмонов.

— Гап ҳам ўтиришнинг каштаси, — деди Насруллаев биринчи секретарнинг гапини маъқуллаган бўлиб.

— Ибн Сино эрталаб анор, тушликда кўпроқ пиёз ва кечкурун асал тановул қилсангиз қонингиз кўз ёши каби тоза бўлади, деган экан. Шу сўзга амал қилишга ҳаракат қилияпман. Сизга ҳам маслаҳат бераман, — деди Усмонов суҳбат мавзусини буриб.

— Мен ҳам ётиш олдидан бир стакан қатиққа бир қошиқ асал солиб ичаман, — деди унинг гапига қўшилиб Насруллаев.

— Сизга маслаҳат беряпман-у, ўзим шунга амал қилолмайман.

— Одатда шундай бўлади, — деди Насруллаев мийиғида қулиб, ҳазиллашаркан.

Момикдек оппоқ украинка официантка Оля бедана юриш қилиб биринчисига карам шўрва ва иккинчи емакка киев котлети олиб келди. Столда венигрэд, аччиқ-чучук ва кўкатлар бор эди. Улар наридан-бери гаплашиб, тамадди қилишди. Чой ичгани юмшоққина креслога ўтиришганда, Усмонов мақсадга кўчди.

— Ун комбинати хусусида сизда нима янгиликлар бор? — сўради Усмонов Насруллаевнинг паришонроқ кўринаётган чеҳрасига тикилиб.

— Бу ишга вилоятнинг анча-мунча кишилари аралашади, шекилли. Кеча кечкурун кутилмаганда уйга тўлиб-тошиб "Ленинград" агробирлашмасининг раиси Акбар Ҳакимов келиб қолса бўладими. Жуда ноқулай аҳволга тушдим. Битта машинада ўзи келса, иккинчисига майда-чуйда, совға-салом ортиб келибди.

— Қаҳрамон ва депутат раисимизнинг пайтавасига ҳам қурт тушиб қолибдими? Нима дейдилар?

— Ун комбинати масаласи жиддийлигини сезган шекилли, нима бўлса бўлсин-у, фақат жинойий ишга Акрам Аминовични аралаштирмаслик керак, унда ҳеч қандай айб йўқ. Ҳамма ишни фирт саводсиз аралаш озуқа цеҳи билан ун тайёрлаш цеҳи бошлиғи ва омбор мудирлари қилган дейди.

— Гўёки ўзи жуда саводлидай, — луқма ташлади Усмонов.

— Мен бу жуда катта жинойий иш эканлигини, у билан Тошкент шуғулланаётганини айтдим. Ҳеч ким бу ишни тинчителиш ёки бости-бости қилишни бўйнига ололмаслигини тушунтирмоқчи бўлдим. Бироқ бефойда. Мени ҳам колхознинг бригадири деб ўйлайди шекилли, тазйиқ оҳангида гапирди. Ҳатто республика катталарининг номини тилга олиб, у кишилар билан ўзим гаплашаман, фақат сизлар бу ерда чўғни кавламай турсаларинг бас, дейди.

— Катталар унинг гапига қулоқ солади, — деди Усмонов дераза томон хаёлчан тикилиб.

— Мен бугун агросаноат бирлашмасида кейинги ўн йил мобайнида дон тайёрлаш планини бажарилишини кўздан кечириб чиқдим. Курғоқчилик бўлиб, ғалла битмаган йиллари ҳам колхоз режани ошириб бажарган. Бундан чиқади колхознинг комбинат билан ўз ҳисоб-китоби, Ҳакимовнинг Аминов билан олди-бердиси бор.

— Бунга қандай журъат этишган? Жиноятнинг очилиб қолишидан қўрқишмаганми?

— У пайтларда қўшиб ёзиш, завод ва комбинатлардан маҳсулотни сотиб олиш бу қадар оммалашмаган эди. Шунинг учун буни биров пайқаса, биров пайқаман. Билган одамлар

эса оғиз очишга Ҳакимовдан чўчишган. У йўлига гов бўлганларни турли йўллар билан тинчитишнинг ҳадисини олган. Аминов пухта ва ҳисоб-китобли одам. Ҳакимов эса ўқимаган, оғзи билан иш қилиб ўрганиб қолган эски раислар тоифасидан. У иккинчи Олти Юлдузни олиш учун колхозда ҳеч бир соҳа бўйича планлар бажарилмай қолишига йўл қўймайди. Ун комбинатига топширилди дейилган дон, аралаш озуқа сифатида яна бирлашмага ва Ҳакимов рўйхат қилиб берган хўжаликларга "тақсимланган". Бир неча ойдан сўнг, бу жиноятнинг изи йўқолади. Ем молларга "едириб юборилади". Шунинг учун ҳам комбинатдаги бу хилдаги жиноятга урғу бермасдан, аралаш озуқага цемент ва унга тош қўшилганини ноғора қилишяпти.

— Нега улар пахта соҳасидаги бу хил жиноятларни очмай, ун комбинати билан пачакилашиб, юришибди? Дуч келган пахта тайёрлаш пункти ёки заводида миллионлаб сўмлик пахтани сотишяпти-ку. Нега буни билмаганга олишади?

— Бу нарсаларни мендан яхши биласиз-ку, Карим Усмонович, — қизарди, Насруллаев кулимсираб. — Ёки мени синамоқчимисиз?

— Синасам синамасам сизни яхши билмайман. Лекин қонуннинг таянчи сифатида буни сизнинг оғзингиздан эшитмоқчиман. Балки сиз мен билмаган нарсаларни ҳам биларсиз.

— Анча бўлган, Карим Усмонович, пахта хусусида текширув ёки бошқа бирор бир иш олиб бориш, бизга таъқиқланган. Тўғридан-тўғри айтишмайди. Шама қилишади. Тушунсанг, тушундинг. Тушунмасанг ёки тушунгинг келмаса, силлиққина қилиб кавушингни тўғрилашади. Хуллас, пахтага тил теккизиб бўлмайди.

— Виждон-чи? Виждон?

— Аксинча, шу ноҳақликни айтишга журъат этсангиз, сизни виждонсизга, халқ меҳнатини қадрламаётган одамга чиқаришади.

— Ўттиз еттинчи йил таъбири билан айтганда, халқ душмани денг.

— Шундай десаям бўлади.

— Айтинг-чи, бу аҳвол қачонгача давом этади?

— Бу нарса жуда чуқур томир отиб кетган. Уни таг-томири билан йўқотиш назаримда мумкин эмасга ўхшайди. Шунинг учун қийинки, одамлар бу ишга онгли ва онгсиз равишда қўл урадилар.

Вақти-соати келиб, онгли равишда жиноят қилувчиларни тўғри йўлга солиш мумкин. Бироқ онгсиз равишда жиноят қилувчиларни эпга келтириш учун жуда кўп вақт керак. Менимча, халқ тараққиёт ва талабнинг даражасига тайёр эмасга ўхшайди ёки табиатан шундайми, тушунмайман.

— Гапингиздан, биз социализмга тайёр эмас эдик, инқилобни ривожланиш даражаси ҳар хил мамлакатда амалга ошириш мумкин, бироқ социалистик жамиятни ҳар қандай мамлакатда қуриб бўлмайди, деган хулосага келса бўладими?

— Шундай маънони англасаям бўлади. Менимча Шарқ учун социализмдан қулай жамият йўқ. Сиз чет элларда ишлаб келган одамсиз. Бу масалаларни мендан яхши биласиз...

— Сиз айтмоқчи бўлган фикрни тушундим. Ўз ноқобиллиги ва гумроҳлигидан узоқ пайт ярим оч яшаган ва бугунда ҳам иқтисодий муаммоларни ғоят машаққат билан ҳал қилаётган Шарқ учун барчага баробар тузум — социализм қулай демокчисиз. Бироқ Шарқ одамларидаги бойликка ўчлик ва молпарастликка капитализм ҳам жуда қўл келади. Шарқда одамлар, чўпни сенга бошлиқ қилиб қўйса ҳам бўйсун, деган ақида руҳида тарбияланган. Капиталистик жамиятда бу "чўп"ларнинг ҳаммаси шунчаки оддий чўплар эмас. Кишилар ўзларининг эксплуатация қилинишлари учун ўзлари руҳий ва амалий имконият яратиб қўйганлар. Инсон зоти табиатан педант ва консерватор бўлади. Ҳатто уйингизда ҳам маълум жойга қўйган нарсангизни бошқа бирор ерга олиб қўйишса, сизга малол келади. Айниқса, оддий халқ шундай бўлади. Ўзининг бир амаллаб ўтказаетган кунига, ғамирлаб кечираётган ҳаёт тарзига таъсир этган ҳар қандай ташқи кучга тиш-тирноғи билан қаршилиқ кўрсатади ва уни бирданига қабул қилолмайди. Унга битта нон ваъда қилсанг ҳам, ўзининг бир бурдасидан осонлик билан воз кечмайди. Қанчалик халақит бермасанг, у шунчалик сендан рози бўлиб яшайди. Ҳатто кўпларга болангни ўқишга юбор деган гап ҳам малол келади. Ўзича боласини мактабга юборгандан кўра эчки боқтиришни афзал кўради. Бундайлар бизда ҳозир ҳам бор. Халқдаги бундай кайфият эса капиталистик жамиятдаги ҳукмрон синф учун

қул келади. Қани энди уларга кенг халқ оммаси ҳатто қўл қўйишни ҳам билмаса. Халқ ўқиб, саводини чиқарса, эртага ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб, кўчага чиқади.

Насруллаев Усмоновнинг гапини тинглаб ўтирар, аҳён-аҳёнда чой ҳўпларди.

— Сичқон сигмас инига, галвир боғлар думига дегандек, ўзимизнинг думимиз хуржунда-ю, яна фалсафа сўқамиз, — деди Усмонов ўрнидан туриб қўлини чоғиштирганча хона бўйлаб юраркан. — Ишлашдан кўра доимо маслаҳат бериш осон ва маъқул бўлган. Сиз тажрибали одамсиз. Ун комбинати масаласи қандай яқун топади ва сиз билан мен қандай йўл тутишимиз керак? Сизни аслида шунинг учун чақирган эдим.

— Шуниси борки, бу ерда кўп нарсалар ва воқеаларнинг бориши сиз билан менга боғлиқ бўлмай турибди. Гапнинг бўладиганини айтсам, кимлардир бу жиноятни сиз билан менга ўхшаганларга тиркаб, секин-аста бизни ҳам тузоққа илинтирмоқчи бўлишяпти. Ҳакимов сизнинг уйингизга боролмайди. Шунинг учун меникига келган. У Меҳнат Қаҳрамони, Иттифоқ Олий Советининг депутати. Мени ўзи билан ҳисоблашишга мажбур деб ўйлайди. Сиз эса илгариги биринчи раҳбарлардек келган кунингиздан бошлаб ундан маслаҳат сўрамадингиз. Унинг доимо айтгани айтган, дегани деган бўлган. Қонун бўйича иш талаб қилсангиз, бас, у сизни душман деб ўйлайди. У раис бўлган пайдан бошлаб шундай ҳаётга ўрганиб қолган. Иш билмас, ноқобил раҳбарлар уни эчкиллатиб, ўргатиб қўйишган. У ўзича нима иш қилсам тўғри деб ўйлайди. Саводи бўлмаса-да, ўзини обком секретаридан устун чоғлайди. Ўзини халқдан чиққан доҳий санайди. Илгари у вилоят раҳбарларини ишдан бўшатиб, ишга қўйдиарди. Хушига ёққан одамни жавобгарликдан олиб қолиб, хушига ёқмагани жарга итариб юборарди. Сиз келганингиздан буён унинг фаолият доираси чекланди. У бунга осонликча кўнмайди. Битта-яримтанинг бошига етиб, сўнгра ўз бошини ейди. Сизга кўнғироқ қилган ҳам Ҳакимов билан Аминовнинг одамлари. Аминовни ҳали қамоққа олишгани йўқ. Ҳибсга олмасликларидан олишлари аниқроқ. Шунинг учун у фурсатни ганимат билиб, ўзини чор тарафга уряпти. Ҳакимов мендан ҳам қониқарли жавоб ололмади. Демак, мен ҳам қора рўйхатга тушдим. У энди мени думимни тугдиришга киришади.

— Бугун қонун кучи қўлингизда, ҳақиқат сиз тарафда бўлса-ю, шундай деб ўтирсангиз... Билмадим, кимга суяниш керак?

— Карим Усмонович! Бу қадар очиқ гапирганлигим учун мени кечиринг. Сиз бир мени айтасиз. Иккимиз биргалашиб курашсак ҳам уларга кучимиз етмаслиги мумкин. Ҳақимовнинг бирлашмаси ва фаолиятини ҳазил-чин аралаш вилоят ичидаги бир давлат, дейишади. Унга хизмат қиладиган аҳмоқлар ҳам шу қадар кўпки, керак бўлса у бугун сиз нонуштада нима еб, хотинингиз билан нима ҳақда гаплашганингизгача билиб ўтиради. Масалан, кеча мен ходимларим орқали вилоят статистика бошқармасидан бирлашманинг ўн йиллик дон маҳсулотлари тайёрлаш кўрсаткичини олдим, дейлик. Тегишли одамлар ўша заҳотиёқ унга хабар беришган ва у бизда ишловчи, яъни вилоят прокуратурасидаги одамлари орқали менинг хатти-ҳаракатимни кузатиб турибди. У ҳозир иккимизнинг бирга тушлик қиляётганимизни ҳам биледи. Уйлайманки, бу хонада гапимизни ёзадиган диктофон йўқдир. Шунинг учун суҳбатимизнинг асл матнига эга бўлолмайди. Лекин биз нима хусусда гаплашишимизни ҳис этади ва шунга қараб иш қилади.

— Мен унинг шундайлигини билардим. Бироқ, бу даражага етганлигини тасаввур этмаганман. Наҳотки, унинг бошқа иши бўлмаса?

— Бирлашмада иш темир интизом асосида йўлга қўйилган. Бошида ҳеч ким турмаса-да ҳамма ўз ишини билиб қилаверади. Ҳақимовдан шу қадар кўрқишадики, ақл бовар қилмайди. Унинг нималарга қодир эканлигини сизга бир мисол билан айтиб берай. Мен энди ишга келганимда олдимга эллик ёшлар чамасидаги эр-хотин кириб келишди. Йиғлайвериб, иккисининг ҳам кўзи қизариб кетган. Эркак — районда раҳбарлик лавозимида, хотини — боғча мудираси бўлиб ишларкан. Мен улар ҳикоя қилган воқеани ёзиб беришларини сўрадим. Эр-хотин бош тортишди. Ҳақимов бизни ҳам ўлдиради, дейишади кўзлари жовдираб. Воқеа бундай бўлган экан. Улар "Ленинград"да яшашаркан. Халқ хўжалиги институтини битириб колхозда ишлаётган ўғилларини уйлантириш учун тўй қилишибди. Тўйга ташриф буюрган Ҳақимовнинг келинга кўзи тушибди-ю, нияти бузилибди. Маст бўлиб, ёнидаги райкомнинг биринчи секретарига "ана шу

## *Унутилган соҳиллар*

гўзалнинг қизлигини олмасам, Акбар отимни бошқа кўяман", дебди. Тўй кечаси куёв ғойиб бўлибди. Участковой милиционер куёвнинг йўқолганини баҳона қилиб, келинни уйдан олиб чиқибди-ю, Ҳакимовга тутқазибди. Ранги-кути ўчган келин бир ҳол-аҳволда ҳафтадан сўнг уйга қайтибди. Яна бирор ҳафтадан кейин эса куёвнинг ўлигини дарёдан топишибди. Йигитнинг отаси эртаси кунни олдимга келиб, ўртоқ прокурор, кечаги гапларни мен сизга айтмадим, сиз эшитмадингиз. Бу гапларнинг ҳаммаси иғво экан, деди. Мана, энди ўзингиз бу ёғини ҳисоб-китоб қилиб кўраверинг. Ҳозирча вилоятда Ҳакимовга бас келадиган куч йўқ. У билан ҳисоблашмаган раҳбар, бу ернинг сувини ичмайди. Бу халқ ичида ҳам, раҳбарлар орасида ҳам ҳеч ким инкор этолмайдиган ва ҳеч қаерда ёзилмаган қонунга айланган. Худонинг олдидан ялангоёқ қочган бу одам не-не ажойиб кадрларнинг бошини емади, дейсиз. Энди ўзимиз сезмаган ҳолда навбат сиз билан менга келганга ўхшайди.

— Сиз шундай деб ўйлайсизми?

— Ҳа! Орқасида тоғи борнинг, юрагида тоши бўлади, дейдилар.

— Унинг орқа тоғи баланд дейсиз-да?

— Баланд бўлганда қандай. Дарахтнинг шоҳига болта урганда илдизи зирқирагандек, Ҳакимовга берилган зарбадан унинг тоғлари зирқирайди. Тоғларни асраш учун тепаликларни омон сақлаш керак. Улар мана шу ақида асосида иш юритишади. Булар ўша тоғларнинг сиёсатини жойларда амалга оширувчи роботлар. Бизда бундай ясама қаҳрамонлар тўлиб-тошиб ётибди. Буни сиз мендан яхшироқ билсангиз керак. Ростини айтганда, Карим Усмонович, биз жуда кўп масалаларда орқага чекиндик. Бунинг ўрнини қоплаш учун жуда кўп нарсаларни қайтадан бошлашга тўғри келади. Нотўғри меҳнат одамнинг ҳаётга қарашини салбий томонга ўзгартириб, маънавий қашшоқлаштирар экан. Буржуа жамиятида Ҳакимовга ўхшаганлар сўзсиз миллиардер бўлади. У ўзининг ақл-идроки, қобилияти ва одамийлиги билан бу даражага етмаган. Аксинча, у айёрлик, устамонлик, ўзидан устун барча раҳбарларнинг беғамлиги, ахлоқ мезони ва қонунларни четлаб ўтишлар эвазига қаҳрамон бўлган. Гапига каттаю-кичик қулоқ солади.

Унинг аҳмоқона гапи ҳам бошқаларга доноликдек туюлади. Сабаб — одамлар узоқ йиллардан бери шу одамга, унинг телба-тескари гапига ўрганиб қолишган. Улар бундай, дўппини ёнларига олиб қўйиб, ахир, мана шу нарса ғирт нодонлик-ку, бундан бошқачароқ ва яхшироқ бўлиши мумкин эмасми, дея ўйлаб ўтирмайдилар. Бу ғовларни бузиб, тилка-пора қилиб ташлаш учун бизда маънавий инқилоб қилиш керак.

— Аввало одамларнинг виждонида инқилоб қилиш керак деб ўйлайман, — қўшиб қўйди Усмонов.

— Албатта ўша виждон бўлса, — деди Насруллаев дастрўмоли билан. пешона терини артаркан ҳаяжонини босолмай. — Одамларда борган сари қиёфа қолмаётир. Вазият ва шароитга қараб кунда ўзгаришади. Ҳеч кимга ишониб бўлмайди. Кўпчилик ўз манфаати учун ҳеч нимадан тоймайди. Бўлмаса шу Ҳақимовларга нима етмайди. Агросаноатнинг ўн етти сурувининг ҳар бирида элликтадан қўйи бор. Хўп, бу қўйларнинг жунини чўпонларга совға қилди, дейлик. Ҳар йилига камида мингта қўзи соттиради. Юз сўмдан сотилганда бу юз минг сўм бўлади. Қорамол отарларида қирқ чоғли сигири бор. У фақат ҳар йилги бузоғини олади. Сути эса колхоз ҳисобидан давлатга топширилади. Бунақа чакана сигирлар колхозда уч юз бошдан ошиқ. Мутахассисларнинг эса бу колхозда қандай қилиб сигир бошидан беш ярим минг литрдан сут олишларига ақллари етмай ҳайрон. Бунинг устига Тожикистондан ва қўшни вилоятлардан келадиган сурувларга яйловларни пуллайди. Бир отар қўйга ойига минг сўм. Ҳозир ҳам тоғда ўнлаб сурувлар ёйилиб юрибди. Аслида бу пуллар колхозга кириб бўлиши керак. Мукофотга бериладиган машиналарнинг устида ҳам "шапкаси" бор. "Волга"га, ўн, бошқаларга уч мингдан беш минггача. Шунча даромаднинг устига яна пора ва совға-салом олади, сўзи ўтгани учун йилига олий ўқув юртларига беш-ўн нафар кишини жойлаб, бундан ҳам анча-мунча ишлайди. Табиийки бу маблағни бир ўзи емайди.

— Сиз билан мен эса бунинг ҳаммасини кўра-била туриб, сатанг кийиниб, "Газ-24"ни орқа ўриндиғида ялпайиб ўтирганча, ўз вазифамизни қойиллатиб уддалаётгандек ишхонамизга кириб-чиқиб юрибмиз. Бир кун келиб бунинг учун сиз билан мен ҳам жавоб берсак керак.

Насруллаевнинг юзи гезарганча қотиб қолди. Бўйинбоғини бўшатиб, кўйлагининг юқори тугмасини ечди. Сўнгра, костюмини ечиб стул суянчигига илди. Усмонов эса хона бўйлаб юрарди.

— Қандай маслаҳат берасиз? — деди анчадан сўнг Насруллаевнинг қаршисида тўхтаб.

— Ҳимоя ва қарши ҳужум чораларини кўриб қўйинг! Ҳаммадан сизга оғир бўлади, — шу заҳотиёқ жавоб қайтарди прокурор.

— Асосан кимларга қарши? — овозини пастлатиб сўради Усмонов.

— Даставвал юқорида сизни жини суймайдиганларга қарши, сўнгра, бу ердаги ўзингиз билган кишиларга. Булар ҳеч нарсадан тойишмайди. Уларнинг бу товламачилиги ва тухматидан юқоридагилар устамонлик ва ўзларича чексиз ҳақиқатгўйлик қилгандек фойдаланишади. Аслида, бунинг ҳаммаси икки-уч киши томонидан пухта режалаштирилган, — деди Насруллаев қовоғини чимириб, панжаларини ёзганча тушунтираркан.

— Менга айтадиган яна қандай гапингиз бор? — деди Усмонов соатига қараб қўйиб.

— Бошим айланиб кетди. Нима дейишимни ҳам билмайман. Ҳа, айтгандай, ҳар эҳтимолга қарши тепанинг тазйиқи билан бости-бости қилиб юборилган ун комбинатига доир икки йил бурунги жинной иш делосини топиб қўйдим. Агар сизни қизиқтирса, олиб келиб бераман. Ҳарҳолда ана шу дело аслида бу ишнинг бошида уларнинг ўзлари турганликларини эндиги ташаббускорларга эслатиб қўяди ва керак бўлса қора курсига ўтқизади.

— Эҳтиёт бўлинг. Гапингизга қараганда, улар буни сезишса, делони йўқ қилишлари ҳам мумкин. Бу эса сиз билан мени қўлимизда турган зотдан маҳрум қилади.

Насруллаев бош ирғаб, маъқуллади. Улар хонадан чиқишганда, тушлик пайти тугаган, обком ходимлари коридор бўйлаб турли қоғозларни кўтариб зир югуришарди. Насруллаев бош ирғаб, Усмонов билан хайрлашди.

Шу кунни Насруллаев Усмоновга айтиши керак бўлган барча

гапни айтди. Бироқ Ҳакимовнинг сўнги гапини айтмади. Айтолмади. Айтишга тили бормадими ёки чўғалчилик бўлади, деб ўйладими, ҳар қалай айтмади.

— Усмоновнинг ҳам куни битиб қолган, унга суянмасангиз ҳам бўлади, — деди мушуккўз Ҳакимов нигоҳини Насруллаевга қадаб. У ўзи олиб келган бир шиша "Золотое кольцо" ароғини уриб олган эди. — Йиқилаётган одамга суяниб бўлмайди. У йиқилса, суянган учиб кетади. Мен Усмонов хусусида керакли гапни керакли одамларга айтдим. Ўзининг юртдошларини олиб келаётганини ҳам, пора олишини ҳам, хотинбозлигини ҳам. Кўрамиз, қани, қачонгача бизни тан олмас экан. Олдингизга келмасам ҳам бўларди. Лекин сизни азбаройи худо ҳурмат қилганимдан, бўлар-бўлмас одамлар учун жувонмарг бўлиб кетмаслигингиз учун бемаҳал эшигингизни қоқиб келиб, тузингизни еб ўтирибман. Сизнинг ҳам менсиз, мени ҳам сизсиз куним ўтади. Лекин орадаги меҳр-оқибат, инсонийлик қолади. Худо хоҳласа тирик эканман, сизга гард юқтирмайман. Сиз нафақат вилоят, республикани сўрайдиган одамсиз. Муштни бир жойга урсак, бу ҳам амалга ошадиган иш. Мен не-не кишиларнинг бошини силаб, полапон қилиб учирганман. Туз насиб этса, сизни йўлингиз ҳам ойдин бўлади... Бунинг учун сиздан фақат бир нарса — садоқат талаб қилинади. Бу ёгини ўзим гаплашаман.

Орадан икки кун ўтди. Насруллаев Усмоновга кўнгироқ қилиб, Тошкентга бориб келишга рухсат сўради. Усмонов унга кетаётганини иккинчи секретарга ҳам билдириб қўйишни тайинлади. Тошкентдан қайтаётганда эса "Жигули"нинг шофёри рулда ухлаб қолиб, бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этди...

Усмонов энди батамом яққаланиб қолганди. Норқуловга ишониб бўлмас, хавфсизлик комитети вилоят бошқармасининг бошлиғи ундан ўзини олиб қочар, вилоят прокурори вазифасини вақтинча бажараётган киши эса ҳали ҳеч нарсага тушунмасди.

Бу орада ўнинчи ун комбинатининг директори Акрам Аминов ҳибсга олинди.

Кейинги кунларда Усмонов кабинетидан чиқмай қолди. Вилоятда "Усмонов ишдан кетармиш" деган миш-миш тарқалди. Кўп ўтмай, бунга "партиядан ўчиб, қамалса керак", деган гап ҳам қўшилди...

X

Вилоят партия қўмитасининг навбатдан ташқари пленуми Карим Усмоновни ишдаги жиддий хатолари учун вазифасидан озод қилди. Пленумда биринчи бўлиб сўзга чиққан Зарбдор тумандаги "Ленинград" агробирлашма-сининг раиси, Иттифоқ Олий Кенгашнинг депутати, Меҳнат Қаҳрамони Акбар Ҳакимов Усмоновнинг раҳбарга хос бўлмаган ҳаракатлари, масалаларни ҳеч ким билан маслаҳатлашмай якка ўзи ҳал қилиши, тажрибали ва ҳалол кишиларни жиддий сабабсиз ишдан бўшатиб, ўрнига ўзига яқин ва шахсан садоқатли кишиларни тайинлаётганлиги, ниҳоят порахўрлиги ҳақида тўлиб-тошиб гапирди.

— Қўлимда ўнинчи ун комбинатида ишлайдиган икки хизматчининг менга, Иттифоқ Олий Кенгашининг депутати сифатида мурожаат этиб ёзган хати турибди! — деди у қўлидаги қоғозни залдагилар яхшироқ кўрсин учун боши узра ҳаволатиб. — Хатда айтилишича, комбинатнинг аралаш озуқа цехи бошлиғи Комилов билан омбор мудирини Хўжақулов вилоятнинг собиқ прокурори Насруллаев воситачилигида ўртоқ Усмоновга жами юз минг сўм берганликларини ёзганлар. Насруллаев бу одамлардан ўзи ва Усмонов учун катта миқдорда пул талаб қилган ҳамда улар айтилган миқдорда пулни беришмаса, қаматаман деб кўрқитган. Мен коммунист сифатида ўртоқ Усмоновга ўша пулларни давлатга қайтаришни ва обком бюросидан у кишининг айбига яраша жазо берилишини сўрайман!

Залда кўтарилган гулдурос қарсақлар анчагача тинмади. Усмонов ер билан битта бўлиб, тухматдан эси оғиб қолаёзди. У ёнида ўтирган Марказий Комитет бюроси аъзосининг афтига ҳам қарамай, ўрnidан туриб чиқиб кетди. Ташқарига чиқиб, деворга суяниб турганда ёнига ёрдамчиси келди.

— Илтимос, машина чақиринг! Мени уйга элтиб қўйишсин!  
— дея овози титраб. — Қўйинг, керак эмас, энди бу машинани  
минишга ҳаққим йўқ, — қўшиб қўйди паст овозда. — Пиёда  
кетаман.

Усмонов обкомдан уйига қандай етиб келганини хотирлай  
олмайди. Хаёли жойида эмас эди. Фикри чуваланиб, боши  
айланарди. Воқеалар тушида содир бўлаётгандек эди. Одатда  
кўп хаёл сурадиган одамлар кўп туш кўришади ва туши ёдида  
қолади. У негадир болалигидан тушига ишонар ва онасидан  
таъбир қилишни ҳам ўрганиб олган эди. Ўнг ва чап қошининг  
учишидан эса ўзини кутаётган яхши-ёмон ҳодисаларни чўтлаб  
юрарди. Икки кун бурун тушида балчиқдан бошини чиқариб  
турган йўғонлигига қулоч етмайдиган олачипор илонлар уни  
комига торта бошлаган ва чўчиб уйғонган, қора терга тушиб,  
тонгга яқин кўзи илинганди...

Воқеадан хабар топган Раъно Мардоновнани аллақачон "тез  
ёрдам" олиб кетган, уят, алам ва тухматдан юраги куяётган  
Усмонов бетиним сув ичар ва чекарди. У икки кечаю-кундуз  
мижжа қоқмай ҳовлига чиқиб, уйга кириб, тинмай юрди.  
Учинчи куни эса ўзини Иттифоқ прокуратураси вакили деб  
таништирган киши билан вилоятдан келган терговчи йигит  
ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб беришни сўрашди.  
Улардан бири Комилов билан Хўжақуловнинг "Ҳақиқатан ҳам  
Насруллаев орқали Усмоновга эллик минг сўмдан пул  
беришгани ҳақида"ги ёзма кўрсатмаларини ўқиб берди.

Терговчилар ортидан кириб келган граждан кийимидаги тўрт  
киши эса уйни тинтув қила бошлади. Уйни ағдар-тўнтар қилиб  
титкилаётган одамларни совуққина кузатаётган Усмонов  
терговчининг юзига қарамай саволларига жавоб қайтарарди.

— Олтмиш минг сўмдан ортиқ пул, — деди граждан  
кийимидагилардан бири ўнталик ва йигирма бешталик бир  
даста пулни суҳбат матнини ёзиб ўтиган терговчининг олдига  
қўйиб. — Атиргуллар орасига кўмилган экан. Қимматбаҳо  
буюмларни алоҳида рўйхат қилиб, ҳисоблаб чиқамиз.

Усмонов ҳайратдан қотиб қолди.

Суҳбат якунланганда эса унга ҳибсга олиш ҳақидаги санкцияни  
кўрсатишди. Прокуратура вакилининг имо-ишорасини кутиб  
турган граждан кийимидаги забардаст йигитлардан бири кечирим

сўраб, Усмоновнинг чап қўлига кишан солди. Кишаннинг бир учи унинг ўнг қўлида эди. Улар ўзларича Усмонов ўзини отиб-нетиб қўймасин дея ўйлашганди.

Усмоновнинг боши айланиб қолди. У атрофида шивирлашиб, уйни кавлаштираётган кишиларнинг юзига қарамасди. Нималар бўлаётганига дастлаб ақли етмаётгандек туюлди. Ҳаммаси гўёки тушдек эди назарида. Негадир бу одамлар кўзига ярим тунда отасини олиб кетган ўша, гимнастёрка кийган кишилар бўлиб кўринди. Фақат булар яхшироқ кийинишган. Устларида теридан курткалари йўқ. Шу-шу бу қиёфалар узоқ вақт унинг кўз олдидан кетмади ва отасини олдига солиб кетган ўша одамлар башараси билан бирлашиб, кўз ўнгида яхлит бир киши сифатида жонланадиган бўлиб қолди.

Ҳибсдалигида уни партия аъзолигидан ўчириб, Марказий Комитет аъзолигидан чиқаришди. Депутатлигини бекор қилишди. Бу пайтда Усмонов ҳеч нима ҳақида ўйламас, бу фожиавий спектаклнинг интиҳосини кутарди. Терговчиларнинг фикри-ёди ўша юз минг сўм ва шу пайтгача Усмонов тўплаган "миллионлаб сўмлар"да эди. Улар бу пулларни олиш учун уни подвалдан подвалга, турмадан турмага ўтқазиб, бир йил чамаси қийнашди. Охири Усмоновнинг уйида олти жуфт костюми ва хотинининг ўн чоғли кўйлагидан бошқа ҳеч нимаси йўқлигига ишонч ҳосил қилишди шекилли, ишни судга оширишди.

Акбар Ҳакимов пухта ўйлаган ва ўзи бош-қош бўлиб амалга оширган бу қалбаки иш суд жараёнидаёқ кўриниб қолди. Ўзларининг ҳам узоқ муддат қамоқ жазосига ҳукм қилинишини англаган, бироқ Ҳакимовнинг катта гапига учиб юрган Комилов билан Хўжакулов судда Усмоновга ҳеч қандай пул берганимиз йўқ деб туриб олишди. Бироқ, Ҳакимовдан чўчиб, унинг қутқуси билан бу ишга қўл уришганини айтишмади. Бироқ, илгари ёзма равишда кўргазма берганлари учун суд уларнинг эътирозини инобатга олмади. Суд жиноят кодексининг бир неча бандини қўллаб, Усмоновни ўн йил қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Худди шу пайтда у биринчи инфарктни бошидан кечирди. Лагерь касалхоансида узоқ ётди. Унинг олдига ойига бир марта хотинини қўйишарди. Шунда ҳам хотини турма бошлиқлари

## Нурали ҚОБУЛ

ва қоровулларга пул бериб, бир амаллаб кирарди. Тақдирнинг бу қадар қақшатқич зарбасидан ўзини йўқотиб қўйган Карим Усмонов кечаю кундуз гапирмаслик касалига мубтало бўлди. У хотини келганда ҳам кўзидан ёши оққанча унга термилиб ўтирар, нимадир демоқчи бўларди-ю, бироқ тили айланмасди. Сўнгра Раъно Мардоновнанинг тиззасига бошини қўйиб, боладек эркаланарди.

– Менинг кўз ёшларимни ожизлик аломати деб ўйламанг! Одам ақли-хуши жойидалигида туғилгани ва ўлмоғи учун кўз ёши тўкиб олгани маъқул!

Раъно Мардоновна эрининг бу гапига жавоб қайтаролмади. Аёллигига бориб кўз ёши қилди.

Усмонов ўн олти кишилик палатининг шифтига тикилиб ётаркан, Тошкентда, биринчи ҳукумат стационарида тўрт хонадан иборат люкс номерда даволанганини, шунда олдига одамларнинг кети узилмай келганини эслади. Ўша пайтда мана бу тирикчиликлар тушига кирганмиди? Инсон умрининг охиригача энди ҳаётим енгилроқ бўлади, энди тинчгина, роҳат-фароғатда яшайман, дея ўйлайди. Аксинча, ҳаёти борган сари мураккаблашиши, тасаввур этмаган балоларга юзма-юз келишини ўйламайди.

У сим каравотга михланиб ётаркан, кимдир шу ерда, айнан мана шу лагернинг ўзида ундан кўз-қулоқ бўлиб турганлигини пайқайди. Унга бошқаларга нисбатан тузукроқ овқат беришар, ёнидагилардан яширинча сабзавот ва мева шарбатлари олиб келишарди. Усмонов хизматчилардан бундай қилмасликларини сўради. Улар кўрқа-писа шундай кўрсатма бўлганлигини, бажармаслик мумкин эмаслигини айтишарди. Лекин бу кўрсатмани ким бераётганини айтишмасди. Шундан сўнг Усмонов улар олиб келадиган егуликларни ёнидагиларга улашадиган бўлди. У оёққа туриб кетгач эса оғир иш буюришмасди. Лагерни бошига кўтариб шовқин кўтарадиган ва муштлашадиган безори ва нашавандларнинг ҳам гўёки Усмонов билан ишлари йўқдек эди. Улар илгари раҳбар бўлиб ишлаганлар, ҳуқуқ тартибот тизимида хизмат қилганларни жинидан баттар ёмон кўришар, дуч келгани бир туртиб ёки сўкиб ўтар, таҳқирлашарди.

Бир-бирига ўхшаш одатдаги кунлардан бирида унга эртадан

кечгача овқат, ҳатто сув ҳам беришмади! Бу ҳақда у қамоқхона хизматчисига айтди. Хизматчи эшитмаганга олди. Усмонов гапини такрорлади. Шунда хизматчи унинг елкасидан туртиб, бир кишилик хонага киргизди-да, устидан қулфлаб қўйди. Бу аҳвол эртаси куни ҳам давом этди. Хона бурчагида ҳолдан тойиб, чалажон бўлиб ётган Усмонов эшикка кўз тикиб, кимнингдир бир қултум сув беришин кутарди. Коридорда эса ҳадеганда қадам товуши эшитилиб, эшик қулфи шиқирламасди. Шундан сўнг ҳаётдан умидини узди.

Ҳушидан кетганми, уйку элитганми билмайди. Биқинига тушган тепкидан ўзига келди. Тепага қараганда, қирқ шамли чироқнинг хира ёруғида бурни япалоқ, кўзи чақчайган қопқора башарага кўзи тушди. Бу кўшни камерада ётадиган ўлгудек кўпол ва каллакесар Кўкнори лақабли маҳбус эди. У ўзи ясаган аллақандай асбобни қўлида ўқталиб турарди.

– Тур ўрнингдан, амалдор! – деди банги қалдироқ овозда.

– Сув! – дея унга термилди Усмонов, тили зўрға айланиб.

– Тур деяпман сенга! Сув керак бўлса ташқарида ичасан! Кўйдим сендақа амалдорларга! – сўкинди Кўкнори оёғи билан Усмоновни туртиб.

Оёқ-қўли қалтираётган Усмонов деворга суяниб зўрға ўрнидан турди. Қамоқхонадаги "шеф"ларнинг айтганини бажармаслик мумкин эмаслигини у биларди...

– Суяб юбор оғайни, юролмаёпман, – деди Усмонов ўзига еб қўйгудек тикилиб турган кўшни маҳбусга ҳирқироқ овозда.

– Кўтар ўлигингни! Бир сени опичлашим қолувди! – жавоб қилди у эшик кесакисига елкаси билан суяниб, Усмоновнинг чиқишини кутаркан.

Коридорга чиққанда, Усмонов узаласига йиқилиб тушди. Боши бетонга тегиб ёрилди. Хонани қулфлаётган қамоқхона хизмачиси уни деворга суяб, ўтқизиб қўйди.

– Сув! – деди зарбадан ўзига келган Усмонов қуруқшаган лабларини ялаб.

Хизматчининг коридор бўйлаб юргани эшитилиб турарди. У сувни олиб келиб Усмоновга узатгач, ёнида серрайиб турган маҳбусга нимадир деди. У эса қўлини силтаб қўйсанг-чи, дегандек жеркиб ташлади. Унинг имо-ишоарси билан қоровул эшикни беркитиб, ғойиб бўлди.

## Нурали ҚОБУЛ

— Энди юрарсан, амалдор! — деди нафрат билан Усмоновга тикилиб турган гиёҳванд маҳбус. — Оббо обком-ей! Шу аҳволингни ҳамкасбларинг бир кўрмади-да! Ҳали уларнинг кўпи келади бу ерга. Сен босган изларни улар ҳам босишади. Хафа бўлма.

Кўкнори Усмоновни олдига солиб, ҳовлига олиб чиқди. Бостирма шаклидаги хата<sup>1</sup>да ўн чоғлиқ киши овқат еб ўтиришарди. Кимнингдир уйидан ош келган бўлса керак. Остонага етганда, банги Усмоновга тўхташни буюрди.

— Жойингдан жилма! — деди у Усмоновнинг юзига қарамай, тўда томон юраркан. — Йиқилсанг, тепки ейсан!

Қўлларини маъносиз остилтирганча серрайиб турган Усмоновнинг кўзидан селдек ёш қуйилар, боши лўқиллаб оғрирди. Ниҳоят ош еяётганлардан бири, боши тақир қирилган, қулоқлари катта, товоқдек юзига мос тушган қалин лаблари ёрилиб кетган киши Усмонов томон ўтирилди. Усмонов уни қаерладир кўргандек эди. Лекин таний олмади.

— Қорнинг очми? — сўради ўтирганлардан бошқа бири Усмоновга баланд овозда.

Усмонов бошини ирғаб "ҳа" ишорасини қилди.

— Ол, е! — деди у кемирилган суякни унинг олдига ирғитаркан.

Усмонов суякка бир қаради-ю, индамай тураверди. Унинг кўз олди қоронғилашиб, боши айланар, зўрға оёқда турарди.

— Олмайсанми? — деди ўша овоз важоҳат билан яқиндан. — Бўлмаса тепки ейсан!

— Тегма унга! Етар! — деди бошқа бир овоз Усмоновни тепкилашга чоғланиб келган кишига.

— Бир адабини берай бу амалдорнинг! — деди пишиллаб Усмоновга яқинлашиб келган юзи кўмирдек қорайиб кетган киши.

Усмонов уни таниди. Бу маҳбуснинг лақаби Қамчи эди. Битта-яримтани жазолаш ва янги келганларни "имтиҳон"дан ўтказиш унинг зиммасида эди. У бу ишни иштиёқ билан, ҳузур қилиб амалга оширарди.

— Уни суяб, бу ёққа олиб кел! — деди бояги овоз буйруқ оҳангида.

— Юр! — деди Қамчи Усмоновга.

<sup>1</sup> Қамқоналарда камерани хата деб аташади.

Усмонов зўрға оёғини кўтариб босиб, тўрда ўтирганлар томон юрди. Хира чироқ хатани ғира-шира ёритиб турарди. Усмонов қурнинг четига бориб ўтирганда, тақир бошли кишини таниди. Бу ўша — Акрам Аминов эди. Усмоновни бепарво назар билан кузатганча турп чайнади.

— Оқсоқол, биз турдик, — деди Кўкнори Аминовга қараб. — Сиз бу амалдор билан бафуржароқ гаплашинг. Қайта имтиҳон олиш керак бўлса айтасиз.

— Ҳақиқат қаерга олиб келишини энди билгандирсиз? — деди икки юзи қип-қизил Аминов Усмоновга бошдан оёқ қоғоғини уюб тикиларкан. — Аҳволингиз қалай, Карим Усмонович?

Усмонов индамай бош эгиб турарди. Аъзойи-бадани таҳқирдан музлаб карахт бўлиб қолган, унинг бу қадар ҳақоратланганидан ҳузур қилган бир-биридан совуқ ва ҳиссиз башаралардан кўзини олиб қочарди.

Хатада Усмонов билан Аминов қолди. Дастурхонда бир ликопча ош турар, ошнинг устига тўрт бўлак турп қўйилган эди.

— Ҳорманг, Карим Усмонович! — деди Аминов Усмоновнинг юзига қарамай.

Карахт бўлиб қолган Усмонов жавоб учун оғиз жуфтлади-ю, тили айланмади.

— Икки йил бурун бу аҳволда учрашамиз, деб хаёлингизга ҳам келтирмаган бўлсангиз керак. Ваҳоланки, ҳамма нарса қўлингизда эди. Сизга телефонда ҳам айтдик, Насруллаев орқали ҳам айттирдик. Қулоқ солмадингиз. Мана оқибат. Ўзингиз сотиб олдингиз. Ҳаммаси бошқача бўлиши мумкин эди. Мен ҳам бу кунга тушмасдим, — деди Аминов чой хўпларкан.

— Бу нарсалар фақат менга боғлиқ эмас эди, — деди паст овозда Усмонов, нима дейишини билмай.

— Ҳай майли. Бошга тушганини кўз тортар, дейдилар. Ўлмасак, чиқармиз. Ҳозир олдингиздаги овқатни енг. Мана чой. Икки кундан бери очиқиб ҳам кетгандирсиз, — деди Аминов олдидаги темир чойнакдан кружкага чой қуяркан. — Қиладиган ишимиз йўқ бу ерда, ҳали гаплашишга улгурамиз.

Аминов пахталигини бошига тортиб, ўнг оёғини чап

тиззасига қўйганча чўзилди. Совуқ ва ўткир кўзларини шифтга тикканча, шошилмай сигарета тортарди. Очликдан оёқ-қўли қалтираётган Усмонов ликопчани олдига тортиб, дастурхонда қолган бир бурда нонга қўл узатди.

— Тузалиб кетдингизми? — сўради оғиз ва бурунларидан бурқситиб тутун чиқараётган Аминов.

— Бир нави, — деди Усмонов овқат чайнаган. — Ўша пайтда ўлиб кетмаганимга афсусланаман.

— Йўқ. Сиз ўлмаслигингиз керак, Карим Усмонович, — деди Аминов ғалати овозда.

— Бу кундан кўра ўлган маъкул.

— Ўлиш қочмайди. Вақт-соати келиб ҳаммамиз чин дунёга равона бўламиз. Мана, мен ҳеч қандай гап-сўзсиз ўлиб кетаверсам бўлади. Сабаби — гуноҳим кўп. Эрта қамоқдан чиқиб борсам ҳам олган ва берган одамларим орасида юраман, тўймаъракаларда кўзига кўзим тушади. Қанча одам менинг айтганимни қилгани учун қамалиб кетди. Уларнинг қавм-қариндошлари ва болалари бор...

Аминовнинг ўзлигича яшаши учун мансаб халақит берарди. Амал шоҳсупасида ўтирган пайтида овози ҳам ўзиники эмас эди. Одатда пули кўп одамлар ўзларини шундай тутадилар. Ўзидан мансаби кичикка паст назарда қарашга ўрганиб қолади ва номигагина гаплашиб, қўл учида сўрашадилар. Бундай одамлар сезиб-сезмай, аҳмоқни урма, сўкма, ишга сол, деган нақлга амал қилиб яшайдилар. Энди эса у мулла минган эшакдек майин тортиб қолганди. Овози ҳам одамнинг овозига ўхшарди. Илгари одамлар билан уларнинг кўзига қарамай гаплашарди. Энди эса сичқон пойлаган мушукдек кўзи мўлтирарди. Лекин бари бир унда инсон боласи дуч келадиган катта-кичик бахтсизликлар ва қалтис ҳолатлар пайтида бирдан намоён бўладиган даҳшатли куч ва ғайрат мужассам эди. Бундай одамлар яхшими-ёмонми қандай ишга қўл урмасин, охирига етказмай қўймайди.

— Шуни англаб етганлигингизнинг ўзи ҳам катта гап, — деди Усмонов алюмин кружкадаги совуб қолган чойга қўл узатаркан.

— Сизнинг йўриғингиз бошқа, — деди Аминов хўрсиниб.

— Сиз бу ерда шеф экансиз, билмабман, — деди Усмонов.

## *Унутилган соҳиллар*

суҳбат мавзусини ўзгартириш учун гапни буриб, — гоҳида безорилар жонингдан тўйдириб юборишади. Лагерларда шу қадар аҳмоқчиликлар бўлишини хаёлингга ҳам келтирмайсан, киши.

— Ҳамма раҳбарлар бунини билишмайди. Шунинг учун бизда қамалиб чиққан киши тузалиб эмас, илгаригисидан беш баттар бузилиб чиқади. Мен бу ерга сиздан бир ой кейин келгандим. Икки-уч марта тўқнаш келдик. Мени танимадингиз ёки танимасликка олдингиз, — деди қизаринқираб Аминов.

— Худо ҳаққи, таниганим йўқ. Бу ерда танишни учратиб қолиш бахт-ку.

— Мен ҳам шундай деб ўйладим. Юрсангиз ҳам, турсангиз ҳам хаёлингиз ўзингизда эмаслигини сездим. Бахтсизлик одамни ана шундай нотавон ва бенаво қилиб қўяди. Бунинг устига ноҳақлик ва туҳмат қурбони бўлсанг!

Усмонов ялт этиб Аминовга қаради. Аминов хотиржам ва бепарво эди.

— Оқсоқол деган гап қулогингизга чалингандир, — деди Аминов ҳам асосий гапни кейинга қолдиргандек.

— Ҳа, ҳар кунини бир неча бор эшитаман.

— Ўша мен бўламан. У ёқда ўғриларга бош эдик, бу ерда эса каллакесарларга. Заҳарни заҳар кесади, дегандек, бунақа жойларнинг ҳам ўз қонун-қоидалари ва бошлиқлари бўлади. Бу ердагиларга ўхшаганларнинг кўпини нарёқда ҳам ишлатганман. Тилини яхши биламан.

Аминов оёғини чалиштириб ётишидан бу ердаги барча борди-келди унинг измида эканлиги, унинг сўзига қулоқ солмаган киши қаттиқ жазоланишини ва ҳатто қамоқхона мутасаддилари ҳам у билан ҳисоблашини англаш мумкин эди. У мавжуд махфий тартибни бузган маҳбусни ойлаб оила аъзолари билан учраштирамай қўяр, қариндош-уруғи олиб келган озиқ-овқатга қўл урдирмасди. Усмонов хотинини нега ўзи билан бу қадар қийналиб учрашишини энди англади. Совиб қолган чойни хўпларкан, хўрсиниб қўйди ва бетоб ётганида ким ғамхўрлик қилганини билди. Бу ерда бир гап бўлиши керак. Худодан етти қайтган бу Аминов бежизга унга шафқат кўрсатмаган. Ўзи очилиб қолса керак.

Оқсоқол бригадир эди. Маҳбусларни бошида туриб ишларди. Усмонов (унинг лақаби Амалдор эди) эса ишнинг

## Нурали ҚОБУЛ

ҳисоб-китобини олиб борар, Аминов иккаласи ўтириб олиб, узоқ гурунглашарди. Тақдирга тан бермаса-да, эзилиб кетган Усмонов Аминов билан бирга эканлигига шукр қиларди. Ҳамма ҳайиқадиған Аминов Усмонов учун қалқон эди. У банги ва безориларнинг вақти-бемаҳал безовта қилишлари ва турткилашларидан қутулганди.

— Бу дунёга тушунмай қолдим, Карим Усмонович, — деди ниҳоят бир неча кундан сўнг, Аминов ёрилиб. — Мен-ку қилмишимга яраша жазоланиб ўтирибман. Лекин сизга жабр бўлди-да. Ўзимдан кўра ҳам сизни ўйлаб қийналаман. Тошкентдан ўша орган ходимларини чақирмаганингизда, мана шу гаплар бўлмас эди. Иккимиз ҳам давру даврон суриб юрган бўлардик.

— Қанақа орган ходимларини? — ҳайрон бўлиб тикилди Усмонов.

— Бизни, ун комбинатини босганларни-да.

— Ие, нима деяпсиз? Гурппа ун комбинатини босганлигини мен ҳаммадан кейин эшитдим-ку! Қандай қилиб уларни мен чақирган бўламан?

— Мени бола деб ўйлаяпсиз, шекилли, — деди қизариб-қумсариб Аминов. — Обкомни биринчи секретарининг рухсатисиз қайси орган ходими бир ёқдан келиб иккинчи ёқни босади? Сиз Норқуловга ишонмай группани Тошкентдан чақиртиргансиз.

— Ким айтди сизга буни?

— Биров айтиши шарт эмас. Бу ўз-ўзидан очиқ-ойдин кўриниб турган нарса.

— Эҳ, Акрам ака! Бу масалада мен чув тушдим десам, шундай пихини ёрган одам бўла туриб, сиз ҳам доғда қолган экансиз. Мана энди масала ойдинлашди. Мен ҳам шундай бўлса керак деб ўйлаб юргандим.

— Нега мен доғда қоламан? Нима ойдинлашди? — Аминов кўзлари йирилгудек бақрайиб тикилиб турарди. — Мен бу гапни ипидан игнасиғача биламан.

— Шуниси ачинарлики, билмайсиз. Бир-биримизни алдасак-алдамасак иккимизнинг ҳам оҳоримиз тўкилиб, бўларимиз бўлди. Лекин сиз айтгандек, ўлиб кетиш қочмайди. Насиб этса мен бу ердан чиқаман, халқ ва болаларим олдида юзим ёруғ ҳам бўлар. Лекин ҳамма гап шу кунга етиб боришда. Сиз менга

кулоқ солинг. Воқеанинг айна тафсилотини айтиб берайин. Ҳарҳолда мен сиздан кўпроқ ахборотга эга эдим. Бу ерда халқ билмайдиган бошқа гаплар борлигини ўйлаб кўрмасангиз балки. Сиз ишни бу даражага бориб етишини мендан эмас, қадрдон оғайнингиз Ҳакимовдан гумон қилсангиз ўринли бўларди. У жуда усталик билан йўлидан ўзининг одатдагидек яшашига халақит берадиган мени ва жиноятларига гувоҳ ва шерик бўлган сизни олиб ташлади. Сиз эса ҳалигача масаланинг моҳиятига тушуниб етмаганга ўхшайсиз. У аслида сизни бу аҳволга тушишингизни истамасди. Бироқ, у мендек душманини йўқ қилиш учун сиздек ўнта ҳамтовоғидан кечиши мумкин. Ундан ташқари комбинатни босишга рухсат берган тепадаги мутасадди кишилар сизларнинг ош-қатиқ эканликларингизни қайдан билишади. Кўрсатма бўйича ун комбинати масаласи кўзгатилади ва гўёки бу жиноятнинг бош ташаббускори мен бўлиб қолдим. Бу жанжал бошлангандаёқ сизнинг аҳволингизга кўзёши тўкиб, кун ора уйингизга қатнаб юрган Ҳакимов воқеа нима билан тугашини яхши биларди. У агар бирор кори-ҳол бўлиб қолса оилангизга ўз оиласидан ҳам зиёдроқ қарашини, аҳволингиздан хабар олиб туришини қайта-қайта айтгандир. У қўлини қаерга узатса етади. Мен касалхонада ётганда, сиз муттасил юбориб турган мева-чева ва шарбатларни ҳам Ҳакимов жўнатган бўлса керак. Биз кунорада ейдиган паловни ҳам унинг одамлари олиб келишяпти. Сиз бу ерда ётган бўлсангиз ҳам, у ўнинчини битирган ўғлингизни университетнинг тарих факультетига жойлаб қўйди. Юрфакка киритарди-ю, сизнинг бу ёқдалигингиз халақит берди. Хонадонингизга ўзингиздан ҳам яхши қараб турибди. Сиз эса буни ҳақиқий дўстлик ва одамийлик деб тушунасиз. Унинг сиздан биттагина талаби бор. Бу ҳам бўлса – уни сотмаслик. Ҳозирча сиз унинг бу умидини оқлаб турибсиз. Шунинг учун Ҳакимов сизга ҳайкал қўйишга ҳам тайёр. Аслида унинг жиноятлари олдида сизники урвоқ ҳам бўлмайди. Бу жиноятлар очилиб кетгудек бўлса, қамоққа тушиш нари турсин, пешонасидан отилиб кетишини, ўзи бирор касофатга йўлиқса тепадаги тоғлар ҳам қулаб, ярим асрлик тоат-ибодат бир пул бўлишини Ҳакимов жуда яхши билади. Бу унинг устозларига ҳам беш қўлдек аён.

Ҳайратдан Аминовнинг оғзи очилиб, бақрайганча қотиб қолганди. У Усмоновдан етти ухлаб тушига кирмайдиган гапларни эшитаётган эди.

— Мен уни қўйдек бўғизлатаман! — деди Аминов хиркироқ овозда. — Кўнглимнинг бир четида шу шубҳа бор эди-я! Мен уни соғ қўймайман!

Аминов қаҳрланганидан товонини бетонга ишқаларди. Бўғриқиб, тез-тез нафас олар, олайиб кетган кўзлари уни ҳеч нимадан тоймайдиган одамлигидан далолат берарди.

— Соғ қўймайман! — деди у паст овозда хириллаб.

— Ўзингизни босинг, — деди Усмонов вазминлик билан. — Мен сизни буни биласиз ва Ҳакимов дўстингиз бўлганлиги учун унга гард юқтирмай ҳамма айбни бўйнингизга олиб, бу ерда ўтирибсиз, деб ўйлагандим.

— Сиз уни билмайсиз. Унинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Хўп, шу воқеа содир бўлибди дейлик. Нега у менга, бўлган воқеани рўйи рост айтмай бу ишга мутлақо даҳли йўқ сизни аралаштириб юрибди. Сиз ҳақингиздаги гапларни унинг йўл-йўриғи билан ходимларимга мен ўргатганман. Бундан чиқадикки, биз, сизни ёмонотликқа чиқариш йўлидаги найрангнинг ижрочилари вазифасини ўтаб, охир-оқибатда эса ўзимиз шармандаи-шармисор бўлиб ётган эканмиз-да?! Худо ҳаққи, мен унинг ёлғон гапиришини ҳечам хаёлимга келтирмаганман. Чунки унинг сўзи мен учун қонун эди. У менга операцияни шахсан Усмоновнинг ўзи бошқараяпти. Насруллаевни орага қўйиб тинчитиш учун жуда катта сўраяпти, деганди. Демак, у мени бошдан-охиригача алдаган.

— Сизлар ҳамма нарсани пул билан ўлчаб ўрганиб қолгансизлар. Худога шукур деяверинг, сиз осон қутулдингиз. Ҳакимов ва унинг пайғамбарлари учун интиқом дақиқаси фожиаи ва ақл бовар қилмас даражада даҳшатли кечади. Ўлмасак кўрармиз. Ўтиб кетсак болаларимиз шоҳид бўлишар.

— Бутун бошли бир вилоятнинг каттаси бўлатуриб, битта раисга бас келолмадингизми, а? — деди тиззасига уриб Аминов. — Ўрнингизда мен бўлганимда эди, уруғини ўйнатиб, энасини учқўрғонидан кўрсатардим!

— Сиз яна болаларча мулоҳаза юритяпсиз. Юргизилаётган

## Унутилган соҳиллар

сиёсат сиз томонда бўлмагандан кейин ким бўлманг барча хатти-ҳаракатингиз бир пул. Давр Ҳакимов ва унга ўхшаганларники. Ҳозирги кунда бу нуқсонлар бор бўй-баста билан кўзга ташланмайди. Оддий халқ эса бу жиноятларни кўрмайди. Улар фақат магазинда гўшт ва ёғ тақчилигидан нолиб юраверади. Амалдор порахўрлар эса пулни қаерга қўйишини билмай овора. Сизда ҳам анча-мунчаси бўлса керак, — деди Усмонов Аминовга мийиғида қулиб.

Аминов ҳамсуҳбатига ёвқараш қилиб, юзини тескари бурди. У ҳамон асабийлашганча, қўпол кирза этигининг товонига зўр берарди.

— Аҳмоқ эканман, — деди пешонасини тириштириб Аминов. — Қамалиб кетмайин деб топганимни дуч келган терговчию судга тиқиштираверибман. Пулимниям олишди, жойимни ҳам солишди, энағарлар. Унга оқтош, аралаш озуқага цемент қўшишгани белга тепди, бўлмаса корини қилиш мумкин эди. Москвадан битта одамни қўлга ололмадик-да, бўлмаса бу ишни ҳам тинчитса бўларди. Йигитларим юз минг олиб боришувди. Олишга кўрқди. Бунча пулни ҳеч олмаган экан. Ваҳоланки, бундан беш баттар катта жиноятларни исини чиқармай гум қилиб юборишяпти. Фақат йўлини ва одамини топиш керак. Ҳар балога чора бор, фақат ўлган одамни тирилтириб бўмайди. Умр эса оқар сувдек ўтиб кетди. Энди қилган гуноҳлар учун тавбаю тоат-ибодат қилишдан бўлак тирикчилик қолмади, шекилли.

— Тоат-ибодат қилгандан кўра битта бригадани олиб, қарсиллатиб, ишлаш керак. Гуноҳни ибодат билан эмас, меҳнат билан ювиш мумкин.

— Тўғри, — деди бошини эгиб Аминов. — Гўрков лақабли маҳбусни биласиз-а? — деди бир оз тин олгач паст овозда.

— Гўрков деб чақиришганини эшитганман. Нега уни Гўрков деб аташади? — қизиқсинди Усмонов.

— Падарига лаънат! Одамнинг ақлига сизмайдиған иш қилган у. — Тошкентда христианлар мозорида гўрков бўлиб ишларкан. Тўрт-беш киши экан. Янги кийим-кечак кийгизиб кўмилган жасадларнинг гўрини очиб, уст-бошини комиссиян магазинга топшираркан. Жасадларни эса нимталаб, қабристон яқинидаги

норкачилик фермасига пуллашаркан. Бу ҳақда газетада ҳам ёзишган. Бир тасодиф туфайли бу жиноят очилиб қолади. Вафот этган бир одамнинг ўғли келиб, қабрни очтирганда жасад йўқ бўлади. Узоқ сур-сурдан кейин гўрковлардан бири даъвогарни отасининг костюм-шими топширилган магазинга олиб боради. Йигит костюмнинг кўкрак чўнтагидаги ўзига керакли нарса — бир дона лотарейани топади-ю, даъвосидан воз кечади. Лотарейага эса "Волга" машинаси чиққан бўлади. Марҳум ота лотарейа номерини ошхонанинг обой қоғозига ёзиб қўйган экан...

Усмонов ҳайратдан қотиб қолди.

— Сиз бу ердагиларнинг ҳаммаси билан гаплашавермай тўғри қиласиз, — деди Аминов гапида давом этиб. — Бу ерда сиздан бошқа соғ одам йўқ ўзи.

— Сиз Ҳақимовга бўлган муносабатингизни ўзгартирманг. Акс ҳолда бу нарса иккимиз учун ҳам қимматга тушиши мумкин, — деди Усмонов узоқ сукутдан сўнг, Аминовнинг ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлган, узлуксиз маишатнинг нуқси уриб қолган салқи юзига тикилиб. — Усиз ҳам Ҳақимов иккимизнинг бир жойда эканлигимиздан ташвишга тушиб юрган бўлса керак.

— Тўғри, — деди ҳушёр тортиб Аминов. — Кейинги пайтда ўзимча бир нарсани пайқагандек бўлдим. Бу ерда сўзсиз Ҳақимовнинг одамлари бор. Хизматчилар ичида ҳам, маҳбуслар орасида ҳам. Иккимизнинг муносабатимиз, гап-сўзимизни кузатиб юришган бўлса ажабмас. Шунинг учун сиз ҳам эҳтиёт бўлинг. Иложи бўлса одамларнинг кўзидан панада гаплашганимиз маъқул. Муносабатимизни ҳеч ким сезмаслиги керак. Бу Ҳақимов дегани бориб турган госмафия ва босмафия.

— Мен бу ҳақда аллақачон ўйлаб кўрганман, — жавоб қилди Усмонов совуққонлик билан. — Қамчидан эҳтиёт бўлинг. У бир неча бор келиб, мени гапга солиб кўрмоқчи бўлди.

— Пайқабсиз. Бу ўшанинг одами. Овқат олиб келса бирор баҳона қилиб еманг. Мен тегишли одамлар билан гаплашиб уни бошқа лагерга жўнаттириб юбораман. Бирор шубҳали ҳаракатни сезсангиз хабар беринг. Бу ерда бугундан эрта нима бўлишини ҳеч ким билмайди. Жонга ҳам, имонга ҳам ишонч йўқ! Қанчалик аблаҳ бўлсанг, шунчалик тузукроқ кун кўрасан.

Бошлиқлар ҳам сендан чўчинқираб туришади. Ўша ўзингиз айтган Қамчи қилиб юрган ишни эшитсангиз, тепа сочингиз тик туради. Бу ерда менга ҳисоб бермайдиган бирдан-бир маҳбус ўша. У кечаси бир неча соатга чиқиб, буюртма бўйича айтилган одамни тинчитиб, қайтиб келиб яна тошдек қотиб ухлайверади.

— Рост гапни айтишим керак, Акрам ака. Агар сиз бўлмаганингизда шу пайтгача мен ҳам бу ерда ўлиб кетармидим деб ўйлайман. Бир неча бор бангилар ёмон калтаклашди. Биров тайинлаб қўйганми ёки улар шунга ўрганиб қолишганми, билиб бўлмайди.

— Биринчи гумонингиз тўғрироқ, — деди овози титраб Аминов. — Кечиринг, бунда менинг ҳам қўлим бор. Бундан буён қаерда бўлманг, сизни инсон зоти чертмайди. Пайғамбар ёшини қоралабмиз-у, одамман деб яшаб юрган эканмиз. Кишига алам қиларкан. Соч-соқолингга оқ оралаб бобо бўлсанг-у, бировлар қўлида қўғирчоқ бўлиб юрсанг. Мен бари бир уни соғ қўймайман, Карим Усмонович! Ўзим учун эмас, сиз учун уни тавбасига таянтираман! Мен уни пир ўрнида кўрардим. Гапини икки қилмасдим. Уни деб не-не ишларга қўл урмадим. Энди совунимга бир кир ювдираман.

— Эҳтиёт бўлинг, Акрам ака, — ташвишли нигоҳни ҳамроҳига қадади Усмонов. — У сиздан олдин ишга киришмасин. Қасд қилса, у иккимизни ҳам бир йўла жойимизни солади.

— Энди унга осонликча жон берадиган аҳмоқ йўқ. Аввал у ифлос учун сарф қилган пулларимни қайтариб оламан. Сўнгра бошқа ҳисоб-китобимиз бор.

Аминовнинг катта-катта кўзлари гира-шира қоронғиликда совуқ йилтирарди. Бундай одамлар бирор ишга жазм қилганда йўлдан қайтариб бўлмайди. Аминов ўзи гумонсираб юрган фикрларининг тўғрилигига имон келтирганди. Ўзини ҳамма нарсага ақли етадиган, оловга тушса ҳам бутун чиқадиغان одам деб билган Аминовга сиғиниб юрган кишиси қилган хиёнат этидан ўтиб суягига қадалганди. У бу йўлда энди ҳеч нарсадан қайтмас, қасос олиш учун халақит берадиган неки бор янчиб, ер билан яксон қилишга тайёр эди. Бироқ Усмонов ҳамон унга юзда-юз ишонмасди.

Усмоновнинг ташвишланганича бор эди. Шу суҳбатдан уч кун ўтгач, қоронғи коридорда кетаётган Усмонов елкасига тушган қаттиқ зарбдан юз тубан йиқилди. Урган одам бошига кирза этик билан бир тепишга улгурди. Коридорнинг нари бошидан кимдир чолиб келганини элас-элас пайқади. Кўзини очганда, у Аминовнинг хонасида чолорқа ётарди. Усмонов кўзини очиши билан бошида муҳ тушиб ўтирган Аминовни кўрди. Беморнинг кўз очганидан Аминовнинг чеҳраси ёришди.

— Хаёлингиз жойидами, Карим Усмонович? — деди у паст ва йиғлоқи оҳангда.

Усмонов киприкларини юмиб, "ҳа" ишорасини қилди. Унинг белдан юқориси қимирламас, бўйни ва боши тарашадек қотиб қолган, жағи очилмасди. Усмоновнинг оёқ томонида тишлари устма-уст ўсган чуваккина лагерь врач Аминовнинг қош-қовоғига қараб ўтирарди.

— Айтиб бер, бу кишига нима бўлганини, — деди Аминов врачга совуққина тикилиб.

— Сизга қасд қилган одам кафтга кийиладиган кўрғошин билан шакар томирингизга уриб, ўлдирмоқчи бўлган, — врачнинг овози танасига муносиб ингичка ва хотинчалиш эди. — Лекин зарба мўлжалга тегмаган. Умуртқа суягининг бошига теккан. Бахтингиз бор эканки, умуртқага зиён етмаган. Оёқ зарбидан пастки жағингиз синган. Жағингизга қолип қўйиш учун бир-иккита пастки тишни олиб ташлашга тўғри келади. Бирор ой давомида фақат суюқ овқат, шарбат каби ичимликларни найча орқали ичасиз.

Врач чийилдоқ нутқини тугатиб, кўзини мўлтиратиб Аминовга тикилди. Қовоғи осилган Аминов дағал кафти билан тиришган пешонасини силаганча бошини эгиб ўтирарди.

— Икки қулоғинг билан ҳам эшитиб ол, — деди врачга қаҳр билан тикилиб. — Мана шу одам тузалиб кетмагунча бошидан жилмайсан. Ейдиган овқатини ҳам текшириб, сўнгра берасан. Агар бирор гап бўлиб қолса бошинг билан жавобгарсан. Албатта, хизматингга яраша ҳақингни оласан.

Врач қайта-қайта бош ирғаб, хўп ишорасини қилди. У яна нима қилишим керак дегандек, бир шифтга маъносиз тикилиб ётган Усмоновга, бир мотамсаро бош эгиб ўтирган Аминовга қарарди.

## Унутилган соҳиллар

— Боравер. Бу оқшом ўзим ўтириб чиқаман, — деди Аминов врачга.  
— У кишини эрталаб касалхонага кўчирсак дегандим, — жавоб қилди врач ўрнидан туриб.

— Бўпти, жой тайёрлаб қўявер.

Усмонов кўп ётмади. Бироқ шу воқеадан икки ойлар чамаси вақт ўтгач, инфаркт қайталади. Бу гал шифтга тикилиб узоқ ётишга тўғри келди. Ҳар доимгидек унинг жонига оро кирган бирдан бир одам Аминов бўлди. У энди оз-оздан юриб, ҳовлига чиқиб келадиган бўлган кунларнинг бирида хонага гул кўтарганча, қувончини ичига ютиб, Акрам Аминов кириб келди. Гулни тумба устидаги сопол гулдонга солиб қўйиб, Усмоновнинг бош тарафига оғир чўкди.

— Табриклайман, Карим Усмонович! Узоғи билан бир ойда сизни батамом озод қилишади. — деди аллақандай ғурур ва қониқиш билан. — Биласизми ўзим чиққанда ҳам шунчалик суюнмасам керак.

— Чиқиб ҳам нима иш қилардим, — деди Усмонов умидсиз нигоҳини Аминовнинг сергак кўзларига тикиб. — Яна одамларнинг бигиздек қарашларига нишон бўлиб, азобланиш учунми? Эндигина кишилар унутаёзган гап-сўзларни қўзғаш учунми?

— Ношукурчилик қилманг, Карим Усмонович, — деди норози бўлиб Аминов. — Ўзингиз учун, қолаверса биз учун чиқинг. Муддатни ярмини ўтамай чиқиб кетишингизни ўзи биринчи галабангиз. Қолгани энди ўзингизнинг саъй-ҳаракатингизга боғлиқ.

— Батафсилроқ айтинг-чи, нималар содир бўляпти?

— Ҳакимов бу ерга тўрт марта келди. Ҳар келганида сизга салом айтади. Мана энди ҳаммасини битта қилиб сизга етказаяпман. Мен яқинда унга сизни қандай йўл билан бўлмасин, ким билан бўлмасин гаплашиб, озод қилиш чорасини топасан, акс ҳолда иш чатоқ бўлади, дедим. У ёғини сўрасангиз қўрқитиб, ҳаромдан топган пулини ҳам қоқиштирдим. Буларникини олиш қип-қизил савоб. У Тошкентдаги "худолари" билан гаплашибди. Айбларни кечирадиган комиссиясининг навбатдаги мажлисида сизнинг гуноҳингиздан ўтишар экан. Бор гап шу. Энди ҳаммаси сиздан ҳайиқади. Лекин эҳтиёт бўлиб юришга тўғри келади. Иложи бўлса

туғилган қишлоғингизга кетинг. Одамларимга айтаман, керак бўлса уй қуриб беришади, — ҳаяжонланиб гапирганча хонада наридан-бери юрарди Аминов.

— Раҳмат! Ҳеч нарса керак эмас! — деди бўғзига нимадир тиқилгандек бўлиб Усмонов.

Бу хўрланганлик, бари бир ҳақ қарор топишига ишонч ва одамларга, ерга бўлган меҳр-муҳаббат ҳисси эди. Усмонов елкалари силкиниб, ёш боладек тўйиб-тўйиб йиғлади. Кўзига охирги марта қачон ёш олганини эслолмайдиган Аминов ҳам тақир бошини эгганча бурнини тортиб, кирлаб кетган дастрўмоли билан кўз ёшини артарди...

## XI

— Менинг бу қадар мотамсаро ҳикоямдан толиқмадингизми? — деди Усмонов пиёлада совуб қолган чойни хўплаб. — Худо ҳаққи, бу гапларни хотинимдан бўлак ҳеч ким билмайди. Лекин масаланинг мен билмайдиган томонлари бу можарони уюштирганларга маълум. Улар менинг сукутимдан хавотирланиб юришибди.

— Мен-ку чарчамайман. Бироқ, сиз толиқмаслигингиз керак, — дедим суҳбатдошимни авайлаш учун қўзғалишга тарадудланиб.

— Унда яна бир оз ўтиринг. Мени ёлғиз ташлаб кетманг. Сизга сўнгги ҳикоямни айтиб бермоқчиман. Болалигим ҳақида. Ҳарҳолда менинг шахсим кўз ўнгингизда янада равшанроқ бўлсин, — ғамгин жилмайди Усмонов.

Усмонов жимиб, бир оз тин олди. Ҳорғин кўзларини бармоқлари билан беркитиб, хўрсинди-да, ёстиқни баландроқ қилиб қўйди.

— Биласизми, кун ўтиши учун ҳатто гўрковлик ҳам қилганман, — деди маъюс тортиб.

Ҳайрон бўлиб тикилиб турдим-у, беихтиёр кулиб юбордим. Менга қўшилиб Усмонов ҳам жилмайди. Қайғули ҳикоядан сўнг, озгина бўлса-да, икковимизнинг ҳам хаёлимиз бўлиниб, шу кулги боис, кўнглимиз кўтарилгандек эди.

— Лекин куладиган жойи йўқ, — деди ҳамон юзидаги ғамгин маъюслик тарқамай. — Ҳа, куладиган ери йўқ, укажон! Тақдир

деб шуни айтадилар-да. Ота-боболаримиз инсон боласининг ақли-идроки етмаган ва ўзи чорасини тополмаган тирикчиликни тақдир, қисмату қадар деб атаганлар. Ҳаммаси тун яримдан оққанда, уйимизга кириб келган тўрт кишининг имо-ишораси билан отамни олиб кетишганидан сўнг бошланди. Отам ўша пайтда Янгиркўрғон район ижроия кўмитасининг раиси бўлиб ишлар экан. Мен шунда тўққиз ёшларда эдим чамаси. Кеч кузак эди. Совуқ урган барглار сарғайишга улгурмай шох-шаббаларда қорайганча қовжираб қолган, тоғни қор босганди. Боғимиздаги сўнгги ҳосил – қари беҳининг меваси териб олинмаган, ариқлардаги сувлар тиниб, товуш чиқариб оқадиган пайт эди. Биз аввалига ҳеч нимани тушунмадик. Отам босма чакмони ва телпагини олиб, ҳовлида эшик томон кетаётганини деразадан кўриб қолдим. Ўшанда отамнинг барваста қадди-қоматини, эгик бошини, иссиқ чехрасини сўнгги бор кўраётганлигимни мен – тўққиз ёшли бола қайдан билибман денг. Отам кўча эшигидан иккинчи бўлиб чиқдилар. Энг кейин чиққан киши қайрилиб ҳовлини яна бир бор кўздан кечирди ва яхлит ойна кўйилиб атрофи сувалган деразага кўз қирини ташлаб қўйди. Онам кўзга кўринмасди. Кейин билсак, ярим йўлгача сочини юлиб, йиғлаб-сиқтаб отамни кузатиб борибди. Уйга кириб келганда кўзи қизариб, қовоқлари шишган ва сочлари тўзғиган эди. Уйни бошига кўтариб фарёд қилгуси келса-да, бизнинг олдимизда ўзини тута билиш учун қандай куч топганлигига ҳамон ақлим етмайди. Биз чуғурлашиб, отамнинг қаёққа кетганлигини суриштирардик.

– Тошкент деган шаҳарга бориб келади оталаринг. У шаҳар жуда узоқ, поездда бир ойда бориб, бир ойда қайтиб келади, – деди бўғиқ овозда бизни жой-жойимизга ётқизар экан ойим. – Ёш бола деган ҳар нарсани сўраб-суриштиравермайди. Ётинглар, ҳадемай тонг отади...

– Отам менга шойи рўмол олиб келадилар, – деди ўртанча синглим Ойниса кўрпадан бошини чиқариб.

Онам рўмолини ўраган бўлиб юзини беркитди. Энди ўйласам сутдек ёруғ кечада биздан кўз ёшларини беркитган экан. Биз тўртта фарзанд эдик. Мен оилада энг каттаси эдим. Тонг отиши

билан ҳаммамиз бирданига сезган нарса шу бўлдики, одамлар, кунига отамни ҳоли-жонига қўймай экишга уруғ ёки ярим пуд бўлса ҳам егуликка буғдой сўраб келадиган одамлар биздан ўзларини олиб қоча бошладилар. Бедапояда чиллак ўйнаётган болаларни қора тортиб боргандим. Яқин боришим билан улар бўри оралаган сурувдек тарқаб кетишди. Ойнисани ҳам қизлар ўйинга қўшишмабди. Мен уйга бошимни эгганча хомуш қайтдим. Ойниса эса хўнграб, йиғлаб келди. Шунда онам ўзини тутолмади... Тиззасига муштлаб, ўкраб-ўкраб йиғлади. Биз ҳам онамга қўшилдик ва ана шу дақиқадан бошлаб чекимизга тушган мусибатнинг оғир юки оиламизни мангуга босиб қолди. Ҳатто энг яқин қариндошларимиз ҳам қанчалик бизни кўрмаса шунчалик тинч эдилар. Менга ўқитувчимизнинг муносабати ҳам ўзгарди ва эртаси кун мактабга бормай, подачи Эгамберди бобога эргашиб, тоққа кетдим. Чол ҳам худди олабўжи билан ёнма-ён юргандек қарарди. Ниҳоят, менинг гунгдек эргашиб юришимдан чарчаган подачи ёрилди.

— Отанг Усмон ижрокўм, Акмал Икромов билан Файзулла Хўжаевнинг думи экан-а, — деди менга олазарак тикилиб. — Бахмалгача етган бўлса, уларнинг думи жуда узун экан-а? — ағрайиб менга тикилди чол.

Ўшанда ҳеч нимага тушунмаган эдим. Кейинчалик болалар менга отам "халқ душмани" бўлиб чиққанлигини ва ҳадемай бизни ҳам олиб кетишлари мумкинлигини айтишди. Бу гапларни эшитиш, мусибат туйқусдан кўзини очган, бирдан улғайиб, камгап бўлиб қолган мен учун оғир эди. Онамнинг айтишича, кўзим билан суягим қолган экан ўшанда. Отам кетганидан бир ҳафта ўтгач, уйда тишга босгулик нарса қолмаганлиги маълум бўлди. Онам нима қилишини билмай ҳовлида гир айланарди. Сингилларим жажжи қўлчаларини чўзишиб нон сўрашарди. Ойниса эса уларни отамиз Тошкентдан ширин кулчалар ва ҳалво олиб келади дея алдарди. Мен беихтиёр, отам уйдан чиқиб кетган дақиқадан бошлаб онажонимнинг менга суяна бошлаганини, ичидаги дардини менга айтгиси келаётганини фаҳмладим. Сездим-у, юрагим тарс ёрилгудек бўлиб, каталакдек уйимизга сиғмай қолдим. Хайриятки, уйимизда битта жайдари сигиримиз бор экан. Сутини қатиқ, чалоб, бўтқа, сўкоши, атала, ярма, сутли ош

қилиб ичардик. Бари бир нонга тенг келадиган егулик бу дунёда йўқ экан. Ҳалеб оқ ичаверсанг ҳам меъдага тегиб, сутни кўрсанг кўнглинг айнийдиган бўлиб қоларкан.

Отамиздан ҳеч қандай хат-хабар йўқ, онам эса тун бўйи мижа қоқмай бировларнинг урчуғини йигириб чиқарди. Кунимиз ўтмай қолгани ва онам уйқусизлик дардига мубтало бўлгани учун кечаси билан гимирлаб ямоқ-ясоқ қилар, тонгга яқин боши ёстиққа тегарди.

— Эгамберди бобога айтинг, мени ёнига олсин, — дедим бир куни кечаси ўй босиб ўтирганча пириллатиб урчуқ айлантираётган онамга. — Керак бўлса подани бир ўзим эплайман.

Онамнинг кўзига ёш қалқди. Урчуқ ипдан чиқиб юмалаб кетди. Ипини ўраб, урчуқни қўлларига тутқаздим. Онамнинг урчуқни тиззасига тираб, менга тикиб турган маъюс ва ғамгин нигоҳи ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди.

— Ушшоқдеккина боласан, ҳолдан тойиб қоласан дардигинангни олай, — деди онам рўмолининг учини кўзига босиб — Ёнимдан нари кетсанг, кўрқаман. Энди менинг бору йўғим сен! Сени тирноғинга кирган тикон менинг юрагимга қадалади.

Она-бола бошма-бош бўлиб ярим тунгача йиғлашдик. Сингилларимга билдирмай отам учун онам иккимиз аза тутган эдик. Биласизми, ўшанда шу қадар ўлгим келган эдики, буни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Ўзимни бир неча бор чўққидан ташлашга чамалаб ҳам кўрганман. Лекин ичимдан отилиб чиқаётган бир нидо "ортингдан онанг, ундан сўнг сингилларинг ҳам нобуд бўлади", деяётгандек эди.

Эртаси куни пода ҳайдар маҳали онам мени Эгамберди бобонинг олдига эргаштириб борди...

— Сизга қарашиб турсин, бобоси. Нима берсангиз розимиз, — деди онам ўзининг мискин аҳволидан ҳижолат чекиб...

...Эгамберди подачи хушламайгина рози бўлди. Лекин унга югурдак керак эди. Қоя, ён бағирга ёйилиб кетадиган эчкиларни қария ит азобида қайтариб тушар, қаталоқ пайтида эса ҳаллослагача тили бўғзига тикилиб, адойи тамом бўларди.

Бошига тушган мусибат мурғак қалбини майиб қилган, нима иш буюрсанг қош қайирмай бажарадиган, жилови соз Каримни ёнига олиш чол учун аини муддао эди. Чўққи соқолли юзи

қоқ суягига ёпишган, бошининг чўзинчоқлигидан салласи ечилиб, чуваланиб кетаверадиган Эгамберди подачини қишлоқда Эгамберди ялама дейишарди. У вақт-бемаҳал иссиқ ва совуқ тегавериб ёрилиб, лавак бўлиб кетган лабини тез-тез ялаб кўярди. Қат-қат салла орасидаги кир ва тердан ранги ўнгиб, намиққан бахмал дўпписини ечиб тош устига қўйганда, дўппининг ўрни ёғдан ялтираб қоларди. У, нақадар озгин ва қоқсуяк бўлмасин, еб тўймасди. Нафси ҳакалак отиб кетганда подадаги икки-учта сигирни ушлаб, навбати билан соғиб ичарди. Унинг бу қилигидан ҳайрон бўлган бола охири бир кун чидолмай чолдан бунинг сабабини сўрашга жазм қилди.

— Бово, нимага фақат Майрам момо билан Шодмонқул аравакашнинг сигирини соғасиз? — деди бола кўзини подачидан олиб қочиб.

— Нима қилай, қорним оч-да. Оч бўлгандан кейин қараб турмайсан-ку, — деди чол қизариб-бўзариб. — Тагин эгаларига айтиб юрмагин, — каловланди подачи. — Қисир сигирнинг сути ширин бўлади, мазахўрак бўб қопман, мани худо урсин.

— Майрам момонинг ҳеч кими йўқ-да, — деди яна бола тилининг учида турган гапни тўхтатолмай.

Чол пайпасланиб қолди. Ўн гапирсанг ичидан бир гап чиқмайдиган тирик етимчадан бу гапни кутмаганди. Ойқор тоғда хушига келган ишни қиладиган Эгамберди яламага қарши кўтарилган дастлабки исён эди бу. Чол бўлиб ўтган гапни эсидан чиқариш учун унга буғдой унидан қилинган кулча берди. Бошини ҳам қилиб, олмайман деса ҳам қўймади. "Сингилларингга олиб бор, хурсанд бўлишади", деди чўққи соқолли лабини чўччайтириб. У истар-истамас нонни олди. Меҳнат ҳақиға кун ора бешта хонадондан биттадан арпа кулча оларди. Буғдой нон берадиганларникини эса подачининг ўзи йиғарди. Кунига битта зоғора кулчани белбоғига тугиб чиқар, шу ҳисобда ҳар куни уйга икки яримтадан нон топиб келарди. Шунга ҳам онаси бирам хурсанд бўлардики, бу гоят қисқа дақиқали қувончдан унинг юраги орзиқиб кетарди. Шунинг учун ҳам доимо нима биландир овора бўлиб, онаси ва сингилларининг диққатини тортмасликка уринарди. Кечалари эса қўлига тушган китобни қайта-қайта ўқирди. Чол дарсдан

чиқиб оқ олдиға ўқдек учиб келадиган боланинг бу қадар ўқишга ташналигидан, гапларнинг пишиқлигидан ҳайрон бўларди. Подачининг кайфияти ҳар куни, ҳар дақиқада ўзгариб турарди. У бугун бировнинг гўрига ғишт қалаб сўкса, эртасига этагига номоз ўқигудек бўлиб мақтарди. Унинг учун ошиҳалолга буғдой нон билан сийлайдиганлар авлиё, қотган қора нон бергувчилар эса яхшилиқни билмайдиган кофир эди. Бу гап-сўзлар ўша заҳотиёқ унинг эсидан чиқиб кетса-да, подачи шу хил майда-чуйда гаплардан иборат ҳаётга ўрганиб қолган, тилига таяниб яшарди. Ёлгон-яшиқ бўлсаям қуюқ хангома берадиган одамни яхши кўрар ва ундан бир бурда нонини аямасди. Бу унинг эсини таниганидан бери бир ўзи мол боқиб, одамлар билан кам гаплашишидан ва арзимаган нарсага ҳам ҳайрат кўзи билан боқишидан эди.

— Бисмиллоҳи раҳмони раҳим, эй худо, ичимга барака бер, — дерди подачи эски белбоғини ёзиб ноннинг учдан бир бўлагини Каримга бериб, қолганини ўзининг олдиға қўяркан. — Тўйиб нон ейдиган замонлар ҳам келармикин-а? — гапида давом этарди яккам-дуккам тишли иягини ўйнатиб, нон чайнаган. — Бу замонга ҳеч ҳам тушуниб бўлмай қолди. Кеча биттаси жонини жабборга бериб, ўлиб-тирилиб оқ пошшони ағдарса, бошқа бири келиб "враг нарўд" деб инқилоб қилганни ўлдиради. Одамлар ким Лелинни одами-ю, ким оқпошшоники эканлигини билолмай гаранг. Ҳамма ўзидан кўрқади. Омон-омон бўлиб ҳақиқат юзага чиқади десанг, тўғрини айтганларни аспаласофлингга жўнатишяпти. Одамларнинг ҳам боши айланиб қолди. Думи бурилдими, бир-бирини сотади. Тавба, хўп замонлар бўлди-да. Бўлмаса мана шу сенинг отанг, бировга ёмонлик қиладиган одаммиди. Ўзидан кичикка ҳам салом бериб, бизга ўхшаган подачиларнинг ҳам олдини кесиб ўтмас эди бояқиш. Қулни кўрса қули бўлиб қўлини оларди. Сўрамай-сўқмай қамаб, отиб юборишаверар экан-да. Эсиз азамат йигит. Ахир бир йигит қирқ йилда бино бўлади-я! Одам боласи бир-бирини бошини ейиш учун минг бир найрангни ўйлаб топаверар эканда, а? Яхшига юрум йўқ, ўғлим. Бизга ўхшаган тирик бўлиб сонда, ўлик бўлиб гўрда йўқлар эса чоригини судраб юраверади. Отсанг ўқ ҳам тегмайди. Эр йигит ўзи учун

туғилиб, эли учун ўлади, дейдилар. Ҳаммамиз ҳам осмонга устун бўмаймиз-у, бироқ ўлим билан ўлимнинг фарқи бор. Тоғда юрган кийикнинг кўзидан бўлак айби йўқ экан. Отанг ҳам ана шундай, бировга сўзини бермайдиган одам эди. Нокасларга бўйин эгганда кунини кунлаб юрарди. Эсиз, эсиз. Зўрга ҳам зўрдек бало бордир. Бир нарсага ақлим етмайди. Ҳамма ўқимишли, эс-ҳуши бутун, халққа йўл кўрсатадиган кишиларни териб тинчителиди. Кунимиз Шодмон ўрисга ўхшаган тайини йўқ, на кофиру, на мусулмонларга қолди. Тавба! Итнинг бўйнига гавҳар осиб қўйсанг, ит ҳам, гавҳар ҳам йиғлар экан...

Ялама бободан ҳар замонда шунақа гаплар ҳам чиқиб туради. Кўпинча, у бировлардан эшитган гапларига қўшиб-чатиб, киштасини келтириб ҳикоя қиларди. Тезаги билан тевалашадиган Эгамберди подачи бекор юриб ҳоримайдиган, кўса бўлиб қаримайдиганлар хилидан эди.

Бола ана шундан кейин отасининг энди ҳечам қайтиб келмаслигини, у бир умр ота меҳрига зор ўтишини ҳис этдию, Эгамберди бобога кўринмай, тоғларга дардини айтиб, ўкраб-ўкраб йиғларди...

— Тоғлар! Эй, тоғлар! Нега энди менинг отажоним қайтиб келмайди! Энди мен нима қиламан? Онажоним, сингилларим, мен бу азобга қандай чидаймиз? Нега отамни олиб кетишади? Отам уларга нима ёмонлик қилдилар? Эй, тоғлар, отамни қайтариб беринглар! Сингилларим отамни ҳечам қайтиб келмасликларини билсалар нима қилишади? Нега ҳамма бизга ёмон қарайди? Ахир, онажоним уйимизда нима бўлса одамларга берардилар-ку! Эй, одамлар! Отамни қайтариб беринглар! У киши сизларни яхши кўрардилар! Нега отамни у ёққа юбордиларинг! Бизга раҳмларинг келмадими? Отажон! Отажоним! Биз сизни соғинавериб касал бўлиб қоламиз-ку! Нега сиз у ёққа кетишга рози бўлдингиз? Биз билан хайрлашмай ҳам кетиб қолдингиз! Мен аскар бўлсам сизни олиб кетган одамларни қидириб топиб битталаб отаман! Ахир, улар нега сизни олиб кетишади? Эй, тоғлар! Одамлар!.. Энди биз нима қиламиз?..

У йиғлаб-сиқтаб, толиққанидан ухлаб қолди. Эгамберди чолнинг тоғу тошда акс садо берган овозидан чўчиб уйғонди.

Подачи хунук овозда бақирганча сўкиниб, уни чақирарди. У товуш чиқариб, жавоб бермоқчи бўлди. Бироқ томоғи бўғилиб овози битиб қолганди. Яламага кўринадиган жойга келиб, таёғини силкитди. Аччиғи чиққан чол яна сўкинди. Сўнг, Кўкқўтонга ўрлаб кетган эчкиларни ҳайдаб тушишни буюрди. Каримнинг қулоғига унинг "ҳа худо урган етимча" деган гапи чалинди. Муштани тугиб, елвагай яктагининг ҳилпиратиб қирдан тушиб келаётган одамга бир оз қараб турди-да, таёғини маҳкам ушлаганча қоя томон ўрлади. Ётганда буғдойиқнинг изи тушиб қолган ўнг бети ачишарди. Юзини силаганча эсини таниганидан бошлаб ўзига тескари қараган тақдирнинг тоғ каби оғир юкига қарши илк бор дадил қадам ташлаб борарди.

Подачи ийиб кетган пайтларида унинг кўнглини кўтарарди. Қанчалик тошмехр бўлмасин, у ҳам инсон боласи, одам эди. Унинг ҳам юрагининг бир четида ожизлик, худо қисган фаҳм-фаросатига лойиққина бўлса-да, мехр-оқибат, юмшоққўнгилик бор эди. Каримнинг ўй босиб, кўнгли ярим юришидан изтироб чеккан дамларида ўзининг тўпори, лекин боланинг юрагига бориб етадиган фалсафаси билан овутоқчи бўларди.

— Куйган жойда яхши ўт битади, дейдилар, ўғлим. Бир ўқигану, бир дард чеккан одамдан мулла чиқаркан. Биз китоб кўрмаган бўлсак ҳам одам кўрдик. Кўп билан муомала қилдик. Кўпга эргашган кам бўлмайди, — дерди қиёфасига ярашмаган вазминлик билан. — Ёшлигингда эгилсанг, қаригунча кўникасан. Қариганингда эгилсанг, кўниккунча кўмиласан, — дея такрорлашни яхши кўрарди у кишининг гашига тегадиган даражада. — Одамнинг боши айланмай тоши айланмайди, — қўшиб қўярди чўққи соқоли-ю, чакаги туртиб чиқан юзини силаб қўйиб. — Одам бир-бирига қанот, бир-бирига равот. Йиглаб-сиқтаб катта бўлиб кетасизлар. Бу кунлар ҳам, гадойдек таёғини судраб, одамлардан ошиҳалол йиғиб юрган Ялама бобонг ҳам эсингдан чиқиб кетади. Одам зоти шунақа. Егани ёдидан кўтарилиб, едирганини эсидан чиқармай яшайди. Ҳамма ўзини пинҳона ярим Хизр деб ўйлайди. Айниқса, умр бир қорага етиб қолгандан кейин. Мен қариман, ўламан, мен ёшман, ўлмайман деб бўлмайди. Ҳаёт бозор, биров эрта қайтади, биров кеч. Одамнинг ердан ризқи узилса, бас. Ажалга яратганнинг ўзи ҳам чора тополмайди. Мен ақли калта бобонгни

маслаҳатига қулоқ солсанг, энди сен отангининг душманларидан эҳтиёт бўл. Ҳақиқатдан ит яна қопмай қолмайди. Ҳечам катталарга қош қайирма. Улар бирни буюрса ўн қилиб бажар. Бежизга билдингки тараф шоҳдир, бўркингни ечиб тахт тур демайдилар...

Онаси хонадон теварагида юз бераётган воқеалар ҳақида гапирмас, аҳён-аҳёнда келиб ўзини сўроқ қилиб кетадиган совуқ нигоҳли одамлар тўғрисида ҳам унга оғиз очмасди. Қайтага ўглининг қишлоқдаги ҳар хил гап-сўзлардан узоқда, уззу-кун тоғда юришидан кўнгли таскин топарди. Бола илгари ҳар куни отасининг қўли ёки елкасини кучоқлаб ухлаб қоларди. Онаси овқатни олиб қўйиб, уни — яккаю ягона ўғлини кутади.

У ҳар куни эгни-бошидан арча, какра кўкўти ва аврикнинг бир-бирига қоришиб кетган ачқимтил ҳидини анқитиб уйга кириб келганда, онанинг кўзи жиққа ёшга тўларди. У энди ўғлини сизлаб гапирарди.

— Келдингизми, отажон! — дея оларди кўз ёшларини ўғлига сездирмаслик учун бирор юмушга уннаган бўлиб, бўғзига тикилиб қолган йиғини зўрға ютиб.

Бола фақат салом берганда, онасининг кўзларига меҳр билан бир қарар ва ўзини атайлаб бепарволикка соларди. Лекин ҳар гал ҳам бунинг урдасидан чиқолмасди. Сингиллари эса ақл бовар қилмас даражада камгап ва итоатгўй эдилар. Онаси жойларини солиб берса, таппа-таппа ётиб ухлаб қолишарди. Она-бола кўп гаплашишмас, бир-бирига зимдан қараб қўйиб, ишларини бажаришарди. Ўғил иштиёқ билан мутолаа қилар, она эса пириллатиб урчуқ йигирарди.

Уйда ун тугаб қолганда, бирор пуд бугдой қарз сўраб онаси тоғасиникига борганда, хотини "халқ душманининг хотинига берадиган бугдойимиз йўқ" дея уйга киритмаганини бола подачидан эшитди. Эшитди-ю, танасида нималардир ўрмалаётгандек галати бўлиб кетди. Полизлардаги "кўриқчи"га ўхшаб турган қоқсуяк чолга бир қараб қўйиб, индамайгина ундан узоқлашди. Бу гал аламдан илк бор кўзига ёш келмади. Кўрамиз ҳали, деди ўзига-ўзи ботаётган қуёш нурида қизғиш тусда товланаётган чўққилардаги от, одам ва фил шаклига кириб қолган қорларга тикилиб.

Музликлардан иборат шакллар саратонда кичраяр, кеч куз ёққан янги ёққан қордан яна каттариб, сўнгра қор остида қолиб кетар, Май байрамидан кейингина усти ва ён-верини қоплаб ётган қорлардан халос бўларди. Улар бу шаклларни бўлиб олишганди. Замонаро чўққисини қоқ иккига бўлиб бошланадиган арнадаги от шаклидаги энг катта оппоқ музликни у ҳеч кимга бермасди. Отнинг шундоққина этагида чўзилиб ётган кўзичоқ қор Ойнисаники эди. "Фил"ни эса Ойжамолга беришганди. Ойжамолнинг фили ҳаммадан катта эди. Сенинг филингни миниб Ҳиндистонга борамиз, дерди бола ўртанча синглисига. Мен отимни миниб сизларни кўриқлаб кўраман. Ойниса кўзичоғини кучоқлаб олади. Ана у кичкина қуёнча Ойнигорники, дерди кенжа сингилчасини кучиб. Уларнинг имо-ишорасидан ниманидир уққан Ойнигор оппоқ ва жажжи қўлчаларини тоғ томон чўзарди.

— Мени филимга дадамни миндийиб оп келамиз, — дерди Ойжамол кўзлари мўлтираб, бир акаси ва бир опасига қараркан.

— Китобда бор, филди устига кўпча одам сиғади.

— Ҳа, миндириб олиб келамиз, — дерди акаси унинг гапини жавобсиз қолдирмаслик учун. — Ойнигорни менга бер-чи, унга бир осмонни кўрсатай; — гапни буриб кетарди бола Ойнисанинг қўлида ўзи томон талпинаётган сингилчасини олиб, боши узра кўтараркан.

— Юмшоқча, тиллоча, — дея эркалатарди у Ойнигорнинг юзига юзини босиб.

Тоғ этакларига қор тушиши билан пода яйловга ҳайдалмасди. Шу билан янаги кўкламгача қорамоллар уйда боқилар ёки қишлоқ атрофида юришарди. Бола қишлоқдаги ҳар бир эчки ва сигирни танир, улар ҳам болани кўрганда, тўхтаб, бўйнини чўзганча қараб қўйишарди. Бола уларнинг ёдига баҳор ва ёзнинг илиқ-иссиқ кунларини солиб, нимадир деб гапириб қўяр, подачи бола узоқлашиб кетганда ҳам ўша говмиш қайрилиб, унга тикилиб турган бўларди.

— Умр бўйи ёз бўлса ҳам одам чарчамайди, бироқ қишнинг бир куни ҳам чакканга тегади, — дерди Эгамберди бобо Каттасой бўйида ранги ўчиб кетган иштон-кўйлагини ювиб, самбиттол шохига қуритиш учун ёйиб қўяркан. Қуёш қоқ пешонадан урганда эса иссиқдан нолирди. — Илгари

замонларда тоғ этаклари, бунчалик жазирама бўлмасди. Об-ҳаво ҳам одамларнинг феълига қараб ўзгарадими дейман, — дерди соянинг куюғини топиб чўзиларкан. — Инсон шунақа. На иссиққа чидайди, на совуққа. Эгаси бандаларининг иродасини синай деб иссиқ билан совуқни яратган, — деб қўярди каштасини келтириб чап кафтига ҳашамдор носқовоғидан нос соларкан.

Сўнг чўққисоқолини қорнига тегизиб ковушоғиз иягини чўзиб, катта очар ва доимо бир хил, кишини энсасини қотирадиган ҳаракат билан носни тили тагига ташларди. Бир гал у ёлғон гапираётганини бола пайқаб, мийиғида кулганини сезиб қолди.

— Ҳа тирранча. Мени гапимга куласан-а? Сал-пал қўшмасанг гапнинг каштаси келишмайди-да. Гап деганга тўн кийгизиброқ гапириш керак. Бўлмаса ҳеч ким қулоқ солмайди, — деди чол айбини дангал бўйнига олиб. — Бизди боримиз шу. Наридан-бери қилтиллаб яшаб ўтдик. Замон энди силарники. Рост гапириб яшайсиларми, бир-бирларингни тағларингга сув қуйиб яшайсиларми, ўзларинг биласилар. Бизни эслаб, арвоҳимизга бир ҳовуч дуои-фотиҳа қилсаларинг ҳам, қилмасаларинг ҳам худо хайрларингни берсин. Одам боласи икки нарсани — ўлари билан тўярини билмайди. Шунинг учун бир-бировига озор бериб, ҳақиқа хиёнат қилади. Калтакесак тили билан пашша овлаганидек, одамларимиз ҳам нуқул ёнидагини овлайдиган бўлиб қолишди. Бу яхшиликка олиб бормайди. Одам бир-бирига қилич кўтардим, бас, қилич қонсирайверади. Билиб қўй бола, сен подшо бўлсанг ҳам подачи Эгамберди яламанинг шогирдисан. Бир куни келиб бунга ўзинг ҳам имон келтирасан. Худо раҳмати, яхши одам эди, дейсан, ўшанда афсусланиб. Сен ёшлигингда кўзинг очилиб, одам таниб қолдинг. Куй ҳам куйгандан чиқади...

Подачи об-ҳавонинг қандай келишини олдиндан билар, шунга қараб подани ёғин-сочинга қулай дараларга ҳайдарди. Соясига қараб соатни дақиқама-дақиқа тўғри айтарди.

— Ана, қара, Сангзорнинг суви камайди, ёмғир ёғади, — дер эди тиниқлик пайтида ялтираганча ёйилиб оқадиган дарёни кўрсатиб.

— Суви кўпайса ҳаво очиқ келади. Қуриб қолган новдалар эпкин бўлмасаям шохидан узилиб тушяпти. Буям ёғингарчиликдан хабар беради... Билиб қўй, шамол пайтида дарахт барглари ўнг томони билан ерга қараб олса ҳам ёмғир ёғади. Қора булут пастлаб, тез ўтиб кетса ёғингарчилик чўзилади. Сув юзи пуфакланса ёмғир узоқ ёғади. Қанчалик қор ёғмасин, олчанинг япроқлари тўкилиб кетмагунга қадар қиш кирмаган бўлади. Қорамол сувни оз ичиб, кундузи ухласа ҳам ёмғир ёғади... Куз бошида қаттиқ бир ёмғир бўлса, билгинки, энди бир ой қирқ кун мобайнида ҳаво қуруқ келади. Қозоқларда буни, ҳаво бола ташлади, дейишади...

Бора-бора бола подачига кўникиб қолди. Ёғингарчилик бўлиб, пода ҳайдалмаган кунлари у нима иш қиларини билмай, Ялама бобонинг уйига келиб кетарди. Жағ-жағ хотини ҳамма ишни йиғиштириб қўйиб, тезаги тенги болага эридан шикоят қиларди.

— Имонсиз кетсин бу Ялама! Шу қурумсоққа текканча ерга кирсам бўлмасмиди! Ошиҳалолга йиққан нонини арзонгаровга сотади! Қанчага сотсаям ишқилиб мен билмасам бўлди! Болани итдек туғдириб ташлаганингдан кейин боқ-да, имонсиз! Ундан кўра, туғмай ўтсам бўлмасмиди. Айрон атала ичавериб, бола бечораларнинг ичи титилиб кетди! Ўзи бўлса эртаю-кеч қўлтигига қистириб, бугдой нон ейди. Худонинг олдидан ялангоёқ қайтган бу чол сен бечораниям ёлчитмаса керак! — дерди дуч келганга юзингда кўзинг бор демай шартиллатиб гапирадиган аёл. — Нонни икки кунлигини, этни бир кунлигини е деб, топган бугдой нону бир парча гўштни аллақерларга яшириб, ўзи ейди. Итдан тарқаган болаларини ўйламайди.

Семириб кетган Бозоргул хола подачидан анча ёш эди. Илгари унинг таёғидан чўчирди. Эри қувватдан қола бошлагач, энди унинг овози баралла эшитиладиган бўлди. Хотиннинг овозидан ёвфон аталадек безор бўлган подачи аёл гапиришдан чарчаб тўхтаганда унинг юзига қарамай "...ебсан, қанжиқ" деб қўярди.

— Бу арвоҳнуса чол қарғанинг гўштини еган, ундан қарғиш ҳам ўтмайди, — бобиллаб гапида давом этарди Бозоргул хола. — Бировни одаммисан, итмисан демайди. Гўёки ер юзида бундан ақлли одам йўқдек. Эсини таниб боққани пода-ю, гапи маннанам семиз!..

— Шу подачининг ошиҳалолини еб бўрдоқи бўгансан, бетайин! Қўй, шу болани ўз ҳолига! Сени ёйма чалпагингни эшитаман деб келмагандир! Оғзим бор деб, ҳар гапни бир гап деб саннайверасанми! Уят ҳам катта гап! Ким айтади сени ўғил уйлантириб, қиз чиқарган аёл деб! Э-э, хорйш эшакка ўхшамай ўл, манжалақи!..

Бозоргул хола орада ҳеч гап бўлмагандай безрайиб, гапни бошқа томонга буриб юборар ёки атрофида ғимирлашаётган болаларини тергашига тушиб кетарди.

— Шуни овозини эшитмайин деб пода боқаман. Уйда бир кун ўтириб қолсанг кўзига балодек кўринасан бу алвастининг. Болалар улғайиб қолди-да, бўлмаса терисини шилиб олардим, — дерди подачи болага паст ва ғамгин овозда. — Уйда тинчи йўқнинг, кўчадаям ҳаловати бўмайди.

Қишлоқни, дов-дарахтларни қорга ўраб, қиш кириб келди. Ойқорнинг қиши қаттиқ. Мол-ҳол ойлаб оғилдан чиқмайди.

Уларнинг уйдан ярим чақирим наридан қабристон бошланарди. У нима иш қилишни билмай, беихтиёр қабристонга келиб кетувчиларни кузата бошлади. Қабристонга ҳаммадан кўп келадиган Муродкул ва Бекназар гўрков унга сув, гоҳида чой буюришади. Қабристоннинг ери қаттиқ, қишда музлаб, ёзда тарашадек қотиб қоларди. Каттароқ одам қазо қилса лаҳад қазिश учун уларнинг она сути оғзига келарди. Бири қўйиб бири хандаққа тушар, қора терга ботиб елкаси билан зўрға нафас олишарди. Айниқса, лаҳад кавлаш чоғида иккиси ҳам ҳолдан тоярди. Лаҳаднинг тупроғини ҳовучлаб чиқаришга тўғри келарди.

— Эй, бола, бу ёққа кел, — уни чақирди ҳар кафти куракдек келадиган Муродкул узун. — Сен кичикроқсан, хандаққа сиғасан, теша билан мана бу ерни чопиб юбор, — деди Каримни қўлига тешани тутқазиб.

Ернинг пастки қатлами юмшоқ эди. У дастлаб хандаққа тушганда, юрагини ваҳм босди. Ҳаяжонланганидан қўли қалтираб, теша мўлжалга тегмасди. Аста-секин вужудидаги титроқ тарқаб, ишига унум кирди. У ўзи ҳам ҳис этмаган ҳолда, кўпчиликнинг юраги дов бермайдиган ишга қул урганди. Лаҳад кенгайиб, катта одам сиғадиган даражага етгач, ишни навбат билан Бекназар ва Муродкул давом эттиришди. Бола лаҳаддан

чиққан тупроқни тортиб турди. Лаҳад қазиб бўлингач, улар мис кўзада олиб келган сувда ювинишиб, тамадди қилишди. Муродкул узун унга катта бир бурда нон берди. Шу-шу Карим қабристонда уларнинг қораси кўринса келадиган бўлди. У гўрковлар берган нонни емай, сингилларига олиб келарди. Бу ишидан хабар топиб қолган онаси ўксиб, уни қабристонга йўлатмай қўйди. Унинг қабр кавлашини эшитган сингиллари ҳам ҳангу манг бўлиб қолишди.

— Сен тенги болаларни гўристонга йўлашга юраги бетламайди-ю! Сен бўлсанг! — йиғламсиради онаси.

Унинг кўмагина ўрганиб қолган Муродкул билан Бекназар болани ўз ҳолига қўйишмади. Алдаб-сулдаб ёнларига тортишди.

Майнинг илиққина кунлари эди. Карим дафтархалтасини уйга ташлаб, тоққа ўрлади. У подага етиб бориши билан Ялама бобо тегирмонга буғдой олиб бориш ёки ўтган қишда ўтин етмаганидан томини очиб, ёғочини ёқиб қўйган молхонасини устини ёпишни баҳона қилибми, қишлоққа қайтарди. Бола индамайгина рози бўлар ва қояларга чиқиб кетган эчкиларни тўплашга киришарди. Бу гал келганда, подачи Мустафокул раиснинг эндигина бузоқлаган ола говмишини ўқраниб боласини ялашини кузатиб турарди. Йирик ва соғлом бузоқ оёққа туриб, онасининг елинига талпина бошлаганди.

— Кун кеч бўлмасдан бузоқни эгасига элтиб бериш керак, — деди подачи, бузоққа ҳаваси келиб. — Бу говвос сигир, сути ширин бўмайди, — қўшиб қўйди. — Кун олабулут, ёмғир ёғиб қолиши мумкин.

Бола ҳайрон бўлиб унга қаради. У салкам ўзича келадиган бузоқни қишлоққача кўтариб боришни ақлига сиғдира олмади.

— Кўтаролмайман, — деди подачининг кўзига тик қараб.

— Кўтарасан, ўғлим. Шундай азамат йигитга битта бузоқча нима деган гап.

Бола нима дейишини билмай туриб қолди. Агар ҳозир сигир бузоқламаганда эди, бирор ишни баҳона қилиб, қишлоққа ўзи кетарди, хаёлидан ўтказди у оёқларини зўрға босиб онасини эмишга чоғланаётган бузоқчага тикилганча. Бировнинг гапини қайтаришга ўрганмаган бола қайтиб эътироз билдирмади. Подачи олчазор оралаб ўтлаб юрган яғир қари эшаги томон кетди. Бола бузоқчанинг онасини эмишини томоша қилиб

ўтирди. Чолда инсоф йўқ, деди ўзига-ўзи қўлидаги намиққан чўпни буклаб, хаёл сураркан. Ортиб боргани эшагиниям бермади. Ут билан бузоқнинг нам танасини артиб чиқди. Онаси меҳр билан ялаётган бузоқнинг териси ботаётган қуёш нурида товланарди. Бузоқнинг пешонасидаги тангадек оқидан тортиб, ҳар бир туки онасига ўшарди. Бузоққа яқин келиши билан говмиш қизганиб ўқранар, кўзлари бежо бўлиб, болани ҳайдамоқчи бўларди. Бузоқнинг тагига кириб икки қўли билан олд билан орқа оёғидан маҳкам ушлаганча, елкасига олиши билан говмиш уни туртиб юборди. Бола бузоқ билан бирга юз тубан йиқилди. Ўрнидан тура солиб, говмишни тириқтириб қувди. Уни қўрқитиб қўймаса, бузоққа қўл теккизишга қўймас эди. Энди она сигир мўъраганча, гир айланиб чопарди. У узоғи билан қирқ-эллик қадамгача бузоқни кўтариб борар ва оёғидан мадор кетиб, тиз чўкканча бузоқни ерга қўярди. Сал ўзига келиб, бузоқни онасига ҳидлатиб, яна елкасига оларди.

Унинг шу пайтгача мол боқиб чеккан азоби бир бўлди-ю, бутунгиси бир бўлди. Мустафоқул раиснинг қишлоқда яккаю ягона дарвозаси олдига келганда ҳолдан тойиб, оёқ-қўли қалтираганча уй эгасини чақиришга ҳам ҳоли қолмаганди. Икки қўли шалвираб, оёқларини тоштовон<sup>1</sup> еб ташлаганди. Уст-боши шилтага ботган, елкаси билан нафас олиб, дарвоза олдида ўтирганда, раиснинг онаси Улбозор момо чиқиб қолди. Пода ҳам у билан изма-из қишлоққа кириб келганди. Бола ўрнидан туриб кампирга салом ҳам беролмади. Улбозор момонинг сўзлари қулоғига кирмай, кўз олди қоронғилашганча ерга сингаётгандек ўтириб қолган, очликдан юраги сув бўлиб, кўнгли озиб борарди.

— Вой, бўйгинангдан айланайин-а! Ҳаҳ, шу дордан қочган Яламанинг уйи куйсин-а! Шундай катта бузоқни сен етимчага кўтартириб юбордими-а! Эшагини берса ўлиб қолармиди! Кўтариб келган қўлларингнинг дарди урсин манга! — унга гиргиттон бўларди Улбозор кампир. — Эсимни танибманки, кўзи ташқарига битган шу Яламадан бировнинг баҳра топганини билмайман! Шу бегуноҳ сағирнинг уволи тутсин сен қасамхўрни!..

<sup>1</sup>Тагчарни калин чоряк

Кампир шундай деди-ю, кўзига ёш олди. У ҳам болаларини шу подачи боланинг онасидек ярим оч ва яланғоч, етим боққан эди. У пайтда подачилик ҳам ҳар кимга тегмасди. Подага қўшадиган сигири ҳам, ошиқулга берадиган нони ҳам борда бор эди. Аёл боши эркак бўлиб, тепа сочи телпак бўлиб, дуч келганнинг урчуғини йигириб, ўрмагини тўқиб, кигизини босиб, ит азобида уч ўғилни одам қилган эди. Ризқи бутун экан, болаларининг ҳаммаси нонини топиб кетди. Улбозор кампир Усмон ижроқўмнинг уст-боши абгор ўғлини бир ҳолаҳволда кўриб, ўзини тутиб туrolмади. Уни бағрига босиб ўтган куни ва бугунги етимлар учун кўз ёши тўкди. Болани кийим-кечагини тозалаб олдига икки бурда қозонаки патир ва кулчатойнинг шўрвасидан бир коса қўйди. Дока рўмолининг учи билан тўхтамаётган ёшини артиб, боланинг овқат ейишига термилиб ўтирди. Бола оч эди. Очликдан оёқ-қўли қалтираб, бошини қуйи эгганча, бурнини тортиб, нонни катта-катта тишлаб, шўрвани ичарди. Косани бўшатгач, ундан сўрамасдан кампир яна овқат солиб келди. Бола момога бир қараб қўйиб, яна толкосага энгашди. Қорайиб, ёрилиб кетган қўлчаларини юзига торти, ўзича омин қилиб ўрнидан турмоқчи бўлганда, момо қўлига битта қозонпатир бериб, чўнтагига бир ҳовуч майиз билан бир неча дона ёнғоқ солиб қўйди.

— Апан'гга салом айт, айланай, — деди йиғига ўхшаш овозда.  
— Дардигинанг манга урсин! Сени бу кунга солганларга ҳам худонинг бир жазоси бордир! Кўз ёшларинг силарни етим қилганларни омон қўймайди. Ўтган-қайтганинда кириб тургин! Кўзгинангни оғриғи урсин, — деди кампир боланинг юз-кўзларидан ўпиб.

У чарчоқни ҳам унутиб, уйга қанот боғлаб учиб борарди. Илк бор (худди отасидек) сингилларига ёнғоқ ва майиз олиб келаётган эди. Чўнтагидаги меваларни ушлаб-ушлаб қўяр, бир дона майизни оғзига солишни хаёлига ҳам келтирмасди. У фақат бир нарсани — шу ёнғоқ ва майизларни улашганда апаси ва сингилларининг севиниб, чеҳралари ёришишини кўз олдига

<sup>9</sup>Сиззах вилоятининг тоғ кишлоқларида тукқан онасини апа дея чақиришади.

келтирарди, холос. Отаси бозордан қайтганда улар қувончдан ўйни бошларига кўтаришарди. Мана, энди у сингилларига ёнғоқ ва майиз олиб боряпти. Апажони қандай хурсанд бўлади. Ўғлининг одам бўлиб қолганидан боши осмонга етади.

Ҳар куни эрталаб Каттажар ёқалаб ўтган кўча томондан келадиган подани Эгамберди бобо ҳайдаб чиқар, қишлоқни тенг иккига бўлиб ўтадиган йўл бўйидаги хонадонларнинг молини эса у тўпларди. Икки пода қишлоқ бошидаги Хонназар бобонинг тегирмони этагида қўшиларди.

У Маҳмуд тақачининг чорбоғига тушган пастки овулга қарашли эчкиларни савалаб кўчага ҳайдаб чиққанда, пода олдида Улбозор момо турарди. Бола ҳайрон бўлиб, шоша-пиша салом берди.

— Кечқурун кириб ўтгин, Оланинг палласидан еб, келагайдан ичиб кетасан! — деди Улбозор момо қўлтиғидаги ёғли патир кулчани унга тутаркан. — Оғзимизни оққа етказган чўпон боламдан ўргилай! Отанг кўрмаган кунларни сен кўр! Кўзгинангни дарди урсин! — алқарди кампир меҳри товланиб.

У патирни қўлтиғига тиқиб қўйди. Момога нима деб миннатдорчилик билдиришни билмасди. Ирғай таёғини ўйнатганча поданинг гоҳ у, гоҳ бу ёнига, гоҳида эса олдига ўтиб кетадиган қирқ чоғли эчкини тергаб, ҳайдаб борарди. Улбозор момо берган ёғли патирнинг ҳиди димоғига урилганда вужудини ўз ишидан мамнунлик туйғуси қопларди. Пода тарам-тарам илонизи тоғ йўлидан Галахирмонжой дараси томон ўрлаб борарди. Шодмонқул аравакашнинг ғунажиндек келадиган оқимтир кўкиш қари серкаси бўйнидаги қўнғироғини жиринглатиб баҳайбат шохларини навбатманавбат ўнг ва сўлга буриб, подага йўлбошчи эканини кўз-кўз қилганича териб-териб оёқ ташларди. Дарвоқе, Ялама бобо хачир деб ўдагайлайдиган бу серка подачининг молларга қай оҳангда ҳайқирганидан қайси тарафга юриш кераклигини биларди. Ишини енгилатадиган бу арзандани подачи сахийлиги тутганда бир бурда, ярим бурда қотган нон билан сийларди. У чолнинг авзойига қараб, қачон унга яқин келишни билар, салкам ерга тегадиган соқолини жалпиллатиб, қутурлатганча нонни узоқ чайнар ва мазасидан ҳузур қилгандек тик турганча

мудрарди. Гоҳида қария у билан худди одамдек гурунглашар, ўзиникига ўхшаш соқолини масхаралаб куларди. Улар ўртасида кўзга кўринмас, ғалати бир яқинлик ва ўхшашлик мужассам эди. Иккиси ҳам ҳушёр ва жиззаки, ўз ҳақини бировга едирмайдиган, ўзига эн бўлолмаса-да, ўзгаларга бўй бўлишга уринадиган, ўзидан кучлига думини қисганча индамай бош эгадиган, ўзидан пастни эзгилаб кетадиган одам ва жонивор хилидан эди.

Бола бу воқеанинг қандай юз берганига узоқ вақт ақли етмай ю эди. Бу нохуш ҳодиса кейинчалик тушларига ҳам кириб, босинқираб уйғониб кетарди. У ҳайратдан таёқнинг зарбини ҳам анча кейин сезди. Сезди-ю, хўрликдан хўнграб йиғлаб юборди. Белидаги онаси тикиб берган белбоғчаси ва унга ўроғлиқ арпа нон ва бир сиқимгина сариқ майиз ҳам, Улбозор момо берган патир кулча ҳам булоқ бўйида қолди. У ўзи ўрганиб қолган қадрдон ирғай таёғини ҳам унутди. Хуни-бийрон бўлиб йиғлаганча қишлоққа қайтди. Борган сари ичичидан тўлиб-тошиб аламли, ситамли йиғи келарди. Йиғиси сэй оралигидан чиққунга қадар тоғу тошларда акс садо бериб турди. Сўнгра Галахирмонжой далаларига сингиб кетди. Подачи орқасидан ҳай-ҳайлаб, қайтчи-қайт деб қолди. Унинг эса кулоқлари тош битиб қолган эди...

...Бу воқеага ўша патир кулча сабаб бўлди. Улар одатларича чошгоҳда бирорта булоқ бўйида нонушта қилишарди. Нонуштада Эгамберди бобо нонини дастурхонга қўйса, пешиндаги тамаддида у белбоғини ёзарди. Бола елиб-югуриб ўтин-чўп териб, хуржунда шиқирлаб юрадиган офтобани қайнатар, подачи соқолини силаганча чойнинг кўпини ўзи ичарди. Ялама тезакка чой қайнаттирмас, булоқдан эмас, этакда ҳайқириб оқадётган сойдан сув олиб келтирарди.<sup>111</sup>

– Ёш бола чойга ўрганмагани маъкул, бўйи ўсмай қолади, – дерди чол чойни қизганиб. – Ноннинг куйигини еган боланинг бети қизил бўлади...

Бола индамай булоқнинг сувига нонини оқизиб еяверарди. У қумраб қолган подачи тўйгунга қадар офтобани қайта-қайта қайнатаверарди. Чол чой топа олмаса жийда пўстлоғи, олма барги, кийик ўти ёки анорўтига чой дамлатарди.

— Талқон еб, сувга юборадиган бола экансан-ку! — дерди у салгина ҳаяллаб қолса. — Жуда айрони ачимаган, қимизи қичимаган бола чиқдинг-да! — дерди арпа дўқ қилиб.

Бола унинг бу хил гапларига кўникиб қолганди. Ўз хаёли билан бўлиб, гоҳида чолнинг гапини эшитмасди ҳам. Яламанинг ўзи жавраб, ўзи тинарди. Чол эса эринмай ёлғон-яшиқ ҳангомани бериб, тумтарақай бўлиб кетган подани тўплаш керак бўлгунга қадар чой ичиб ўтираверарди.

...Ўшанда подачи белбоғини ёзиб, белидаги суви қочган буғдой нонни ташлади. Қўлтиғидаги кулча ёдига келган бола шоша-пиша патирни олди.

— Улбозор момо патир берувдилар, бово, — деди уни подачининг нони устига қўяркан.

— Нима? Нега патир беради? Нега сен мени ошалолим'ни оласан?

— Сўраганим йўқ, ўзлари бердилар.

— Э-э энангни оғзига... тирранча, — дея таёғига интилди чол.

Гаврон таёқ қарсиллаб елкасига тушганда, бола жойидан жилмай оғриқдан юзи буришганча ҳайратдан қотиб унга тикилиб турарди. Ялама яна таёқни кўтарди-ю, урмади. Ўзича нимадир деб ғулдиради. Дастлаб йиғламасаям боланинг кўзидан шариллаб ёш қуйилди. Хўрлик ҳисси таёқ теккан жойи оғриғи билан баробар жунбушга келди. Шундагина у бор овози билан ўкраб йиғлаб юборди. Қишлоққа етиб келганда, йиғлашдан тўхтаганда ҳам, кўзидан қуйилиб ёш келарди. Кўзи ва қовоқлари шишиб кетган эди. Онасининг олдига бу аҳволда бориб бўлмасди. У тегирмон этагидаги булоқ бўйида тўхтади. Оч қоринга муздек сув ичди, юзини қайта-қайта ювди. Шу-шу Эгамберди подачининг кўзига кўринмади.

Шунда у беихтиёр энди ўзига тегишли уйлардан арпа ёки макка униданми ошиҳалолга нон йиғмаслигини, кун ора кечқурун уйларига бир белбоғ нон кўтариб келмаслигини англади. Отаси пешонасига сиғмаган бахтиқаро боланинг қўлига ҳар ким ҳар хил ўйда оқ, қора, катта, кичик, куйган ёки чала пишган нон узатарди. Бола ҳар доим пастгина овозда

<sup>1</sup>Ошиҳалол — халқда қисқартириб "ошалол" деб аталарди.

раҳмат айтар ва нон узатган кишининг нигоҳидан кўзини олиб қочарди. Бу ҳолат кун ора бир маромда такрорланарди.

Яна бир воқеа унинг безовта қалбига из солиб ўтди. У онаси билан харжларини орқалаганча пиёда бозордан қайтишарди. Орқаларида сап-сарик мўйлови чўччайган Шодмонқул аравакашнинг эски шалоғи чиққан кўтак араваси кўринди. Онаси тугунчасини бошига қўйиб олдинда кетиб борарди. У орқароқда қолиб аравакашдан қишлоқ этагигача миндириб кетишни сўради.

– Халқ душманининг боласини миндирадиган аравам йўқ!  
– деди чийиллаган овозда Шодмонқул кўзларини чақчайтириб.

Мурдаранг бу одам унинг кўзига сарик илонга ўхшаб кўринди. Боланинг юраги музлаб, турган жойида қотиб қолди. Энди у аравакашнинг тезроқ кўздан ғойиб бўлишини бетоқат кутарди. Онаси Шодмонқул мўйловнинг бу гапини эшитдими, эшитмадими, болага қоронғи. Онаси шунақа аёл, бирор нохуш гап қулоғига чалинса ҳам ўзини эшитмаганга олади. Бола жуссаси борган сари кичрайиб, сочига эрта оқ оралаган апасининг бунчалик сабр-тоқат ва чидамни қайдан олишига ҳайрон бўларди. У бу нарсага кейин, ўзи ҳам онасига ўхшаган беозоргина бир қизни яхши кўриб, бир ёстиққа бош қўйганда, қайлиғининг ўзига бўлган чексиз меҳр-муҳаббатидан куч олиб, ёш бўлишига қарамай, катта ишларни уддасидан чиққанда тушунди...

## XII

Туйқусдан бошланган уруш одамлар ҳаётини, кундалик турмуш тарзини алғов-далғов қилиб юборди. Кишилар ўзларининг катта-кичик ташвишларини унутиб, ҳаёт-мамотлари ҳал этилаётган олисдаги жангу жадалнинг ўю-хаёли билан яшай бошладилар. Ҳарбу зарб ҳақида ҳар ким билганича тўқиб бичарди.

Қишлоқнинг чакана сурувини боқадиган Иброҳим чўпон Мустафоқул раисдан "Агар немис Ўсманни босиб олса Ойқорга қочиб чиқсак бўлармикан ёки тоғ ошиб, Панжакент тарафга ўтиб кетган маъқулми?" деб сўради. Аччиғи чиққан раис нима

деб жавоб беришини билмай Иброҳим қоранинг юзига тарсаки тортиб юборишдан ўзини тия олмади. Кўпчилик ўртасида изза бўлган чўпон алаmidан "сени ўша пашиstdан қаеринг қам?" деб раиснинг ёқасига тармашди. Одамлар ҳай-ҳайлаб зўрға ажратишди.

— Эсингдан чиқмасин, раис, тирик турсам қорнингни ёраман сен зўравонни. Ўлиб кетсам, ҳалолинг бўлсин, кунингни кўр! — дея ўшқирарди Иброҳим Мустафоқулга талпиниб.

Иброҳим қоранинг феълини билган оқсоқоллар уни алдаб-сулдаб уйига жўнатишди-да, Мустафоқул раисга, бундан кейин, ҳар эҳтимолга қарши кечалари ва кўча-кўйда эҳтиёт бўлиб юришни таъкидлашди. Чунки бу қишлоқда бир Иброҳим қора эмас, балки кўпчилик одам табиатан жиззаки ва тез эди. Бу ярамас одат қондан-қонга ўтаверадими ё қуш уясида кўрганини қилади, дегандек, оталар феълидаги нуқс болаларга ҳам урадими, ҳар қалай қишлоқдаги иккидан бир киши худди ана шундай қизиққон, ҳовлиқма ва довдир эди. Иброҳим чўпоннинг ҳеч балодан қайтмаслиги ҳақида жуда кўп миш-мишлар юрарди.

У тоққа ўтинга борганда эшаги арқонини узиб, қишлоққа қочиб келади. Жаҳлдан жони бўғзига тиқилган Иброҳим қора қишлоққа қайтиб келиб эшагини худди ўша қочган ерига миниб боради-да, болта билан нимталайди ва гўштини чор тарафга улоқтиради. Сени ҳузурингни аллақачон ғажирлар кўриши керак эди, дейди-да, эгар-жабдуқларни орқалаб, пиёда қишлоққа қайтади. Кўйчи ити сурувни ташлаб уйга қочиб келганда унинг ҳам бошига эшакнинг кунини солади. Бир ой ўтгач, Иброҳим чўпон Сибирга, меҳнат батальонига жўнаб кетди-ю, бу можаро одамларнинг ёдидан кўтарилди. Шундан кейин "немис фалон куни Тошкентга, писмадон куни Самарқандга ва ундан сўнг биз тарафларга келармиш" деган миш-мишлар ҳам ўз-ўзидан тиниб қолди.

Урушга ҳар ким ҳар хил муносабатда эди. Бу атрофдаги хат-саводли, озгина бўлса-да, оқ-қорани таниган оилаларнинг кўпчилиги янги тузумдан азият чекканди. Бировнинг отаси халқ душманига чиқиб отилиб кетган, бировники сургун

## *Унутилган соҳиллар*

қилинган, яна бошқасиники эса бедарак эди. Лекин бари бир булар орасида бўлаётган урушга бефарқ қарайдиганлар жуда озчиликни ташкил этарди. Одамлар отасини ё акасини ўлдирилишига ва сургун қилинишига дахлдор бўлса-да, Сталинга ишонишарди. Бу ихлоснинг орқасида даҳшатли кўрқув ҳисси ҳам йўқ эмасди.

Лалмикор тоғ этакларида, қиши қаттиқ келадиган тоғ қишлоқларида тирикчилик оғир эди. Бекорга ҳам халқда лалмига ҳатто қиз берма деган гап юрмайди.

Одамлар ўттиз еттинчи йиллар атрофидаги воқеаларни унутгандек эдилар. Уруш ҳадемай бошқаларнинг ҳам қалбини ярим қила бошлади. Қишлоққа илк бор "қорахат" келди. Инсон боласи азалдан шундай. Бугун бировнинг бахтсизлиги учун кўз ёши тўкиб, эртасига дунё топган девонадек ўпкасини қўлтиқлаб, ўз юмушига уннаб кетаверади. Ери қаттиқ тоғ қишлоғида тинсанг, тинасан. Хўжаликни юритиш учун эртадан кечгача гимирлаш керак.

Бола онаси билан бирор юмушнинг бошини тутиш маслаҳатини қиларди. Онанинг дон экиш ва ғалла ўримида ишлаб топадиган бир ярим-икки пуд ғалласи билан қишдан чиқиш мушкул эди. Онаси шу илинжда Мустафоқул раисниқига борди. Минг бир истиҳола билан унинг эшигини қоқди. Дарвозани Улбозор кампир очди. Меҳмонни айланиб-ўргилиб қарши олди. Кўярда-қўймай уйга олиб кирди. Дардини эшитди. Аёл раиснинг ишдан қайтишини кутди. Мустафоқул собиқ ижрокўмнинг беваси билан совуққина саломлашди. Улбозор кампир ўғлига аёлнинг гапини айтди.

— Эртага эрталаб идорага борсин. Ўша ерда гаплашамиз, — деди раис қовоғини очмай. — Нонталаб кўпайиб кетди. — қўшиб қўйди садақайрағоч шоҳидаги отнинг емхалтасини оларкан.

Аёл кўчага чиққанда кампир унга иккита нон узатди. Олмайман деганига қўймади.

Бола ўзича хурсанд эди. Қишлоқда ҳамма зир титрайдиган, доимо қовоғини осиб юрадиган Мустафоқул раис унга ўрим пайтида хўпга қўшиладиган отларга миниш ва кечаси уларга қарашни буюрди.

— Қишда эса Тайпоқсойдаги кўшга кўшиладиган хўкизларга қарайсан, — деди раис унга бошдан-оёқ тикилиб.

Сўнгра омборчини чақириб, болага иштонлик учун бир ярим метр тиринка беришни тайинлади. Оломонлик Носир омборчи қайта-қайта ўлчаб, каттакон дафтарга қўл қўйдириб, матони берди.

Хўп иши оғир эди. Бола буни биринчи кун и сезмади. Хирмончиларнинг кўзига шунчаки отга миниб юриш учун келганга ўхшаб кўринмасликка тиришди. Хирмончилар тушликка чиққанда, у отларни бир-бирига матаб, суғоргани олиб кетар, бир бурда нон ва бир коса қатиқли ошними-айронними от устида еб-ичарди. У хирмонда бирга ишлайдиган кўшнилари, энди туғилган чақалоқни ҳам сизлаб гапирадиган Мардонқул бобо ёки хирмонбоши, баджаҳл Шариф носвойчидан "Ўғлим, чарчадинг, сен ҳам озгина дамингни ол, от одамни эзиб ташлайди" деган гапни кутарди. Бироқ бу гапдан дарак йўқ эди. Учинчи кун иёқ орқаси яғир бўлиб, эгарга сони билан ўтира бошлади. Бора-бора икки сони ҳам эзилиб, эгар тегса ачишадиган бўлди. Шундан кейин узангида тик турганча, отни айлантирарди.

Хўпни қорувли, оғиркарвон, гаплари момақалди роқдек қалдираб чиқадиган Мардонқул бобо ясаганди. Икки ён томони текисланиб мола шаклига келтирилган арча ёғочи самбиттол новдалари билан бир-бирига танғиб боғланганди. Янчиш учун ерга доира шаклида ёзиб қўйилган буғдой устида от уни моладек судраганча айланарди. Бу такрорий ҳаракатдан бош айланиб кетарди. Шу боисдан ҳам у отнинг жловини бўш қўйганча тоғ чўққиларида кун қизиган сайин кичрайиб бораётган "от", "фил" ва "кўзичоқ"ларга тикилиб ўзини чалғитишга уринарди. От эса тентак қўйдек бир маромда айланарди. Мола устига отилиб чиқадиган бошоқларга ёпириладиган чумчуқлар эса отлар думини силкитганда учиб-қўнишарди.

Қора қари байтал уни уринтирмасди. Устидаги одамнинг хатти-ҳаракатидан, оёғини биқинига ниқташидан нима қилиш кераклигини биларди. Югани бўш бўлсада бошқа отлардек оёғи

остида шилдираётган донга оғиз солмасди. Болани атайлаб юввош қари байталга миндиришган эди. У билан ёнма-ён яна уч жойда ҳўп янчилар, бошқа отларга минган болаларнинг ҳаммаси ундан дадилроқ эди. Болалар қоққалла хирмонбоши Шариф носвойчидан чўчиб, от устида гаплашишга ҳам ҳайиқишарди.

— Калласида гўшти йўқ, қошининг икки чети пастга қараган одамдан яхшилиқ чиқмайди, — дейишарди хирмончилар орқаворотдан бир-бирига шивирлашиб. — Раис ҳам жуда одамини топиб хирмонбоши қилиб қўйган-да.

Хирмонбоши арзимаган нарса учун ҳам одамлар билан ётиб жанжаллашар, сассиқоғиз киши эди. Биров билан айтишиб қолса, йўқ ердаги сўкишларни ўйлаб топарди. Хирмончилар унга — кофир тўқ, мусулмон тинч қабилида муомала қилишар ва унда азроилнинг бир туки бор дейишарди.

Хирмонда саккизта от бор эди. Икки нафар бола навбат билан ҳар куни тўрттадан отни қишлоқ этагидаги колхоз бедапоясига миниб келиб, кечаси билан кўкалатиб, тонг қоронғисида яна хирмонжойга қайтариб олиб келиши керак эди. У ҳам тўрт отни бир-бирига матаб, ошпаз узатган яримта эсфора кулчани катта-катта тишлаганча йўлга тушарди. Уни уйда кўзи тўрт бўлиб онаси кутарди. Ярмини еб, ярмини чўнтагига солиб қўйган нонини унга узатарди. Онаси эса нонни емгани учун уни койирди. Отларни қандай тушовлаганини, тушовнинг мустаҳкамлигини қайта-қайта сўраб-суриштирарди. Бола токчага олиб қўйилган косадаги ярим ёвғон ошни ичиб, пўстакнинг ярғоғига чўзиларди. Онаси унинг ёрилиб кетган юзлари, оёқ-қўллари ва почаларига туз солинмаган қорин ёғини суртиб, уқаларди. Онасининг қақшоқ қўли тегиши билан у гўдакдек мудраб қоларди. Унинг ухлаб қолиши, отларни салгина бўлса-да, кечроқ олиб бориш ҳақида гап бўлиши мумкин эмасди. Фафлат босиб ухлаб қолмайин деб ўйлаган аёл ўғлини вақтида уйғотиш учун тун бўйи мижжа қоқмай чиқарди. Қотиб ухлаётган болани юраги эзилиб, ярим тунда зўрға уйғотар ва топар-топмасини қўлига тутқазиб, бедазоргача бирга борарди. Гоҳида эса у тўрғай чулдирамасдан ўрнидан турар, туз тотмай отларни ечиб, хирмонга жўнарни. Ҳўпчи

болалардан Санам холанинг эгизак етимлари Ҳасан билан Ҳусан бир кечада ғойиб бўлгач, саккиз отнинг увол-савоби ундан икки ёш катта Улаш иккасига қолди.

— Бўлимтолгина бўлгани билан ҳали улар армия ёшига етмаган эди. Бировнинг ўрнига кетди-ёв, бояқишлар, — дея Мардонқул бобонинг Отақул махсумга шивирлаётгани унинг кулоғига чалиниб қолди. — Носир омборчининг боласи кўринмаяпти. Армияга кетгани йўқ чамамда, қолган бўлса кўзга чалинади. Бу энасини эмчагини қирққан Носир сатанг бир кори ҳолини қилдиёв, баччағар. Наҳотки, бундан Мустафоқул беҳабар бўлса.

— Мустафоқулнинг ҳам шу сатангсиз иши битмайди. Нима, раиснинг оғзи йўқми? — жавоб қилди Отақул махсум теваракка олазарак кўз югуртириб. — Носир омборчи ўз томорқаси сув ичмаса бошқага сув ўтказмайдиган одам. Билиб қўйинг, Мардонқулбой, бу халқ кўпчилик бўлса зўрлик, озчилик бўлса ўғирлик қилади. Туз тортса қайтиб келишади, ўша ёқнинг тупроғи буюрган бўлса, бу ҳам эгасининг иродаси. Сиз билан менинг қўлимдан нима ҳам келарди?..

— Доимо замоннинг залварини бева-бечора, етим-есир кўтарган. Уддабуро одам ўлимгаям чап беради, — салмоқлаб гапирарди Мардонқул хирмончи.

— Ҳақ гап, ҳақ гап! — унинг гапини маъқулларди ҳамсуҳбати, ёш бўлса-да, саватдай соқол қўйган Отақул махсум. — Қирқ йил қирғин бўлсаям, ажали етмаган ўлмайди.

— Хайтовур бу дунёнинг ишига одам боласининг ақли етмай қолди. Ўлар ҳўкиз болтадан тоймас дегандек, бу пашис дегани ҳеч балодан қайтмайдиганга ўхшайди.

— Ишқилиб худо бахтимизга ҳозирги қизил пошшони бошини омон қисин. Немис деган балойи-азимга ундан бошқа одам бас келолмайди.

— Нега бас келолмас экан. Мана бир қизил пошшо кетиб иккинчиси келди. Кетса яна битта унга ўхшагани чиқади. Эл омон бўлса, элбоши топилади.

– Ҳақ гап, ҳақ гап! – бошини сермаб ҳамсухбатининг гапини қувватларди Махсум. – Нега бу немис дегани бизга бунчалик ёпишиб қолди-а?

– Э-э Махсум, соддасиз-да. Қулига қилич олган одам баҳона қидирмайди.

– Ҳақ гап, ҳақ гап!

Икки кундан сўнг ака-уканинг армиядан қочиб, тоққа чиқиб кетгани маълум бўлди. Уларни қидириб хирмонга Фулом военком, дўм Шодмон ўрис, кўккўз юзи ва сочи сап-сариқ, ўзбекчани билмайдиган бир ўрис киши келди. Шариф носфуруш патаки пайтава бўлиб, меҳмонларни Сутлибулоқ бўйида меҳмон қилди. Раис буюрган экан.

Бир ҳафтадан сўнг Махсум билан Мардонқул бобо яна ўша, Ҳасан-Ҳусан ҳақида пичирлашиб гаплашиб ўтиришарди.

– Ана ноинсофлигу мана ноинсофлик Махсум, – деди ранги ўнгиб кетган киррати белбоғи билан пешона терини артган Мардонқул бобо чордана қуриб ўтирганча ўнг кафтини ўнг тиззасига уриб. Бобо оғзини тўлдириб гапирганидан паст овозда қўнишаётган бўлса-да саси гулдираб чиқарди. – Булар қилган иш, шайтоннинг ҳам ўйига кемайди.

– Баҳромнинг худойисида одамлар гапиришди. Мен устара гаранг яхши эшитолмадим оқсоқол. Нима бўган экан ўзи? Бир бошдан айтинг?

– Эшитиб, ақлдан озаёздим Махсум. Сиз сўраманг, мен айтмай. Имонсизга эрк берсанг, элни талар дегани шу экан. Холбек тоғбегининг ўша икки етимчаси ёнимизда ҳўп қўшиб юрувди. Ёши етмасаям Шодмон дўм уларни армияга тўғрилаб юборибди. Буни сенлар қочиргансан деб мелисалар апаси Санамминан сингиси Ойқизни олиб кетишибди. Она-болани бир ҳафтадан сўнг қайтариб яна қишлоққа олиб келишибди. Санамни уйда қолдириб, қизи Ойқизни тоққа олиб чиқишибди. Бўриўйнарга олиб бориб яланғочлашибди. Ҳасан-Ҳусанга агар олдимизга тушиб келмасанг ўн уч ёшли синглингни навбат билан зўрлаймиз деб бақиршибди. Чорасиз қолган қиз "Ҳасанжон, Ҳусанжон, мани қутқаринглар дея дод солармиш. Охири бу шармандаликни бўйнига олишни истамаган ака-ука Қизилтошдан эниб келишибди.

– Ойқиз бечорага тегишмабдими?

— Билмадим Махсум, билмадим. Уни Худо билади. Санам бечора кечаю-кундуз йиғлармиш...

Бандасида имон, хом сут эмган одам боласига ишонч қомади. Тошга дардингни айтсанг, дард эшитадиган замон бўп қолди.

— Ҳақ гап, ҳақ гап, оқсоқол. Мазлумнинг охи ерда қолмайди. Бева-бечоранинг қарғиши тошни ёради. Уларга ҳам эгасининг бир дегани бордир.

Гира-шира қоронғилик учи-қуйруғи йўқ даштни домига тортарди. Хирмончилар эпкин туриб қолса кечалари ҳам дон шопириб чиқишарди. У бедапояга жўнаш учун отларни хўпдан чиқариб, бир-бирига матамоқчи бўлиб турган эди. Хирмончилар ювиниш учун Мушукжарга тушиб кетишганди. Хирмонда биргина Шариф носфуруш айланиб юрар, ўзича ниманидир чўтини оларди. Мушукжар томон кетган хирмончиларнинг овози эшитилмай қолгач, у боланинг ёнига келди.

— Отларни менинг орқамдан ҳайда, — деди у болага ғалати қилиб, кеча дон янчилган жойдаги усти сомон похол билан ёпиб қўйилган буғдой уюми томон юраркан.

Бола унга эргашди. Носвойчи буғдой орасига кўмиб қўйилган жунқопни судраб чиқариб, қора байтални яқинроқ олиб келишни буюрди.

— Нега? Нимага? — деди бола унга ҳайронлик билан кўрқап-писа тикиларкан.

— Айтгани қилавермайсанми! Қанаққа боласан! Бедапояга элтиб, туширасан-да, уйингга кетаверасан! Ҳа бўйнингдан! Бировга гуллаб қўйма тагин. Эртага ўзинггаям бир пуд буғдой бераман, — тез-тез гапирарди хирмонбоши. — Ёш бўлсанг ҳам эс-хушинг бутун боласан!..

— Йў-ўқ! — деди бола чўзиб. — Одамлар кўрса нима дейди?

— Одамлар билан нима ишинг бор? Ношукур бола экансан-ку! — аччиғи чиқди хирмонбошининг. — Тезроқ бўл, ҳадемай ановилар жардан қайтишади. Айтдим-ку, ўзинггаям бераман деб.

— Йўқ! — деди от устида қалтираётган бола чўрт кесиб. — Раисга айтаман!

— Нима? Раисга айтасан! Қани, айтиб кўр-чи! Тилингни суғуриб оламан сен итваччанинг! Бекорга отангни бошини смаган экансан! Йўқол! Кўзимга кўринма! Ҳе отангга ўхшамай кет! Жувонмарг, мен сени одам деб!..

— Отам сизга нима ёмонлик қилди?..

Бола шундай деди-ю, кўзидан дувиллаб ёш қуйилди. Кўз ёшини унга кўрсатмаслик учун бедапоя томон қанот боғлаб учгудек депсиниб турган отларни чоптириб кетди. Юрагига санчилган аччиқ сўз ва отнинг шамолидан кўзларига дув-дув ёш қалқиб, ёноқларига, лабларига қуйиларди. У бедапояга етгунча, энг олдинда бораётган Буврилнинг жиловини тортмади. Маталган отлар Буврил чопса чопар, йўрғаласа йўрғаларди. У энг орқада лўкиллаб, аранг чопиб келаётган қари байтални ҳам унутди. Тоғ тарафдан эсаётган сарин эпкин ёнаётган вужуди ҳароратини босаётгандек, алам ўртаётган юрагига таскин бераётгандек эди. Бедазорга етгунга қадар отлар ҳансираб, сувилдиригини чайнаб қолди. Байтал қора терга ботганди.

Йиғлаганини онасига сездирмаслик учун юзини ювган киши бўлиб, ўчоқ бошига қараб юрди. Хирмонда бўлиб ўтган гап ҳақида оғиз очмади. Онаси нега кўзи қизарганини сўраганда хирмон гардини ва отларни чоптириб келганини баҳона қилди.

— Отларни чоптирмагин, раис кўриб-нетиб қолса аччиғи чиқади, — деди онаси безовта бўлиб. — Ҳозир колхозга одамдан ҳам от билан ҳўкиз қадрли.

Ўша воқеадан бошлаб у Шариф носвойчига салом бермайдиган бўлди. Бироқ ҳадик олган хирмонбоши унинг ҳаракатини, кимлар билан гаплашишини назардан қочирмай юрди. Пайтини топиб болага бирор оғиз илиқ сўз айтишни, бўлиб ўтган гапни кўнглидан чиқаришни чамаларди. Бола эса унинг хирмонда борлигини унутгандай ўзини бепарволикка соларди.

Саратон чиқмай ҳўп иши тугади. Улар энди, катта-кичик хирмонларда уюлиб қолган ғаллани одамлардан йиғиб олинган ўттизта эшакда қирқ чақирим йўл босиб, Булунғур темирйўл станциясига ташишарди. Қирқ чақирим масофага эшакнинг орқасидан пиёда юриб борилар ва колхозга тегишли юк

бўлмасагина миниб қайтишарди. Қуёш қоқ тепадан уриб ҳолдан тойдирар, карвоннинг у бошидан бу бошига отини йўрттириб, қистайдиган Шариф носвойчи эса ҳеч кимни ўз ҳолига қўймасди. Ҳаммани унга кўзи тушганда кўнгли айнийдиган бўлиб қолганди. У эса жонини жабборга бериб елиб-югурар, чарчоқ нималигини билмаган хирмончиларни қичаб юришга мажбур этарди.

— Чўнтагимга ҳар куни бир қоп буғдойнинг пули тушиб турса, раис измимга юрса, у ёқдан носнинг даромади қўшилса мен ҳам йил ўн икки ой ҳориш нималигини билмай ишлардим, — деди бошқалар ўн гапирса бир гапирадиган Мардонқул хирмончи куракдек кафтини пешонасига қўйиб, тўзон кўтариб кетаётган карвонга ва қораси кўринмаётган темирйўл станцияси томон тикилиб. — Одам боласи бунчалик пихини ёрган пухта бўлмаса. Сиртдан қараган инсон давлат иши деб елиб югурган шундай кишининг ўғирлик қилишин хаёлига ҳам келтирмайди.

— Ҳақ гап! — одатдаги гапини такрорлади Отакул махсум Буврилни миниб чангдан четроқда бораётган носвойчига кўрқа-писа қараб кўяркан. — Ҳақ гап!

Бола уларнинг гапини эшитмаганга олиб, бошини эгганча чоригини судраб борарди. Манзил олис, бунинг устига станцияда ҳам юзлаб юкли эшаклардан кейин навбатга туриб, ҳар бир қопни торттириб, қирриғ тарозибонлар билан гиппакекирдак бўлиб, донни топшириш ва ундан сўнг, бирор холироқ жойни топиб соялаш, топар-топмас бир бурда зоғорани сув билан еб, қишлоққа қайтиш керак.

— Носвойчининг тарозибонлар билан ҳам бир гапи бор-ов. Бир-бирига қарашганда кўзлари ўйнайди, — деди эшагини етаклаб четга чиқаётган Мардонқул хирмончи Отакул махсумга. — Ҳайронсан, бу дунёнинг тирикчилигига. Биров эли-юртим деб жон олиб жон бериб юрса-ю, биров бундан фойдаланиб мол-мулк тўплаб, бирини икки қилиб қолса. Дину-диёнатни унутдик. Одамнинг ўзига худо инсоф бермаса уни ўқитиш, тергаш билан йўлга солиб бўлмас экан. Ҳар кимнинг пешонасига битта уй-у, битта гўр битилган бўлса. Носфуруш

## *Унутилган соҳиллар*

ўзини бунча ўту чўққа урмаса? Бола-чақаси эртаю кеч нос сотади, ўзи эса бунақа ишлар билан шуғулланади. Топганини орқалаб кетармикин-а? — гапириниб борарди Мардонкул. — Олисдагини аравалаб, олдидагини тўрвалайди бу.

— Ҳақ гап! — тақрорларди Отакул махсум эшагини халалаб хирмончига етиб юришга тиришаркан. — Бу паскаш носфуруш нега ҳар йили хирмонбоши бўлади? Ўз-ўзидан ўқимай мулла, чўқимай қарға бўлди-қолди. Ундан бўлак имони басаломатроқ одам йўқмикан?

— Мушук йўқ жойда доимо сичқон пошшо бўган, махсум. Деворда ҳам қулоқ бор, дейдилар. Секинроқ гапиринг, битта-яримтаси етказиб бормасин тагин, — теваракка аланглади Мардонкул хирмончи. — Шамол турганда ҳайқирма, товушинг зое кетади, деганларидек, бу алғов-далғов кунларда тўғри гапни айтсанг ҳам, эгри гапни айтсанг ҳам бошинг балога қолиши ҳеч гап эмас. Одамларнинг хатосини кўрсатдингми, бас, бир пасда ёқмай қоласан. Беҳиштдан чиқиб келган бўлсанг ҳам кўз очиб юмгунча, эшак ўғрисига айлантиришади. Мол эгаси, мулк эгаси, қани уни илк эгаси...

Қоп ортилган ҳар беш эшакка биттадан одам бириктирилганди. Эшаклар ҳам, қоплар ҳам уйма-уй юриб одамлардан йиғиб олинган, уни йўқотиб-нетган киши товон тўларди.

Орадан икки кун ўтди. Ўнта юкчи эшак эгасиз қолди. Мардонкул хирмончи билан Отакул махсумни олиб кетишди. Сталинга қарши гапиришибди. Ҳамма бир-бирига тикилиб, тарашадек қотиб қолди. Биргина носфурушнинг димоғи чоғ эди. У қамчисини ўйнатганча дон қоплаётган хирмончилар атрофида ғолибона айланарди.

— Мен эшитгандим! Улар Сталинга қарши гапиришгани йўқ! — деди бола ёнидаги Салим хирмончига нафаси бўғзига тикилиб.

Бола оғзини очиб турган қопга Салим челақлаб дон соларди. Қовоғи солиқ хирмончи ўзини эшитмаганга солди. Болага сен ўзинг кимсан, дегандек бир ўқрайиб қаради-ю, индамай ишини қилаверди.

— Улар Сталинга қарши гапиришгани йў-ўқ! Мен эшитгандим! — деди яна бола туйқусдан қичқириб.

Сўнг хўнграб йиғлаб юборди. Ҳамманинг иши кўлида қолди. Ўзини нимадир дейишга чоғлаган хирмонбоши болага яқин келгач, шаштидан қайтди. У бола ўзини ҳам шарманда қилишини ўйлади чоғи, отини буриб, нари кетди.

Ҳеч ким унинг гапига жавоб қайтармади...

— Ҳар нарсани бир нарса деб гапираверасанми? — ниҳоят тилга кирди Салим хирмончи кўрқа-писа. — Улар гапирган бўлса сенга эшиттириб гапирадими? Давлатнинг ўзи эшитадиган қулоқлари бор. Айбдор одамни ернинг тагидан бўлса ҳам топиб олади. Нима қиласан ўзингга балони сотиб олиб? Усиз ҳам бошларингга тушган фалокат етмайдими?

Бола унга бир хўмрайиб кўйди-ю, индамади. Одамларнинг бу қадар лоқайдлиги ва ҳамма нарсадан ўзларини олиб қочишидан ҳафсаласи пир бўлган эди. У бу кишиларнинг ёнидагилар ҳаёти қил устида турганда ҳам ҳеч қачон ҳақиқатни айтмасликларини, айта олмасликларини илк бор фаҳмлаган, отаси ҳам хоинликдан баттар ана шу лоқайдликнинг қурбони бўлгани унинг мурғаккина қалбини ларзага келтирган эди. Аламдан, ноҳақликдан самода учиб ҳайқиргиси, дод солгиси келарди. Айни замонда бу арз-фарёдга қулоқ соладиган одам йўқлигини у ҳали англамас эди.

Гап нимадалигини у хирмонбошининг ўзини тутишидан пайқади. Ўзи бу гапларни эшитолмайди. Демак, кимдир кўшиб-чатиб айтган. Бундан чиқади, хирмончилар орасида одами бор. Ким бўлиши мумкин? Бола Мардонкул билан Отакул махсумга яқинроқ ишлаган хирмончиларни кўз олдидан ўтказиб бошлади. Мум тишлагандай бўлиб, Салим совуқ уларга айланишарди. Ёки кулганда лабининг икки чети қулоғигача етадиган Ҳамдам хирмончи айтганмикан? Йўқ, у совет киму оқ подшо кимлигининг фарқига бормайди. Эшақдек ишлаб юраверади. Унинг хаёлида Салим совуқ айланарди... Гумони бор одамдек доимо кўзлари бежо. Эртаси куни у Салим совуқдан узоқлашди.

Одамлар Шариф носфурушдан ҳайиқиш нари турсин, шайтонлагудек даражада кўрқишарди. Райондан шапка кийгану киймаган орган ходими ўрласа, бас, у йўлбошчилик қиларди. Иложини топса, носини арзонроққа олган одамларнинг ҳам

## *Унутилган соҳиллар*

бошлаб танобини торттиргиси келарди. Ҳатто у билан ҳеч кимга сўзини бермайдиган Мустафоқул раис ҳам ҳисоблашарди. Носфуруш ғалла ўрими яқинлашди дегунча, хирмонбошилиқни сўраб, биттагина хонадан иборат колхоз идорасининг остонасига ўлармонлик қилиб ётиб оларди. Унинг кимлигини раис ҳам, ҳосилот ҳам, бошқалар ҳам билишади. Лекин бирор кимса унга қарши бош кўтаролмайди.

Калла солган кунинг итдан, кир ювган кунинг битдан, лаҳадга чўзилган кунинг эса Шариф айғоқчидан қутуласан, дейишарди кампирлар. Эркаклар бу гапни айтишдан азроилдан кўрққандек кўрқишар. Мардонқул билан Отақул махсумга ўхшаган содда ва тўпорилар унга "ем" бўларди. Бу билан у гўёки кимларнингдир олдида ўзини жонини жабборга бериб ишлаётгандек кўрсатарди. Бу дўлвор кишилар ҳам тўғрилиқларидан айтган гапларини бўйинларига олишарди. Улар шунчаки оддий гап учун жазоланишини хаёлларига ҳам келтиришмасди. Носфуруш ва унинг одамларига худди шундай кишилар керак эди, чамаси. Улар қанчалик кўп кишини жавобгарликка торттиришса, шу қадар ўзларини қаҳрамон каби ҳис этардилар.

Хирмон иши ҳам поёнига етиб қолганди. Мол қўйиб юборилган ангорларнинг аллақачон тақрири чиққан, сунбула кириб сув совийдиган кунлар яқинлашмоқда эди. Носвойчи минг бир ҳисоб-китоб билан хирмончиларга иш ҳақиға буғдой тарқатди. У гўё ўз ёнидан бераётгандек ҳаммага писанда қилар ва тарозининг тошини тарақлатиб, ҳуда-беҳудага бақириб-чақирарди.

Бола ўзига теккан икки пуд буғдойни қора байталга ортганча ғизиллаб келиб, уйга ташлаб кетди. Онаси қувончдан ўзини қўярга жой тополмасди. Ўғлига нима дейишини билмай, энги билан милтиллаб оқаётган кўз ёшини артарди. Ўғлининг бўйи ўсиб, мўйловлари сабза уриб қолганди. Оёқ олишлари ва келбати қўйиб қўйгандек отасининг ўзи эди.

— Тавба-а! — дерди аёл болага суқим кирмасин деган ўйда энгини қайтариб қўяркан. — Одам ҳам шунчалик бир-бировига ўхшайдими?! Унинг бунчалик отасига ўхшаб кетаверишидан

## **Нурли ҚОБУЛ**

---

юрагим ёрилиб ўлиб қолмасайдим! Боламни ўз паноҳингда асра, тангрим! Отасининг тупроғича умр бергин. Қасд қилганлар паст бўлсин, илойим!..

У сингиллари билан ангордан яна ярим пудча машоқ терди. Ялама бобо айтгандай олчанинг барги батамом тўкилиб, бор ташвиш-таҳликасини одамларнинг елкасига ортиб қиш кириб келди. Болаларнинг кийим-кечаги ва пойафзали йўқлиги тугайли қиш мобайнида ўқиш тўхтарди.

Уни Тайпоқсойдаги молхонага ишга юборишди. Шунда илк бор онаси ўкраб-ўкраб йиғлаганча отасининг авайлаб сандиққа солиб қўйган чакмони ва Ҳалим косибнинг қўлидан чиққан сағри этигини олиб берди. Отасининг жайдари қўзи терисидан тикилган телпаги сал каттароқ келганди ичига қалпоғини қўшиб тикди.

Тайпоқсой дашти тоғ ён бағри бўйлаб бир-бирига туташиб кетган қишлоқлар этагида, Сангзор дарёсининг кун ботиш томонида ястаниб ётарди. Қор қалин пайтларда у ерга бориб келиш гўр азоби эди. Шодибойнинг отхонаси деб аталадиган эски ва пастқам оғилхонада "Нурли қуёш" колхозининг қўшга қўшиладиган олти жуфт ҳўкизи боқиларди. Ўн икки ҳўкизга бир киши қараса ҳам, икки киши қараса ҳам иш ҳақи учун кунига колхоз тегирмонидан бир кило арпа уни бериларди.

Уни ферма мудирини Отажон қорасовуқли отига мингаштириб, Тайпоқсойга олиб келди. Уни Отажон перма ҳам дейишарди. Қор қалин бўлмаса-да, бетиним ёғарди. Дастлаб ёққанда ер музлагани учун қор остидан эримас, отнинг гоҳ олд, гоҳ орқа оёқлари тойиб кетар, Отажон ферма сўкиниб қўярди. Бораётганларнинг қорасини кўриб, оғилдан кимдир чиқди. Бу — саратонда тоғдан муз олиб келиб, мол бозорда яхдек сув соғадиган Ёрбек ўтинчи эди. У қават-қават яктак, чопон ва ағдарма чакмон кийиб олгани учун дум-думалоқ кўринар, авзойи бузуқ эди. Ариллаб гапиргани учун у кишини Дардар бобо дейишарди.

— Ар-р-р, болама-р-р, мен сени деб юрибман-ар-р. Сен бўлсанг кўчадан бери келмайсан-ар-р. Шуям инсофдан бўлдими-ар-р. Мана шу мол-қолнинг бари сеники-ар-р, — дерди у ўтганнинг ўроғига, кетганнинг кетмонига тегадиган ўғли Турсунпўлатни тергаган бўлиб.

Ўғлининг онасига кетиб қолмаслиги учун ундан ҳеч нарсани аямайдиغان Ёрбек бобо хотин зотига ёлчимамай ўтарди. Шу боис ўғли отасининг елкасига чиқиб олганди.

— Ҳорманг, Ёрбек ака, — деди Отажон ферма отдан тушмай.  
— Мана, сизга ёрдамчи олиб келдим.

— Ёрдамчи-пордамчининг кераги йўқ. Бўлди. Тилло берсаларинг ҳам боқмайман! — деди Дардар бобо қовоғини уйиб. — Одам олиб келиб яхши қилибсиз. Мен қайтаман, майли бир ҳафталик ҳақимни ҳам шу болага беринглар, — деди кўлини силтаб нимасинидир олмақ учун қайтиб оғилга кираркан.

Улар отдан тушиб, молхона томон юришди.

— Оббо акс чол-ей, тўнини тескари кийиб олибди-ку, — деди Отажон ферма отни томнинг бўғотидан чиқиб турган арча ёғочга боғлаб, ичкарига кираркан.

— Майли, Мустафоқулга айт, гўрковлик қилишга розиманки, лекин бу ерда қолмайман, — деди Ёрбек бобо белбоғини чакмони устидан маҳкам боғлагач. — Бўлар гап шу.

— Ҳеч бўлмаса бугунча қолинг. Эртага мен Каримнинг жўраларидан бирортасини олиб келаман, — деди ферма мудири унга эланиб.

— Йўқ Отажон, қолмайман! — деди у терсланиб.

— Қоласан! — деди Отажон ферма Ёрбек бобо ўзидан ўн-ўн беш ёш чамаси катта бўлса-да сенсираб. — Қани боқмай кўр-чи! Авлод-аждодинг билан Сибирга жўнаттириб юбораман! Ана кейин бориб у ерда қарағай боқасан! — деди кўнжидан қамчисини олиб гижимлар экан. — Шумо-шумо деса, чоринг билан тўрға ўтасан-а! Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига!

Дардар бобонинг дами ичига тушиб кетди. Ёш боладек маъюс тортиб, изза бўлганидан юзига бодраб чиққан терини арта бошлади. Отажон ферма хуржунидаги ярим пудча арпа унни эшик олдига ташлаб, отини ечишга киришди.

— Эртага келаман, — деди болага қараб. — Ўғри билан бўридан эҳтиёт бўлиш керак, — тайинлади отга минаётиб.

— Эртагаям қараб тураман! Агар одам олиб келмасанг, дорга остирсанг ҳам қайтиб кетаман! — деди Дардар бобо Отажоннинг орқасидан.

Отажон ферма жавоб бермади.

— Ҳе энангни оғзига қадай-ар-р! Итдан бино бўган-ар! — деди у отлиқ олислаб кетгач захрини ёзиш учун сўкиниб. — Куни кеча этагингни туғиб юрардинг-ар, ноинсофар-р! Сен зоти паст ҳали одамларни Сибир қиладиган бўлдингмиар-ар! Мана сенга, энаси байталар-р! Айлантириб келса ўша Исмоил тентакнинг боласисанда! Замон тўзиб, эшаклар отдан ўзиб, перма бўсанг бўпсан! Нурли куёшда перма бўган қамалмай қомаган. Отанг эди ошқовоқ, онанг эди носқовоқ, шу турку тароватингга от ўйнатиб, нозу-фироқ! Ҳе энангни...

Мудир билан гижиллашгани ўша заҳотиёқ унинг ёдидан кўтарилиб кетди. Чол чакмонини ечиб, офтобанинг остига ўтин қалай бошлади.

— Ўтир боламар-р, бир пиёладан чой ичайликар-ар, бу ёғи бир гап бўлар-ар, — деди кулга кўмиб қўйилган чўққа тутантириқ ташлаб пуфларкан. — Давлатнинг ҳўкизи бўлса ана, турибдиар-ар, жониворлар-ар. Фақат булоқдан сув ташиб келишни демаса иш, унчалик оғир эмас-ар-р.

Узун молхонанинг соғ тарафига беда ва сомон босилган бўлиб, шундоққина эшикнинг ўнг томонидаги похол тўшалган жой подачиларнинг ётоғи эди. Сўл томонда эса икки қатор қилиб ҳўкизлар боғлаб қўйилганди. Лойдан қилинган охурларни ер билан битта қилиб ташлайвергани учун ҳўкизларга харсанглардан охур ясалган эди. Молларнинг нафасидан оғил иссиқ бўлиб, тағи яхши тозаланмаганидан қўланса ҳид анқирди.

— Чой қайнагунча, булоқдан икки пақир сув олиб чиқсанг ҳам майли болам, — деди Дардар чол сомон похоли устига оғир чўкаркан. — Бир ой бўлди шу ердаман. Раиснинг юзидан ўтолмай келувдим. Қани энди жавоб берса. Бугун дейди, эрта дейди. Қаники бугун-эртаси битса буларди. Сигирим билан эшагим нима бўлди — билмайман. Ҳозирги замонда ҳар кимга ишониб бўладими? Иложини қилган ё бировдан ёки давлатдан юлсам, дейди. Бу давлат деганиям дарёдан сув бағишлаган чиқди. Анча-мунча нарсани ўмарсанг ҳам билинмас экан. Отанг қузғун, онанг қузғун, сенлар кимдан бўлдинг ўзгина! Кунимиз

## *Унутилган соҳиллар*

сатга дордан қочган иштонсизу ялангоёқларга қолди. Ҳар жойда ўлим барҳақ, Сибирга борсанг нақд, — дея қўшиб қўярди гап орасида соқолини силаб ўтинчи.

Гоҳида эса ўз-ўзига гингирлаб, хиргойи қиларди.

*Уй олма уйланурсан,  
Боғ олма бойланурсан.  
Сурув суриб дунё кез,  
Бой бўлиб бейланурсан.*

Бола молхонанинг қуйи тарафидаги булоқ томон жўнади. Булоққа очилган йўлдан икки челақни олиб ўтиб бўлмасди. Челақнинг бирини олдга, иккинчисини орқага қилиб, ёнламасига юришга тўғри келарди. Илиққина булоқдан кўтарилган ҳовур совуқ ҳавога сингиб кетарди. У чашмага яқинлашиши билан пириллаганча бир гала каклик тоғ тарафга қараб учди. "Сойларнинг суви совуқ, булоқнинг илиқ сувига келишган, — хаёлидан ўтказди у шувиллаб учиб бораётган каклик тўдасига ҳавас билан тикилиб. Ризқ-рўзини қаердан териб ейишар экан-а? Тоғолчаларнинг мевалари шундоқ қолиб кетади-ку, шуларни ейишса керак. Тоғда қанчадан-қанча жонивор бўлса, улар қандай кун кўраркин? Бу жониворларга ёрдам бериш керак."

У булоқдан узоқ сув таширди. Одатда қуруқ хашак еб ётган мол қишда ёздагидан кўпроқ сув ичади. Ариллаб эринмай эшикдан кириб чиқадиган Ёрбек чол икки кундан бери ҳукизларни суғормаган эди. Моллар ҳузур қилиб булоқ сувини симирганда бола ҳам ишидан мамнун бўлди. Тозаланмаганидан охурлар хас-хашак билан бирга келадиган тупроққа тўлиб кетган, солинган емиш мол оғиз уриши билан оёғининг остига тушарди. Кечга ётмай, Дардар бобони жини суймай қолди. Яккамоховлик ҳамма нарсадан ҳафсаласини пир қилган бу одам бир қорнини ўйлаб, тилига суяниб қолган эди. Лекин чол кечки тамадди учун қозонаки қотирмани бошлаб пиширганди. Бу тоифадаги одамларга бора-бора емак тайёрлаш ҳам малол келиб қолади ва охир оқибатда танҳоликда, азоб-уқубатда, ярим очликдан ўлади. Ёрбек ўтинчи хотини кетиб

қолгандан кейин яна тўрт марта уйланди. Албатта у бу беваларни бошқа қишлоқлардан олиб келди. Ўз қишлоғидан унга ҳеч бир аёл тегмасди. Гоҳида ўзига-ўзи ҳам ортиқчалик қиладиан бу одам ёлғизликка ўрганиб қолгани учун ҳамма хотинларини сиғдирмади ва нйҳоят, оч қорним, тинч қулогим деб ўйлаб, хотин зотидан абадул-абад юз ўгирди. Аёл зотини ўла-ўлгунча ёмон кўриб, кўзи тушса юзини тескари қиладиган ва саломига ўлганининг кунидан кўзини юмиб, бошини ирғиб кўядиган одат чиқарди.

Оқсоқол кечаси билан ариллаб, ҳангома берди. Улар ерни ўйиб, атрофи, шиббаданган ўчоққа ўт ёқиб, обжўш ичиб ўтиришди. Қуруқ арча ҳид таратганча чарсиллаб ёнар, оловнинг тафтига буришиб кетган юзини тутиб тебраниб ўтирган Ёрбек бобо вақти-вақти билан ўчоққа ўтин ташлаб турарди. Чол тоққа муз олиб келиш учун борганда кўрган қор қуртлари ҳақида ҳикоя қиларди.

– Бундай қуртлар ёзи иссиқ тоғларда бўлади, – дерди у тебранганча, болага бир қараб кўйиб. – Илгари замонда улар улоқдек-улоқдек бўларкан. Одамга қараб оғзини каппа-каппа очишаркан. Қара, бўлмаса қор дегани қандай тоза нарса. Эскирса шуюм қуртлаб кетар экан. Ҳозирги қуртлар бошмалдоқдек келади. Ичи тўла сув. Сал тегсанг ёрилиб кетади. Усти пиёзнинг пўстидан ҳам юпқа. Худонинг минг бир хил жонивори бор-да, бу дунёда. Эгаси шунинг ҳаммасини ўзига яраша ризқ билан яратган. Олло таолонинг олдида қулогимизгача гуноҳга ботган биз одамлар ҳам қурт-қумурсқадай гапмиз. Фақат гуноҳимиз кўп... Бу дунёнинг тутуруғи йўқ болам. Қирқ киши бир ён экану, қинғир киши бир ён экан. Одамлар шуни гапига юраркан.

Бундай сокин дамларда бобо тили тутилмай бинойидек ҳангома берар. Ойқорда бошидан кечган ғаройиб воқеаларни завқ билан сўзлар эди. Асабийлашса, ҳаяжонланиб аччиғи чиқса бир пасда елкалари учиб, оғзи кўпикланиб, ияги титраб ариллаб қолар эди.

Тун яримга бормай оғилхона атрофида гингшиб югуришган ва ҳансирашиб қувлашаётган овозлар қулоққа чалина бошлади. Улардан иккитаси шундоққина эшик олдига келиб сўлагини чалпиллатганча пишиллаб нафас оларди.

— Бўрилар, — деди чол сомон похолени қисирлатиб ағдариларкан. — Ҳар куни шу аҳвол. Саҳаргача молхона атрофида улишиб, айланишади. Жондордан шум махлуқ йўқ, улар бу ердан ҳақ ололмаслигини, бизда милтиқ йўқлигини ҳам билишади. Ўтган йили роса қизиқ бўлган. Ўша йили қишда ҳўкизларни боққан Мардонқул уларни чўчитиш учун тўртта ҳўкизни бўшатиб, эшикни очиб қўйган. Иккита бўри киргач, эшикни бекитган. Ана кўринг томошани. Бошқа ҳўкизлар ҳам ипини узиб, бўриларга ташланган десангиз. Икки бўрини ҳам ичак-чавоғини чиқариб, ёриб ташлашган. Мардонқул бўриларни терисини шилиб олиб, гўштини атайлаб жондорлар келадиган тарафга чиқариб ташлаган. Бўрилар бир-бирини гўштини емас экан. Эртасига бориб қараса улар ерни кавлаб, қор аралаш тупроқ билан иккисини ҳам кўмиб кетишибди. Қара шу қашқирлардаям меҳр-оқибат бор экан-а. Сангзорнинг этагида Ўмирхон қозоқнинг суруви қишлайди. Бу бўрилар ўшанинг битта-яримта ўламасини еб, масиқиб юришади. Ҳаммасининг қорни тўқ. Ҳозир ташқарига чиқсанг, эллик чоғли жондор бор-ов. Олов кўтариб чиқсанг, бас, орқа-олдига қарамай қочишади. Уч марта шундай қилиб ҳай-ҳайлаганча тириқтирдим. Бироқ ман кетсам силар бундай қилманглар. Бўри болани фаҳмлайди. Боладан кўрқмайди. Итам, бўриям ёвуз, бўрикўз одамдан кўрқади. Яхши одамдан итам ҳайиқмайди. Одамники кўявер.

Кўрқувдан унинг аъзойи-бадани музлаб қолган эди. Жондорларнинг гингиб ҳансираши шундоққина қулоғи остида эшитилиб турарди. Бу аҳволда чол кетгандан кейин қандай яшайди? Бўрилар дарвозани синдириб ёпирилиб кирса нима бўлади? Шу хаёллар билан узоқ вақтгача кўзи илинмади. Ёғочга ўхшаш пилта чойдан кўп ичганидан уйқуси келмаётган Ёрбек бобо тез-тез ағдарилар ва оғилнинг нариги бурчагига бориб, пешоб қилиб келарди.

— Бехосият овулда олашақшақ кўп бўлганидек, жондорларнинг сероблиги ҳам юртнинг нотинчлигидан. Бу ташвиш бир-икки йилда ўтиб кетадиганга ўхшамайди, — деди у урушни назарда тутиб, ўзича гўлдираб.

Тун ярмидан ўтганда жондорларнинг ҳалихлаб югуриши тинди. Лекин шовур-шувур тинмади. Яна қандайдир махлуқларнинг гингшиб, чийиллашгани қулоққа чалинарди. Уйкуси ўчиб кетган бола уларни ой ва қор ёғдусида дарвоза тирқишидан кўрди. Тулкилар жондорлар ғажиб ташлаган каттакон суяк атрофида уймалашарди.

– Ҳўкизларга хашак солсангиз ҳам бўлади, бўтам, – деди соқолига хас илашиб ётган Ёрбек бобо кўзини очмай. – Чойпой ичгандан кейин остини курайсиз. Баччағар бу бўрилар уйку бермади. Ҳар куни шу аҳвол-ар-р!

У молларга бир кучоқдан хашак ташлаб, сўнгра ташқарига чиқди. Ҳаво тоза, тоғнинг энг баланд чўққисидан тортиб Самарқандгача, Амир Темур мақбарасининг гумбазигача кўзга ташланиб турарди. Ҳар куни бир муддат куйган пиликдек теваарак-атрофни қизартириб, яна қорамтир булуғлар қаърига сингиб кетадиган қуёш тоғ бошини анор рангига бўяганди. Бугун кун илиқроқ бўлади, хаёлидан ўтказди у булоққа тушаркан.

Эртаси куни Отажон ферма мингаштириб келган ўспирин Носир омборчининг ўғли Ботир эди. Сариқ юзли, кўк кўзлари олазарак боқадиган, сийрак қошли, лаблари дўрдоқ, паст бўйли бу бола ўқишдан ҳам қочиб юрар, нима иш қилишини ҳеч ким билмасди. У ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқар ва ҳар ким билан тил топиша оладиган киришимли йигит эди. У тенгилар аллақачон фронтга кетган, унинг нега қолиб кетганлигини ҳеч ким сўраб-суриштирмасди. Бу Мардонқул хирмончи айтган ўша ўспирин эди. Ҳар қалай Носир омборчи вақти келса, ҳатто раисдан ҳам устун одам эди. Раис оғзи билан берса, у қўли билан берарди. Қўл эса қўлни танийди. Қишлоқда бу ҳақда кимдир кўшиқ ҳам тўқиган...

*Райком бово сўраб ейди,*

*Ижроқўм бураб ейди,*

*Раисқул талаб ейди,*

*Омборчи тилаб ейди,*

*Ҳисобчи йиғлаб ейди...*

— Энди қишлоққа бориб ўзинг бир кунда тўртта қабр кавлайсан! — деди ҳалиям қаҳридан тушмаган Отажон ферма.

— Нега тўртта қабр кавлайман-ар-р? — деди ҳайрон бўлиб Ёрбекнинг ҳам аччиғи чиқиб. — Нега ҳе йўқ, бе йўқ эрталабдан келиб одамнинг дилини хуфтон қиласан-ар-р! Сен айтган замонлар ўтиб кетганар-р! Перма бўсанг бўпсан-да-ар-р! Бу колхозда перма бўган қамалмай қомаганар-р! Кўрамиз эртага ўзингни аҳволинг не кечаркан-ар-р, — асабийлашди Дардар бобо. — Нега мен ҳар куни тўртта лаҳад қазир эканман-ар-р?

— Кунига очликдан нечта одам ўлса, шунча лаҳад қазийсанда! Бешта ўлса бешта, ўнта ўлса, ўнта! Ҳўкизни боқмадингми, энди бу ёғига чидайсан!

— Биратўла ўзимга ҳам қазиб, лаҳаднинг ичига кириб ётсам сендан қутуламанми-ар-р! Шунда мени тинч қўясанар-р!

— Бўпти, розиман. Кечаю кундуз ўша ерда лаҳадда тунаб, қабр қазийверасан. Уйга қайтиб келиб овора бўлиб юрмайсан! — деди Отажон ферма кулиб юборишдан зўрға ўзини тийиб.

— Сен мани мунча оёқ ости қима бала, қарғайман-ар-р! Кўлинг орқанга етмасин деб қарғайман-р! — деди қариянинг астойдил авзойи бузилиб. — Отанг қатори одамман-ар!

— Нима, сизга ҳазиллашиб ҳам бўмайдами? — гапининг оҳангини ўзгартирди ферма мудирини. — Ўзингиз ҳам осмондан келасиз, ахир.

Чол индамай нарсаларини йиғиштирди-да, еганидан қолган арпа унни белбоғига тугиб, пиёда йўлга тушди. У елкасини орқага ташлаб, ҳомиладор аёлларга ўхшаб кетиб борарди.

— Шошманг, мингаштириб кетаман, — деди оғилга кириб ҳўкизларни бирма-бир кўриб чиққан Отажон ферма.

Ёрбек индамай кетаверди. Отини йўрттириб чолга етиб олган Отажон уни қўярда-қўймай мингаштириб олди. Икки ўспирин гапни ёки ишни нимадан бошлашни билмай бир-бировига тикилиб туришарди.

— Энди оғайни тирикчиликни ташвишини чекамиз. Отажон перма қанча ун олиб келди, — деди Ботир бурчакдаги кандир халтачага кўз қирини ташлаб. — Бўш қоп тик турмас. Қозон қайнаб турмаса, иш юрмайди.

У кафтини бир-бирига ишқаб, юзидаги хавотирлик ва кўзидаги бежолликни ниқобламоқчи бўлгандай ўзини беғам ва хушчақчақ кўрсатишга уринар хаёли жойида эмасди. Бир нуқтага тикилиб турганча, гапираётган гапи эсидан чиқиб кетар ва маънос тортиб қоларди. Яқинда Сталинободга<sup>1</sup>, қандайдир каттакон ўқишга кетишини қайта-қайта писанда қиларди.

Ботир ундан уч-тўрт ёшлар чамаси катта эди. Носир омборчининг ўғли нега армияга бормаи юрганлигини Ботир биларди. Бироқ ўзини сезмаганга солди. Улар жондорларнинг увиллашидан этлари жунжикиб, бир неча кун ухлашолмади. Ботир эшик тиқ этса ўғринча тикилар, сомоннинг орасига кириб кетгудек бўларди. Бора-бора унинг ожизлигига раҳми келадиган бўлиб қолди. Ботир эса ўзи ҳис эта олмайдиган аллақандай бир ноҳақликдан гинғирлаб нолирди.

— Бизникилар ландавур, — дерди у ўчоққа ташлаб ўтирган чўпни асабий ҳолатда қайта-қайта синдираар экан. — Немис деганни тинчитиш шунчалик қийин бўптими? Фақат чекинишади. Жонинг чиқса ҳам ташлаш, ахир! Биринг ўлсанг, биринг қоласан-ку! Қўмондонларни ҳам тайини йўқ-да! Агар мен қўмондон бўлганимда, билганимдек қилардим! Улар советлардан жабр кўрганларга индашмас экан. Менинг амаким ҳам Сибирь бўган. Ҳисобга олишса керак! Жуда ҳисоб-китобли халқ дейишади. Худо хоҳласа уч-тўртта катта ўқишларни битириб олсак, бобой соғ-саломат турса, биз ҳам одам бўлиб қолармиз. Парво қима, оғайни, шунда ўзим сени қўллайман. Бир йигитнинг орқасидан қирқ йигит отга минади, укам. Қани энди челақларни олиб, бир мана бу ҳинд худоларини бир суғориб ташланг-чи. Мен сизга Амир Олимхоннинг аталасидан қилиб бераман...

Ўспирин унинг гапини тугатганидан хурсанд бўлиб, ўрнидан турарди. Ҳўкизларни кўздан кечириш учун райондан қандайдир кишилар келганда, Ботир ерга кирдим, осмонга учдим, ғойиб бўлиб-қолди. Уни ҳеч ким сўрамади ҳам. Улар

<sup>1</sup> Ҳозирги Душанбе.

шу билан жуда узоқ, қарийб ўттиз йилдан сўнг қамоқхонада учрашишди ва бирга ҳўкиз боққанларини эслашди. Ботир ҳибсхонага одам олиб келадиган конвойнинг бошлиғи эди.

Ҳўкизлар ёшгина болага қолганидан тавшиланган Отажон ферма эртаси кунини оломонлик Алламуродни эргаштириб келди-да, болани отига мингаштириб олиб кетди!

— Ёрбек бобонга кўмаклашасан. Одам кўп нобуд бўлиб, бир ўзи қабр кавлашга қийналяпти. Айтишларича, сени ҳам балодеккина бу иш қўлингдан келар экан, — деди Отажон ферма улар йўлга тушганда.

Шунда у ғалати бўлиб кетди. Онам нима деркин деган хаёлга борди. Лекин бош қотириб, эътироз билдирадиган вақт эмасди! Қишлоқда одам кўп ўларди. Дўхтур дегани анқонинг уруғи эди. Колхоз катталари буюргани учун онаси ҳам оғиз очиб бир нима демади! Бу оёқ-қўлли бола ёнига кириб, юки енгиллашган Ёрбек бобо эртаю кеч уни мақтарди. Қайтишда асбобларини уларникига ташлаб кетиб, лозим бўлганда келиб оларди. Бу иш учун ҳафтасига колхоз тегиримонидан икки гўрковга ҳам бир килодан арпа уни бериларди. Дардар бобо боланинг ўзи билан баробар ҳақ олганидан норози бўлиб гинғиллар, лекин юрак ютиб колхоз катталарига оғиз очолмасди.

Идорада содир бўлган бир воқеадан сўнг чол узоқ вақт изза бўлиб юрди. Раис чўпон-чўлиқ, аравакашу отбоқарларни вақти-вақти билан йиғиб мажлис қиларди. Шундай йиғинлардан бирига қатнашиб қолган Ёрбек бобо ҳе йўқ, бе йўқ ўрнидан туриб, раисга қараб гапира кетди.

— Ўртоқ раис! Биз ҳам ёрдамчим иккимиз ҳар кунини яхшилаб гўр қазияпмиз! Ўзингиз биласиз, ҳадемай қиш чилласи кириб, ер тошметин бўлиб қотиб қолади! Шунинг учун ер юмшоқроқ пайтида беш-ўнта гўр қазиб қўйсак дегандим...

Гуриллаб кулги кўтарилди. Раис уни сўкиб-сўкиб чиқариб юборди. Лекин одамларнинг кунини шу довдир Ёрбек бобосиз ўтмасди.

Боланинг ҳаётини ўзгартириб юборган бу воқеа у еттинчини

битираётганда, Сангзор бўйида, ўша ҳўкизларни боқиб юрганда содир бўлди. У дарёнинг кун ботиш соҳилидаги ўтлоқда ёйилиб юрган подани кўздан қочирмай сув ювиб турадиган қумлоққа тоғ ва одамларнинг расмини чизарди. Сўнгра сурат остига воқеанинг мазмунини ёзиб қўяр ва уни сув батамом ювиб кетгунча, мижжа қоқмай кузатиб ўтирарди. Дарё унингча бизникилар, қумдаги шакллар эса фашистлар эди. Дарё унга худди муаллимдек дарс берарди. У ўроқнинг учи билан сурат чизар ва майда тошчалар билан безарди.

Ўспирин ўзи томон келаётган отлиқларни сезмай қолди. Дарёнинг шовқинида отлиқларнинг шовури эшитилмасди.

— Ҳа, рассом, ҳорма? — деди баҳор кириб кунлар исий бошлаган бўлса-да, почта пўстинини ечмаган Мустафоқул раис.

Боланинг саломини отлиқлар лабини қимирлаганидан сезишиб, бош ирғаб алик олишди. Учала отлиқ ҳам бараварига қумга чизилган сурат ва ёзувларга тикилиб қолишганди.

— Болани ўқитиш керак, бундан одам чиқади, — деди раиснинг ўнг томонидаги оққуводан келган, телпак кийган елкадор одам шерикларига қараб.

— Меҳнаткаш, жилови соз бола, — жавоб қилди раис ундан кўзини узмай. — Ўша, сизни ўрнингизда ишлаган Усмон ижроқўмнинг ўғли...

Сур телпак, кулранг макентош плашч, аскарлар кийими рангида галифе шим кийган амиркон этикли оққуводан келган елкадор киши болага тикилганча қотиб қолди.

— Ўқишга одам сўрашаётганди. Юборсак борармикан? — деди раисга қараб.

— Ҳўкизни аёлларга боқтирсак ҳам уни ўқишга юбориш керак, — жавоб қилди Мустафоқул раис.

— Ўқийсанми? — сўради елкадор киши болани ёнига чақириб.

Ўспирин раисга қаради.

— Ўзи бўладиган бола эди. Мана, кўрасанлар, у ҳали отасидек ижроқўм бўлади, — дер эди дуч келганга Ялама бобо. — Ишқилиб тақдири ўхшамасин...

XIII

Шариф носфуруш ёз бўйи хирмонбошилиқ қилиб, қолган пайтда ўз касби билан шуғулланарди. Бозордан бозоргача носнинг таги мўл бўлиши учун на ўзи тинарди, на болачақасини тиндирарди. Ўзини носфурушларнинг пири санарди. Нос чекмайдиган одамларни эркак ҳисобламас, жини суймасди. Уларнинг нос отадиганларни ёқтирмаслигини, носкашни пасткаш деб, ижирғаниб қарашини биларди. Ҳаммасининг ичиқора, меҳнат қилиб пул топганингни кўролмади, деб ўйларди носфуруш ғазабини ичига ютиб.

У нос учун тамакини Самарқанддан олиб келарди. Шунинг учунми, Самарқандда ҳафталаб қолиб кетарди. Одамлар эса бунини бошқача талқин қилишар, носфурушнинг ўша ёқда тожик хотини бор, шунинг учун тамаки баҳона ҳафталаб уникида яшайди дейишарди. Туяни ютиб юборса ҳам думини кўрсатмайдиган, яхшидан ҳам, ёмондан ҳам нари юрадиган Шариф носфуруш эса бу гапларни ўзига юқтирмас, эшитиб эшитмасликка оларди. Унинг учун ҳаётнинг маъноси биргина нарсадан — пул топиш ва шу йўлдаги ҳузурбахш машаққатдан иборат эди. Сичқон семириб ботмон бўлмас, шу сассиқ носдан чақалаб топган пулдан одам бойирмиди, деб қўярди у гап орасида ўзини бечораҳол кўрсатиб.

Устидаги кийими тўзиб, ранги ўчиб кетгунча кияр, хотини бир амаллаб ечиб олганда эса бу эски чопон ёки яктақдан қайси боласига қандай кийим тикиш кераклигини тайинларди. У ҳар куни ёлғиз ўзи ўрик мағизи, ёнғоқ ва сояки қора майиз билан нонушта ва тушлиқни битта қилиб, баҳузур чой ичар, ҳар пайшанба кенжа гурунчдан ошни канда қилмасди. Мириқиб полов егандан сўнг қуйруқ ёғи ювилиб кетмасин дея шокосани тўлдириб сув ичарди. Товоқ тагида қолган ёғни мўйлов, қош ва юзларига суртиб, силарди. Унинг яна бир ғалати одати бор эди. Кўчада қўлига илинадиган нарса кўрса бас, тахтами, шохми, асқотиб қолар деган ўйда индамай уйига кўтариб келаверарди.

## Нурали ҚОБУЛ

Энг яхши кўрган машғулоти эса бола-чақасини ётқизиб қўйиб, кечаси пул санаш эди. Шиқирлатиб пул санаганда у ҳамма нарсани унутар, ғалати овозда хиргойи қилиб, чехраси ёришиб кетарди. У аввал ҳисоб-китоб ишларига хотинини ҳам йўлатмади. Кейинчалик унинг ҳатто пул санашни ҳам билмаслигини сезиб, хурсанд бўлиб кетди ва сандиқнинг калитини бериб қўядиган бўлди. Лекин у бари бир ўзича хотин сиригини билгани, душман учдан бирингни билгани, деган гапга амал қилар, сар берса-да, сир бермас эди.

Носфурушни икки воқеа шаҳарга кўчиб кетишга мажбур қилди. Бўлмаса у ота-бобосидан қолган чордеворда қариб чурирди. Нотинчлик йиллари ёлғон-яшиқдан қаматтириб юборган одамларнинг болалари бир куни кечаси тўйдан қайтаётганда роса дўппослашиб, Шодмон Ўрис дўм<sup>1</sup> бўлган йили буздирган мачитнинг ҳожатхонасига ташлаб юборишди. Носфуруш эрталабгача ахлатга беланиб, додлаб ётди. Бу гапдан кейин у икки йил кўчада кўринмади. Носни олғирликда отасидан қолишмайдиган, хотин-халажни кўрса кўз ўйнайдиган Шокир исмли ўғли сотарди. Носфуруш болаларига тишини оқини кўрсатмас, бола бешиқда, хотин тўшакда, деган ақида унинг учун хонадонни бошқаришнинг яккаю-ягона шарти эди.

Иккинчи воқеадан бир ҳафта кейин эса кўчини полуторка машинага орттириб, Жиззахга кўчиб кетди.

Бу воқеага ўлиб-тирилиб йиққан пуллари сабабчи бўлди. Бефаросат хотини сандиққа тахлаб қўйган плуларининг устига анор териб қўйган экан. Лат еб ириган анорларнинг суви чиқиб, пулларга ўтиб кетибди. Сандиқни уйнинг ўртасига олиб очишганда, носфурушнинг ҳушидан кетиб йиқилишига бир баҳя қолди. Аламидан хотинини бир мушт билан чўзилтирди. Пулларнинг тентг ярмидан кўпининг ранги бир-бирига ўтиб, яроқсиз бўлган, қолгани эса жиққа ҳўл эди. Аламдан бор овозда ҳўнграб йиғлаб юборди. Қуртавага тушган юпқадек шалпайиб ётган пулларни уйга ёйиб қўйди. Пул ёйиш билан овора бўлиб,

<sup>1</sup> Жиззахнинг тоғ қишлоқларида фуқаролар йиғини ранси "дўм" деб атаган.

тонг ёришганини ҳам сезмай қолди. Дўсту душманнинг кўзи тушмасин деган ўйда пулларни авайлаб белбоғига тугди-да, тонг қоронғусида гойиб бўлди.

У ҳаллослаганча дуч келганларнинг кўзидан паналаб, тўппатўғри Кўрғонтепага чиқиб борарди. Тепанинг усти теп-текис, бир сурув бемалол қўтонласа бўларди. Тўннинг ичидан белига тугилган нам пуллар оғиргина бўлиб, эзилиб кетмаслиги учун оҳиста қадам босарди. Битта-яримта одам келиб қолмасин деган ўйда тепаликни гир айланиб қараб чиқди. Инсон зотидан дарак йўқ эди. Ниҳоят носфуруш тепаликнинг қоқ ўртасига келиб, авайлабгина белбоғини ечди. Бир нечта йигирма бешталикнинг иккига бўлиниб қолганини кўриб, шом туби қоронғи бўлди. Худога қандай шак келтирган эдимки, мени бунчалик жазоламаса дея хаёлидан ўтди унинг таъби тирриқ бўлиб. Кўз тегди. Ҳамма унга кўзини тиккан, гўёки бу ақчани уларлардан тортиб олаётгандек.

Пулларни ажриқзорга ёя бошлади. Аввал юзталикларни, сўнгра эликталиклар, йигирма бешталикларни ёйиб, устига йўл-йўлакай териб келган тошчаларни бостириб чиқди. Терлаб-пишиб ёйиб бўлгач, сал нарироққа бориб, қуёш нурида товланаётган пулларга тикилиб, хўрсинди. Буни топиш учун бошини қай бир тошга урмади. Ўғирлик, гарлик қилди. Одамлар кўнглидан чиқариб бергандан кейин ҳалол-да. Қанчадан-қанча кишининг ҳожатини чиқарди, савобга дохил бўлди. Бу эгасига ҳам, бандасига ҳам аён. Эрта-кеч бошинг айланиб, сассиқ носвойга тикилиб ўтириш ва тамаки заҳрини ютиб, нос тайёрлашнинг ўзи бўлмайди. У бу пулларни бола-чақасининг ризқини қийиб, едирмай-ичирмай, бир кунимга яраб қолар, болаларим каттарса уйли-жойли қиламан деб, ўзини ўту-чўққа уриб топган.

Боланинг эса қаттиқчиликда ўсгани маъқул. Бўлмаса ҳавойиликка ўрганади. Ундан ташқари бу дунёнинг калити — соққа. Чўнтагингда соққанг бўлмаса, бу муттаҳам одамлар сени бир чақага олмайди. Пулинг жарақлаб турса, дўстинг ёнингдан узоқлашмайди, душман эса ҳайиқиб, яқининга йўламайди. Юзта сизу биздан битта жиз-биз афзал. Аҳмоқ аҳмоқ эмас, аҳмоқни аҳмоқ қилган аҳмоқ, дейдилар. Майли, у шунақа

аҳмоқ, пулпараст бўла қолсин! Бироқ, теварагидагилар ҳам ундан ақлли эмас. Худога шукурки, олтмишни қоралаб шу пайтгача ҳеч кимдан ақл сўрамади. Лекин кўпларга йўл-йўриқ кўрсатди, ақл бўлди. Одамларнинг айбини орган ходимларига айтган бўлса, давлат учун қилган. Юқоридан қамаш плани келган бўлса керакки, у бу юмушни бажарган. Шундай бўлгач, унда нима айб? Одам боласи бир бурда нон учун нималар қймайди. Кун кўриш учун қилинган ҳар қандай тирикчиликнинг айби йўқ. Бундан ташқари, замон ўзи шунақа эди. Одамлар одамларни емаса уйқуси кemasди. Бу ишни сен қилмасанг бошқа биттаси орага кириб, ўзингнинг ковушингни тўғрилаб юборарди.

Пулларга тикилиб ўтирган носфурушнинг хаёлидан отасининг чўнтагидан неча тийинлигини билиб бўлмайдиган эски чақани ўғирлаганида еган калтак ўтди. Ер бориб айтмасин, раҳматли отаси хасиснинг ҳам худо уриб, пайғамбар ҳассаси билан туртгани эди. Қорним очмасин дея, ҳожатхонага ҳам бормасди. Мен қўлим билан бировга бир нима бермаганман, тортиб ёки ўғирлаб олишса иложим йўқ дерди. Сўнгра у тепалиқдан кўриниб турадиган қишлоқ қабристонига қаради. Кўзи билан чамалаб дўппайиб турган эски қабрлар орасидан отасиникини тополмади. Худо раҳмат қилсин, деди юзига фотиҳа тортиб. Тупроқнинг олдида ҳамманинг тақдири бир. Ўлганингдан кейин калла почангни керакли жойларига тиқишсин. Тириклигида қўли устун бўлиб яшаб, даври-даврон сурмаган одам одамми. Шундай дейди-ю, маишатни ҳам ўрнига қўя олмаяпти. Бу пулларни болаларга ташлаб кетиб, уларга яхшилик эмас, ёмонлик қилган бўлади. Пешонасида бўлса бир кунини кўришар. Бунақа мўмай пул қўлига тушган одам меҳнат қилмай қўяди. Лекин улар бу пулларни билишади. Самарқандлик тожик хотинга ҳам ишониб бўлмайди. Уруғида савдогар одам борки, ундан эҳтиёт бўлган маъқул. Савдогардан хотин ҳам, дўст ҳам чиқмайди. Яхшиси, бирор овлоқ жойга кўмиб қўяди. Бир кун келиб ҳолдан тояр, носфурушликни қўяр. Шунда бу маблағ кунига яраб қолар. Бу нигоҳи ерга қадалган болаларидан ҳам ёруғлик чиқадиганга ўхшамайди. Ўзиям отасининг иззатини жойига қўйгани йўқ. Болалар ҳам

уни кафтида олиб юришмаса керак. Бойлик бор жойда ота-болалик ҳам насия бўлиб қолар экан. Сен ундан пулингни қўриқлайсан. У бўлса ўлишингни пойлайди. Бебақо дунё...

Носфуруш эрталабки ёқимли куёш нурида мудраб хаёл суриб ўтираверди.. Ердан чиқдими, осмондан тушдими, бирдан турган қуюнда кўз тикиб, сажда қилиб ўтирган пуллари жон киргандек тўзиб, хасдек учиб кета бошлади. У жон ҳолатда ўзини юзталиқ ва элликталикларнинг устига ташлади. Ён-веригаги қоғоз пуллар эса тўзғиди-кетди. Ётган жойидан кўзгалгудек бўлса, қолган пуллардан ҳам ажраларди. У пешонасини моллар журавериб қотириб ташлаган ерга урганча, хўнграб йиғлаб юборди. Тишлаб олган юзталиқ кўз ёшидан хўл бўлмаслиги учун уни оғзи билан кўйнига қистириб кўйди. Ўгирилиб оёғининг остидаги пулларга қаради. Фақат бешталиқ ва ўнталиқлар қолган эди. Носфуруш инграб юборди. Сўкинди. Беихтиёр, ерни муштлаганда, ўнг қўлнинг остидан яна бир неча пул учиб кетди.

— Шўрим курсин! Мен эшакка бу кунлар ҳам камлик қилади-и! Итдан бўлган қурбонликка ярамас! Сассиқ носдан топган пул шамолга учиб кетди-я! Энди нима қилама-ан! Додимни кимга айтаман! Шунча шармандалиқ етмаганмиди-я! Қандай қилиб бу пулларни териб оламан! Отинг ўчгур шамол! Тишимни кирини сўриб топган пулларимни қаёққа учуриб кетдинг-а? Ҳа, падарингга минг лаънат-а!

Шамол бир оз босилганда, остидаги сўлқовойларни шоша-пиша кўйнига тика бошлади. Намликдан ғози қочиб, титилиб кетган пулларнинг тенг ярми йиртилиб, уваланиб, яроқсиз бўлиб қолганидан фиғони фалакка чиққан носфуруш ўрнидан туриб, ҳаллослаганча шамол пулларни учуриб кетган томонга қараб югурди. Пешингача Кўрғонтепани гир айланиб, пул қидириб ҳолдан тойди. Учиб кетган пулнинг учдан бирини ҳам тополмади. Тепалиқ атрофида кўй-кўзи боққани бола-чақа ва район марказига ишга ўтадиган одамлар пайдо бўлгач, ич-дарди ичида, йиғламоқдан бери бўлиб, елкасини қисганча уйга қайтди. Ҳафта ёнига ҳеч кимни йўлатмай зах ерга бағрини бериб ётди. Озиб-тўзиб кетди. Бу пайтда одамлар ҳар куни Кўрғонтепанинг теваарак-атрофидан юзталиқ, элликталик,

ўнталик ва беш сўмлик пуллар топиб олишаётгани, бировлар ишини йиғиштириб қўйиб, эртадан кечгача қабристонда пул қидириб юргани ҳақида гапиришарди. Бу пуллар Шариф носфурушни ки эканлигини каттадан-кичик ҳамма билар ва қўшиб-чатиб бу гапни бир-бирига ҳузур қилиб айтиб беришарди.

Кўп ўтмасдан Шариф носфуруш кимсага қорасини кўрсатмай шаҳарга кўчиб кетди.

#### XIV

Усмонов ҳикоясини тугатганда ранги оқариб, беҳолгина шифтга тикилиб қолганди. Пешонасини қоплаган реза-реза тер икки чеккасидан оқиб тушиб, эрта оқариб-тўзиган сочи серажин юзига ғарибона тус берарди. Мен узатган совуқ чойни асабий қалтираётган қўлида аранг ушлаб, қуруқшаган оғзини хўллади. Эти қочиб, сўлган юзига, салқиган қовоқларига узоқ тикилиб бўлмас эди. Қараган кишининг беихтиёр, юраги ачишарди. Мен бу одам ҳақидаги гап-сўзлардан хабардор эдим. Бу номдор одам ҳақида барча қатори эшитган гапларим ҳар хил эди. Усмоновнинг изтироб акс этган кўзига тикилганча хайрли тун тилаб хонадан чиқар эканман, хаёлимда мантиқан бир-бирига зид ҳар хил миш-мишлар, айниқса, одамлардаги обрўли кишиларни бадном бўлишига ўчлик туфайли семириб кетган воқеалар жонланарди.

Тун ярмидан оққан эди. Эшитган гапларим юрагимга сиғмасди. Учи-қуйри йўқ теп-текис кенгликда тинимсиз юргим, вужудимни ларзага келтираётган ғуссаларни даштудалаларга айтгим келарди. Қоровул Эшмурод партизан йўлкалардаги чироқларни ўчирган, ой ёғдусига кўмилган дарахтзор сирли товланарди. Ёғ суртилгандек ялтираётган нок баргларига тикилганча ҳамқишлоғим тақдирини ўйлардим. Одатда, бир қишлоқдан бирорта таниқли киши чиқиб қолса, бас, одамларга худо беради. Тўю аза тугул тўрт кишининг боши бирикса ҳам гап ўша одамдан бошланиб ўшанда тугайди. Умри бўйи кўзи кўзига тушмаган кишиларнинг зоти ҳам ўша одамнинг аждодларига бориб тақалаверарди. Қишлоқнинг майда-чуйда амалдорлари йўлини топиб, унга хизмат қилишга киришадилар. Гоҳида эса номини сотиб, бемалол ишларини битириб

## *Унутилган соҳиллар*

кетаверадилар. Деярли барча ҳамқишлоқлар ундан саховат ва каромат кутади. Аслида эса у ҳатто ўз қавм-қариндошларининг ҳолини сўрашга ҳам вақт тополмайди. Ниҳоят, норози бўлган қишлоқдошлар уни беоқибатлик ва ўзларига қайишмасликда айблайдилар. Агар у ўз ёнига битта-яримтани тортган бўлса ҳам бу одам қишлоққа у ҳақдаги бўлар-бўлмас гапларни ташийди. Усмонов Самарқандда ишлаб юрганда олдига ўнинчини битирган ўғлини эргаштириб, мункиллаб қолган Эгамберди бобо борди.

— Ўғлимни одам қилиб бер, Каримжон. Мендан қайтмаса худодан қайтар, — деди чол ер билан битта бўлиб.

У қариянинг раъйини қайтара олмади. Ўғлини Қишлоқ хўжалик институтига ўқишга киритиб қўйди. Ўқишни тугатгач, илмий иш қилиши учун институтда қолишга кўмаклашди. Қишлоққа бир келганида эса синглиси Ойнисадан Эгамберди бобонинг ўғли Арслон эридан уч минг сўм олиб, ўғиллари Азаматни ўқишга киритиб қўйганлигини эшитди. Усмоновнинг меҳмонлари ва катта-кичик хизматларига кетадиган сарф-харажат учун Арслон ҳар йили беш-олти нафар болани олий ўқув юрғларига жойлаб қўйишини эшитиб, ҳангу манг бўлди. Болага ёмонлик қилмади-ю, хотинига уни уйга бошқа йўлатмаслигини тайинлади. Усмонов энди у билан гаплашиш бефойдалигини, поранинг таъмини олган одамни бу йўлдан қайтариб бўлмаслигини тушунди ва шу билан ўзининг кўнгилчанлигига ҳам аза тутди. Институт раҳбарларини бу воқеадан огоҳ этиб, ҳушёрликка чорлаш ҳам фойда бермади. Уларга худди шу тоифадаги кишилар керак эди. Улар бу хил одамларни қўлидан иш келадиган, уддабурон деб биладилар.

Усмонов бундай одамларнинг биттасидан қутулса, мутлақо ўйламаган жойдан иккинчиси пайдо бўларди. Улар Усмоновнинг ўша фалокатга дуч келгунга қадар атрофида хира пашшадек айланишди.

Усмонов қишлоқдан жўнаб кетгандан кейин зооветеринария техникумида, сўнгра Москвада, қишлоқ хўжалик академиясида ўқиди. Унинг студентлик йиллари оғир кечди. Тун бўйи вокзалда кўмир ёки цемент тушириб, эрталаб дарсга

## *Нурали ҚОБУЛ*

---

етиб келарди. Қиш ойларида эса иссиқхоналарда гўлаҳлик қилар, чарчаганидан дарсда ўтирганча ухлаб қоладиган пайтлар ҳам бўларди.

...У ҳафтада икки-уч марта вокзалга юк тушириш учун боришини Раънодан яширарди. Ишлаб топган маблағига яшар ва стипендиясини онаси билан кенжа синглисига юборарди. Раъно йигитнинг кечалари қаёққадир кетишидан ташвиш чека бошлади. Ниҳоят бир кун кечаси уни кутишга жазм қилди. Қариндоши келиши кераклигини баҳона қилиб, қоровул кампирнинг ёнида ҳақ деб ўтирди. Тонгга яқин тўрхалтасини орқалаган, зўрға оёғини кўтариб босаётган Карим ётоқхона эшигини қоқди. Тўрхалтада картошка бор эди. Йигит чангга беланган уст-бошидан уялиб кетди. Эшикни очган Раъно дабдурустдан уни қаёқдан келаётганини англай олмади. Нима дейишини билмай, бармоғини тишлаганча қотиб қолди. Қизни учратишни хаёлига ҳам келтирмаган Карим ҳам каловланиб, остонада серрайиб турарди.

Уйқуси бузилавериб ўрганиб қолган кампир ғудраниб, ағдарилиб ётди. Улар хонагача гап-сўзсиз кўтарилишди.

– Ҳамхонам йўқ, юринг бизникига, – деди Карим унга чарчоқ нигоҳда ғамгин термилиб. – Қўйинг, ифлос, ўзим юваман, – гапида давом этди ечган кийимларини йиғиштираётган қизга.

Шу-шу ишга кетган кунлари у қайтмагунча Раъно мижжа қоқмайдиган бўлди. Унинг кўмир чанги сингиб кетган кийим-кечакларини ювиб, дазмоллаб кўнгли жойига тушмагунча боши ёстиққа тегмасди.

Уйлаб қараса энг бахтли кунлари ўша, картошкани қуруқ сувда қайнатиб, иштаҳа билан еган дамлар экан. Яхшидир, ёмондир сувлар оқаверар, умр ўтаверар экан...

Тақдир унга Раънони дуч келтирмаганда, бу қадар қунт ва сабот билан илмга берилмаган бўлармиди. Бу ғамгин ва гўзал қиз унинг одамлар ва ҳаётга бўлган муҳаббатини аланга олдирди. Қалбида келажакка ишонч, яшашга иштиёқ умидини туғдирди. Қиз йигитни узоқроқ кўрмаса бетоб бўлиб қолар, тун бўйи мижжа қоқмай кўз ёши қилиб чиқарди. У шу пайтгача

бундай табиий ва содда инсонни учратмаган, шундай йигитга дуч келаман деб ўйламаган эди. Йигит эса бу қадар юмшоққўнгил, оғзидагини бировларга тутиб ўзи оч ўтирадиган, ҳамма нарсага ақли етадиган қиз ўзига насиб этишини тақдирнинг инъоми деб билди. Бу икки кемтик қалбнинг висол гўшаси, ўқув юртининг кутубхонаси эди.

Одам бу қадар содда ва оққўнгил бўлмаслиги керак. Бундай одамлар охири бир кун хор бўладилар ва ҳамма уни унутиб, ҳаётининг сўнгги кунларини ғарибликда ўтказадилар, дея ўйларди у ўзича. Қалбида болалигини бир умрга сақлаб қолган даҳолар ҳам ўз-ўзини фаол ҳимоя қилмас, курашмас эканлар. Моцарт ёки Цветаевадек умумий қабрга кўмилиб, муносиб ўлим тополмайдилар.

У ўзининг ночорлигидан, уст-бошининг юпунлиги боис учоворадан қочар, қизларга яқин йўламас, улар гап ташлаганда эса ёш боладек қизариб, сўзидан адашиб кетарди. Илк бор учрашиб гаплашганларида ҳайрат ва хижолатдан иккиси ҳам ўзини йўқотиб қўйди. Йигит унинг олдида ҳатто чуқурроқ нафас олишга ҳам ийманар, қиз эса бошини қуйи эганча, дами ичига тушиб ўтирарди. У пайтда поезд Москвага бир неча кун юрарди. Улар бир купеда ўтиришар, беихтиёр, кўз-кўзга тушар ва нима ҳақидадир гаплашишга тўғри келарди. Болалигидан яхши-ёмон воқеаларни олдиндан сезадиган юраги тақдир бежизга бу қизни унга юзма-юз этмаганидан башорат қиларди. Илк бор кўз-кўзга тушиб, сўзлашганларидаёқ иккисида ҳам бир-бирига нисбатан раҳм-шафқат ҳисси уйғонди. Худди шу дақиқадан бошлаб ҳаёлида муҳаббат шафқатдир деган фикр айланаверди. Бу ғоят самимий ва содда одамларда бўладиган ва киши бошига кўп ташвишлар келтирадиган хислат эди. Раъно болалар уйида тарбияланган, ҳеч кими йўқ етим қиз эди. Шу-шу улар бир-бировини кўрганда ўзларини унутадиган бўлдилар. Бу меҳр-муҳаббат ва сеҳрли туйғулар оғушида улар узоққа, жуда узоққа парвоз қилдилар. Инсон ва садоқатли умр йўлдоши сифатида бир умрга бутун қолдилар.

Эр-хотин айримларнинг устиларидан зимдан кулишларини сезишарди. Одамлар уйим-жойим, бола-чақам, қариндош-уруғим ва ёру биродарим деб юрганда улар тўғри ва ҳалол

ишлашни ният этиб аввал кулги, сўнгра масхара ва охир-оқибатда шарманда бўлдилар. Тақдирнинг бу қадар чаппасига айланиб кетганлигидан эр-хотин ўзига келмаган, ярим карахт ҳолда яшардилар.

Бироқ улар жуда кўп одамларнинг ҳаётини изга солиб юборишга бош-қош бўлдилар. Кўплаб муносиб ва номуносибларга мадад қўлини чўзишди. Энди эса буларнинг юзтадан биттасигина бу яхшилиқни эслайди. Шунақа бўларкан, ёв ёқадан олганда, ит этакка тармашаркан. Инсон феълида шундай қусур бор, ўлиб-тирилиб чиққан тепалиги бир кун келиб кўзига шунчаки текис ердек кўринади. Бир кун келиб шу тепаликка чиқишга ҳам қурби етмай қолгандагина у буни англайди. Унга қадар эса ўзининг ярим ҳақиқатдан иборат аҳмоқона хаёлларига банди бўлиб яшайверади.

Соғлиги туфайли тўю маъракаларга кўп бормайдиган Усмонов ўзи ясаб олган ирғай таёғини белига қўйиб, икки қўлини осилтирганча, тоққа қараб кетарди.

Туркистон тизмаларига тикилганча кўзидан сел бўлиб ёш қуйиларди. У узоғи билан беш олти йилдан кейин худди шу ерда ўтириб олиб, ўша тоғларга, кўз илғамас адирларга, тўлғониб оқаётган она Сангзорга мана шундай тикилиб ўтира олмаслиги, инсон умрининг қисқалиги ва у шу қуш уйқусидек ҳаётининг барбод бўлганлиги учун кўз ёши тўкарди. Умр интиҳоси шундай – бир кун келиб, инсон она заминига қўшилиб кетади-да, ердан гиёҳ ёки дарахт бўлиб униб чиқади. Одам бўлиб она ердан, ота юртдан узолмаган қарзини балки ўт-ўлан бўлиб узар... Усмонов бундай дақиқаларда карахт бўлиб қолар ва алланималар деб гўлдираганча анчагача ўзига келолмасди. У тоққа ўрлаши билан вужудини қамраб оладиган ва уни гунг қилиб қўядиган туйғудан ўйга чўмиб юраверарди. Токи чехраси очилиб гапирмагунча хотини ҳам унга оғиз очмасди. Кузда эса эртадан кечгача хазонрезги боғларини, тоғ этагидаги ёввойи олчазорни кезарди. Қовжираган япроқларни қисирлатиб босганда вужуди ором олиб, танаси яйрагандек бўларди.

Кунлар эса оғир ўтарди. Бургут қариганда сичқон овлагандек у майда-чуйда, яхши-ёмон гаплардан хурсанд ёки хафа бўлиб яшарди. Тошкентда яшаётган ўғлидан ёки Самарқандга тушиб

## *Унутилган соҳиллар*

кетган қизидан ҳар гал хат олганда ичидан тўлиб-тошиб йиғи келар, хотинини кўзини пана қилиб кўнглини бўшатар ва шундан сўнг анчагача ўзини енгил ҳис этарди.

Эслашга арзигулик ҳамма нарса — болалик ҳам, талабалик йиллари ҳам, уруш азоб-уқубатлари-ю, илм йўлидаги изланишлар, севги изтироблари... Мансаб шоҳсупасининг ҳавоси-ю, бу вақтда қилинган хато ва янглишишлар, энг яқин олиб, ардоқлаб юрган кишиларининг сўнгги дақиқадаги хоинликдан баттар бетарафлиги... Чет элдаги бир неча йиллик завқли меҳнат ва катта ишонч билан у ердан қайтиш... Ниҳоят шармандаларча барҳам топган карьера. Ҳамма-ҳаммаси кино тасмасидек кўз олдидан ўтар ва қаршисида ўзининг уқувсиз рассом чизган портрети намоён бўларди. Нега бу аҳволга тушдим дея, ўзига савол берар ва қилинган тухмат ва бўҳтонларни мунчоқдек ипга тизиб чиқарди. Бироқ онангни қози зўрласа, арзингни кимга айтасан?!

Усмонов бахтсиз кексалик ва умр сўнггидаги омадсизликдан чўкиб борарди. Танасидан эт қочиб, кийимлари ҳам ҳалвираб қолганди. Уддабурон хотини эрининг барваста гавдасига илгари зўрға сигадиган кийимларини сездирмай кичрайтириб кўяр, гоҳида у буни пайқамай, наҳотки илгари ҳам шундай озғин бўлган бўлсам дея ўйларди.

У туғилган қишлоғи Сутлибулоқдан уч чақиримлар чамаси берида, район марказида яшарди. Шу ердан арзонроқ бир уйни сотиб олишган эди. Унинг она қишлоғидан илинжи қолмаган, у туғилган уй эса бузилиб кетганди. Одамлар Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши муносабати билан қайта-қайта кўчирма қилинганлиги туфайли қишлоқда совхознинг мол-ҳолига қарайдиган кишилар ва кексаларгина қолишганди. Сутлибулоқни тенг иккига бўлиб шарқираб оқадиган Каттасой тоғ этагидаги биринчи тегирмонга етмасдан бурун қувурларга солиниб, район марказига олиб кетилганди. Бир пайтда барқ уриб яшнаб турган кўм-кўк Сутлибулоқ қишлоғи одамларнинг кўз ўнгида сувсизликдан қуриб, қиёфасини йўқотиб боради. Одамлар гоҳида ичишга ҳам сув топишолмасди. Сой суви билан юрадиган саккиз тегирмон ҳам харобага айланиб, дайди эшаклар соялайдиган масканга айланганди.

Адир айланиб юрган Усмонов кунларнинг бирида ўша — хирмонда бирга ишлаган эллигинчи йиллар охирида оқланиб қайтиб келган Отақул махсумникига кириб борди. Махсум одмигина кийинган, лекин келбатидан катта охурдан ем еган одамга ўхшайдиган меҳмонни илиқ қаршилаб, юзига узоқ термилди.

— Мени танимадингиз-а, Отақул ака? — деди ҳаяжонини зўрға босиб Усмонов махсумга ғамгин табассумда тикиларкан.

— Эс-хушни ҳам, кўз нурина ҳам керакли жойга ташлаб келганмиз, иним! Узр, танимайроқ турибман.

— Мен Каримман, Усмон ижроқўмнинг ўғли. Сиз билан бирга хирмонда ишлагандик...

— Эҳ-ҳа-а!.. Обком бўлган Карим-а?

— Ҳа!

— Ёпирай! Тушимми бу ўнгимми? Бу кун ҳам, ғанимат! Келинг, Каримжон, ўғлим, бир кучоқлашайлик! Яна қачон бир-биримизни бағримизга босамиз, буни худо билади, иним...

Отақул махсум кўзига ёш олди. Усмоновнинг ҳам кўнгли бузилди. Улар анчагача кучоқлашиб турдилар.

— Охир бир кун келишингизни билардим. Шу пайтгача йўлингизни кўзим тўрт бўлди, — деди Махсум хириллаган овозда.

— Отангиз худо раҳматли Усмонжон билан ўша ёқда кўришгандик.

Шуларни сизга айтаман деб ўйлагандим. Оёғингиз узангида турганда бизни ҳам, қишлоқни ҳам унутдингиз, иним. Қишлоқни қай аҳволдалигини кўриб турибсиз. Сиздек битта-яримта обрўли кишилар ўз киндик қони тўкилган жойдан хабардор бўлиб турганда ноинсоф район катталари ҳам бу томонларга ўнг кўз билан қарармиди деб ўйлайман. Менинг таъналаримдан хафа бўлманг, иним. Бугундан эртага нима бўлиши биз, боши юмалоқ, бути айри одам боласига қоронғи. Юрагимдагини сизга айтиб қолишим керак. Олдин келган олдин кетсин, илоҳим. Лекин она юртингдан файз қочганлигини кўриб туриб кўз юмиш азоб экан. Хабарим бор, сизнинг дардингиз ҳам қаттиқ. Начора, бир тўлган бир сочилади, дейдилар. Одам боласи азалдан бир-бирига бўри. Бунинг ҳаммаси тўқчиликдан. Илгари одамлар йўқликдан бир-

бирини бошини еган бўлса, энди эса тўқликдан. Чидашдан бошқа чора йўқ. Ютсанг, ютасан, дейдилар. Дунё шунақа, ҳамманинг ич дарди ичида. Силтаб ташланг иним...

Махсум ҳақ эди. Чанқаган Усмонов бостириб чой хўплаганча, мезбонни тинглаб ўтирарди.

— Ўша ёқда тишдан ҳам ажралдик. Саримсоқ емаса тиш тўкилиб кетаркан. Нонни ҳам ивитиб ейман. Тишинг бўлмаса овқатнинг мазасини ҳам билмас экансан, — жаги ўйнаб гапирарди Махсум чордана қурганча, дастурхонга тикилиб. — Раҳматли Усмон ижрокўм билан уч кун бирга ертўлада яшадик. Отангиз билан анча ҳамсуҳбат бўлган бир озарбайжон врач бизга қарарди. Улар бирор йил чамаси бирга бўлишган экан. Қучоқлашиб, йиғлашиб кўришдик. Мен сизни хирмонда ишлаётганингизни, кап-катта йигит бўлиб қолганингизни айтдим. Ўшанда суюнганини кўрсангиз, бечоранинг. Кўзини мендан узмайди. Кийимларимни ҳидлаб йиғлайди, бояқиш. Сизнинг афт-ангорингизни қайта-қайта сўрайдилар. Қишлоқдаги ҳаммани номма-ном сўраб чиқдилар. Сизлар ҳақларингизда бирорта янги гап айтишимни кутиб кечаю кундуз, мижа қоқмай оғзимни пойлардилар. Ертўлага ўхшаган узун бир уйда юз чоғли одам саржиндек бўлиб ётардик. Чалқанча ётсак йигирматача одамга жой етмай қоларди. Команда билан бир ёндан иккинчи ёнга ағдарилардик. Орамизда Абдулла Қодирий деган ёзувчи ҳам бор эди. Мен эсимни таниб, бундай авлиё тахлит инсонни кўрмадим. Одамлар ихлос билан уни қўлидан ўпишарди. Мен саводсиз ўша пайтда у кишининг кимлигини қайдан билай? Махбуслардан олти киши пиллагра деган касал билан оғриди. Тери кесакка ўхшаб, уқаланиб тушаверар экан. Овқатда қай бир витамин етишмаса шунақа касалга чалинар экан, киши. Булар орасида ўша Қодирий ҳам бор эди. Олиб чиқиб кетишаётганда, у бирданга орамиздаги бир кишига ўтирилиб, яқин келди.

— Сиздан мохорка олиб чекувдим. Ҳақиқа мана шуни олинг, — деди у бир кулча совунни қимтиниб узатганча. Сўнгра кўярда-қўймай совунни ташлаб кетди. Уни кетаётганидан ҳамма хурсанд эди.

— Яхши бўлди, Абдулла ака, энди уйингизга борасиз! — дейишди одамлар унга ҳавас билан тикилишиб.

— Йўқ, бормасам керак, — деди Қодирий ғамгин қиёфада маъюс нигоҳини бизга тикиб.

Ана одамнинг метин иродалиси. Энди билсак, у қайгули нимтабассум билан ўлимга кетаётган экан. Ертўладаги ўнлаб одамлар унинг учун жонини беришга тайёр эди. У Усмон акани ёнидан қўймасди. Иккаласи газал ўқишиб, қоғоз қоралашарди. У киши кетгандан сўнг орадан бир кун ҳам ўтмади. Кечаси келиб Усмон акани ҳам олиб кетишди. Ҳафтадан кейин эса қолган қирқ чоғли одамни эшелонга солиб жўнатишди. Ўн йил ит азобида яшаб, оқлангандан сўнг қайтиб келдим. Кўплар Қозоғистон даштларида сувсизликдан ўлиб кетди. Митанинг ёмони тегирмондан бутун чиқади, дегандай, ажали етмаса одам ўлмас экан. Шу юришимга ҳам ишонгим келмайди. Қайтмоқдан умидни узган эдим. Гоҳида босинқираб уйғонганимда тушимми-ўнгимми деб пайпасланиб, у ер-бу еримни ушлаб кўраман. Худога шукур қилиб ёқамга туфлаб қўяман.

— Таниқли одамлардан яна кимлар билан бирга бўлудингиз? — сўради Усмонов махсумнинг ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлган юзига тикилиб.

— Кўп эди бундайлар. Мен уларни кўпини билмасдим. Ёнгинамизда юрган одам бирдан йўқолиб қолар ва шунда унинг кимлигини айтишарди. Дунёда саводсизликдан катта гумроҳлик йўқ экан. Борди-келдини фарқига бормасанг, учоворага ҳам қўшилолмас экансан. Воқеалар вақти-вақти билан эсимга тушади. Қариганда одамнинг мияси суюлиб, сув бўлиб кетади дегани тўғри экан. Бировдан бирор гапни эшитсам аста-секин шунга ўхшаш воқеалар ёдимга тушади. Эсимга келганда айтсам айтдим, бўлмаса яна хотиримдан кўтарилиб кетади. Мен билан Осип Мандельштам деган бир жухуд ёнма-ён ётарди. Бечорани қалтаклаб ўлдиришиб, ахлатхонага элтиб ташлашди. Кейин билсак, Исталин ҳам тан берган зўр ёзувчи экан. Бу гапларни энди айтяпман. У пайтда бир гапни сўраб-суриштириш, бировни тарафини олиш ҳақида ўйлаб ҳам бўлмасди. Хўп кунларни кўрдик-да. Ўйлайвериб, бошим тарс ёрилгудек бўлиб кетади. Ўн икки йил нега ўша ёқларда итдек сарсон-саргардон юрганимга худо ҳақи ҳалиям ақлим етмайди. Йигирма йиллаб азоб чекиб ётганлар бор. Нега юришганини ўзлари ҳам, лагерь мутасаддилари ҳам билишмайди. Шундай дейману ношукурлик қиляпман деб,

Ўзимни ўзим койийман. Нима бўлсаям, ҳар қалай қайтиб келдим. Бировдан олдин, бировдан кейин юрибман. Ўлсам жасадимни ота-бобом хоки ётган тупроққа қўйишади-ку, дейман, ўзимга таскин берган бўлиб. Мен билан бирга кетган Мардонкул бечора қайтиб келмади-ку. Бизни шу ернинг ўзидаёқ айри-айри олиб кетишган эди. У мендан тилли-жағлироқ эди, бир амаллаб кунини кўриб юрган бўлса керак деб ўйлардим. Уйинг куйиб, хонанг тутагир Шариф носфуруш ишимизни қилган экан. Мушукжардан учиб ўлган одамёввойи Салим совуқ кўзи ер чизиб атрофимизда ўралашиб юарди. Ҳамма гапни оқизмай-томизмай носфурушга етказаркан. Бу хизмати учун эса Шариф унга яширинча бир пуд, ярим пуд галла, нос бераркан. Қайтиб борсам носфурушни қўйдек қилиб сўяман, деб қасам ичгандим. Ёш кетгандан кейин одам кўрқоқ бўлиб қоларкан. Кўлим бормади. Гапнинг очиги, турма жонимга тегиб кетганди. Давлатга эса сен ашаддий ўғрини ўлдирасанми, пашисдан беш баттар одамхўрни ўлдирасанми — бари бир. Олиб бориб тиқиб кўяди. Тақдири азал деб шуни айтар эканлар, иним. Қаттиқчиликни тортавериб, бу бош тошга айланиб кетди. Ҳар хил одамларни кўраверсанг ҳам, вали бўлиб кетаркансан. Ёмон кунлар яхши бўларкан-у, бироқ ёмон одам яхши бўлмас экан. Орамизда минг бир феъл киши бор эди. Ёмонни турмаям, сургунам, калтакам тузатолмас экан. Қотилга муқаддас жой ҳам, нарса ҳам бўлмагандек, ёмон нариги дунёдаям яхшининг ҳисобига кун кўраркан... Сизга яна бир гапни айтмоқчи эдим. Хоки бўлмасаям онангизнинг қабри ёнидан отангизга ёдгорлик қўйинг! Рухлари ёнма-ён яшасин! Номи ўчиб кетмасин! Ҳа айтгандай, охириги кўришганимизда у киши "Қишлоқни, болаларимни эсласам юрагим сув бўлиб кетяпти Отакул ака" дедидар.

Сталин вафотидан анча ўтиб, ноҳақ отилган ва қамалганлар оқлана бошлангач, Усмонов Москва ва Тошкент архивларидан отасининг тақдирига оид ҳужжатларни суриштирди. Отасининг Сибирда вафот этаганлигини аниқлади. Лекин қабрини топиш мумкин бўлмади. У қишлоққа қайтиб келгач, Отакул махсумнинг маслаҳати билан отасига ҳам ёдгорлик ўрнатди.

Отасининг ҳибсга олиниш ва Сибирга жўнатилиш тарихини

билгач, у анчагача ўзига келолмай юрди. Усмон ижроқўм вилоят марказидаги бир йигинда пахта планини бажаролмаган колхозларда одамларнинг кўрпасидаги пахтани давлатга топширишга мажбур этиш нотўғри эканлигини айтган экан...

Отақул махсум шундан сўнг кўп яшамади. Лекин оёқ узатгунча қадар тилдан қолмади. Усмонов ҳафтада бир марта чолникига бош суқар, суҳбатини оларди. Сўнгги кирганида қариянинг хаёли ўзида эмас эди. Бурнининг тагига келиб, гапирмагунча Усмоновни танимади.

— Эҳ-а, сизмисиз Каримбой. Келинг! Мана бу ёққа ўтинг. Аҳволингиз яхшими? Келин яхши юрибдиларми? Бола-чақа, эшик-эли дегандай?.. Ҳа-а, омин, кенг феъл, кетмас давлат берсин. Хуш келибсиз!..

Бош ирғаб ўтирган Усмонов Махсумнинг нега бунчалик бафуржа ҳол-аҳвол сўраганидан ҳайрон бўлиб, чолнинг қони қочган юзига тикилди. Махсум меҳмон билан сўрашаётган бўлса ҳам хаёли бошқа ёқда эди. Теварак-атрофга алангласа-да кўзи ҳеч нарсани кўрмаётгандек эди. Чўзинчоқ чеҳраси сарғайинқираб, сийрак соқоли пахмайиб турарди?

— Афтимдан ажалнинг ҳиди келяпти-а? — деди Махсум Усмоновга ғамгин тикилиб соқолини силаркан. — Ўзимга аён бўлди. Индинга етмасам керак, — гапида давом этди хўрсиниб. — Вақти-соати етганда ўлим ҳам бир насибадай гап. Одамзодга юк бўлиб туғилгандан кейин уни бу юкдан халос этмоқ ҳам савоб. Одамнинг умри бир қорага етгандан кейин ён-веридагиларга оғирлиги тушмай, ўз оёғи билан юриб турганда кетгани маъқул. Ҳақ гапни айтганда бу эгасига ҳам, бандасига ҳам маъқул келадиган тирикчилик. Жонинг ҳалқумингга келиб, омонатини топширар чоғида одам уззукун нега шу серғалва дунёга келдим дея ўйлаб қоларкан. Армонда қолса ҳам дармондан қолмаганига шукур қилиб, оёғининг орасидан шамол ўтиб турганига алданиб яшайверар экан. Аслида одам бу дунёга азоб билан ташвишнинг ўртасида қоврилмоқ учун келаркан. Бизга ўхшаган ҳаётни умри ҳисобига сотиб олганларга тирикликнинг ўзи бир давлат. Мана энди шуни ҳам худо кўп кўрди. Пешонага ёзилгани шу экан-да, Каримбой. Сиздан битта ўтинчим бор. Эс-хуши бутун одамлар сизни емаган сомса учун

пул тўлаганингизни билишади. Ҳали вақти-соати келиб сизни ҳақиқат йўлида жафо чекканингиз учун кўкларга кўтаришади. Мени айтганди дерсиз ўшанда. Вилоят, район катталари ҳалиям гапингизни ерда қолдиришмайди. Айтинг, анави темир қувурга солган сувимизни қайтариб беришсин. Мана, сой ҳам кўмилиб, йўқ бўлиб кетяпти. Тоғ бағрида туриб, чўлда яшагандек яшасак-а! Шуюм инсофданми? Дов-дарахт, қурту кумурсқаларда нима гуноҳ? Ахир, бу жониворлар ҳам яшаши керак-ку. Ёки одам боласи деб, неки мавжудот бор, қирилсинми? Сойдан сув оқмагач, булоқлар ҳам қуриб қоляпти. Тоғ ҳам қишлоқ билан, одамлар билан тирик. Қишлоқ харобага айлангач, қабристон ҳам оёқ ости бўлади. Шуларни кўриб туриб, оёқ узатиб жон бериб бўладими?.. Ҳали кўрарсиз, бу ношукур одамлар бундай жойларнинг қаричига зор бўладилар...

Махсум бошини кўтарганда, ҳамсухбати боладек пиқиллаб йиғлаб ўтирарди. Чол индамади. Шунча амалдор бўлиб юрса ҳам имони бутун экан, дея ўйлади елкалари кўтарилиб тушаётган отасидек серсуяк одамга тикилиб. Худо дийдаси қотиб кетганлардан сақласин!..

Сув тақчиллигидан эрта сарғайган қишлоқ боғлари аллақачон сомонранг қиёфага кирган далаларга уйғундек дардчил ва армонли эди. Хазонрез пайтида барги ҳам мевасининг рангидек қизарадиган бир туп пайванд шафтолига тикилиб ўтирадиган чол сўрини ҳовлининг ўртасига кўйиб беришларини сўради. Шамол ҳовлининг у бошидан бу бошига ҳайдаб ўтаётган олтинранг япроқларга термилиб толиққан Махсум бошини баланд қилиб, осмонга қараб ётди.

— Бугун ой тўлади, — деди қуруқшаб қолган лаблари пичирлаб. — Менинг ҳам куним битди. Мана шу кунга етиш учун ўзга юртларнинг совуғи ва азоб уқубатларига чидадим. Ниятимга етдим. Энди янги ой чиқади. Мен эса қайтиб бино бўмайман. Ўлдинг-ўчдинг. Одамлар сен қазо қилганда кўз ёши тўкадилар-у, лекин қанчалик камайсалар қолганлар шунчалик яхши яшайди. Уларга бир бурда нон ва бир қарич ер ортиқча қолади. Худойи таоло илгари одамларни туғиладигану ўлмайдиган қилиб яратган экан. Қарасаки, одамлар ер юзига битган гиёҳу жониворни қириб, бир-бирини ҳам ўлдир

бошлабди. Ҳатто йўлини қилиб, худога ҳам панд берибди. Шундан сўнг у ҳар бир жонни ўз ризқи-рўзи ва умри билан яратадиган бўлибди. Аслида йигитнинг ёши икки ўттиз. Қолгани шунчаки тирикчилик. Ўлим билан дардга таъна йўқ...

Тўлишган ой қоқ тепага келиб, яна мағриб томон оға бошлаганда, Махсум ўзига қора бўлиб ҳовли айланиб юрган ўглини чақирди-да, сўнгги сўзини айтди.

— Менинг бошимни қиблага юзимни Ойқорга қаратиб қўйинглар, — деди қорачиғи орқага тортиб кетаётган кўзларини фарзандига тикишга уриниб.

Бироқ қурби етмади, боши оғиб кетди... Сўнгра кўкраги устидаги чап қўли шилқ этиб ёнига тушди. Ой тоғ тепасида пастлаб сузаётган қора булут ортида қолди. Ойнинг оппоқ нури тоғ бошидаги қор бўлагига тушиб турар, гўёки бир парча қор бутун бошли қишлоқни ёритаётгандек эди.

## XV

— Узоқ айландингиз, муҳбир, ўғлим. Чарчаган чиқарсиз. Ҳадемай тонг отади. Тун бўйи мижжа қоқмадингиз. Ишингиз оғир. Одамлар эплаб энасига икки энлик хат ёзолмайди. Сизлар эса, — деди ўзиям ухламаган боғ қоровули Эшмурод партизан дўрилдоқ ва ҳорғин овозда. — Бизга ўхшаган қари-қартанглар ухлмасак ҳам оёғимиз чалкашиб юраверамиз. Ёш одам ухлмасе бўмайди.

— Уйқум учиб кетди бово, — дедим боғбоннинг уруш из қолдирган чандиқли юзига тикилиб.

— Усмонов сизга ёрилди, чамамда. Раҳматли отасини билардим. Бутун, тили ботир одам эди. Умри ўхшамасин-у, тақдири ўхшаганини қаранг. Бу атрофда этагига номоз ўқиса бўладиган биттаю битта имони басаломат одам мана шу. Икки йилдан бери ҳар кўклам ва кузда уйига бориб, токлари билан дарахтларини кесиб бераман. Устимдаги мана бу костюшимни ҳам шу кишининг хотини берган. Қўярда-қўймай қимматбаҳо телпак ҳам берса бўладими. Дунё шунақа бўтам, бундай одамлар умрининг охирида бекафан қолади.

— Усмон Юсупов ўлганда чўнтагида ўттиз уч сўм пули бор экан, — дедим мен Эшмурод амакининг сўзларидан таъсирланиб. — Болалари келиб отасидан қолган бисотни сўрашганда, онаси чўнтагидан чиққан шу ўттиз уч сўм пулни олдиларига қўйган экан.

— Воҳ тақдир! — деди ёқасини ушлаб қоровул. — Бу хом сут эмган одам боласининг на фалокатдан, на қиёматдан кўзи очилади. Буни қаранг-а? Уй-жойи ҳам йўқ эканми?

— Уй-жойи қайда дейсиз? Умр бўйи давлатнинг уйида яшаб келган одам бўлса. Тўқайзорда, шийпонга ўхшаган бир уйда, эски симкаравотда жон берган. Лекин Хрушчевнинг аҳмоқлигини минбардан туриб бетига айтган ягона одам ҳам Усмон Юсупов бўлган. Шунақа, Эшмурод амаки, фарзанди ноқобил элнинг боши қуллукдан чиқмайди.

— Оббо, ўғлим-ей, сизда ҳам гап кўпга ўхшайди-ку. Ҳай, ҳозирги раҳбарларимиз қалай? — деди қоровул кўзларини муғомбирона қисганча мени кузатаркан.

— Бизда раҳбарлар ишига у мансаб пиллапоясида ўтирганда баҳо бериш одат тусига кирмаган. Негадир юқоридаги одам ҳамиша ҳақ деган тушунча онгимизга сингиб қолган. Кўзимизга ўшандан бўлак чироқ кўринмайди. Тагин мени давлатга қарши гапиряпти деб ўйламанг. Қизиқ, айнан халқ ва давлатнинг манфаатини ҳар қадамда сотадиган кишилар йўлини қилиб ҳақиқий халқпарвар кишиларга Қодирий, Икромов, Хўжаев, Чўлпон ва Фитратларга қўйилган сохта айбларни қўйиб, йўлдан олиб ташлайдилар. Алам қилади, амаки. Нега азал-азалдан ҳақиқатни ҳайқириб айтганларнинг боши кетган? Атрофингиздаги ноҳақликларни кўриб туриб, азобланасизми?

Мен ҳаяжондан энтикардим. Гапларимдан оғзи очилиб қолган Эшмурод партизан қўлини маъносиз осилтирганча серрайиб турарди. Салқин эпкин ранги ўнгиб кетган яктагининг этагини силкитар, кўзларининг ичида қандайдир воқеалар содир бўлаётгандек туюларди.

— Мени ярамни хўп бошлаб тирнадингиз-да, ўғлим. Шунақа бемазагарчиликларни кўриб, азоб чекиб юргандан кўра нега ўша пайтда ўлиб кетмадим, деб ўйлайман гоҳида. Худо ҳаққи, ер

юзи нопоклар билан тўлиб-тошиб кетганлигига энди ишондим. Кўп яшаган билан одамга ақл битавермас экан. Дунёни ҳам кўп яшаган эмас, кўп кўрган билади. Мени сизга айтадиган гапим кўп. Юринг, хонага кирайлик. Сиз толиққан кўринасиз. Асабингиз ҳам жойида эмасга ўхшаяпти, — деди пилдираб олдинга тушар экан мезбон.

— Ҳақиқатнинг чечаги тиканли бўлади ўғлим. Шу тиканга дош берсангизгина унинг тафтидан бахраманд бўласиз.

Қоровулнинг орқасидан эргашдим. Эшмурод амаки айтганидек ҳолдан тойган эдим, оёғимни зўрга кўтариб босардим. У киши менга алоҳида хонага жой қилиб бермоқчи бўлди. Хоҳласангиз люкс хонада ётишингиз мумкин, деди ерга тикилиб. Сўнгра бу хонага фақат биринчининг энг ҳурматли меҳмонлари кўйилишини кўшиб кўйди.

— Сизга малол келмаса иккимиз гурунглашиб ётсак, — дедим оқсоқолга канадек ёпишиб.

— Мен билан шофёрлар, майда-чуйда олиб келадиган одамлар ётишади. Сиз бўлсангиз, юқоридан келган туппа-тузук одамсиз... Қалай бўларкан? Тагин мени эртага директор койиб юрмасин, — деди боғбон хонасини наридан-бери йиғиштирган бўлиб. Сўнгра хонадаги бўш сим каравотга жой қилиб берди.

— Уйга борсам доимо отам билан ётаман. Отам ҳам сизга ўхшаб дала қоровули, — дедим бўғзимга тикилиб келган йиғи аралаш, хўрликка ўхшаш ҳисни босиб.

Амаки менга галати тикилди. Негадир у кишининг одамга қараганда худди гапирадиганга ўхшаш кўзларига узоқ тикилиб бўлмасди. Амакини Гулбулоқда Эшмурод партизан дейишарди. Урушдан кейин ҳамма овулга ҳарбий кийимда қайтганда, у жанг қилиб юрган партизанлик уст-бошида келгандан буён шу лақабни олганди. Лақаб унга узукка кўз қўйгандек мос тушган эди. Ҳеч кимга гапини бермайдиган, ҳар қандай кишини юзингда кўзинг бор демай қилмишини бетига айтадиган бу одамга бошқа лақабни ўйлаб топиб бўлмасди. Болалар уни Партизан амаки деб чақиришарди. Ўтган йили ғалаба байрами кунда район гатезасида у киши ҳақидаги очерким чиққан эди. Шу боис амаки менга ҳурмат назари билан қарар, ҳеч кимга айтмайдиган гапларини айтгиси келарди.

Пайтини топиб, кайфиятига қараб, кўнглини олиб гапга солиш керак эди. Хаёлимни Усмоновнинг аянчли ҳикояси бўлаётганини ва оқсоқол толиққанини ҳисобга олмаганда, худди шундай суҳбатнинг фурсати келган эди.

Ўшанда мени райкомга чақириб, нега бу одам ҳақида ёзганлигимни сўраб-суриштиришган ва тилхат олишган эди. Кейинчалик билсам, Эшмурод партизан кўпчиликнинг ўртасида. "Райкомдагилар ҳам, райисполкомдагилар ҳам порахўр, менга қолса ҳаммасини тўплаб, ҳокимиятнинг олдида пешонасидан отардим", деган экан.

— Жуда зўр гап экан-ку, — дегандим ўшанда мен билан "гаплашиб" қўймоқчи бўлган, бирор киши билан суҳбатлашса ҳам қоғозга қараб гапирадиган райкомнинг мулоимхунук секретари Акрамовага. — Бу гап ҳаммамизга тегишли. Ҳозирда ўз вазифасини ҳалол, покиза бажарадиган одам анқонинг уруғи бўлиб кетди. Назаримда ҳамма ақлли-ю, лекин иш йўқ. Ишимизда эски қолипдаги сийқаси чиққан шакл, ўзимизча ўйлаб топган яроқсиз усуллар бор-у, лекин мазмун йўқ. Ҳамма нарса юқоридан қуюндек босиб келадиган кўр-кўрона кўрсатмалар ва қоғозбозликка мослашган. Бўйинбоғни танғиб олиб, моҳиятига тушуниб етмаган нарсалар ҳақида эскиларига қараб ахборот ва справкалар ёзиб жўнатаверамиз. Сиз эса нима ёзилганини тузук-қуруқ ўқимай (сабаб бари бир ақлингиз етмайди) қўл қўясиз. Гўёки бу нарсани ҳаммадан яхши биладигандек имзо чеккунга қадар ўзингизча жумлаларни таҳрир қилиб, қайта ёзишни ҳам буюрасиз ва шу тариқа қоғозбозлик ва тўралик машинасининг моторига ёғ қуясиз! Керак пайтида эса азалдан мана шу ишларга қарши бўлиб келган одам ва раҳбар қиёфасига кирасиз. Лекин актёрлигингиз муваффақиятсиз чиқади. Кишилар, оддий халқ олдида уқувсиз масхарабоз шахс сифатида гавдаланасиз ва одамлар назарида ҳам шу қиёфада қоласиз. Мен сизга ҳамдардлик билдираман...

Суҳбатдошим менинг фикрларимни англаб етмаган бўлса-да, ҳар қалай яхши гап эмаслигини ҳис этиб турарди. Унинг қаримсиқ ва сўниқ, вақти-бевақт илжайверганидан тиришиб кетган юзида ачиниш ифодаси зоҳир бўлди. У менинг эс-ҳушим бутунлигига шубҳа билан қараётган эди. Кейинчалик мен ҳақимда у редактордан учёт-пучётда турмайдими, деб сўрабди.

Эшмурод партизан урушда снайпер бўлган эди. Партизанлар отрядида ҳам узоқ жанг қилган, уруш азоб-уқубатларидан дийдаси қотиб, феъл-атвори терс, гоҳида гапирганда ҳам боладек қизариб кетар, сабаби фронтда бўлган анчайин тенгдошларининг ҳикояларида бўлмаган гаплар ҳам учраб турарди. Шу боис одамлар рост гапимни ҳам ёлғонга йўймасин деб, индамай қўя қоларди.

– Китобларда, газеталарда урушдаги тирикчиликнинг мингдан бирини ҳам ёзишмаган, – деди бошини оқ сурп рўмол билан танғиган амаки кўкиш кўзларини шифтга қадаб ётаркан.

– Уруш бўлаётган жойда анча-мунча нарсани олдиндан мўлжаллаб иш юритиш мушкул. Уша пайтда ҳамма нарса эсингдан чиқиб, кўзингга ўлимдан бўлак ҳеч нима кўринмай қолади. Қаршингда сени ўлдираман, деб турганларни қандай бўлмасин кўпроқ ўлдиришинг керак, вассалом. Фурсатни бой бердингми, тамом, у сени тинчитади. Қирқ учинчи йилда бизнинг учинчи Белоруссия fronti Смоленскда тўхтаб қолди. Немислар фронт линияси бўйлаб одам ўрмалайдиган жой борки, тузоқ қўйишарди. Пиёдалар ётиб, судралиб ўтса бўларди. Лижа кийган сапёрлар ҳам ўта оларди. Қиш куни ўликлар ойлаб қолиб кетарди, устини қор билан беркитиб қўярдиқ. Кунлар илиб, ер юмшагач, кўмардиқ. Одам ўлгандан сўнг танаси ситилиб ёрилгунча соч-соқоли, тирноқлари ўсаверар экан. Қор қалинлигидан ойлаб ерни кўрмасдиқ. Нонни белкурак билан синдириб еб, совуқ урган картошка ва карам солинган муздек боршчни ярим кечада ичардиқ. Шундаям дала ошхонаси бизгача етиб келолса. Бир соатгина қуруқ жойда ётиб ухлаш ҳатто тушимизга ҳам кирмасди. Белкуракка ўтириб, автоматни пешонага тираб, бир-биримизга қараганча кўзимиз очиқ ҳолда ухлардиқ. Шу кун кўплик қилганлар ҳам оз эмасди. Шунинг учун ҳаммасига чидаш, жанг қилиш керак эди. Тавба, бировга айтсанг ишонмайди, битлар майиздек-майиздек бўлиб кетган эди. Чап юзим ва чап елкамдан ўқ еб, госпиталга тушдим. Олти ой ётдим. Шундоқ ёнгинамда мунди кўзага ўхшаб икки оёғи ва икки қўли йўқ ўзбек йигити ётарди. Уни олиб кетиш учун хотинини чақиришди. Ишонасизми, ўғлим, хотини келиб эрини кўриб, олиб кетмади. Алдаб, ташлаб кетиб қолди.

Ўзимизни ўзбек аёл-а? Уни ҳамширалар аравачада ҳовлида айлантришарди. Бир куни боши билан аравачадан ўзини бетон ариқнинг қирғоғига отибди. Шундан сўнг кўринмай қолди...

Партизан амаки уруш ҳақида гапиришни унчалик хуш кўрмасди. Нима ҳам дейсан, боласи отасига қаллиқ ўйнашни ўргатадиган замон бўлди, дерди амаки елкасини қисиб. Уруш бўлди, ўтди-кетди. Лекин қон кечган бу қиёмат-қойимда ўнлаб, юзлаб, минглаб дўстларини, яқинларини, сафдошларини йўқотган кишилар учун ҳаёт-мамот жанги улар тирик экан давом этади. Умрида бирор қизни кўлини ушламай, сочини силамай қаро ер қаърига сингиб кетган, ўн гулидан бир гули очилмаган йигитларнинг уволи самони тўлдириб учиб юргандек, эди назарида.

– Энди жангни бугун боғни тўлдириб, маишат қилганларга қарши бошлаш керак, – деди амаки хўрсиниб. – Оддий деҳқон мана шундай маишат қила оладими? Йўқ. У бозор куни харид қилган бир кило гўштини бир ҳафтага қандай етказишни ўйлаб, қатикли ошу хамир овқат билан тирикчилик ўтказди. У бу қориндорларга ўхшаб кунда уч, бўлмаса икки маҳал биринчи-иккинчи овқат емайди. Ёғлими-ёвғонми кечқурун ўлиб-толиб келиб, бир коса илиқ-иссиғини ичади. Кунда икки марта қозон қайнатишга қудрати етмайди. Бозорда бир кило гўшт беш сўм. Канора ёпилгандан кейин эса савдогарнинг кўлида етти сўм. Далада ишлайдиганлар ойига қанча маош олишини мендан яхши билсангиз керак. Хўш, айтинг-чи, отангиз дала қоровули экан. Ойига неча сўм олади? – Мен томон ўгирилди Эшмурод амаки.

– Саксон сўм, – дедим томоғимни қириб.

– Ҳа, балли. Оилада неча жонсилар?

– Жами ўн битта.

– Онангиз ишламаслар керак.

– Ҳа, ишламайдилар.

– Ҳа, балли. Ўша бечора саксон сўмга силарни еб-ичиришдан, кийим-кечак олиб беришдан ташқари ўқитиши, уйлантириши, бошпана қуриб бериши керак. Тўғрими?

– Ҳа! Мол-ҳолимиз бор.

– Ҳа, балли. Ҳамма нарсани тушунадиган йигитга ўхшайсиз.

Энди бу ёғини ҳисоб-китоб қилиб кўраверинг. Энига тортсангиз бўйига, бўйига тортсангиз энига етмайди. Мана шу аҳволда у бечора қандай қилиб боласини ўқитсин. Ўқишга кириш учун ҳам қанча сарф-ҳаражат зарурлигини яхши билсангиз керак. Деҳқон бечора буни қаердан топади? Қисқаси, кўрпасига қараб оёқ узатади-да, боласини ўқитмай кўя қолади? Уям отасига ўхшаб, кетмон ёки таёқ кўтариб юраверади. Кимнинг боласи ўқийди? Йўлини қилиб давлатдан, одамлар ҳақидан уриб қолиб пул топган, дасти узуннинг боласи ўқийди. Қўшнимизнинг ўғли университетнинг ўқитувчилик факультетида беш йил ўқиб келиб, қишлоқда ярим йил ҳам ишламади. Яна қайтадан шу ернинг ўзига юридик факультетига ўқишга кирди. Хўш, у шу касбга жуда қизиққанидан ёки халқнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилмоқ учун бу ишга киришдимми? Йўқ, албатта! Тўғри ва ҳалол яшашга чидай олмаслигидан, оддий ўқитувчи бўлиб юришга ор қилганидан, тезроқ машина миниб, чўнтаги пулга тўлиши учун шундай қилди. Ўқитувчининг умр бўйи топганини керак бўлса у бир кунда топади. Лекин охир-оқибатда бу топганлари тешиб чиқишини ўйлаб ўтирмайди. Мана шу бизни хўжаликни олиб кўринг. Бу совхоз эмас, тўрт-беш нафар одамнинг шахсий томорқасидай гап. Одам ҳар ҳолда ўзининг томорқасига қараб туради. Совхоз ерининг тақдирини эса ҳеч ким сўрамайди. Унга билганларича экиб-тикиб қонини сўраверишади. Мева билан узумнинг энг яхшисини махсус ажратилган кишилар Россия шаҳарларига олиб бориб сотиб келади. Россия ерини биз ҳам кезиб чиққандик. Энди навбат буларга. Биз қон кечган бўлсак, булар энди пул дасталашади. Ана қирқ йиллик тафовут сизга. Миллионлаб одамлар урушда буларнинг пул дасталашини учун жонини қурбон қилган экан. Бундай олиб қарасанг, буларни ҳам батамом айблаб бўлмайди. Кун ўтиши учун одам боласи нималарни қилмайди, дейсиз. Давлатнинг ўзи адолат ва тартиб-интизом билан ҳосилни қабул қилиб олиб, керакли жойларга етказиб берса, бечора деҳқон харажатдор бўлиб, милиционерларнинг турткисини кўтариб, шаҳарма-шаҳар кезиб юрмайди. Вино цехида уч-тўрт кишининг чўнтаги учун ишлайдиган алоҳида цех бор. У ерда иккита худонинг олдидан

## Унутилган соҳиллар

ялангоёқ қочган армани ароқ, коньяк ва яна алланималар тайёрлашади. Бу ишнинг бошида бугун сиз машинасига миниб келган Муҳиддин Раҳимов, тегирмоннинг дўлидан ҳам бутун чиқадиган бизнинг директор Турсунбойлар туришибди. Буларнинг ўзи ҳеч кимга бўйсунмайдиган ҳукумат. Буларга қарши бош кўтарган киши узоққа бормайди, иши судга тушади. Ҳеч бўлмаса ҳақиқатни ёзавериб, тошотар деган ном олиб, газеталарда шарманда бўлган бечора тангатопадлик Мамашодай уйига бир боғ кўкнорини ташлаб кетиб, қаматишади. Директор топган-тутганини қўлтиқлаб, олтин юлдуз олиш илинжида югуриб юрибди. Сизга ўхшаган Тошкентдан, Москвадан келадиган мухбирларни ароғу коньякка чўмилтириб, чўнтагини қаппайтириб жўнатади. Ишқилиб, у ҳақда икки оғиз илиқ гап ёзишса, бас. План ҳар йили бир ярим, икки баробар қилиб бажариляпти. Лекин қандай бажарилаётганини ҳеч ким сўраб-суриштирмайди. Ҳосил бўлган йили ҳам, бўлмаган йили ҳам кўчма Қизил байроқ совхозда. Ваҳоланки, узум етиштирилиб, давлатга топшириляпти, деб планга киритилган боғлар аллақачон йўқ бўлиб кетган ёки бундай боғлар умуман бўлмаган. Энг яхши ерлар гектарчиларга бўлиб берилган. Бир гектар ер, сувдан узоқ-яқинлигига қараб уч мингдан беш минггача. Пулини тўлаб, ерни олавер. Пиёз экасанми, одам экасанми бу сенинг ишинг. Бу пулларни директор ёки бош агрономнинг бир ўзи емайди. Райком ҳам, райисполком ҳам, прокурор, милиция бошлиғи ҳам буни жуда яхши билишади. Номига совхоз билан шартнома тузиб, аслида билганини қиладиган бу одамлар уларга ҳам керак. Катталарнинг ҳам рўзғори, бола-чақаси бор, ахир. Ярим кунлик умринг қолса ҳам бир кунлик мол-дунёинг бўлсин, деганлар. Ишлаган билан ишламаганни ажратиб бўлмайди. Биров кечаю кундуз даладан уйига келмайди, лекин ҳовузни бўйини танг қилиб кун бўйи ароқ ичиб, меҳмон кутадиган бригадир орден олади. Йиллаб этигини судраб юрган агроном дакки эшитиб юраверади-ю, бирор катта амалдан урилиб-сурилиб совхозга директор бўлиб қолган киши ишни ўзидан ўн марта яхши биладиганларга ақл ўргатади. Халқ бечора кўйдек ҳаммасига ҳўп деб, бош эгиб кетаверади. Буни кўриб

деҳқон сидқидилдан ишлайдими? Далага чиқсаям ўзининг деҳқончилиги билан овора бўлади. Унгаям шу бир парча ерга экин-тикин қилгани учун индашмаса бўлди. Нима қилади, куни учун кул ташлайди-да. Ҳамма деворни қулайдиган томонига қараб итаради. Хайриятки, тўртта молимиз бор, бўлмаса қандай кун ўтарди, билмайман. Шу бир бош сигиру иккита тирриқ эчкини ҳам ўз ҳолига қўйишмайди. Хрушчев пайтида эшакларни йўқ қилиб юборишди. Сўнгра отларга ёпишишди. Одамларни мажбурлаб гўшт, сут топширасан, дейишади. Ахир, ўзига етиб ортса сен сўрамасанг ҳам топширади, жуда бўлмаса бозорга олиб чиқади-ку. Бозор сероб, халқ сероб, деган гап бор. Ота-боболар бозор билан мозорга тегма деганлар. Бугунгилар эса тескарисини қилади. На бозорни ўз ҳолига қўяди, на масжиду мозорни. Бир аёл катта чиқиб, Новқадаги эски масжидни шуватиб ташлатти. Ўснат отадаги мақбарани буздирди. Одам боласи оғиз очиб бир нима дея олмайди. Деса, яна ўша, ўттиз еттинчи йилдагидек "враг нарўд"га чиқади. Тушунмай қолдик мухбир ўғлим.

Бугун келган ашулачи аёл эса Раҳимовнинг севгилиси экан. Аёлни Раҳимовнинг олдига эри, ўша тилла тишли, сочини силлиқ тараган киши олиб келаркан. Улар боғда ётиб қолишганда, совхоз директори ҳаммани уйига жўнатиб юборар экан. Тилла тишли киши тонг қоронғусида келиб, яна хотинини олиб кетаркан.

— Чорак асрлик, умримни бериб барпо қилган боғни ҳаром қилишди, — деди амаки хўрсиниб. — Ҳаммасини ташлаб кетай десаи, дарахтларни кўзим қиймайди. Ҳар бир бута боламдек бўлиб қоган. Уларга қарши гаприиб бўмайди! Бир балога йўлиқтиришади. Бола-чақангни тақдирини ўйлаб, тилингни тишлайсан. Ҳадеб тишлайверсанг, тил жонивор ҳам бир кун узилиб тушса керак. Хайрият, бу кеча қолишмади. Дўланасойдаги дачага кетишди. Бировга айтсанг, ишонмайди. Пашислар билан орани очиқ қилиш мумкин. Лекин булар билан гаплашиш қийин. Мушугини пишт деб кўринг-чи?! Биринчи бўлиб давлатнинг ўзи даъвогар бўлиб чиқади. Бу ножинсларнинг касофати халққа

урмаса эди. Бекорга ҳам халқ ўзини икки нафсдан тийганни авлиё демас экан. Бир кун келиб бу номаъқулчиликлар ошкор бўлар-ов, лекин биз кўрармиканмиз, — деди партизан оғир сўлиш олиб.

Мен чурқ этмай боғбоннинг сўзларини тинглаб ётардим. Тонг оқарай деб қолганди. Ҳаяжонланган Эшмурод амаки яктагини елкасига ташлаб, носқовоғини олганча ташқарига чиқиб кетди. Бошимда гужгон ўйнаётган фикрлар менга тинчлик бермасди.

Бизда катта бир мунофиқлар гуруҳи пайдо бўлди. Улар амалдорларга хизмат қилишни касб, улар номига ҳамду сано айтишни эса беш вақт намоздек фарз қилиб олдилар. Бу тоифадаги кишилар учун мансабдорлар пайғамбарларга айланиб қолди. Улар бу сохта авлиёларга сифиниш касалига мубтало бўлдилар. Ўз пирига бир оғиз ширин сўз айтмаса ёки кунда бир бор икки букилиб салом бермаса егани томоғидан ўтмайдиган, пора тиқиштирмаса уйқуси келмайдиган бўлиб қолди. Улар бу қилмишлари билан ўғрилигини, қилган жиноятининг ярмини ўзидан соқит қилиб, ана шу жиноятларнинг юз бермаслигига мутасадди кишиларни ҳам ўргимчакдек тўрларига ўраб ола бошладилар ва бу билан жиноят ботқоғига янада чуқурроқ ботмоқдалар. Пашша албатта қўланса ҳидли бирор нарсага қўнганидек, улар ҳам юрган йўлларида сўзсиз бир жиноятга қўл уриб юрадилар. (Сабаби — улар бошқача яшашни хаёлларига келтиришмайди.) Кишини ҳайратга соладиган томони шундаки, буларга қарши курашувчи кучлар негадир кўп ҳолларда ожизлик қилади. Шунда халқ беихтиёр балиқ бошдан деган иборани ишлатади. Дунёдаги энг катта ноҳақликлар нодонларнинг ақллилар устидан ҳоким бўлишидан келиб чиққан ва чиқади. Биз ўзимизча шундай шахслар борлигини, бўлганда ҳам жуда кўплигини кўр-кўрона инкор этиб келдик. Улар эса бизнинг журъатсизлигимиздан, кўрқоқлигимиз ва беғамлигимиздан усталик билан фойдаланиб, бошимизга чиқиб олишди. Энди эса уларни елкага, ундан сўнг бел баробар тушириш ва ниҳоят кўтариб ерга уриш учун бизда куч-қувват, матонат етармикин?..

— Сизга айтар гапим шуки, ўғлим, — деди қайтиб келгач

амаки, – феъл-атворингиздан Усмоновнинг ҳиди келиб турибди. Эҳтиёт бўлинг. Одамлар ҳақиқат, диёнат дейишади-ю, аслида кўплар ундан илондан қўрққандек қўрқишади. Овлоқ жойда тўнғиз тепага чиққандек, сиз билан менинг ҳақиқатгўйлигимдан одамларга наф йўқ. Одамлар марднинг муштидан номарднинг ошини маъқул кўрадилар. Бизда пастдан туриб ҳеч бир иш қилиб бўмай қолди. Чумчуқ сўйсанг ҳам юқоридан фатво олишинг керак. Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин дейишади. Бу қассоблар чумчуқдан бўлак жонзодни сўйишга ярамайди. Ҳақиқат доимо қурбонталаб бўлади. Усмоновга ўхшаб бекорга жувонмарг бўлиб кетиш ҳеч гап эмас. Худоям сақлансанг сақлайман деган. Ҳозирги замонда энг яқинингга ҳам ишониб бўлмайди. Думинг бурилдими, чақага сотишади. Амалга кўтарилиб қолсанг, оғиз кўпиртириб, сени "аслида бўладиган, бутун йигит эди", дея мақташади. Йўқ ердаги дўстларинг бирдан остонангда пайдо бўлиб, сенга патаки-пайтава бўлишади. Бор ишини йиғиштириб кўйиб, сенга югурдаклик қилади. Номингни сотиб кун кўради. Ожиз жойингни сезиб, сендан фойдаланади. Оёғинг тойгудек бўлса, "ўзи бошидаям гўр эмас эди" дейишади кунни кечаги гаплари эсидан чиқиб. Одамларда бурд қолмади. Мени гапларимни эсингиздан чиқарманг. Ҳар қалай мен сиздан бир неча кўйлакни кўпроқ йиртганман. Қиёс қилиб қарасангиз, бутун бошли қишлоқларда одамларнинг зоти бузиляпти. Четдан қиз олишмайди. Амаки-тамаки, тоға-жиян қилиб, юмалоқ-ясси қилиб ўғил уйлантириб, қиз чиқаришади. Шунинг учун ҳам майиб-маслиқ кару гунг болалар кўпайиб кетди. Одамлар ўз авлодларига чоҳ қазияптилар. Гапирган гапинг ҳавога учиб кетади. Бир айтасан, икки айтасан, кейин ҳаммасидан қўлни ювиб қўлтиққа урасан. Инсон ва имон нурагандан кейин ахлоқ-одобдан ҳам путур кетар экан... Ҳаммаси одам боласининг очкўзлигидан. Дунё азалдан шундай чоғи, борлар борига, йўқлар йўғига куяди. Ҳаромхўрларнинг дарёси кундан-кун тошяпти. Ишқилиб, замона зўрники, томоша кўрники бўлиб кетмаса эди...

Қаршимдаги бесўнақай қорин қўйган, қип-қизил бети кепчикдай, қоқ тепасидан сочи тўкилаётган, кўзидан бирор маънони уқиб бўлмайдиган кишига тикиларканман, кўз ўнгимдан шу тоифадаги жуда кўп бир-бирига ўхшаш ва ўхшамайдиган одамлар ўта бошлади. Бундайлар билан бошимизга иш тушган ташвишли дақиқалардагина юзма-юз келамиз ва қаршимизда турган даҳшатни бор бўй-басти билан ҳис этамиз-да, одамларнинг нақадар ноинсоф бўлиб кетганлигидан нолиб, айюҳаннос сола бошлаймиз. Кийик қувган қуённи пайқамангидек, ишимиз гириб, ошиғимиз олчи тушиб, ҳаётимиз ўз маромида, силлиққина кетаётганда эса уларга бефарқ қараймиз. Ҳар нарсага ўзимизни уравмасликка тиришиб, ўз вақтида уларга қарши курашиш ўрнига галвадан узоқроқ юришга ҳаракат қиламиз.

Ҳаётимиз давомида ҳайрли ишлар билан бирга аҳмоқона хатоларга йўл қўямиз ва кечириб бўлмас гуноҳлар, жиноятлар қиламиз. Бу билан ўзимиз билиб-билмаган ҳолда энг оддий инсоний муносабатлар замирида бинибўлган табиат ва жамият тартибларини, қонун-қоидаларни бузамиз. Бу хато ва жиноятларнинг бир неча ўн йиллар мобайнида такрорланавериши эса одамларни эътиқодсизлик касалига мубтало қилишини чуқур англаб етмаймиз. Хатоларга йўл қўйган аجدодларни танқид қилатуриб, уларнинг етти ухлаб тушига кирмаган номақбул ишларга қўл урамиз.

— Бошимиз бирикмаслиги, бир-биримизга ёв кўзи билан қараш одамзод қонида бор. Шунинг учун ҳам мазҳабимиз шиа ва суннийга, турли тариқатларга бўлиниб кетган, — дейди мен гурунглашишни яхши кўрадиган уста Ҳалим.

У кўз ўнгида юз бераётган ножоиз воқеа ва ҳодисаларни ана шу оддий ақл-идроки даражасидаги фалсафаси билан изоҳлайди. Шу билан ўзини овутади. Бироқ ўзи эътиқод қўйган исломга тил теккизишни истамаганлиги учун бу гапни ҳаммага ҳам айтавермайди. Унинг учун энг катта бахтсизлик дунёдан имонсиз, эътиқодсиз кўз юмишдир. Худо унга эътиқоддан ҳам кўра кўпроқ овуниш, юпанч учун керакка ўхшайди. Айниқса,

ёши бир жойга бориб, оёғи гўр лабига етганда. Гурунг мобайнида ўзимни гўлликка солиб устани мақтаб, гапга соламан. Этиқдўз оғзини очганча соқолини тутамлаб, ўйга толади. Бу пайтда гурунчи сув кўтармайдиган Ҳалим оқсоқол ўзича мушоҳада қилаётган бўлади.

— Ё гирди мактаб, ёки гирди сарой дейдилар, бўтам. Сан иккисиниям кўрган йигитсан, — деди этиқдўз игнасига ип ўтказаркан кўзини олиб қочиб. — Раҳматли бобонгни ҳам кўрганман. Унда биз бола эдик. Ўқимишли, қамсуқум одам эди, худо раҳмати. Бир палақдан ҳар хил қовун, дегандек, амакиларинг бобонгни бир тукига ҳам ўхшамайди. Отасиз ўсган болаларда гурур ва ирода сустроқ бўлади. Болалигида кўп қийинчилик кўрган одам учун эсини танигандан сўнг, қорни тўйиб, усти бутлигининг ўзи катта гап бўлиб қолади. Сизлар авлод-аждодаларинг билан парвонадек ўзларингни ўту-чўққа уриб юрасилар. Болалиқда сизларга ҳамманинг ҳаваси келади. Бироқ ўттиздан ошгандан кейин суюлиб, айнийсилар. Қонларинг тез, ичларинг тор, аёл деса ўзларингни томдан отасилар. Лекин ҳаммангни қўлингдан иш келади-ю, дангасасилар. Дунёнинг борди-келдисига ақлларинг етади. Бировга қолган кунларингни итга ташлайсилар. Шунинг учун ҳам доимо катталарга ёқмайсилар. Сизларнинг бахтларинг ҳам, омадсизликларинг ҳам ана шунда. Сенга айтар гапим шуки, мени тинч қўй. Оёқ-қўлимни узатиб ўлишимга ҳалақит берма. Мен нима қилишни биламан. Сени эса яхши кўраман. Биласан-ку, сендан бошқа одамни пирхонамга қўймайман. Ҳар қанча иши бўлса ташқарида гаплашман. Гап авзойингга, қадам олишингга қараганда саниям салгина ўпканг йўқроққа ўхшайсан-ов. Бу силарга йўрғакда теккан касаллик. Бирларинг шунақа қизиққон, бошқаларинг эса ўлгудек тепса-тебранмас бўласилар. Лекин уруғларингдан битта пичоққа илинадиган одам чиқиши керак. Балки, бу сенинг чекинга тушгандир. Бошим беғалва юрсин десанг, яқинларингга эҳтиёт бўл. Одам боласи ўзини тиклаб олдим, бас, ён-веридагилар ундан умидвор бўлаверади. Оч қолганинг билан иши йўқ, лекин тўқ экансан,

## Унутилган соҳиллар

уларга едириб туришинг керак. Истайсанми-истамайсанми шундай деб ўйлашади. Бўлмаса сени ўзларига қайишмайдиган, беоқибат санашади...

Сўнгра у узоқ гимирлаб, ниманидир қидирди.

— Шуни билиб қўй, — деди этикдўз овозини баландлатиб, кўзимга тик қараркан. Унинг серажин пешанаси тиришиб, сап-сарик қошлари учиб турар, овози титрар ва болгача тутган пайдор кўли билинар-билимас қалтирарди. — Менга ўхшаган художўй ва ўқимаган одамларнинг кўпи сенинг элга бош бўлиб турган порахўр обком ва райкомларингдан минг марта ҳалол. Ҳар ҳолда улар худодан кўрқиб, бандасидан уялишади. Бир бурда қотган нону бир пиёла сув билан кумини ўтказса ўтказадики, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмайди. Тағин одамларга қандай яшашни ўргатмоқчи бўласилар. Садағаларинг кетай сендақа ўзига енг бўлолмай ўзгаларга бўй бўлганларни. Силарнинг номаъқулчиликларинг олдида илгариги бойларнинг ноинсофликлари ҳолва бўлиб қолди. Ҳамма катталар ҳаромхўр эмасдур, ёлгон гапирсам гуноҳим бўйнимга, лекин тўғрисиани айтганда, ичида соғи кам. Отанг ёғ пунктда ишлаб юрганда районимизда райком бўлган Маллабековни биларсан. Қирқ йил райком, ижроқўм бўлган одам. Ўтган ҳафта бир маъракада кўрдим. Саватдек саллани ўраб олиб, жаноза ўқиб юрибди. Азбаройи худо мана силарнинг авлиёларингнинг аҳволи. Буни кўриб, билиб, эшитиб турган халқ, айниқса, ёш-яланг нима деб ўйлайди? Охир-оқибатда сўфи бўлгандан кейин, демак, у шунча йил ўғрилиқ қилган экан дейишмайдими? Лекин аслида ҳам шундай бўган. Худди шу Маллабековнинг ўзи бундан ўттиз йилча бурун калима қайтарган одамни қувғин қилган. Сталинободга кўчиртириб юборганди. Охир бир кун ўзинг ҳам мулла бўлар экансан, сенинг райкомлигу фирқалигинг қаерда қолди? Ўша пайтда ҳам унда имону эътиқод бўмаган, етовга ўрганган итдек ким нима деса шуни оғзига қараб юраверган. Етовга юрган ит овга ярамайди. У билиб-билмай кўпларга жабр қилди. Мелиса юбортириб устахонамни ёптираман деганда, ичиб ўтирган сигиримизни сотиб, пулини дўм орқали бериб, зўрға қутулганман. Энди эса ўша йўқ эътиқодидан ҳам қайтиб,

## *Нурали ҚОБУЛ*

ҳаммани аҳмоқ қилиб юрибди. Бундайлар учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. Бундайлар кунини кунлаш учун ҳеч қандай пастликдан қайтмайди. Лекин бировларга ақл ўргатиб, йўқ кўрсатишни ўзларига фарз деб билишади. Мен бундайлардан аллақачон қўлимни ювиб, қўлтиғимга урганман. Қорни учун ўғирлик, ғарлик қилганни гуноҳидан ўтиш мумкиндир, бироқ бундайларни кечириб бўмайди. Одамлар силарга ишонмай қўйишди. Энг ёмони шу. Тоза, ёш бир авлод етишиб чиқиб, бу аҳмоқчиликларга чек қўймаса, билмадим, ҳали-бери халқни тўғри йўлга солиб бўлмас-ов. Раҳбарлар орқасида халқ борлигини нутиб қўйдилар. Ҳаммаси бугунни ўтишини ўйлаб, эртага мансабдан кетгандан сўнг ҳам қандай қилиб бўмайин илгаригидай яшашнинг ташвишини чекади. Ҳеч бир ишни қонун-қонидаси билан битириб бўмай қолди. Биринчи бўлиб қонунни ҳимоя қилувчиларнинг ўзи бузишади. Одамлар қонунга қарши ўзларининг қоидаларини ўйлаб топганлар. Бу аҳволда қонун одамлар оёғига кишан бўлади. Ҳеч қаерда ёзилмаган ана шу қоидаларни билмасанг, унга амал қилмасанг, ишинг битиб, эшагинг сувдан ўтмайди. Додингни бориб худога айтсанг ҳам бефойда... Шунақа...

Таққа гапдан тўхтаган этикдўз олдида ўтирганимни унутгандек, хаёлга толганча, ўз-ўзидан хиргойи қила бошлади. Халақит бермаслик учун нафасимни ичимга ютиб, шу пайтгача қулоғимга чалинмаган халқ қўшигини тинглардим.

*Ўсал бўлсанг босарлар,  
Ўсар бўлсанг, осарлар.  
Ўрта бўлғил, ўрта бўлсанг,  
Эл оғоси ясарлар...*

Оқсоқол совиб қолган чойни хўплади-да, тикаётган ишини ёруққа тутиб кўрди.

— Кўп ақллиларни кўрганман. Ҳаммаси бошида туппа-тузук бўлади, — гапида давом этди сарғиш соқолини силаб қўйиб.  
— Амалга миниб, чўнтагига пул тушгач, айнишади. Болалигида бир-бирига меҳрибон бўлишади. Кўлидан иш келадиган бўлиб,

ўзини тутиб олгач, орадан меҳр-оқибат кўтарилади. Одамлар илгари анди эди, энди эса тажанг бўлиб қолишди. Мана шу ўзимизнинг анди маҳаллани биласан-а, — деди бошини кўтариб этикдўз.

— Ҳа!

— Нега анди маҳалла дейишлариниям биласанми?

— Қулоғимга чалинган, лекин яхши билмайман, — дедим билсам-да, этикдўзни гапиртириш учун.

— Уларнинг Берди деган чўпон бобокалони ўтган. У хуржуннинг бир кўзига туз тўлдириб, бир кўзига тош солиб, тоққа қараб жўнайди. Андилик ҳам шунчалик, шу тузни икки бўлиб, хуржунга солишга ақли етмаган. Йўлда амакиси Жўравой подачи чиқиб қолади. Йўл бўлсин, дейди у Бердига. Кўйларга туз олиб кетяпман, жавоб қилади Берди. Э-э, оғайни, туз ташиб овора бўлиб юрасанми? Яхшиси, эрта кўкламда Яссиқўтонни ҳайдаб, туз экиб қўй, сурув ялаб ётаверади, маслаҳат беради Жўравой. Берди чўпон нега шу пайтгача шундай қилмадим-а, деб ўйлаб, баҳор келиши билан кўш қўшиб ерни ҳайдаб, бир пуд туз сепади. Ёзгача кутадики, қани энди туз униб чиқса. Қайтамга ўсиб турган кўкатлар қуриб қолади. Бундан хабар топган панжакентлик бир чўпон Бердини "Э-э анди-е", дейди. Шу-шу бу уруғни анди маҳалла деб аташади. Бошқа бирининг қилмиши ундан ҳам ошиб тушади. Иброҳим хира деган бир одам қозининг олдига бориб, "Ўзим қазиган ариқдан сув ичсам бўладими?" деб сўрабди. "Тушунтириброқ гапиринг, нима гап?" дебди қози. "Ўғлим қазо қилганди, мол-мулки мусодара бўлмасин девдим, келинимга уйлансам бўладими?" дебди Иброҳим хира. "Э падарингга лаънат, анди" дебди қози. Ўша Берди чўпон Чувоқсойдан қуриган қамишни ўриб, байталига ортибди. Қамиш узун бўлганидан отнинг устида яхши турмабди. Сал учини энгиллатсам тўғри туради деб ўйлаб, қамишнинг учини ёндирмоқчи бўлибди. Гугурт чақиш билан қуруқ қамиш гуриллаб ёна кетибди. Ҳурккан байтал ёнаётган юкини кўтариб чопибди. Нима қилишини билмай анграйиб қолган Берди чўпон отга қараб "Ало байтал, эсинг бўлса сойга сол!" деб

қичқирармиш. Бечора от жардан учиб, ҳаром ўлган экан. Билсанг, бу қишлоқда Шодибек ўнбоши билан Хонназар тегирмончидан кейин ёши катта менман...

Этикдўзнинг ўқлари мўлжалга беҳато тегарди. Ҳалим бобо юзимга қарамай, гўёки одатдаги ҳангомани давом эттираётгандек, чавандозлар улоқ чопганда киядиган тагчарми қалин этикка тўқиллатиб мих қоқарди.

Ҳалим бобо қуймақулоқ одам эди. Ким нима деганини бир неча йилдан сўнг ҳам оқизмай-томизмай айтиб берарди. Устанинг очилганидан фойдаланиш керак эди. У бирор воқеани астойдил ҳикоя қилганда жумлаларга жон киргизиб юборар, қиёфаси воқеа тафсилотига қараб ўзгарар, сарғиш соқоли жалпиллаб, кўтарилиб тушаверарди.

— Мана, сиз тўғриси, авлиёнинг олдида ҳам тап тортмай айбини бетига айтадиган одамсиз, — дедим этикдўзни шамчироғига ёғ қуйиб. — Қишлоғимиздаги уруғларнинг қанақалигини бир айтиб берингчи? Менимча, буни ҳеч ким сизчалик билмайди.

— Шундай, — деди мақтовимдан эриган уста Ҳалим бошини сермаб. — Бу қишлоқни ҳеч ким менчалик билмайди. Олдимга бешиқдаги боласидан тортиб, мункиллаган чолгача келади. У ёғини сўрасанг, дунёда неки миллат бор, ҳаммаси билан гаплашдим. Ўрис билан немисни афтига қараб ичидагисини айтиб бераман. Ҳеч қачон бу икки халқ келишолмайди. Немис дегани шум ақлли, ўрис эса содда ақлли. Асирга тушганимда қочадиган пайт пойлаб, бир ярим йил немисларга этикдўзлик қилдим. Гитлер домлани жиянининг этигига ҳам тақа қоққанман. Мард йигит экан, ўзини маркасидан анча берган. Қандайига айлантириб кўрсанг ҳам бари ўрисдан ўтаверсин. Ўрис билан тил топишса бўлади. Буларнинг ўрнида бошқа халқ бўлганда, аллақачон дунёга ўт қуйиб юборарди, — деди бир жойга қўйилаверганидан ерни ўйиб кетган темир човгумдан кир босган пиёласига чой қуяркан.

— Қишлоғимизни одамлариям зўр-да, ҳеч қаерда бунақа фаройиб кишилар учрамаса керак-а! — дедим этикдўзнинг оғзига тикилиб.

— Сен сўрама, мен айтмай, — гапини тугаган жойидан олди этикдўз. — Одамларимиз мард, бировдан бир бурда нонини

аямайди, қўлидан келса яхшилик қилади. Ҳаммамиз йиқилган томонимизни бермаймиз. Муштга-мушт, тошга-тош билан жавоб қайтариш бизга отамерос. Аждодларимизни лашкарбоши ўтган дейишади. Гапнинг индаллосини айтганда, яхшилигимиз ўзимизга. Лекин мундай олиб қарасанг, одам боласи ўзининг ортиқча бир қилиғи, ҳеч кимга ўхшамайдиган феъл-атвори билан тўкис. Кўктепаликларга келсак. Ҳаммаси туғма довдир. Ҳовлиқма. Ўзича ҳамма нарсага ақлим етади деб ўйлайди-ю, доманага ҳам фаҳми етмайди. Аёлга кўзи тушса оғзи ёйилиб кетаверади. Калласи хумдек бўлгани билан бу каллада шاپалоқдек тилдан бўлак ҳеч нарса йўқ. Оғзи ўн иккинчи калишдек бўлиб, ўйламай-нетмай гапираверади. Аёллари эркакларини эшак қилиб миниб олиб, қичқиргани қичқирган. Тугуруғи йўқ. Бугун айтганидан кўзини чирт юмиб, эртага қайтиб кетаверади. Илмга ихлоси йўқ қавм. Камбағалнинг бир тўйгани, чала бойигани деб юраверади. Мол топса тентак бўлади. Иштони иккита бўлса ҳам ўзини бой санайди. Хонтўпликлар дови юрганда, бошларига кулфат тушганда боши бирикиб, меҳр-оқибатли бўлиб қолишади. Бироқ коса лаби каж келиб, ёнидан кетадиган бўлганда отасидан ҳам тонади. Ўлгудек диндор. Дину диёнатни чуқур билмаса-да, икки гапнинг бирида худодан келади. Гапини маъқуллайверсанг, кун кеча пайғамбарнинг олдидан келгандек олиб қочади. Ўз-ўзи билан қуда-қудагай бўлавериб, қони бузилиб, зоти айниган. Қўйиб берсанг тўй қилиб сингилни акага ҳам қўшиб қўяверишади. Манман. Тоши енгил одамлар. Иккита китоб ўқигани бир уй одамга гап бермайди. Бойликка муккасидан кетган, атала ичиб оч ётса ҳам, махсисининг қўнжида бир даста пул бўлмаса уйқуси келмайди. Ота-боболари тоғу тошга пул, тилла кўмиб юришган. Кўпи ўлиб, тилласи кўмган жойида қолиб кетган. Бу қавмнинг энг каттаси ҳисобчи бўлади. Энг тузугини калласи ҳам чўт қоқишдан бўлакка ярамайди. Чуватмаликларни ранги ҳам, найзи ҳам паст келади. Булар кулишни аллақачон эсидан чиқарган. Бировларни гўрига гишт қалашга уста. Ўғирлик десанг суяги йўқ. Айниқса, мол ўғирлашни қойиллатади. Иғво деса тили ўйинга тушади. Буларнинг назарида ҳамма аҳмоқ ва бефаҳм. Ўзларини эса пода боқишдан бошқа иш қўлидан кемайди. Мол учун ака-ука

қирпичоқ бўлади. Гўшти йўқ калласида ақлдан ҳам асар йўқ. Бодомчиликлар эса боши қурутдек бўлиб, ўзларини қишлоқнинг доноси санашади. Энг каттаси эса чўпон. Худо урган гина-кудратчи. Фиску фасоднинг уйини куйдиради. Бировдан аччиғланиб бир тумшугини кўтарса, ҳала-хулага тушириб бўмайди. Рангида қони йўқ. Молтопарликни ақллилик деб билишади. Ўз ишига ўлгудек пухта. Бироқ топганини эплаштириб, жой-жойига қўёлмайди. Бировга арзимаган бир яхшилик қилса оёғи гўрга етгунча гапирди. Сойтўпининг аёллари хушрўй, ўйноқи бўлади. Эркаклари ишига пухта келади. Буларни ичида камбағал бўмайди. Қорни тўқ, усти бутлигига мағрур бўлиб, ўз ёғига ўзи қовурилиб ётаверади. Биров унга, у бировга тегмаса. Қишлоғимиздаги барча одамларга ўхшаб, ўзларини ҳаммадан ақлли деб билади. Қўлидан иш келадиган, қаҳатчилик бўлса ҳам очидан ўлмайдиган халқ. Анди маҳалласининг ўз оти ўзи билан. Хонтўпининг боласи ўн бешида бош бўлса, андиники қирқ бешида ҳам ёш бўлади. Уларнинг ўтмишидаги қилғилиқларини айтиб бердим. Уйига кириб борсанг ўтирган жойида бир қўли билан овқат еб, иккинчи қўлини сенга узатади. Каттадан кичиги қорамолга ўралашадию, чорвачиликни ҳам маҳламайди. Эскидан, бу тўпнинг қизи таппи билан чалмани қотиради, деган гап бор. Қизлари эрга чиқмасдан ўзини қўйиб юбориб, сандиқдек аёлга айланади. Эрга теккандан кейин эса одам боласининг кучоғи етмайди. Эркаклари беланги эшакдек ҳеч бир ишни ёлчитмай, ётган жойида овқат еб, хотинининг оғзига қараб ўтираверади. Шу аҳволига бирам ўларманки, асти қўяверасан... Узунсойликларнинг жонини амалдорлар олсин. Булар катталарни кўрса шайтонлайди. Сувни кўрмаса этик ечмайди. Сендан ҳайиқса ғийбатингни қилади, ҳайиқмаса бир пулга сотиб кетади. Бировни иши юрганини кўрса шом туби қоронғи бўлиб, омадсизлигидан боши кўкка етадиган қавм. Ўлгудек шуҳратпараст. Амал деса ўзини томдан ташлайди. Мансабинг бўлса сенга патаки-пайтава бўлади. Ошнолиги том айлангунча. Қўлига папка, бошига шапка бер-у, бор-йўғини олавер. Жуда деди-веди халқ. Игнадек гапни туядек қилиб бировга етказди. Гапига яхшилаб ёлгон қўшмаса, ўзиям ишонмайди. Каттаю кичиги олифта. Булардан ҳеч қачон пичоққа соп бўладиган

одам чиқмайди. Сассиқоғиз. Дунёга келиб, боласидан бошқани яхши кўролмайди. Ўғли уйланиб, қизи эрга тегиб кетгач, улардан ҳам нолиб юради. Оёғи гўр лабига етиб қолган кампири ҳам қош-кўзини бўямай кўчага чиқмайди. Маишатга суяги йўқ. Гаплашсанг, осмондан келади. Биров билан ўчакишса бас, ушлаган жойини қўйиб юбормайди. Калтаўй халқ... Хуллас, семизликни кўтаролмайдиган одамлармиз. Мани ўзим ҳам гўр эмасман, ука, лекин бундай ўйлаб қарасам атрофимдагилар ҳам очиқ-мозор эмас. Хайриятки, давлатни сўду мелисаси бор. Бўлмаса бу одамлар Ойқор тоғини ҳам бўлиб олиб, бир-бирини гўштини ейишарди. Биров ҳукуматдан кўрқади, биров худодан. Ер қаттиқ бўлса ҳўкиз ҳўкиздан кўргандай, одамлар ўз ноқобиллигидан бошига фалокат тушса ҳам бировдан кўради. Дунё шунақа, ит ҳам кучи етганини талайди. Кўли узун кўли калта ризқини ейди.

Этиклўз ҳамон тўқиллатиб миҳ қоқарди. Бир маромдаги бу овоздан Ҳалим бобонинг менинг эътиқодимга эътироз этмоққа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, шундай яшадим, шундай ўламан, деган фалсафасини уқса бўларди...

Чуқур нафас олиб, ҳамсуҳбатимнинг кўзларига қарадим. Унинг кўзлари гўёки хонадаги ҳамма нарсани бирданига кўраётгандек эди. Кўз қорачиғлари ҳечам бир нуқтага аниқ тикилиб турмас, қип-қизил ва чўзинчоқ юзига мос бу кўздан бетиним "менга бари бир" деган ифода ёғиларди.

Сиёсат хоҳ уруш, хоҳ тинчлик, замонида бўлсин, қон ва қурбон талаб қилавераркан. Икки қилич бир қинга сиғмагандек, бу учи-қуйруғи йўқ дунёда кескир қиличлар кўп. Икки шунқор талашиб, бир қарғага ем тушгандек, ҳарбу зарбнинг ҳеч қаерда ёзилмаган таомилига кўра, жангу жадал пайтида ўткир қиличларнинг дами қайтади ёки синади. Ғалаба нашидасини эса ўтмас қиличлар сурадилар...

Биз ҳақлик билн ноҳақлик ўртасидаги мувозанатни бузиб қўйдик. Ҳалоллик ва тўғрилиқ алдов, эзгулик, хиёнат олдида чекинди. Биз назаримизда тўғри ва ҳалол яшаётгандек эдик. Ўзимизни ҳар қачонгидан кучли ва ақлли ҳис этардик. Тўғрилиққа хоинлик қилганимизни сезган ва айтган одамларни учоворадан чиқардик. Керак бўлса танобини тортиб қўйдик.

Бу билан биз аслида абадий ҳақиқатга хиёнат қилдик. Ҳозир — жиноят ва хатоларимиз жасади устида йиғлаб ўтирар эканмиз, ўзимизни янада ақли ва кўпни кўриб, кўзи пишган каби ҳис қилмоқдамиз. Ва ўзимизни оқлаш учун устма-уст мажлислар ўтказиб, қарорлар қабул қилмоқдамиз. Йўқ, булар билан ишимиз бирдан ўнгланиб, тўғри йўлга тушиб кетмайди. Бу шунинг учун қийинки, биз очиб бораётган йўлда доvon, тоғу тошлар кўп. Бу йўлдан манзилга етиб бориш учун тоғ ошишни кўз олдига келтирган одамга узоқроқ бўлса ҳам тинчгина тоғни айланиб ўтмоқ маъқул кўринади. Ундан ташқари, одамлар узоқ йиллардан бери, ҳатто яқин-яқинларда ҳам бизнинг оғзимиздан бошқа гапларни эшитгандилар. Энди эса унинг аксини эшитмоқда. У бу қадар овсар эмас, бир имо-ишора билан ортингдан эргашиб кетаверса. У кўп маротаба сенинг баландпарвоз ва ярим ҳақиқатдан иборат сўзларинга ишониб, эргашиб кўрди. Бечорани Амударёга етаклаб борсанг ҳам, сувсиз қайтариб олиб келдинг. У сендан аллақачон чарчаган. Уни ўз ҳолига қўй. Унга яхшилик қиламан десанг, кўзига кўринма. Худо хайрингни берсин. Улар сенинг жонига теккан афт-башарангдан аллақачон безган. Азал-азалдан юртга фалокатларни эл бошига тасодифан чиқиб қолган одамлар келтиришган. Руслар буни из гязи в князи дейдилар. Тасодифий улуғларга эса фақат аҳмоқ ва ўткинчилар ихлос қўйганлар. Уларга ким бўлишидан қатъи назар тепаларида ҳайкалдек турадиган, улар кўкларга кўтариб мақтайдиган ва шу мақтовлардан эриб, уларнинг жиноят қилишларига йўл қўйиб берадиган сардор керак. Бундай оломонни истаган пайтда ва жуда кўп миқдорда топиш мумкин. Улар қадим-қадимдан мавжуд эдилар, ҳозир ҳам яшамоқдалар. Барча қатори мана шу Бобо қуёш ва Она заминдан баҳраманд бўлиб, сиз билан мenden ўзларича яхши яшайверадилар. Бундайларни одамлар орасида бирданига ажратиб ололмайсан. Улар сени жоним-жоним деб туриб, жонингни оладилар, жойингни соладилар. Сенинг эса, кўнгилчанлик қилиб, унга раҳминг келади. Шафқат қиласан. Ахир, бу бечора ҳам одам-ку, беш кўл баробар эмас-ку, дея ўйлайсан. У эса сени худди шу ожизлигинг билан тузлайди. Сенга кучи етишини сездими, бас. Аззот кўтариб туриб ерга уради. Бироқ шундан сўнг жўнаб

кетмайди. Ҳамма ишини йиғиштириб, бошингда жонинг чиқишини томоша қилиб ўтиради. Тезда жонинг узилавермаса, яна олиб деворга уради. Ниҳоят, чин дунёга рихлат қилганингдан сўнг барча баробар кўзида ёш ва қалбида қуёш билан иззатингни жойига қўйиб, энди ҳечам унинг йўлига гов бўлмаслигинг учун яратганга минг қатла шукур қилиб, устингга меҳр-муҳаббат билан тупроқ тортади...

Ариқларда зулукбашара бир ҳашорат бўлади. У туғилганидан ўлгунига қадар мутлақо ҳаракат қилмайди. Қанча масофага оқиб бормасин на бошини, на думини қимирлатади. Шу кетишда у далаларга оқиб чиқиб, сувсизликдан нобуд бўлади. Негадир бир хил одамлар менга шу жониворни эслатади. Эрталаб туради, овқат ейди, ўрганган иш жойига боради, яна овқат ейди, ўйига қайтиб келади ва топар-топмасини еб, тун бўлганлиги учун ётиб ухлайди. Улар ўзларининг овсарликлари учун берилган жазо — ўлимни ҳам ҳеч қандай қаршиликсиз, лом-мим демай, худди шундай бўлиши керакдек қабул қилаверадилар...

## XVII

... — Ахир, айтган жиноятларингизнинг барчасига ўзингиз ҳам шериксиз-ку? Бу гаплар ошкор бўлса сиз ҳам у билан баб-баравар, тик туриб жавоб берасиз, — дедим бўғиқ овозда ҳафсалам пир бўлиб ҳамсуҳбатим Шокир Шариповга.

— Мен буларни сизнинг ишингизни енгиллатиш, уни чўчитиш инсофга чақиришингиз учун айтдим, вей жигарим, укажон, — жавоб қилди у йиғига ўхшаш овозда. — Сиз оқ-қорани таниган, эс-хуши бутун, диёнатли йигитга ўхшайсиз. Керак бўлса, сиз учун мен калламни кесиб бераман. Ака-ука тутинайлик. Агар сиз менинг оғиримни енгил қилсангиз, мен бир умр сизнинг дардингизга малҳам бўламан, то абад қулингизман. Ранг кўр, ҳол сўр дейдилар. Қаранг, қандай ажойиб, самимий инсон экансиз. Биз ҳам, худога шукур, дунё кўрган одаммиз. Катта оҳурдан ем еб юрган чопқир отларданмиз. Қандай йўл билан бўлмасин, улоқни чортоққа ташлаб келганмиз, вей. Худо хоҳласа бундан буён ҳам ташлаймиз. Сиздек укалар ёнимизда "ҳа-ҳа"лаб турса бас. Керак

## Нурали ҚОБУЛ

---

бўлса улоқни Парижга ҳам элтиб ташлаймиз. Она халқимизда, чопқир отни орқасини яғир қилма, деган гап бор. Арзимаган майда-чуйда гапга оёқ ости бўлиш одамга алам қиларкан. Бояги гаплар эса орамизда қолади, албатта. Худо ҳаққи, уни инсофга чақиришга ёрдам беринг. Оиламиз бузилиб кетмасин. Беш боламни эсласам, дунё кўзимга тор кўриниб кетади. Иложи бўлса, у мочағар билан бошлиғингиз гаплашсин. У кишига менинг гапларимни ётиғи билан тушунтиринг. Кишини дасти узун бўлганда қўли калталарни қўллаши керак. Мансабни ҳам кишига бир умрга боғлаб бериб қўймайди акаси вей. Амал бу — амаллаб тургин, сўнгра бировга топширасан дегани. Фалакнинг гардиши янтоқфурушни подшо қилибди. Бизни ҳам ўша газ йигирма тўртнинг орқа ўриндиғида ялпайганча, тўқликдан кекириб, ўтган чиройли аёлдан кўзини узолмайдиган амалдорлардан қаеримиз кам? Камчилигимиз беш-тўрт сўм топган бўлсак, ўшани уларга нисбатан ҳалоллаб, итдек изғиб, пешона тери билан топганмиз. Бидамиз, овоз ақл эмас, лекин аҳмоқ ҳам эмасмиз. У ёғини сўрасангиз юрфакни сиртдан тугатганман. Дунёда одам боласининг бир-бирига қилган яхшилиғи қолади ука, вей. Худо ўлдирмаса ҳали кўз-кўзга тушади. Гоҳо пирдан, гоҳо муриддан дейдилар. Биздан ҳам қайтар... Хоним фақат амалдорлардан ҳайиқади. Сиз билан менга ўхшаганларни оёғининг учи билан кўрсатади. Капейкага олмайди. Филармония директорининг бурнидан ип ўтказиб олган. Милиция ходимларию, терговчилар билан ош-қатик. Ҳаммаси бир бўлиб менга зуғум ўтказишяпти. Мана сиз, журналист, гуманист одамсиз. Бир бетуноҳ граждон эзилаётганини, азоб чекаётганини кўриб туриб, чидай олмайсиз, албатта. Лекин бу милицияю суд деганингизнинг бағритош. Ҳаммаси бузилиб кетган. Зари ёки зўри бор билан гаплашади. Аввал боғлаб ошингни, сўнгра эса бошингни ейишади. Эҳ, уларга сарф қилган пулларим. Улаб чиқса, экваторга белбоғ бўларди... Бизда қўшиқчи дегани маҳалланинг тобутидек гап укам. Одамларга кунига эмас, кунда керак бўлади...

У ўзини диван суянчиғига ташлади. Жиққа ҳўл рўмолчаси билан терлаётган пешонасини, қизариб кетган бўйнини артди. Ўрганиб қолган шекилли тез-тез бошининг тепакал жойини сочи билан беркитиб қўяр, гўштдор пешонасини силарди...

## Унутилган соҳиллар

Беихтиёр вилоят раҳбарларидан бири ҳикоя қилиб берган воқеа ёдимга тушди. Бу раҳбарнинг укаси оближрокўм раиси Истамовнинг хизмат машинасини ҳайдарди.

...Қўшни вилоятга тўйга кетган Шарипов кутилмаганда тонгга яқин уйига қайтди. Меҳмонхонадаги стол тўлдириб ташланган, бўшаган "Наполеон"ларнинг шишаси беҳаё гарб фильми қўйиб қўйилган видеонинг ёнида думалаб ётарди. Ётоқхонадаги қимматбаҳо араб диван-каравотидан телеэкран кўриниб турар, эр-хотин гоҳида ибосиз фильмларни қўйиб, унга тақлидан ишқ билан машғул бўлардилар.

Одам шовурини сезган Раҳимахон ярим-яланғоч ва ширакайф ҳолда меҳмонхонага чиқди. Эр қўлига илинган нарсани олиб, хотинига хезланди.

— Жим-м! Икром Истамович! — деди аёл кўрсаткич бармоғини лаби устига қўйиб.

Шариповнинг дами ичига тушиб, шаштидан қайтди. Истамовнинг хурраги баралла эшитилар, очилиб қолган қўл ва оёқларини кериб донг қотиб ухларди.

— Нега оёқлари очик? — деди тилига келган сўзни қайтаролмай Шокиров паст овозда. — Ёпиб қўйсанг бўлмайдимиз?..

— Ҳозир! — деди Раҳимахон ётоқхонага кириб, эшикни беркитди ва қайтиб чиқмади.

Залда нима қиларини билмай серрайиб туриб қолган Шарипов Истамовнинг стул суянчиғига ташлаб қўйган костюми чўнтақларини титкилаб, тахи бузилмаган элликталикни қўнига урди-ю, ғойиб бўлди...

\* \* \*

— Бардош беролмайман! Яшашдан чарчадим! Ўзимни бирор кориҳол қилиб қўйишим мумкин, укажон! Ёрдам беринг! — деди у кафтларини ёзганча қўзини юмаркан.

— Ўзингизни босинг. Ўлиш қочиб кетмайди, — дедим унинг хатти-ҳаракатидан гашим келиб. — Мен масалани ўрганиб чиқай, сўнгра яна бафуржа гаплашамиз. Филармонияга кўнғироқ қилиб сизни топаман. Сиз кўпам ўзингизни ҳар ёққа ураверманг.

## Нурали ҚОБУЛ

---

— Филармонияга қўнғироқ қилиб овора бўлиб юрманг. У ерда ҳеч ким мени яхши демайди. Тополмайсиз ҳам, — деди у қизариб қумсариб.

— Нега? Сиз у ерда ишлайсиз-ку?

— Ишлар эдим. Ҳозир ишламайман, — дудуқланди у.

— Қаерда ишляяпсиз бўлмаса?

— Ҳозирча менинг иш жойимни сиз сўраманг, мен айтмай укажон.

— Тушунмадим. Аниқроқ гапиринг?

— Курилиш материаллари комбинатидаман. Керамзит бетон заводида мажбурий хизматни ўтаяпман.

— Ие, бунақа денг... Нега?

— Энди, бўйнингиздан, укаси, бу ёғини суриштирманг. Мен заводда ишлаб ёлчитармидим. Ҳаммаси хўжакўрсинга. Остимда машина, комбинат катталары билан чойхонама-чойхона маишат қилиб юрибман. Вақтида ҳаммасига ўтказиб, хизматини қилиб қўйганман. Керак бўлса чақалоғи туғиладиган уни туғруқхонада тонггача хизмат қилганман. Бировга яхшилиқ қилсанг, бир кун келиб олдингдан чиқар экан. Бошга тушганни кўз тортади, дейдилар. Ўлмасмиз. Бу кунлар ҳам ўтиб кетар. Бош ёриғи дўппи остида деб юрибмиз. Ўша отарчини икки тарсаки урганамга икки йил условний беришди. Хайрият, олти тарсаки урмабман. У манжалақи район прокурори билан ҳам дон олишиб юради. Мен уларга халақит бераман. Шунинг учун мени тинчитишди. Ҳақиқатни қарор топтириш учун керак бўлса ҳали Москвагача бораман. Уни "Человек и закон"га фельетон қилдираман. Ўз болаларининг отасини қаматди, ноинсоф. Урсам мен уни яхши бўл, одам бўл, деб урганман. Хотинига қўл кўтарган эркакни ушлаб қамайверса, ер юзида эркак зоти қоладими? Калтак еб турса хотин семиради, дейдилар. Тўғри, янги топган эрчасининг "Жигули"сини ҳам болта билан чошиб ташладим. Ўзини тилка-пора қилмаганимга шукур десин у лўливачча. Кўрар уни бор экан. Менда ҳеч қандай гуноҳ йўқ. Бу қўнғизмўйловни кўчада тутиб олиб айтдим, илтимос қилдим. Хотинимни қайтариб бер, оғайни, дедим. Ўзингдан йигирма ёш катта кампирни эна қиласанми? Оиламни бузма, беш боламни тирик етим қилма, укажон, дедим. Аёл дегани аҳмоқ бўлади. Ширин гапириб, елкасини

## *Унутилган соҳиллар*

қашисанг, мушукдек миёвлаб, оёғинни кўтариб қўйнингга кириб кетаверади. Бу йўлдан қайт, эртага мендан беш баттар аҳволга тушиб, шўрингга шўрва тўкилиб қолмасин деб, қайта-қайта айтдим. Қайда? Гапга қулоқ соладиган болага ўхшамайди. Кўзи каламушнинг кўзидек бўлиб, безрайиб туравераркан. На ҳа, на йўқ дейди. Унга Раҳимахоннинг пули керак. Мўлжалдаги пулни ишлагунича унга оҳ дедим-у, остонангга йиқилдим, деб юради. Жонига теккан куни бир баҳонани топади-ю, жуфтакни ростлайди. Иложини топса, у-бу нарчасини ўғирлаб ҳам кетади. Охир-оқибат кимга қийин, менга. Сохта ошиғидан ажралиб, кўз ёши қилиб ўтирган Раҳимахонни алдаб-сулдаб яна мен юпатишим, дардига малҳам бўлишим керак. Ўзим олдингизга келаман, укажон. Мени қидириб овора бўлиб юрманг. Унинг адреси эса хатда бор. Телефон номери ҳам. Редакцияданман десангиз бўлди. Гаплашган гапларимиз эса орамизда қолсин. Унинг тиргаклари катта. Менику бўларим бўлган. Сиз ҳам бошингизга бирор ғавғони сотиб олиб юрманг тагин. Иложи бўлса у билан ишончли бир гувоҳ иштирокида гаплашинг. Тухматдан ҳам тоймайди. Қўлидан ҳар бало келади.

У гапдан тўхтаб, эшик тарафга олазarak қараб қўйди.

— Мен мулоҳазали, бағри кенг одамман. Бирда-ярим у ёшлик қилиб, чакки қадам босганда ҳам кечирганман. У бировга қанчалик тез шайдо бўлиб қолса, шунчалик тез кўнгли совийди. Энди номи чиққан кўшиқчилардан бирига ошику беқарор бўлиб қолиб, тун бўйи йиғлайдиган одат чиқарганда мижжа қоқмай, кўшилишиб йиғлабман, вей. Кўнгли бўшлик ҳам шунчалик. Ҳа, энг оғир пайтлар дардига малҳам бўлганман. Инсофга чақирганман. Вей. Эртадан-кечгача хизматида бўлсам, дунёнинг нари бурчагига деса ҳам олиб борсам, кириб кетган эшигига кўз тикиб, кўча-кўйда тонг оттирсам, ичиб ҳушидан кетиб қолганда кўтариб машинага миндириб, опичлаб уйга қайтсам, ювиб-тараб жойига ётқизиб қўйсам. Бир эр шунчалик бўлар, ахир. Вей. Мендек эрни у тушидаям кўрмайди. Дунё шунақа экан, доимо яхшиликка-ёмонлик. Мен бундан буён ҳам кечиримли, кенг ўйли бўламан. Унинг қилмишларини юзига солмайман. Илгаригидек севаман, оёғини ерга теккизмайман, кафтимда олиб юраман. Айтинг-чи, бошқа нима қилишим керак? Вей...

## Нурали ҚОБУЛ

У диванга суяниб, бошини деворга тираганча кўзини юмди, юрагини ушлади ва шу орада кўз қири билан мени кузатди.

— Юрак чатоқ, — деди у бир оздан сўнг ўзига келган бўлиб. — Микроинфарктни бошдан ўтказдик. Дўхтирлар ичкиликдан дейишади. Ичкилик эмас, изтиробдан. Врач дегани ҳам милициядан беш баттар бузилиб кетган. Бу одам деган махлуқ духтир билан милициядан бошқа ҳеч кимга керак бўлмай қолди. Ўзимизнинг вилоят касалхонасида битта жой эллик сўм, Тошкентда юз, Москвада эса уч-беш юз сўм атрофида экан. Жиянимизни буйрагини операция қилдирганда, ўз қўлим билан бердим. Дори-дармони-ю, қараганига алоҳида тўлайсиз. Ўзингиз ўйлаб кўринг, шунча азоб-уқубатни ичмай енгиб бўладими? Ҳалиям худога шукур, иродам метин экан. Менинг ўрнимда бошқа одам бўлганда, аллақачон чорчўпга узала тушиб, Хўжамазорга бориб турарди. Лекин бўш келиш йўқ. Дунё қўлидан иш келганники. Лаҳад ёқасида ҳам умид яшайди, дейдилар, вей ука. Насиб қилса ҳали яхши кунлар олдинда. Бизнинг кўчаларда ҳам байрамлар бўлиб қолар, вей...

— Бўпти, боғланишамиз, — дедим ўрнимдан туриб, унинг гапини бўлиб. — Демак, ўзингиз хабар оласиз. Бирор ҳафталардан сўнг.

— Сиз нима десангиз, бизга қонун, укажон. Лекин у билан осмондан келиб гаплашинг. Сал паст кетсангиз, шаддодлик қилиб, бошингизга чиқиб олади, — деди эшик олдида тўхтаб. — Бирга тушлик қилсак бўларди. "Лисая гора"даги ресторанга, тандиркабобга олиб борардим. Бошлигингизни ҳам олиб...

— Раҳмат, бошқа вақт, — дедим унинг юзига қарамай.

— Бизга ҳар қандай хизмат бўлса, тортинмай айтаверинг.

— Раҳмат. Кўмагингиз керак бўлса айтаман, — дедим унинг тезроқ кетишини истаб.

— Саломат бўлинг. Акбар Ҳакимовичнинг бир хизматлари бор эди. Шунга боришим керак эди. Хўп...

У нимагадир ошиқаетгандек тез-тез чиқиб кетди. Таассуротлардан хаёлим қочиб, бўшашганча ўтирардим. Сўнгра димиқиб кетган хона эшигини очдим. Ҳамма тушликка чиқиб кетган, фақат редактор қабулхонасидан машинканинг чиқиллаётгани эшитиларди. Илгари Қўшшаев ўтирган ва

## *Унутилган соҳиллар*

эндиликда бизга теккан хона бўм-бўш, деразадан кўриниб турадиган "Ватан" кинотеатри радиокарнайидан кунига бир неча марта қўйиладиган янги қўшиқ эшитиларди:

*Лаълихон қайда қўйингни боқаман,  
Лабларингда писта-бодом чақаман...*

Сен кутган инсон ўтмагандан кейин кўчаларнинг ҳам таровати қолмас экан; дея ўйлардим одамларни совуққина кузатиб. Улар эса қаёққадир шошишади. Бугундан эртама яхши бўлади деб ўйлашади ва бунга астойдил ишонишади. Бундай олиб қараганда, шунинг ўзиям катта гап. Одам боласи бари бир дунёнинг тубига етолмайди, лекин бир ҳисобга уни чуқур англамай ўтгани ҳам маъқулмикан? Йўқ! Бундай бўлиши мумкин эмас! Акс ҳолда ҳаёт бу қадар ривожланмасди ва инсоният бугунгидек тараққий топмас эди! Кураш ва меҳнат! Бусиз дунёни ва инсон ҳаётини тасаввур этиб бўлмайди.

Вилоят газетасида ишлаш менинг орзуим эди. Илгари, районда ишлаб юрган кезларим, вилоят газетаси таҳририяти ходимлари кўзимга катта кишилар бўлиб кўринарди. Улардан битта-яримтаси туманга келиб қолса, оёғини ерга теккизмай олиб юрардик ва фахрланиб меҳмон қилардик. Айримлари бизга, сенлар ҳам журналистман деб юрибсанлар-да, дегандек паст назарда муомала қилишгач, улар туманга келгудек бўлса, ўзимизни билмаганга оладиган бўлдик. Инсоннинг бир-бирига меҳр қўйиши учун жуда кўп нарса керак. Бу меҳрнинг совиши учун эса шунчаки бир хатти-ҳаракат кифоя.

Ишга келган кунимоқ муҳаррир ўринбосари, қовоғи йўқ, сийрак қоши кипригига ёпишиб қолган, торпешона ва кўса, жиккак Кўшшаевга ёқмадим. Мен билан истар-истамас, сен олифтани ким топди экан, деган оҳангда гаплашди. У менинг очиклигим, ҳаётта ташналигим ва дадиллигимни ҳазм қилолмади чамаси. Назаримда, ҳаммасидан кўра, у менинг ишим юришиб кетишидан кўпроқ чўчиб турарди. Биз ҳеч қачон тил топиша олмаслигимиз илк бор кўз-кўзга тушгандаёқ аён бўлганди.

Бу пайтда почаси кенг шим ва чакка соқол бакенбард қўйиш моладан қолган, лекин менинг эгнимдагидан бошқа кўчаларим

## **Нурали ҚОБУЛ**

йўқлиги сабабли, ўша эски клёш шимни кийишга мажбур эдим. Бахмалда қиш совуқ бўлгани учун сочимни олдирмаганимдан чакка соқолим чўзилиброқ кетган эди.

– Редакцияда безоринусха кишилар ишламайди. Афт-башарангизни эпақага келтириб олинг, – деди у хотинчалиш овозда юзига сохта жиддий тус бериб. – Вилоят газетасида ишлаш осон эмас. Мен ҳам район редакциясида ишлаганман. Деворий газета чиқаргандай гап. ЎзТАГнинг бюллетенига обуна бўлиб қўйилса, бас. Қолганини марказий нашрлардан кўчириб, бир кунда тўртта газета чиқарса бўлади.

Мен бундай ҳақоратомуз сўзларга жавоб қайтаришга тайёр эмас эдим. Бошимни эгганча, индамай чиқиб кетдим. У мен ёзган ва тайёрлаган ҳар бир мақолани барча ишини йиғиштириб қўйиб, ўзича таҳрир қилар, билимдонлигини исботлаш учун, "аммо" сўзини "бирок" ёки "ва" боғловчисини "ҳамда" қилиб ўзгартирарди. У бир менга эмас, бошқаларга ҳам шундай муносабатда бўлар, шу боис уни редакциянинг соғлом фикрлайдиган барча ходимлари ёқтиришмасди. Дипломат Шокиров унинг тилини билар ва майдакаш Кўшшаев, тегирмоннинг дўлига тушса ҳам бутун чиқадиغان Норматовдан ҳайиқарди.

Илк кундан бошлабоқ қандай қилиб бўлмасин, менинг ковушимни тўғрилашни ўйлаётганини унинг совуқ кўкиш кўзларидан ва тиришган пешонасидан англадим. Жонимга фақат Жобиров ора кирар, тайёрлаган материалларим ланж масъул котиб ва мижгов ўринбосар столида туриб қолаётганлигидан аччиғи чиқиб, мақолаларни ўзи ўқиб босмахонага тушириб юборар эди. Бу эса Кўшшаевга баггар алам қилар ва ўзича мени Жобировнинг одами деб ўйларди. У атрофидаги одамларнинг ҳар бир гап-сўзи ва хатти-ҳаракатидан ўзича, ақл бовар қилмас галати ва жиддий хулосалар чиқарарди. Унинг маслаҳатича ҳар бир сўзни ўйлаб гапириш ва ҳар бир қадамини ўйлаб босиш керак эди. У кабинетида тунаш учун кўрпа ва ёстиғини кўтариб келганди. Бирор ҳафта таҳририятда ётиб юрди-да, яна ғойиб бўлди. Шариф Расо бунинг боисини сўраганда: "бу шаҳар энг катта балли шкаладаги сейсмик зонага киради. Редакция биноси туртиб юборсанг қулаб кетадиган аҳволда. Худо биледи, ухлаб ётганда ер қимирлаб қолса том

остида қолиб кетиш ҳеч гап эмас", дейди. Ҳазилкаш Норматов бу гапни шунақа ғаройиб латифага айлантирдики, эшитган одамнинг ичаги узиларди.

Таҳририят иш бошлаган пайтлар эди. Бир кун командировкадан кечаси соат иккида қайтдим. Йўловчи машинада таҳририят биноси олдида тушиб қолдим. Ишхонада қоровул Фармон амакидан бўлак ҳеч ким бўлмаса керак, деб ўйлагандим. Бироқ Қўшшаевнинг хонаси ёруғ эди. Командировка ҳужжатларига бугун қўл қўйдирсам эртага пулини оларман деган ўйда ўринбосар хонаси томон юрдим. Коридорга кирганимда, унинг телефонда гаплашаётгани эшитилди. Қўшшаев илгари қўшни вилоят газетасида ишлар ва вилоят марказида яшарди. Бу ерга кўчиб келишга хотини кўнмаган шекилли, у ялиниб-ёлворарди.

— Сизсиз мен бу ерда яшолмайман, Санобархон! Сиз янги уйимизни бир кўрсангиз эди. Шундоққина обкомнинг ёнида, раҳбарлар яшайдиган, алоҳида экспериментал лойиҳа билан қурилган муҳташам бино! — газета тили билан гапирарди у куйиб-пишиб. — Тўрт хонали, қўш балконли квартира. Ошхонаси сиз яшаётган уйнинг залидан катта! Боғча, мактаб икки қадам! Универсам шундоққина ёнида! Ҳамма шароит бор! Мени айтди дерсиз, қўлингизни совуқ сувга урмайсиз. Обкомнинг хозворидан озиқ-овқатлар олишни гаплашиб қўйдим. Қариндош-уруғлар йўқлаб туришибди! Ҳамма ишингизни ўзлари қилишади! Сиз фақат йўл-йўриқ кўрсатиб турсангиз бас! Қолганини ўзимга қўйиб бераверинг! Орамизда бўлиб ўтган яхши-ёмон гапларни унутинг! Мен бир умр сиздан қарздорман ва оёғингизга бош уриб яшашга тайёрман! Буни ҳаёт дейдилар, юрганда ҳатто тўрт оёқли от қоқилади-ю, икки оёқли одам нима деган гап! Мен энди жиддий одамман ва бўлар-бўлмас ишларга вақтим йўқ! Вақт одамни мулла қилар экан! Қолган ҳаётимни сизга, оиламга ва халқ ишига бағишлайман! Мени шарманда қилманг, Санобар! Сиздан бошқа инсон билан тирикчилик қилишни ақлимга сиғдиролмайман! Ахир, фарзандларимиз!..

У боладек бурнини тортиб йиғларди. Қўшшаев аслида оила ва бола-чақасини эмас, мабодо хотини билан ажралишгудек бўлса, бу нарса ўзининг мансабига ҳамда келажагига таъсир этишини ўйларди, холос. Чамаси, хотини ҳам буни яхши биладиганга ўхшарди.

— Жума куни тунги поезд билан бўлса ҳам етиб бораман! Сизларни соғинганман! — деди у овозини ўзгартириб!

Хотини, ўтган ҳафта келувдингиз, овора бўлиб юрманг, деди шекилли.

— Нима, мени ҳафтада бир марта кўришга ҳам тоқатингиз йўқми? — деди у ўксиниб. — Майли, сиз менсиз яшашингиз мумкин! Бироқ мен сизсиз яшай олмайман. Агар сиз, бу ерга келмайман десангиз, мен яна қайтиб бориб, оддий ишчи бўлиб ҳам ишлашим мумкин!..

Мен ўзимни ноқулай сезиб ҳовлига чиқдим. Бир оз айланиб қайтиб келганимда Қўшшаевнинг овози тинганди.

— Мумкинми? — дедим эшикни қия очиб.

У креслосига оғир чўкканча, менга ердан чиқдингми, осмондан тушдингми, дегандек ҳайрон бўлиб қаради. У бундан бир неча дақиқа бурун хотинига кўз ёши қилган одамга ўхшамасди. Қовоғидан қор ёғиларди. Ҳеч қандай жавоб бўлмаса ҳам унинг олдига келдим.

— Ҳозир коридор эшигини очган сизмидингиз? — деди у гапимни эшитмадимикан деган ўйда.

— Ҳа, мен эдим. Телефонда гаплашётганингизни эшитиб, қайтиб чиқиб кетдим. Мана буларга қўл қўйиб берсангиз. Топшириқларни бажардим, эрта тушгача материални тушираман, — дедим сафар ҳужжатларини стол устига қўйиб.

— Иш вақти кечаси соат учгача эмас! — деди у қоғозларни юзимга қараб ирғитар экан. — Эрталаб олиб келинг!

Қоғозлар сочилиб кетди. Мен бир зум нима қиларимни билмай туриб қолдим. Сўнгра, орқамга қайтдим-да, эшикни ичидан беркитдим. Авзойим бузилганини кўрган Қўшшаев кўрққанидан ўрнидан туриб, ҳазилни ҳам тушунмайсизми деган маънода куйган калладек ёқимсиз тиржайди. Мен эса тўппатўғри келиб унинг ёқасидан олдим-да, орқа томонидаги голланд печига калласини ура бошладим. Одатда, жаҳлим чиққанда қулоғим том битиб қолади. Уни нима деб ялиниб-ёлворганини эслай олмайман. Қоним қайнаб кетганидан юзимни тирнаганини ҳам сезмабман. Кўзи ола-кула бўлиб, боши чап томонга оғандан кейин креслосига ўтқазиб қўйдим-да, ўлиб-нетиб қолмаса эди деган хавотирда хонанинг у бошидан бу бошига юра бошладим. Кўп ўтмай, у кўзини очди.

## Унутилган соҳиллар

— Мени кечиринг, Нурзоджон! — деди у бошини зўрға тутиб хирилдоқ овозда. — Айб мендан ўтди! Асаблар тамом бўлибди! Ўзи бу дунёда юргилигим қолмабди!..

Ўзимнинг тирналган жойига кафтимни босганча хонадан чиқиб кетдим. Эрталаб нашриёт кассири командировка харажатини келтириб берди.

Шундан сўнг, муносабатимиз дўсту-душман назарида тузукдек туюлса-да, уни мени отмоққа милтиғи йўқ эди. Бироқ у кутилмаганда мажлисларидан бирида бир неча ходимга, жумладан менга ҳам ташланиб қолди. Фамилияларимизни қайд этиб, тушлик вақтида спиртли ичимликлар ичишимизни айтди. Унинг бу гапига шерикларимиздан ҳеч ким эътироз билдирмагач, ниҳоят, мен сўз сўрадим.

— Ўртоқ Қўшшаевнинг гапи тўғри, — дедим ўрнимдан туриб. — Бундай ҳолатлар бўлган. Бундан буён такрорланмайди. Бироқ биз билан бирга тушлик қилганларида ўзлари ҳам ичардилар. Бу гапни ўзимизга айтсалар ҳам бўларди. Лекин мен кўпдан буён ўйлаб юрган фикримни айтмоқчиман. Мен бу гапни фикр алмашиш учун мана шу ерда ўтирган қатор ўртоқларга айтганимда, улар ҳам қўшилишган эди. Айнан шу дақиқада улар ўша фикрларида қолишганми ёки пластинканинг иккинчи томонини қўядиларми — буни айтолмайман. Мен ўртоқ Қўшшаевни редактор ўринбосари лавозимига номуносиб шахс деб биламан. Ҳатто у киши оддий мухбирликни ҳам эплай олмаса керак. Албатта, газета ташкил этилаётганда, редакциянинг раҳбар ходимларини танлаш билан вилоят партия комитети шуғулланган. Бироқ редакторимиз Адҳам Жобирович ўз муовинининг интеллектуал даражасини билиши керак деб ўйлайман. Инсон ва журналист сифатида шакланмаган кишининг бизга раҳбарлик қилишга маънавий ҳақ-ҳуқуқи йўқ. Бу масалани навбатдаги партия мажлисларидан бирига қўйилишини сўрайман!

Менинг гапимдан биров кулди, биров ҳазилга йўйди ва яна биров жиддий тортиб қолди. Жобиров вазиятни юмшатган бўлиб, бир-биримизни ҳурмат қилишимиз кераклиги ва инсоний маданият ҳақида гапирди.

— Оддий одамийлик йўқ жойда ҳеч қандай ахлоқ бўлмайди, — деди у одатига кўра сўзининг сўнггида Сухомлинскийдан мисол келтириб.

Қўшшаевнинг оёқ олишимдан чўчиганича бор эди. Орадан кўп ўтмай, вилоят партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлимига матбуот ишлари бўйича инструктор қилиб тайинландим. Кадрлар масаласи ҳақида гап кетганда, обком секретарига вилоят босмахонасига директор қилиб вақтинча Қўшшаевни ўтказишни таклиф этдим. Лекин у ерда ҳам унинг кўнгилдагидек ишлай олмаслигини, бирор матбаачи мутахассис топилгунга қадар фойдаланиш мумкинлигини писанда қилдим. Секретарь таклифим ва берган баҳомдан ҳайрон бўлиб, елка қисди. Сўнгра бу масала билан шуғулланишни шахсан менга топширди. Энди мавжуд тартибга кўра у билан дастлаб мен суҳбатлашишим керак эди...

## XVIII

Гапани ҳеч ким икки қилмайдиган агробирлашманинг номдор раиси Акбар Ҳакимов кўнглига ёққан кишиларга ўзининг қандай раис бўлганини мароқ билан сўзлаб берарди. У билан таниш-билишлик ёки унга яқинлик, маълум бир одамнинг обрўсини, вилоят миқёсидаги ўрни ва даражасини белгиларди. Одамларнинг назарида, унга қариндош-уруғ, ошно бўлиш пайгамбарзодалик билан баробар эди. У ўз теварак-атрофидаги бирор кимсанинг бурни қонашига йўл қўймас, вилоят миқёсидаги бирон бир талбир ёки иш унинг йўл-йўриғи ёки аралашувисиз ҳал бўлмасди. Одамларнинг ўзи уни шунга ўргатиб қўйишган, эндиликда Ҳакимовга алоқаси бўлмаган нарсаларга ҳам унинг инон-ихтиёрисиз қўл урилмасди.

Мен вилоятга келган марказий газетанинг республика бўйича мухбирига ҳамроҳ бўлиб юрганимда Ҳакимов билан танишгандим. Ҳакимов деса кўнгли айнийдиган редакторимиз обком секретарининг шахсий топшириғини менга оширди.

— Ҳакимов билан яхшилаб танишиб олинг. Керак бўлиб қолади, — деди редакторимиз акса ураверганидан қизариб кетган кўзларини артиб.

Куз киравериши билан унинг аллергияси бошланарди. Врачлар буни гўза орасида ўсадиган қандайдир ўсимликнинг гуллаши билан боғлиқ дейишарди-ю, бироқ даволай олмасдилар.

Журналистнинг айтишича, у республика раҳбарларидан бирининг шахсий кўрсатмаси бўйича Ҳакимовнинг бирлашмаси

ҳақида Москва газеталаридан бирига мақола ёзиш учун келган экан. Улар эски таниш чоғи, кучоқлашиб кўришиб, ўпиша кетишди. Уларнинг чўлпиллатиб ўпишишларидан кўнглим айниб, юзимни тескари бурдим. Ҳакимов мен билан қўл учида кўришиб қўйди. Бирлашмага қарашли тоғнинг ҳар бир баҳаво ва хушманзара жойида шинамгина шийпончалар, ҳурматли меҳмонлар мўъжаз учун меҳмонхоналар қурилганди. Ҳар сойда бизни иззат-икром билан кутиб олишар, бир сойда каклик гўштани димлашса, иккинчи сойда зигир ёғига хонбалиқ қовуриб олиб келишарди.

— Мана бу меҳмонхонамизда ..... вич икки ой бурун бўлгандилар, — дер эди Ҳакимов фахр билан мухбирга республика раҳбарларини номма-ном тилга оларкан. — Янаги келишларига ана у сойда битта ажойиб дам олиш зонаси қурамиз. У киши авлиё...

Сочи тикрайган, торпешона ва ҳар бир хатти-ҳаракатидан каттазанлиги сезилиб турадиган, ёши бир қорага етган бўлишига қарамай, ёлчителиб бирор нарса ёзолмаган, бироқ икки гапнинг бирида "биз ёзувчилар" деб гапирадиган пойтахтлик меҳмон дамба-дам сўйлоқ қозиқ тишлари орасидан чирсиллатиб туфурар, қўлини ҳар хил ҳолатда ияги ёки пешонасига тираганча ўзини доно ва мулоҳазакор қиёфага солиб, Ҳакимовнинг ҳикоясини тингларди. Бу сохта жиддийлик унинг чўмичбурунли бир бурда юзидаги бачканаликни янада бўрттирарди. Гап орасида эса бот-бот Ҳакимов ҳақида катта бир асар ёзаётганини эслатиб қўярди. Дуч келганга йўл кўрсатиб ва ақл ўргатавериш ўрганиб қолган Ҳакимовни эса гапдан тўхтатиб бўлмасди.

— Мен сизга айтсам, ҳозирга келиб бирлашманинг майдони Хоразм вилоятининг территориясидан уч баробар катта, — пачоқ жуссасига ярашмаган ҳолда елкаларини кериб гапирарди Ҳакимов, ёзувчининг боши оша қояларга мағрур тикиларкан. — Бирлашмани бутун бошли бир давлат деса бўлади. Ҳамма нарсани ўзимиз етиштириб, ўзимиз ишлаб чиқарамиз. Мен сизга айтсам, уйимда ўнта қўйим ва иккита сигирим бор. Ўзим деҳқончилик ҳам, чорвачилик ҳам қиламан. Ҳовлимга инсон боласининг бир дона чўп олиб келишига йўл қўймайман.

## Нурали ҚОБУЛ

Порахўрликнинг илдизига болта уриш керак. Одамлар бузмакор, оғзи бедарвозалар тўлиб-тошиб кетган. Ҳар хил бўлар-бўлмас гапларни тарқатаверишади. Масалан, мана, шахсан мен ҳақимда нималар дейишмайди. Биз эса бу иғво гапларни ҳалол меҳнат билан енгамиз. Калнинг ёмони кўприкнинг тагига кириб от ҳуркитганидек, бундақа гаплар умри бино бўлиб ерга ёлчитиб кетмон урмаган, туғилганда оғзи билан ерга тушиб, тили билан юрадиган нокаслардан чиқади. Бундайларга ишла десанг, бас, кўзига балодек кўринасан. Ҳа, ноинсоф, ишласанг ўзинг учун, бола-чақанг учун ишлайсан-ку, биринг икки бўлади-ку. Мен сидқидилдан ҳалол меҳнат қилмаган одамнинг бир пиёла сувини ҳам ичмайман, даласига ҳам қадам босмайман. Қачон илғорлар қаторига қўшилади, шунда ўша бригадир ёки бош чўпон билан гаплашаман. Мана, ўзингиз кўрдингиз, егулигимизни машинага солиб олганман. Рулда ҳам ўзим юраман. Ваҳоланки, мен икки сменада шофер ишлатишим керак. Кечаю кундуз тиним йўқ...

— Балки бу методингиз унчалик тўғри эмасдир, Акбар ака,  
— Ҳақимовнинг гапини бўлди меҳмон. — Ўша орқада қолган бригадир ёки чўпонга раҳбар сифатида маслаҳатингиз ёки кўмагингиз керак бўлар...

— Мен сизга айтсам, оғайни, бу илғор тажриба, қулай метод, бало-баттар деганларининг ҳаммаси қуруқ гап. Эшакдек ишлаш керак, вассалом. Ота-бобомиз ҳеч қанақа методу маслаҳатсиз миллион йиллардан бери экин экиб, мол боқиб келган. Керак бўлса ўша чўпон ёки бригадир ўз ишини мenden ўн баробар яхши билади. Лекин астойдил меҳнат қилишга бўйни ёр бермайди! Сабаб чўнтаги тўла пул, остида газ йигирма тўрт ёки "Жигули". Ҳафтада бир марта шаҳарга тушиб, хотинбозлик ҳам қилади. Шундан кейин унинг ишлагиси келадими? — қўлларини ёзиб ёзувчига тикилди Ҳақимов.

— Шу пайтгача раислару директорлар қилиб юрган ишнинг ҳавосини энди бригадирлар ҳам олди денг, — мийиғида қулди ёзувчи.

— Э-э, қизиқ экансиз-ку, ўртоқ ёзувчи! Хотин билан гаплашишга вақт йўғ-у, — қизариб-бўзариб илжайди Ҳақимов.  
— Мен сизга айтсам, у элмас пайтлар ўтиб кетди. Неварали бўлди-у.

## *Унутилган соҳиллар*

— Мен ҳам сизни назарда тутиб айтаётганим йўқ, — деди ўзини ноқулай сезгандек ёзувчи. Сўнгра, гапни буриш учун суҳбат мавзуини ўзгартирди. — Яхшиси, мана бу журналист укамизга қандай қилиб раис бўлганингизни бир айтиб беринг.

— Ваҳ-ҳа-ҳа! Бор экансиз-ку! Илгарироқ шуни айтмайсизми! Укамиз ҳам ўзимиздан шекилли, — деди менга муғомбирона тикилиб. — Мен сизга айтсам, жа қизиқ бўлган. У пайтда бир йилда ўн марта раис алмашарди. Эллигинчи йилларнинг боши эди, чамамда. Сталин тирик. Районга бешбулоқлик Болтабоев деган ўпкасини қўлтиқлаган одам биринчи бўлиб келди. У пайтда мошин қайда дейсиз. Райком секретари ҳам, райижроком раиси ҳам отда юради. Ҳозир "Волга" обрў бўлгандек ўша пайтда от обрў эди. Бу Болтабоев дегани Москвада ўқиб келган экан. "Лелин ҳам ўзивиздан, уруслар ўғурлаб кетган", деб юрадиган содда бешбулоқликлар Болтабоев Москвани битириб келса ЦКга секретарь бўлиб, елкамизга офтоб тегади деб, ҳар келганда жомадонлаб пул йиғиб беришаркан. У эса бу пулга эртадан-кечгача ичаркан. Ўша одам ўқишни битириб, тўппа-тўғри бизни районга биринчи бўлса борми. Бир суткада саккиз марта бюро чақиради. Бюрога келолмай қолган раисларни ярим тунда бориб бўлса ҳам устидан кўрпасини тортиб ўзи уйғотар, "ҳамма социализм қуриш учун кечаю-кундуз ишласа-ю, сен хотининг билан ётасанми?" деб сўка кетар ва масаласини бюрога қўйиб, ишдан бўшатар, гап қайтарганларни партиядан ўчирарди. Жа, қизиқ замонлар эди-да, ўшанда. Одамлар нима қилишини билмасди. Раҳбарман деган калласига нима келса, шуни қиларди. Болтабоевнинг бир саман оти бўларди. Доимо райкомнинг олдидаги садақайрағочга боғлоқлик турарди. Бу жонивор учун тўрт отбоқар овора. Болтабоев ишини йиғиштириб қўйиб, кунда уч-тўрт марта отини миниб, айлантириб чоптириб келарди. Одамлар ҳам содда бўлганда. Унинг отини ичагини узиб қирдан қирга чоптиришини томоша қилиб "Э-э бу райком зўр экан. От чоптиришини қара" дейишарди бир-бирига. Биз ҳам ўша пайтда колхозга раис бўлганмиз. Ўша йили биринчи маротаба биз тарафларга Россиядан чўчқа келтирилди. Қани энди бу махлуқни боқадиган инсон зоти топилса. МТСда ишлаб

## Нурали ҚОБУЛ

юрадиган иккита ўрисга худони зорини қилдик, кўнмади. Кунига ярим хуржундан ароқ ваъда қилишса ҳам кўнишмади. Мен галлада ҳисобчи эдим. Болтабоевнинг кўзи менга тушиб қолса бўладими.

— Бўлди, бўлди. Мана бу йигит боқади. Жуда тилли-жағлига ўхшайди, — деди мени ёнига чақириб.

— Боқмайман, — дедим қизариб-бўзариб.

— Боқасан! Қани боқмай кўр-чи! Ёки бу ерни сувини ичмайсан, ё бўлмаса керакли жойга тикдириб қўяман, — деди у пўписа қилиб.

— Тикдиролмайсан! Сен айтган даврлар ўтиб кетди! — дедим мен ҳам бўш келмай. — Керак бўлса, мен ҳам Сталингача бораман! — қўшиб қўйдим Сталиннинг кимлигига унчалик ақлим етмасаям.

Шундан сўнг у жилмайибгина қамчисини ўйнатиб олдимга келди. Қамчилаб қолса керак деб, мен ҳам ҳозиримни кўриб турдим. Бир уриб ағдариб, ура қочмоқчи эдим. У индамай келиб, билагимдан ушлаб одамлардан четроққа олиб чиқди.

— Жуда мард йигитга ўхшайсан. Мен сендек мана шундай, ҳеч нимадан қайтмайдиган йигитларни яхши кўраман. Бундан беш-ўн йил бурун мен ҳам сендек ўт-олов эдим. Йигит деган шундай бўлиши керак. Бўлмаса унинг қиз боладан нима фарқи қолади. Энди икковимиз келишайлик. Сенга мени меҳрим тушди. Пешонанг ярқираган йигит экансан. Шу одамларнинг олдида сўзимни қайтармай, чўчқани бригадирлигини ол, бир-икки ой боқ. Сўнгра ўша колхозга раис қилиб қўяман. Келишдикми?

— Алдасангиз-чи! — дедим ишонқирамай.

— Алдасам худо.. э-э кечирасан, она сутим ҳаром бўлсин! — деди у худо деганимни ҳеч ким эшитмадими деган ўйда атрофга аланглаб. — Гапимга кирсанг, ака-ука тутинамиз. Айтганинг айтган, деганинг деган бўлади. Гап орамизда қолсин. Икки кундан кейин ҳеч кимга билдирмай олдинга бораман. Бўйни узундан беш-ўнтасини булоқнинг кўзига ташлаб қўй. Бир отамлашамиз.

Қўл олишдик. Мен чўчқани санаб олдим. Қани энди бригадада ишлайдиган одамни топиб бўлса денг. Бугунга келиб

чўққанинг ёғини дориликка ейдиган одамларнинг ўша пайтда менинг устимдан кулганини кўрсангиз. Кўпчилик саломлашмай қўйди. Мен сизга айтсам бу чўққадан ифлос ва сассиқ махлуқ бўлмас экан. Ҳиди одамнинг баданига ўтириб қолади чоғи, хотиним ҳам ёнимга йўламай қўйса бўладими?! Мен билан рўмолини оғзига тутиб гаплашади. Болаларни ҳам эркалатолмайман. Мунча сассиқсиз, дада, дейишади бақрайишиб. Одамнинг аччиғи келар экан. Сен итваччаларни боқаман деб шу қўйга тушдим, деб хотинга тегизиб, дўқ-пўписа қиламан. Чўққабоқарликка ҳеч кимни кўндиролмагач, эртаси куни яна Болтабоевнинг олдига бордим. Бўлган гапни айтдим.

— Одам борми ўзи? — сўради у гир айланиб отини томоша қиларкан.

— Бор. Қишлоқ тўла одам. Уч-тўртта болалик эркаклар ҳам ўспириларга қўшилиб подоловлов, чиллак ўйнаб юборишибди. Бироқ чўққа боқишга кўнишмаяпти, — дедим фиғонимдан тутун чиқиб.

— Ничево. Йўли бор оғайни, парво қилма, — деди Болтабоев отга минишга чоғланаркан.

Эгарга ўтиргач, мени орқасига миндириб олди. Тўппа-тўғри мелисахонага келдик. Ўша пайтда районда бор-йўғи тўртта милиционер бор эди. Болтабоевни кўрган милиция ходимлари кўчага югуриб чиқишди. Болтабоев ўрисча билан ўзбекчани аралаштириб гапирарди. Сўкинганда эса албатта русчаларди. Бўлмаса одамлар тушуниб қолиб ёқасидан олиб кетишарди-да!

— Изначит, вот так, — деди у пилдираб чиққан икки милиционерга. — Мана бу йигит билан бирга қишлоғига борасанлар. Бу сенларга иккита кишини кўрсатади. Ундан чўққа боқасанми-йўқми деб сўрайсилар. Хўп деса Чувоқсойдаги чўққахонага элтиб қўйиб келасилар. Агар йўқ деса олиб келиб, мелисахонага қамаб, менга хабар берасанлар. Есть вопросов? — деди у оти жиловини далага қараб бураркан. Сўнгра саманани қуюндек учириб кетди.

Милиционерлар билан қишлоққа келдик. Уларни тўппа-тўғри Манноп ўтинчиникига етаклаб бордим. Ўтинчининг ҳўкиздедек бақувват Ахроқул ва Асрорқул деган ўғиллари бор

эди. Тоғдан шох-шабба кесиб келиб, отасига қарашиб юришарди. Милиционерларни кўриб ўтинчи бечора шайтонлади — қолди.

— Майли, ўғилларим ит боқ десаларинг ҳам боқади. Фақат бурнимизни қонатманглар! Муслмонлар! Худо хайриларингни берсин! — деди ўтинчи ёлвориб.

"Ҳа-а, чўчқа боқмайсан-а, боқмайсан" дейман ичимда. Хуллас, бригадада иш юришиб кетди. Димоқ ёрилгудек бўлиб, чўчқа боқа бошладик. Ҳар ҳафта, ўн кунда отини учиртириб олдимга Болтабоев келиб қолади. Қийқиртириб ароқни ичамиз. Болтабоев ўрисчалаб ашулани қўяди. Биз ҳам бўш келмаймиз. "Ёр-ёр, ёрона"ни оламиз. Бу ароққа чўчқани ёғидек яхши газак бўлмас экан. Буни бизга Болтабоев ўргатди. Ҳар келганда, ваъдасини эсига соламан. Ўша пайтдаги колхоз раиси Мансур Раҳмонов ҳам ернинг остида илон қимирласа биладиган, қатикни ҳам пуфлаб ичадиган, бироқ ўлгудек хасис одам эди. Этигим ейилади деб иложи борича пиёда юрмасди. Болтабоев уни кулатишни анча кутди. Шу пайтда раиснинг отаси қазо қилиб қолди. Ундан бурун қизини етим бир жиянига берган эди. Шартта хат уюштирдик. "Шундай омон-омон замонда коммунист бўла-туриб қизини севмаган одамга зўрлаб, қалин олиб турмушга берди. Отаси ўлганда жаноза ўқитди". Қараб турибсизки, райком бюроси Мансур раисни ишдан олиб турибди. Пирқа бўлмасак ҳам биз бир юмалаб раисга айландик-қолдик. Раис бўлишга бўлдиг-у, бироқ қўлда муҳр йўқ. Эски раис борганларга печатни бермабди. Ҳосилот, бош бухгалтер, икки навкарим Аҳрорқул билан Асрорқулни эргаштириб уйига бордим. Мансур сатанг алаmidан ароқни уриб олган, кайфи тарақ. Бизни таранг қилиб сўкди. Печатни сўрашимни биламан, ён чўнтагидан чиқазди-да, резинкасини ёғочидан юлиб олиб, икки буклаб ютиб юборса бўладими. Шундан кейин кўринг томошани. Уч кун уни ҳожатхонага йўлатмай, бушанишини пойладик. Аҳрорқул билан Асрорқулни кечаси қоровулликка ташлаб кетаман. Эрталаб хўроз қичқирмай яна ҳосилот билан етиб келамиз. Хуллас, бир амаллаб печатни олдик. Мана, қаранг, шунгаям йигирма беш йил бўлибди. Умр ҳам оқарсувдек ўтиб кетди. Мен сизга айтсам...

Яйраб, гурунг бераётган Ҳакимов тердан ранги ўчиб, кирлаб кетган шляпасини қўлдан қўймасди. У турганда ҳам, ўтирганда ҳам шляпасини дам кийиб, дам олиб қўяр, дойм бесаранжом, жонсарақ эди. Назаримда унинг феълида донғига яраша вазминлик, босиқлик ва сермулоҳазалик етишмасди. Наҳотки, ҳамма Меҳнат Қаҳрамонлари шундай бўлса (вилоятда бунга ўхшаганлар бир нечта эди) дея ўйлардим. Биз эса мактаб ўқувчиларига, ёшларга мана шу тоифадаги одамларни ибрат қилиб кўрсатамиз.

— Аммо бу Болтабоев дегани жуда мард, танти одам эди, — деди Ҳакимов терлаган пешонасини артиб қўйиб, тиззасига шапатиларкан. — Ўша пайтдаги ур-сурда қўп саводдилар қамалиб кетиб, катта-кичик амалу-мансаблар сатта ялангоёқларга қолган эди. Каганович колхозининг раиси ҳам ҳафтада алмашиб турарди. Гоҳида кичкинагина бир қишлоқда раис бўлмаган одам қолмасди. Қишга бориб, лоп этиб шу колхозга Ўринбой тақачи раис бўлиб қолди денг. Бюрога барча раислар келади-ю, бироқ тақачидан дарак йўқ. Болтабоев столни мушглаб ўшқиради. Охири бир кун у отини учиртириб, Ўринбойнинг олдига борибди.

— Нега райкомга чақирса бормайсан? — дея қамчини кўтариб ўдагайлабди.

— Кўзинг кўрми, қара ялангоёқман, қандай қилиб майлисга бораман? — дебди тақачининг ҳам елкаси тиришиб.

— Чоринг ҳам йўқми? — дебди Болтабоев.

— Йўқ! — дебди раис товонлари тарс-тарс ёрилган оёқларини яширган бўлиб.

— Кавуш-повушинг ҳам йўқми? — дебди Болтабоев шаштидан тушиб.

— Йўқ! — дебди у.

— Бўпти, эртага райкомга мажлисга бор. Мен сенга этик олиб қўяман, тополмасам ўзимникини бераман, — дебди Болтабоев унинг оёғига қараб қўйиб отини жilовини буриб, изига қайтаркан.

Бюрога келган раислар тўпланишиб, Болтабоевнинг олдига кирмоқчи бўлиб тургандик. Бир чоғи отини йўрттириб, Ўринбой келиб қолди. Икки оёғини хуржунга тикиб олган.

— Болтабоевни бу ёққа чақириб юбор! — дейди менга қараб отдан тушмай. Мен раислар ичида энг ёши эдим. Шунинг учун улар мени майда-чуйда ишга буюришаверарди.

— Нима ўлгинг келяптими? Болтабоевнинг қаҳрига учрамаган сен қолувдинг ўзи! — дедим ҳайрон бўлиб.

— Кеча бориб менга этик ваъда қилиб келувди. Айт, шуни олиб чиқсин! — дейди ҳамон хуржундан оёғини чиқармай.

Гап-сўзимиздан хабар топган Болтабоев бир жуфт этикни кўтариб, хонасидан чиқиб қолди. Ўринбойнинг этикни кийиб олиб хурсанд бўлганини кўрсангиз.

— Раислигингни кеча бердинг, эртага олсанг кераг-ов, лекин шу этигинг учун қуллуқ, сенга, Болтабоев. — дейди оғзи қулоғига етиб. — Барака топ!

— Аломат эди, бу Болтабоев дегани, — деб қуйди Ҳакимов қирилган бошини силаб, чой ҳўпларкан.

— Болаларига ҳам ғалати-ғалати исмлар қўйганди! Октябрь, Инқилоб, Коммуна, Тельман, Колхозой. Зап одам эди-да, бояқиш...

Унинг ҳикояси давомида кула-кула ичагимиз узилди. У бу гапларни тишини оқини кўрсатмай жиддий туриб, шу қадар мароқли ҳикоя қилардики, қойил қолмай иложинг йўқ эди.

У кўзларини қисиб тоғларга тикилганча ҳикоясини тугатди. Унинг бу қарашидан ҳамма нарсани удласидан чиқаман, истасам мана шу тошдан иборат тоғда гул ундираман. Бироқ худонинг бу ношукур ва нокас бандалари бари бир қадримга етишмайди, деган маънони уқса бўларди.

Унинг нигоҳида ва гап авзойида ҳаётдан мамнунлик ва айни пайтда бу омонат бахтиёрликни қўлга киритиш учун қилинган турли найранг ва жиноятлардан ҳадиксираш ифодаси ҳам йўқ эмас эди. Назаримда, у ўзича буларни ўйламасликка тиришар, бироқ қанчалик ўзини чалғитишга уринмасин, бу фикрлар миясида шунчалик кўп ва тез айланаверарди. Бу нохуш ўйлардан халос бўлмоқ учун у ишга шўнғиб, ўзини одамларга яхшилик қилаётгандек кўрсатар, ён-веригаги катта-кичик ҳар бир кишини безътибор қолдирмасликка уринарди. Оддий одамлар унинг бу саховатидан ийиб кетар, топган-тутганини олдига қўйиб, меҳмон қилишарди. Фақат зийрак одамларгина унинг бу сохта хатти-ҳаракатлари замиридаги маънони пайқар ва ундан ҳафсаласи пир бўларди.

Ҳаёт тажрибаси йўқ, борди-келдига эндигина аралашаётган биздек ёшлар ҳам ўша дамда беихтиёр, ҳақиқий инсон ва коммунист ана шундай бўлиши керак дея ўйлардик. Биз мактабда ўқиб, Ҳақимовнинг довуғини эшитиб юрганда ҳам айнан шундай фикрда эдик. Ўқитувчиларимиз ҳам бизга шундай дея таълим беришарди. Мен Ҳақимов билан учрашиб, ўзимча унинг шахсини чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилган кунданоқ Пушкин айтган, Чехов куйиб-ёниб исботлаган "бизга мингта ҳақиқатдан кўра, руҳимизни кўтарувчи алдов қимматлироқ" эканини англай бошлагандим.

## XIX

Коридорда оёқ товуши эшитилди. Хонага калитини ўйнаб, Жобиров кириб келди.

— Қалай, ўртоқ ёзувчи? Ҳангама куюқ бўлди, шекилли? — деди соатига қараб. — Тушлик қилмаймизми? Жуда ғалати одамми? — деди йўлда кетаётиб.

— Бунақасини учратмагандим, — жавоб қилдим, ҳамон бўлиб ўтган суҳбатдан ўзимга келолмай.

— Бирор нарса чиқадими?

— Билмадим. Қийино-ов.

Пиёда юриб таҳририятдан анчагина узоқдаги ошхонага бордик. Жобиров шу ерда овқатланишни яхши кўрарди. Таниш официант бизни девор тарафдаги хоначаларнинг охиргисига таклиф этди. Овқатга қўл урмасимиздан бурун қулоғимизга чалинган овоздан хангу манг бўлиб, бир-биримизга тикилиб қолдик. Шундоққина ёнимиздаги бўлмадан бизга таниш ўша жабрдийда одамнинг овози келарди. Муҳаррир савол назари билан ён тарафга ишора қилди. Мен елкамни қисдим. Аллақачон томоғини қизитиб олган танишимиз ҳамсуҳбатига гап бермасди.

— Мани биласан, — дерди у хириллаган овозда. Ичганидан шекилли, унинг товуши бўғилиб чиқар, тез-тез томоғини қириб қўярди. — Ҳеч қачон, ҳеч кимга мирлаган эмасман. Бундан кейин ҳам мирламайман. Мени Шариф каттаоғизнинг ўғли дейдилар. Бировга ҳақимни едирмаганман. Мана, ҳозир

ўзинг кўрдинг. Газета бош редакторининг ўзи қўярда-қўймай хонасида эрталабдан тушгача, роппа-роса тўрт соат олиб ўтирди. Бўлмаса, қабулхонаси одамга тўлиб кетган эди. Секретари мен чиққунга қадар олдимизга пашшаниям йўлатмади. Ҳатто обкомдан телефон қилганларга ҳам редактор банд деб жавоб берди. Эшикни қулфлаб қўйиб, элликтадан виски қуйди. Жа зўридан экан. Тортиб турувди-ю, бироқ у ерда ичиш ноқулай. Бир неча марта илтимос қилиб, ўрнимдан турганимдан кейин ноилож рухсат берди. Бир кўрпада тепишиб катта бўлганмиз. Ўшандаёқ босиқ, бўладиган бола эди. Мен эса ундан ҳам тилли-жағли эдим. Ҳаммасини бошини қовуштириб юрардим. Сени ишингни ҳам гаплашдим. Парво қилма, ҳаммаси тўғри бўлади, деди. Атаганимизни астагина столга қўйиб, устига газета ёпиб қўйдим. Ҳар қанча хизмат қилса арзийдиган, тилла одам. Майда-чуйда хизматлар чиқса, айтиб туриш, дедим. Акалари билан ҳам қалинман. Биттаси Арнасойда совхоз директори, иккинчиси пединститутда декан.

— Раҳмат, Шокиржон ака! Мен сизни акам деганман! Ўла-ўлгунча хизматингизда бўламан! — хириллади унинг сўхбатдоши. — Ахир, газета билан ҳазиллашиб бўладими?

— Тинчитиб юборамиз, оғайнингизга айтиб қўйинг, бизнинг ходимларга қўполлик қилмасин, деди. Сен ҳам каллаварам экансан-да. Харидорларнинг уст-бошига, афт-башарасига қараб муомала қилмайсанми?! Ким айтади сени ўн йилдан бери савдода ишлайди деб.

— Қаердан билай уни редакцияда ишлашини. Исқирт кийинган киши эди.

— Кўявер бу ҳарфхўрларни. Бу журналист деганинг ҳаммаси шунақа бўлади. Бировларга ақл ўргатишади-ю, ўзлари одамга ўхшаб кийинишни билишмайди. Сизники маъқул, акажон, хизматингиз бош устига дегин-у, билганингни қилавер. Уларни алдаш осон. Каштасини келтириб ҳўкиз туғибди, десанг ҳам ишонишади. Ўлгудек мижғов ва пасткаш бўлишади. Икки юз йигирма тўрт минг пайғамбардан битта худо афзал. Шунинг учун ҳам пачакилашиб ўтирмай, бошлиғи билан гаплашиб қўя қолдим. Энди у ходимини чақириб, ўзинг бир нима умидвор бўлгансан, деб зикновга олади. Кўрасан, ҳали келиб, сендан

кечирим ҳам сўрайди. Фиди-биди деса шунча пул сўровди, беролмагандим. Шунинг учун мен билан қасдлашиб қолганди, дейсан. Газетанинг обрўсини ўйлаб, ишни бости-бости қилишади. Парво қилмай юравер.

— Борингизга шукр, акам! Маладес! Апсанка! Ҳў апсанка! Арманскийдан яна битта оп ке! Сизнинг соғлигингиз учун ичаман, ака! Доимо бахтимга омон бўлинг! Сиздек акалар бор экан, доғда қолмаймиз!..

— Кўрасан, ҳали Раҳимахонни ҳам пириллатиб учиртириб келиб, кафтимга кўндираман...

— Э-э, қўйсанг-чи ўша Раҳимахонингизни, — унинг гапини бўлди ширакайф шериги қалдираган овозда. — Энди у сизга хотинлик қилармиди? Кўчада дуч келган одам судраб юрибди. Сизга қилган шунча жафосидан кейин ҳам Раҳимахон дейсиз-а?..

— Гапни бўлмай турсанг-чи! — суҳбатдошини жеркиди у. — Уни яна хотин қилиб мен ҳам миямни еганим йўқ! Ундан йигирма ёш кичик қайлиғим, иккита болам борлигини ҳамма билмаса ҳам сен биласан-ку. Бир марта ростини гапирсам, дастлабки хотинимдан бўлган болаларни ҳам ўшанинг кучи билан оёққа кўйдим. Сўнгги оиламни ҳам Раҳимахоннинг орқасидан тебратиб турибман. Миниб юрган машинам ҳам ўшанинг пулига келган. Хайриятки, ўз вақтида укамнинг номига ўтказиб қўйган эканман. Укамнинг қанжиқ хотини ҳам қачон уйига миниб борсам ғавғо қилиб, машинага тармашади. Бир кун бола-чақаси билан йўлга ётиб олса бўладими. Бу дунёда жигаргаям-дигаргаям ишониб бўлмас экан. Ёмон бўлсаям ўша аёлнинг борлигига шукр қиламан. Қизиқ, ундан ажралдим, ёш хотиннинг кўзига ҳам муттаҳамдек кўриниб қолдим. Хушторлар ҳам мендан қочадиган бўлиб қолишди. Кичик хотин жаҳлга минса борми, уни олдида Раҳиманинг зуғумлари ҳолва бўлиб қолади. Раҳимага зиёним тегмаса бўлди, мен билан иши йўқ эди. Буниси эса на тинч юрганимни, на бирор тирикчилик қилганимни қўяди. Билмайдики, қозонини қайнатаётган мен эмас, Раҳимахоннинг овози. Агар Раҳима ярашса, бунисини қўйиб юборардим. Бировга гуллаб юрмагин-у, ундан ажралсам ҳолим хароб. У менсиз болаларни одам қилади. Мени эса усиз куним ўтмаслиги мумкин. Нима қилай, шундай ҳаётга ўрганиб қолганман. Сен билмайсан отарчиликни.

Бу қимордай гап. Даврага бир тушгандан кейин чиқолмайсан. Мавсум авжига чиққанда, кунига ўн мингдан кам ишламасдик. Қани энди бу пуллар? Бошқа бир тирикчилик қилишга бўйин ёр бермайди. Гапнинг очиги, қўлимдан ҳам келмайди, — ҳасрат қиларди у ҳамроҳига.

— Эски ота-боболаримиз айтган гап бошингизга тушибди-да акажон, — деди суҳбатдоши унга ҳамдардлик билдириб.

— Қандай эски гап?

— Отам раҳматли айтардилар. Битта хотини бор одам уйда ётади. Иккита бўлса масжидда, учта бўлса кўчада ётади деб. Шу аҳволга тушибсизда, устоз.

— Меники бешта. Бешовидан ҳам болам бор. Бу ҳисобдагиси. Ҳисобда йўғини қўявер. Керак бўлса мен бу ернинг Амир Олимхониман. Тушундингми? Сени яқин одамим деб дардимни айтиб ёрилдим-да. Билиб қўй. Шернинг ўлиги ҳам шердир!

— Шундай, шундай устоз! Биладан! Ҳеч қачон сизнинг елкангиз ерга тегмаган ва тегмайди! Шунинг учун ҳам орқангиздан етим кўзидек эргашиб юрибмизда устоз!

— Мен дарёдан сув бағишлаган одамман!

Сўнгра улар аллақандай тўй хусусида гаплашишди.

— Энди, акажон, тўйимизга ўзингиз бош-қош бўласиз. Ҳозирча топганимизни олиб туринг, — овозини пасайтирди нотаниш киши. — Бу ўзингизга. Қанча кетса ҳам ўша янги чиққан Отажон деганини гаплашиб берасиз. Майли, оғзига сиққунича олсин. Вақтига қараб, тўйни қайси кунга деса, шунга тўғрилаймиз. Гаштажўраларга катта кетиб қўйганман. Буёғини ўзингиз тушунасиз.

— Иккитами? — деди у хирллаб.

— Ҳа.

— Закалад бериб қўйиш керак олдидан. Яна битта олиб келасан, оғайни? Бўмаса бўмайди.

— Бўпти, бўпти, — жавоб қилди у овози титраб.

Жобиров чўнтагидан калитларни олар ва яна қайтариб соларди. Хаёли қочганидан пиёлани қандай лабига олиб борганини билмас, қўли қалтирарди. Еганимиз ичимизга тушмади ҳисоб. Наридан-бери тамадди қилиб, кўзгалдик. Ошхонадан чиққанимизда, у сутранг "Волга"сини ўт олдириб,

олд ойнасини артарди. Муҳаррир дуч келган кишидан сигарета сўради. Одатда у қаттиқ ҳаяжонланганда чекарди. Чап қули билан чўнтагидаги калитини тутамлаганча, бостириб-бостириб тортарди.

— Энди бирор нарса чиқиб қолар, — дедим анча юрганимиздан сўнг.

Муҳаррир ялт этиб менга қаради.

— Да-а, — деди сигаретасини ташлаб, калитни қўлига оларкан. — Да-а, — деди яна чўзиброқ шаҳарнинг кунботиш тарафидаги дов-дарахтсиз тақир тоғларга ғамгин тикилиб. Жобиров биров билан очилиб гаплашмоқчи бўлганда шундай қиларди. Сўнгра менга қарамай калитни ўйнаганча гапира бошлади. — Аблаҳ, — деди алам билан тупуриб. — Лекин эҳтиёт бўлинг. У сизга қарши ҳам ҳужум режасини аллақачон тузиб қўйган. Ўзига нохайрхоҳлигингизни билса бас, фалон мухбир шунча сўровди, шунча бергандим, норози бўлибди, номард, дея гап тарқатади ёки кўра-била шунча бергандим деб туриб олади. Ана ундан кейин кўрасиз томошани. Сатирик фельетонингиз трагикомедияга айланиб кетади. Ўзи шунақа бўлади. Урҳо-ур пайтида илоннинг ёғини ялаган пухта қаллоблар қолиб кетиб, содда довдирлар қўлга тушади. Тулкилар қўлдан сирғалиб чиқиб кетиб, қулоғи шалпайган ландовур қуёнлар тўрға илинади. Бу бечора қуёнлар илгари тулкиларга ем бўлиб келган. Интиқом дақиқасида эса тулкиларнинг гуноҳи учун жавоб ҳам беришлари керак. Қаттиқ ичган қутулди, айрон ичган тутилди, бўлади. Сиз ёшсиз. Бошингиз тошга теккани йўқ. Бироқ кўз очилиши учун бош тошга тегиши шарт эмасдир, балки. Модомики, инсон боши ҳаёти давомида ҳақиқат тоғлига ҳеч бўлмаганда бир марта тегар экан, эртароқ теккани маъқул. Кеч, ёш бир қорага бориб қолганда, у бу зарбага дош беролмаслиги мумкин. Адолатнинг тоши оғир бўлади. Жуда кўпчилигимиз ундан онгли равишда қочиб юрамиз. Бу ҳолнинг киши вафотидан сўнг юз бериши ҳаммасидан қайғулидир. Номинг абадул-абад ўчиб кетиши ёки, қора рўйхатга тушиб қолиши мумкин. Ҳар ҳисобга кўра, бу воқеанинг эртароқ содир бўлгани маъқул. Шунда киши ўзлигини чуқур ҳис этиб, хатоларини англаб, тавбасига таяниб, нисбатан ҳақиқатгўй бўлади. Тўғри яшашга интилади. Бироқ

бахтсизлик, омадсизлик ва фожиалардан ҳамманинг бирдан кўзи очилиб, доно ва халқпарвар бўлиб қолмайди. Табиий, самимий ва ерга яқин одамларгина ўз омадсизлик ва хатоларини эзгуликка хизмат қилдира оладилар. Бутун шахслар, катта ишлар қилиш учун яратилган кишилар ўзгалар бахти учун яшамок саодатини жуда эрта ҳис этадилар. Улар одамларга ва атроф-муҳитга келтираётган катта-кичик ҳаётий ва маънавий фойдаларидан лаззатланиб, ҳатто маст бўлиб яшайдилар. Бироқ ҳеч қачон кишилар ўзларини тушунмаганларидан, ўз орзумидлари эҳтиёжига жавоб топа олмаганларидан нолимайдилар. Улар болаликдаёқ одамлар бир-бирларининг энг юксак инсоний туйғуларига, олийжанобликларига тайёр эмасликларини, бунинг учун Шарқда одамият ҳали тараққий топишини, дунёга донолик ва фозиллик бахш этган Шарқ ўзига келиши кераклигини биладилар.

Жобиров гапдан тўхтаб, яна қопчиғини чап қўлига уриб ўйнаганча кабинетига кирмай ишхона ўнгидаги йўлакдан наридан бери бориб келарди. Мен ҳам сўзламоққа журъат этмай бошлиққа эргашдим. Калитларни ўнг чўнтагига солган бош муҳаррир таққа тўхтаб, кунботиш томондаги боққа тикилганча фикрини давом эттирди.

— Бу тутуруқсиз Шарқ худо, худо дейди-ю, худонинг юзига биринчи бўлиб оёқ қўяди. Биз ҳеч бир ишни қойиллатолмаганимиздек мусулмончиликни ҳам аҳмоқона бир тирикчиликка айлантириб юборганмиз. Эс-ҳуши бутунроқ одамлар жиддий ҳаётий муаммолардан ўзларини олиб қочаверганларидан (шундай қилишмаса жувонмарг бўлиб кетишларини биладилар) дин ҳам чаласавод кишиларнинг эрмаги бўлиб қолди. Имоним комилки, бояги одам умрида бирорта китоб ўқимаган. Бундай одамлар онгида халқ ва давлат манфаати деган ибора ҳақида ҳеч қандай тушунча йўқ. Лекин биз қоғозларда уларни олий маълумотли, коммунизмнинг фаол қурувчиси деб ёзамиз. Ваҳоланки, уни жамиятнинг ашаддий емирувчиси деб ёзишимиз керак. Ҳай, ишлаб чиқариш кўрсаткичларига қўшиб ёзиш маълум нарса. Инқилобдан кейиноқ революция ғалабаларини бўрттириб кўрсатиш учун шундай қилишган. Буни ҳар ҳолда тушунса ва изга солса бўлар.

Лекин маънавий қўшиб ёзишни, худбин ва муттахамларни дўсту душманга ниқоб кийгизиб кўрсатишнинг кимга кераги бор. Ахир, улар ниқобнинг ичида бизнинг устимиздан кулиб туришибди-ку. Эрта-индин ўзимизни орқамизга тепиб, маймундек қилиб ўйнатади-ку. Улар шу имконият доирасидан ташқарига чиқа олмайдилар. Улар алоқадор ва манфаатдор бўлмаган нарсаларига олабўжидек қарайдилар, ўзларини олиб қочадилар. Ҳақиқатдан ҳар қадамда кўз юмадилар ва керак бўлса ўз ота-онасидан ҳам тонадилар. Бундайлар ҳатто бирор нохуш воқеанинг шоҳиди бўлиб азоб чекмаслик, соғлигига зиён етказмаслик учун яқин кишиларнинг мотамидан ҳам ўзларини тортадилар. Бошқа бир тоифадагилари эса бировларнинг бахтсизлигига гувоҳ бўлганда кўзига ёш олиб ачинади. Гўё ўзини унинг ўрнига азоб чекаётгандек кўрсатади. Бироқ ўша одамнинг остонасидан ҳатлаб ўтиши, кўчага чиқиши билан бу қайғу, киши ўзлигини тополмай юрганда, уни ҳаётини изга солиб юборган бирор диёнатли одам қилган яхшиликдай ёдидан кўтарилиб кетади. Биз гоҳида ўзгаларнинг бахтсизлигидан ўз саодатимизга пойдевор ясамоқчи бўламиз ва кўп ҳолларда бунга эришамиз ҳам. Ҳашаматли меҳмонхонада ёлғиз ўзи астойдил гинғиллаб, истаса стол устидаги асалга ёки қора кишмишга кўниб, олди ва орқа оёқчаларини бири-бирига ишқалаб, ҳузур қилаётган пашшадек иложи борича ҳаракат доирамиз кенгайишини, теварак-атрофимизда рўй бераётган воқеа ва ҳодисалар бизнинг аралашувимизсиз ҳал бўлмаслигини ён-веримизда чумолидек гимирлашиб юрган одамларнинг тақдири қай йўсиндалигидан қатъи назар ўзимизга боғлиқлигини ҳис этиб туришдан кўнглимиз беихтиёр, роҳатланади. Ўзимизнинг аҳмоқона донолигимиздан виждонимизни ором олдирмоқчи бўламиз. Улуғ ишларни амалга оширмоқни ният этган киши эса вақт ва виждон оромини истамайди. Ўша семиз урғочи пашша ҳузур-ҳаловатда яшаётган меҳмонхонага кирган одам боласи ҳамма ишини йиғиштириб қўйиб, қўлига илинган нарса билан уни ўлдирмоққа киришади. У бу хонага истироҳат этиш ёки бошқа бир иш билан кирганда, хонада пашша борлигини ҳаёлига ҳам келтирмайди. Унга эътибор бермайди. Бирор ишга жиддий

киришгандагина хонани бошига кўтариб гингиллаётган пашшанинг ўзига халақит бераётганини астойдил ҳис этади. Ана шундагина у гижиниб, бу маҳлуқдан қутулиш пайига тушади. Ва охир-оқибатда уни йўқотади-да, бундан ўзиям маза қилади. Калта ўйлашимиз боис кўпчилигимиз ҳаётда ана шу пашшанинг ҳолига тушиб қоламиз. Пашшадек ўлиб кетмаганларимиз тумшугимизга мушт еб, бир умр бу дунёда ҳақиқат йўқлигидан нолиб ўтамиз. Бироқ эсимизни таниб, қўлимиздан иш келадиган бўлгандан бошлаб, ҳақиқатнинг юзига лой чаплаганимизни, унинг кўзи кўр, қулоғи кар дея ўйлаб, истаган томонга букишга ҳаракат қилганимизни, бир кишининг қўнглини оламан, унга яхшилик қиламан деб, ўнлаб кишиларнинг ҳақиқа ҳиёнат қилганлигимиз ўйлаб ўтирмаймиз. Менимча, жиноят мажмуасига "халқнинг маънавий даражасини пасайтиргани, кишилар дунёқарашининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатганлиги учун" деган модда киритиб, қалбаки ёзувчиларни, саҳнада гапирган гапига ўзиям ишонмайдиган артистларни, суюқ қўшиқчиларни, адабиёт ва санъатнинг қулоғида турган саводсиз тўраларни, мактабда ўқувчиларга тилида тўғрилиқ, ҳақиқат ҳақида ваъз айтиб, боласига оғзидаги нонини олдирмасликни, ҳеч кимга ҳақини едирмасликни ўргатадиган ўқитувчиларни, институтларда ҳар бир факультетга киришнинг баҳосини белгилаб қўйган олимларни, тарихимизни шу пайтгача бузиб ёзган, халқимизни тарихи, миллий анъана ва удумларидан ажратиб қўйганларни жинойий жавобгарликка тортиш керак. Ҳар бир кишини ўз Ватанига бўлган меҳри унинг имони билан ўлчанади. Гапнинг пўст қалласини айтганда, ҳозир бизда имондан ноёб нарса йўқ. Бизда виждонга нисбатан жигилдон шу қадар катталашиб кетганки, айрим одамларда уни ҳеч нима билан тўлдириб бўлмайди. Уни фақат тупроқ билан тўлдириш мумкин, тупроқ билан! Булар – ёрдам бериш гоят мушкул ва кеч бўлган бетоб кишилардир. Булар учун жиноят ва адолат, хиёнат ва диёнат ўртасидаги чегара тикланмайдиган даражада бузилиб кетган. Улар худди калхатдек эзгуликнинг харобаси устида ўзларига қасрлар қурадилар. Ўзларининг ёруғ дунёдаги энг мўътабар жонзот эканликларини исботлашга ҳаракат қилиб, бор

истеъдодларини ишга соладилар. Яхшидан боғ, ёмондан доғ, дегандек, улар қолдириб кетган хиёнат ва худбинлик уруғлари вақти-соати етиб кўкаради. Инсоният доимо, ноҳақликка, ноҳақликни вужудга келтирувчи кучларга қарши курашиб хатоликларга йўл қўйганким, бундан озор чекканлар ҳақли равишда норозилик билдирганлар. Бунинг оқибатида эса яна бир бошқа, илгаригидан каттароқ ва хавфлироқ ноҳақлик пайдо бўлган. Фожиа шундаки, ноҳақлик борган сари катталашиб, бутун борлиқ ва инсониятни ҳалокат ёқасига олиб келади. Буни одамлар онгли равишда қиладилар ва бу билан ўзларига чоҳ қазийдилар. Бу лаҳзаларда қандай ўлиш мумкинлигини кўриш, ҳис этиш учун одам боласи устида тажриба ҳам ўтказадилар. Бундан кимдир лаззатланса, кимдир ўзига ва ўзига ўхшаганларга лаънатлар ўқийди. Сиз билан биз эса шу даҳшатли кучнинг орқасидан оч бузоқдек эргашиб бораверамиз. Албатта кўрққанзимиздан. Дунёда кўрқувдан даҳшатли куч йўқ. Азал-азалдан шундай бўлган, одамлар катта ва ҳайратомуз иш қилсалар, ўзларини пайгамбар ҳис этганлар. Фожиа ва бахтсизликлар эса уларнинг наздида, албатта, оллою-таолонинг хоҳиш-иродаси билан содир бўлган... Кимдир дунё аҳмоқларга тўла деган экан. Менимча дунё аҳмоқларга эмас, хоинларга тўла. Одамлар уларни бирдан ажратиб ололмайдилар. Лекин умрларида аҳмоқдан кўра, хоинларга кўпроқ дуч келадилар. Инсоннинг бутунлиги ва мукамаллиги ҳақида тасаввурга эга бўлмаганларнинг баридан хоинлар етишиб чиқади. Эшак эшакдан орқада қолса қулоғини кесгандек, сотқинлар бир-биридан ортда қолса тилини кесади.

— Аҳмоқлар инсониятга хоинлар қадар зиён-заҳмат етказмаганлар, — дедим Жобировнинг сўзини бўлиб. — Аҳмоқни аҳмоқ десанг, арпа бўйи ўсибди дейдилар-ку.

— Тўғри, — деди суҳбатдошим кўзимга тик боқиб. — Мен сизга узундан-узоқ фалсафа сўқдим. Узр тилайман. Биласизку ўзим кўп гапирган кишини хушламайман. Ана у ғалати одам мени гап халтамни очиб юборди. Бунинг устига эллик-элликдан отдик. Сизни ностандарт фикрлашингизни, неординар йигитлигингизни биламан. Фикрингизда давом этинг, — деди бошлиқ кутилмаганда сўзини бўлганимдан шошинқираб.

— Яхши билан ёмон деган тушунча ўртасидаги мувозанат бизда, Навоий айтмоқчи, Астрободнинг ҳавосидек гап. Биз маълум бир нарсани тўғри деганимизда, бу ишнинг ўзимизга маъқул ва номаъқуллигини назарда тутиб, хулоса чиқарамиз. Бизга ёқадиган тирикчилик бўлса, у албатта қонуний ва тўғри. Бизга ёқадиган одам ҳам ҳеч қачон номаъқул иш қилмайди. Унинг бўлмағур иш қилиши мумкин эмас. Мабодо унинг жинояткорона қилмишлари бўлса ҳам йўлини топиб хайрли тарафга буриб юборамиз. Биз уни ҳимоя қилаётганимизда, аслида ўзимизни ўйлаётган бўламиз. У қармоққа илинган, яна бир неча кундан кейин ўзимиз ҳам тўрға тушмаслигимиз учунгина куйиб-пишиб уни фариштага чиқара бошлаймиз. Биздан кўра жиддийроқ фикрлайдиган, камчилигимизни кўриб турган ва таназзулимизнинг муқаррарлигидан огоҳ этаётганларнинг фикри билан ҳисоблашгимиз келмайди. Кўнглимизга ўтирмайдиган ва ақлимиз етмайдиган ишга кўркўрона қарши чиқамиз. Бу чексиз дунёда бизнинг ақл-фаросатимиз доирасидан ташқарида ҳам ҳаёт ва одамлар мавжудлиги, балки улар бизга нисбатан юз баробар катта ҳақиқатларни кашф этаётганликлари, яратишлари мумкинлигини тасаввур этолмаймиз ёки тан олгимиз келмайди. Гўёки биз ҳамма ишни тўғри ва оқилона уддалашни онамизнинг қорнидан ўрганиб тушганмиз. Бу қусур оқибатида бир умр бошимизни тошга уриб юрамиз. Умр бўйи хато ва жиноят қилиб қўйиб, оёқ бир этикка тиқилгандагина аҳмоқона мардлик билан айбимизни бўйнимизга оламиз. Гўёки шу билан гуноҳимиз ювиладигандек. Одамларга ўзимизни ҳар қандай қийинчилик ва оғир ишларга тайёрдек кўрсатамиз. Танҳо қолганимизда эса қандай қилиб бўлмасин сувдан қуруқ чиқиш йўлларини ўйлаймиз. Ўзимизга паноҳ ва соябон бўлиб келганлар ҳузурига чопамиз. Уларга сажда қиламиз. Бироқ уларнинг ҳам тагига сув кетганлигини сезиб қоламиз-у, ундан йўлбарсга дуч келган кийикдек сачраб қочамиз. Ён-веримиздагилар биздан шубҳаланмаслиги учун ўша одам ҳақидаги игво юки ортилган қирчанги байталга кўз-кўз қилиб, илғорлар қаторида бир неча қамчи урамиз. Бу билан ўзгалар олдида ўзимизнинг холислигимизни кўрсатмоқчи бўламиз.

Аксинча, эс-ҳуши бутун одам бизнинг нақадар тубан ва иккиюзламачилигимизни кўриб, ҳайратдан ёқа ушлаб турган бўлади. Биз эса бетимизга чарм қоплаб, ҳамтовоқларимиз қатори бир амаллаб бошимизга не-не маломатлар келтирган ва келтирадиган оёғимизни қилмишларимизнинг жирканч ботқоғидан суғуриб оламиз-у, энди нима номаъқулчилик қилсам экан, дея ўйлай бошлаймиз. Ва ҳали кўлимиздан бирор нобоп ишни уддалаш келар экан, айланиб-ўргилиб, ўша ўзимизнинг ноқобиллигимиздан ҳосил бўлган балчиққа яна ағанаганимизни сезмай қоламиз. Кўлимиздан ҳеч бир иш келмай, ҳолдан тойиб, таёқ тўқиллатар ёшга етганимизда эса бирдан, ғоят қисқа фурсатда мўмин-мусулмонга айланамиз. Фар қариса отин, ўғри қариса сўфи бўлар, дегандек, шундаям жим ўтирмаймиз. Дуч келганнинг ёқасидан ушлаб, ҳалоллик, меҳнатсеварлик ва тўғрилиқ ҳақида узундан-узун насиҳат қиламиз. Бизнинг насиҳатимиз унга керакми-йўқми, сўзимизга қулоқ соляптими ёки ғижиниб ичида сўкиниб турибдими, бу билан ишимиз бўлмайди. У аллақачон бундай қуруқ насиҳатлардан чарчаганини англамаймиз. Саводсиз ва чаласавод насиҳатгўйнинг тушунчаси эса шаклланган ҳолатида қотиб қолган бўлади. У фақат кўрган ва эшитганини гапиради. Уни ҳеч қандай куч билан жойидан жилдираб бўлмайди.

— Бизда истеъдодли одамлар кўп, — деди Жобиров анча сукутдан сўнг ўйга толиб паст овозда. — Лекин улар шу истеъдодни камол топтириш ўрнига умрларини ҳуда-беҳудага ўтказадилар. Биз ёшлиқдан керакли йўналиш беролмаганимиз туфайли, кўплар ҳаётининг бошиданоқ нотўғри касб танлаб, бор қобилиятини ҳам бой беради. Ундан ташқари бизда киши ўзлигини тўла-тўқис намойиш эта олиш иқлими йўқ ҳисоб. Бу йўлда жуда кўп аҳмоқона тўсиқларни енгиб ўтишга тўғри келади. Қийинчиликка дуч келаверган одам эса охир-оқибатда ҳамма нарсадан бешиб, ўзини ўтга-чўққа уравермайдиган, жонининг ҳузурини ўйлаб, қатиқни ҳам пуфлаб ичадиган бўлиб қолади. Бизга Айтматовдек ёзувчи ёки Гагариндек фазогир эмас, кечаю кундуз дори сепаетган самолётнинг остидан бери келмай, ўлган-тирилганига қарамай ишлайдиган, кўкрагидан орден-медалларни шалдиратиб, мажлисма-мажлис

юриб, биров ёзиб берган жумлаларнинг ношуд тўтидек такрорлайдиган, нимани буюрсанг роботдек бажариб кетаверадиган пахтакор ёки ёнидан кетса ҳам кўзи олиш ва жун тайёрлаш планини бажарадиган чўпон керак. Дунёда энг азоб тирикчилик қалби нурсиз, шуурсиз, тўқимтабиат кишилар билан бирга ишлаш ва мулоқотда бўлишдир. Шундай пайтларда юрагим тарс ёрилгудек ҳолатга тушаман. Гувоҳ бўлаётганинг тирикчиликлардан ақлинг шошади. Хушрўйлар жамиятига қай бир гўзаллик танловидан топиб келинган орангутан бошчилик қилади. Комиллар бирлашмасини эса дордан қочган бир телбага топшириб қўйишади. Ҳаётда ҳамма ўйинчи. Ҳеч ким кўринганидек эмас...

Яккаҳоқимлик, тоталитар ва авторитар тузумлар дунёвий ёки диний бўлмасин руҳан қусурли соғлом фикрлай олмайдиган ватандошларни етиштиради. Бундай иқлимда ўсиб улғайган кишиларнинг ўз-ўзларини ўзгартира билмоқлари ва тўғри фикрламоқлари учун эса вақт ва замон керак бўлади.

Мен ҳечам Жобировнинг кўзларини бу қадар ёниқ ва безовта кўрмаган эдим. У ҳаяжонланиб гапирган сари елкалари титраб, лаблари учарди. Ўнг қўлидаги сигарета аллақачон ўчиб қолган, чап қўлида эса қалитларғижимланган эди. Таҳририятга яқинлашган сари ўзини босишга уринаётган Жобиров тўхтаб, қаршидан келаётган кишидан сигарета сўради. Сигаретани биринчи тортишдаёқ юзидаги ҳаяжон йўқолиб, қиёфаси ҳамма нарсадан тўйган, бундан буён яшашнинг қизиғи қолмаган одамдек лоқайд ва гамгин тус олди. Биров билан камдан-кам очилиб гаплашадиган Жобировнинг кутилмаган фикрларидан ҳайратга тушиб жимгина келардим...

Бўлиб ўтган ва шоҳид бўлган воқеалар боис тўхтама келган фикрлардан ҳаяжонланардим. Токи ер юзида инсон зоти яшар экан, у ўз орзу-умидларини рўёбга чиқармоққа йўл излайди. Биров бу йўлни топади, биров эса тополмай ўтиб кетади. Жуда кўп кишилар эса бу ҳақда ўйлаб ўтирмайдилар. Улар учун туғилиш, оила қуриш, фарзанд кўриш ва ўз навбатида уларни ҳам ўзлари каби яшай бошлашга ўрганишини умрларининг мазмуни, ҳаёт деб биладилар. Албатта, булар ўзларича ҳақлар ва уларнинг бу эътиқодига эътироз билдириш ҳам ножоиздир. Ҳаётда ҳаммага бирдек энг юксак умуминсоний адолат ва туйғулар замиридаги талабларни қўйиб бўлмайди.

Лекин кенгроқ қараганда, инсон дунёга фақат тирикчилик ўтказиш учун келмайди. Агар у шунинг учунгина туғилганда эди, бугунги кунда бизни ҳайратга солаётган, ота-боболар маънавий ва ахлоқий дунёсининг инъикоси бўлиб қалбимизда эзгулик ва адолат ҳиссини уйғотадиган буюк мерос яратилмасди. Биз ҳам ундан руҳланиб яшамаган ва яратмаган бўлардик.

Дунё ривожи ва кишилик комолотининг ҳар бир дақиқасида шахсининг чексиз имконияти ҳақида ўйлайсан, киши. Жаҳон тақдирини, инсоният қисматини баъзан албаҳлигини одамлардан яшириб юрган бир бағри тош ҳам ҳал қилиши мумкин. Одамлар доимо ўз ташвишлари билан бўлиб, жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этадиган тарихий шахслар ёки ёнларида барча баробар юрадиган, ҳаётдан фақат нолиб яшайдиган кишилар ҳаракатини кўп ҳолда кўздан қочирадилар. Қачонки, ўша тарихий шахсининг бирор бир воқеа ёки ўлими боис, ҳақиқий башараси очилганда ҳамма ишни йиғиштириб қўйиб, ўша одам ҳақида баҳс юритиб, бош қотирадилар. Ўзларича буюк шахсларнинг миси чиқишига сабаб бўлувчи ярим ёлғон ва чақага тенг баҳоналарни тўқиб чиқарадиларда, ва бора-бора бу ёлғонларга ўзлари ҳам чиппа-чин ишонадилар. (Сиёсат бу аслида улусга масаланинг туб моҳиятини англаб етмоғига имкон бермай уни бошқармоқ санъатидир.) Туппа-тузук одам эди, уни амал, бойлик ёки хотини бузди, дейишади бир-бирларининг гапини маъқуллаб. Лекин улар аслида бу одам эсини таниганданоқ нотўғри йўлдан кетганлигини, шу пайтгача у қонида кезиб юрган ғайри инсоний ҳисларни яшириб келганлигини, бир кун қелиб албатта бу туйғулар юзага чиқишини ўйлаб кўрмайдилар. Улар фақат шу бугун содир бўлган воқеанигина мушоҳада қиладилар ва ўзларича ҳукм чиқарадилар. Бу ҳолатнинг туб моҳиятини эса камдан-кам одамларгина англаб етадилар. Қобилиятнинг даражаси авлоддан-авлодга ўтиб, кишилар қонида яшаса-да, барча одамларни болалигида беғубор ва беозор бўлган деб ҳисоблаш маҳол. Инсон она курсоғидаёқ авлод-ажлодига хос бўлган бағритошлик ва ёвузликни ҳам олади. Бу туйғулар у ўқимишли, одамлар кўз ўнгида машҳур кимсага айланганда ҳам қонида оқаверади. Кўпчилик кишилар эса кўз очиб, дунёни

танигандан бошлаб ҳаётга эзгулик кўзи билан боқадилар. У теварак-атрофида содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларнинг асл моҳиятини англаб, одамлар ўзини алдаётганини, унинг энг юксак инсоний туйғуларига ҳиёнат қилаётганини фаҳмлаб, беихтиёр, ундан ҳимояланиш учун ўзи ҳам шундай қила бошлайди ва бу қилғуликнинг интиҳоси ўлароқ болалигининг пок ва беғубор соҳилларидан узоқлашаверади. Худди ана шу дақиқадан унинг инсон сифатида инқирози бошланади. Қўлидан иш келиб, одамлар сўзини тинглаб юрган, ҳаётининг гуллаган дақиқаларида у буни сезмайди ёки бу ҳақда ўйлаб ўтирмайди. Қачонки умри бир қорага етиб, ҳаёт билан ҳисоб-китоб қилиш они яқинлашгач, у бирдан ўша — алданмаган болага айланмоққа интилади. Болалигининг ўша — унутилган соҳилларига қайтмоқчи бўлади. Кимлардир кеч, гоят кечикиб бўлса-да, ана шу соҳилга қайтиш бахтига эришади. Бироқ унда бу соҳиллар емирилган, нураган бўлади.

Ҳаёт ва турмушдаги инқирозлар эса кишиларнинг инсон сифатида тўла шаклланмаганидан ёки шаклланган шахсларнинг ўз қадрини топмаганлигидан, ҳақиқат учун курашиб ноҳақликнинг қурбони бўлиб кетганидан бошланади. Буни кўриб-билиб турган одамлар эса жанг майдонига ўзини урмай, сувнинг оқишига қараб иш қилишга ўрганадилар. Бунинг оқибатида эса катта мақсадлар йўлидаги кураш сусаяди, одамлар аста-секин ўзлигини йўқота борадилар. Улар маънан тубан кетганлари сари ҳақиқат ва эзгулик кўзларига олабўжидек кўрина бошлайди. Улар ўзларининг асл қиёфасини, фожиа ва ожизликларини лаганбардор ва икки юзламачилар панасига яшириб, ақли етган ва етмаган катта-кичик ҳаётий ташвишларга нописандлик билан қарайдилар. Бир кун келиб бу бепарволиклари учун ҳаёт уларнинг барча тоат-ибодатларини бир пул қилиб, ўзининг шафқатсиз ҳукмини чиқаради...

Бой бўлмоқ ҳам, ботир бўлмоқ ҳам бошдан, деган гап ҳақ. Ўз туйғуларини изга сола олмаган одам ўлғунига қадар ҳақиқатгўй бўла олмайди. Ҳақиқатпарвар бўлиш нари турсин, ҳатто оддий воқеа ва ҳодисаларга ўзининг ҳалол муносабатини ҳам билдиролмайди. Зотан тилига ҳоким бўла олмаган киши ҳеч бир ерига ҳоким бўла олмайди.

Бутун оламни ўз измига солиб турган инсон гоҳида ўзи ўйлаган фикрга ёпишиб олиб, қанчалик мукамалликка яқин шахс бўлмасин, кўп ҳолларда шундоққина кўз олдидаги ҳақиқатларни кўрмайди. Бу нарсага ақли етиб туради-ю, хаёли бандлигидан, ҳаёт ташвишларидан чарчаганидан уни пайқамайди. Шундай дақиқалар келадик, илгари сезмаган, сезишни истамаган нарсаларнинг ҳайратга соладиган қирраларини кўриб қоласан ва наҳотки шу пайтгача уни илғамаган бўлсам, дея ёқа ушлайсан.

Нега одам боласи вужудига она сути билан кирган, она табиат ато этган поклик ва ҳалолликни, соддалик ва самимийликни сақлаб қололмайди. Нега у ўз имкониятини намоён эта бошлаганда бу туйғулар ҳаёт икир-чикирлари олдида чекинади. Ген сўзи туркий қон сўзидан келиб чиққан. Одамнинг қонида эзгулик эътиқоди оқмас экан, у ҳеч қачон олийжаноб ва фидокор инсон бўла олмайди.

Ҳар бир киши қалбида озгина бўлса-да, сирли бир донолик, яширин бир ҳикмат яшамоғи керак. Шундагина уни биров севади. Шундагина у одамларнинг жонига тегмайди. Шундагина одамлар унга интиладилар.

Бизнинг эзгу ишларимизнинг тимсоли бўлиб, она Куёш чиқаверади, номаъқул ишларимиз акси каби қора тунлар эса юрагимизга гулу солиб такрорланаверади. Одам боласи эса яхшилик ва ёмонликдан бино бўлган ҳаёт аталмиш тоғдаги ёлғизоёқ йўлда ўзи тасаввур этган ҳақиқатни излаб бораверади. Бораверади. Бораверади...

Дунёнинг ўткинчи, кўз олувчи моддий ташвишлари билан андармон бўлиб, атрофимизда гимирлаётган майда мақсадли одамлар билан ўралашиб, жондан азиз, биз учун ўзинида бахтида этувчи энг яқин кишиларимизнинг қадрига етмай, уларни унутиб яшаймиз. Вақти замони етиб, бу тузатиб бўлмас хатомизни англаганимизда эса ўзимиз ўша — унутилган одамга айланган бўламиз.

*Унутганлар унутилдилар...*

*Сотганлар сотилдилар...*

Дунё шундай яралган. Одам зоти от устида, тулпори чопиб турганида ҳамма нарсани унутиб, ўз-ўзига маҳлиё бўлиб яшайди. Эгардан тушиб, аргумоғи пойгадан қолганда эса оти ила баробар ўзи ҳам унутилади...

– Хом сут эмган бандаси инсоф адолат каби муқаддас эътиқодларни унута бошлаганида эса англаб-англамай ўзлигини унута бошлаган бўлади.

Инсон, инсонийлик, инсоний деймиз оғзимизни тўлдириб. Инсон сўзи араб тилида унутувчи демакдир. Шунинг учун ҳам ўлдинг, ўчдинг дейдилар...

Ҳар ҳаётнинг бир қиёмати бордир...

Хаёлга толганча сигаретани бурқситиб, ичида ўзи билан ўзи гаплашиб келаётган Адҳам Жобиров босиқ ва ҳорғин овозда шундай деди:

– Сезиб турибман. Сиз менинг сўзларимдан ҳайрон бўляпсиз. Сабаб, бунақа очилишимни кутмагандингиз. Ҳали бафуржа гаплашамиз. Чин юракдан гаплашадиган одамни топиб бўлмай қолди, ука. Давр ўтиши билан болаликдаги дўстларинг билан ёшликдаги ўйниқароқликдан бўлак ҳеч нарсани гаплашолмайдиган бўлиб қолар экансан. Биров билан умрнинг охиригача дўст бўлиш учун фикрлар ҳам баробар ривожланиши керак шекилли. Мен ўзимнинг эллик йиллик ҳаётим мобайнида шунга ишонч ҳосил қилдимки, бизда кишиларнинг қадр-қиммати ва обрўсини мансабига қараб ўлчайдилар. Мана шунинг ўзи ҳам халқимизнинг маънавий даражасини белгилайди. Ақл-идроки бутун бўлмаса, у шу лавозимга ўтирадим, дея ўйлашади. Бироқ унинг бу ерга қандай йўллар ва қанча пул билан келганини ақлларига сиғдиришмайди. Одамларимизнинг имонидан путур кетяпти, оғайни. Яқинда ўн беш йил кўришмаган курсдошим уйимга кириб келди. Бу пайтдаги қувонч ва кутилмаган учрашув кишига қанчалик ғалати, сархуш кайфият бағишлашини тасаввур этмасангиз керак. У билан беш йил бирга ўқиб, вақтида бир бурда нонни бўлиб еб, бир шимни алмаштириб кийганмиз. Ҳозир қурилишда шофёрлик қиларкан. Тақдирнинг тақозоси билан олий маълумотли адабиётчи курсдошимнинг шофёр бўлиб ишлаши менга таъсир қилди. Кўзимга кийган кийими

ҳам нобопроқ кўринди чоғи, бир-икки кийган костюм-шимини ўраб қўлтиғига қистирдим. Шимларимизни навбат билан кўчага кийиб чиқишимизни эслаб, кулишдик. Йўқлаб келганидан бошим осмонда эди. Бироқ курсдошим хайрлашаётганда, бу қувончдан асар ҳам қолмади. Ўзимни одам эмас, қандайдир бир маълум вазифани бажарадиган роботдек ҳис эта бошладим. Назаримда, мен оддий одамлик қиёфасини йўқотган эдим. Кишиларнинг майда-чуйда илтимослари, ўзлари ҳал қилолмаган юмушларини бажариб берадиган ўткинчи бир темиртан эдим. Мен буни ўша курсдошим Мирза Азимов келиб кетгандан сўнг чуқурроқ англай бошладим. Нега илгарироқ бу ҳақда ўйлаб кўрмадим, дейман. Қани менинг инсонлик қиёфам? Мен кишилар назарида кимга, нимага айланиб қолдим? Эртага, редакторликдан кетганимдан сўнг бошқалар кўзига қандай қарайман? Ўз навбатида улар менга қай кўз билан қарашади? Одамлар орасида қандай юраман? Курсдошим кетар чоғи нима учун келганлигини айтди. У ишлаётган ташкилотнинг раҳбарлиги бўш экан, курсдошимга ёрдам бериб юрадиган ўринбосарни эса нима сабабдандир қўйишмаяпти экан. Мен бир оғиз оближроком раисининг қурилиш ва транспорт бўйича муовинига ёки райижроком раисига айтсам, бу иш амалга ошиб кетаркан. Сўнгра ўша одам ўла-ўлгунча менинг хизматимни қилар экан. Курсдошимнинг ҳам елкасига офтоб тегиб қоларкан. Агар мен инсон бўлсам, дўстларимга қўлим билан бўлмаса-да, йўлим билан ёрдам беришни истасам шундай қилишим керак экан. У ҳар эҳтимолга кўра икки пачка йигирма бешталик олиб келганини, керак бўлса яна шунча олиб келишин айтганда, мен тахта бўлиб қолдим. Оддий бир шофёрнинг қўлидан шунақа ишлар келади деб ким ўйлабди, дейсиз. Тавба дейман ёқамни ушлаб. Одамлар ҳеч нимадан тап тортмайдиган бўлиб кетибди-я!? Биз эса ҳақиқат учун фақат қоғоз ва босмахона бўёғи билан курашиб юрган эканмиз. Сўзимиз одамларнинг юрагига бориб етяптими, йўқми, бу ҳақда чуқур ўйлаб кўрмас эканмиз. Курсдошим мени ҳақоратлаб, топтаб, ер билан битта қилган эди. Дунёда сени озми-кўпми билган кишининг ҳақоратидан ёмони бўлмас экан. Авзойимдан мендан ҳеч гап чиқмаслигини пайқаган

курсдошим, сен илгариям гўр эмасдинг, нон емас, дегандек совуққина хайрлашиб жўнаб кетди. Кўча бўйида ҳайкалдек қотиб, қанча вақт турганимни билмайман. Шундан буён уйдан илтимосчиларнинг оёғи узилган. Курсдошим ишини битириб берадиган одамни топибди. Суриштириб билдим... Порахўрлик бизни четлаб ўтиб, ишини қилаверади. Билдингки, тараф шоҳдур, бўркингни ечиб тахт тур...

Сигаретаси тугаши билан Жобиров гапдан тўхтади. Менга қандай қилиб бир дона сигарета топсак экан-а, дегандек ғалати тикилди. Мен яна ўткинчилардан сигарета сўрадим. Тутатилган сигаретани тортаётган Жобировнинг юзи жиддий тус олди. Одатда ходимларнинг ишидан норози бўлганда юзи шу қиёфага кирарди. Лаблари учиб, қоғоғини уйиб оларди.

— Усиз ҳам бизда гап кўп, кўмир оз, — деди гап оҳангини ўзгартириб. Назаримда, у бундан беш дақиқа бурунги Жобиров эмас эди. — Ҳозирча ўқувчиларнинг юрагига бориб етадиган одоб-ахлоқ мавзусидаги мақола билан чекланамиз. Бадиий асар ёзишга эса шошилманг, ўртоқ ёзувчи. Бугунги кунда ҳеч қаерда бостиролмайсиз, сизни жамиятга қарши киши сифатида айблашади ва кутилмаганда номақбул шахсга айланиб қоласиз. Солженициндек юртдан ҳайдаб чиқаришади ёки психбалницага жойлаштиришади. Ўшанда мени айтганди дерсиз. Буни ёзадиган ва чоп этадиган вақт келади...

Эртаси куни ишга келганида Тошбуви опа муҳаррир бир неча марта сўраганини, олдига ҳеч кимни киритмаётганини айтди. Жонага кирганимда ранги докадек маъюс тикилиб, сигарета чекарди.

— Саҳифаларни Қўшшаев ўқисин! — деди жаҳл билан орқамдан газетанинг тайёр бўлган саҳифасини олиб кирган мусаҳҳиҳга.

Саломимга эшитилар-эшитилмас алик олиб, ўтирган жойида қўл узатди ва бошдан-оёқ менга қараб чиқди. Нигоҳи билан ўтиришга ишора қилиб, панжалари орасидаги сигаретани астойдил тортди. Унинг оқиш чеҳрасидан таъбининг тирриқлиги сезилиб турар, бундай пайтларда у дилтанглиги тарқамагунча ҳеч ким билан гаплашмас, хонасига қамалиб олиб, у ёқдан бу ёққа юраверади. Очиққандагина елкасини қисиб коридорга чиқар ва дуч келган ходимни

## Унутилган соҳиллар

эргаштириб, бирор жойдан тамадли қилиб келарди. Ҳеч кимни кўнгли хушламаганда эса машинасида уйига кетарди. Астойдил очиқмаса тушликка чиқмас, Тошбуви опа берган бир бурда нон ва колбаса билан ҳам кунни ўтказар, эринмай чизгилаб материал ўқирди. Катталар билан мажлислар масаласида келишолмасди. Обком ва оближрокомдаги ҳар бир раҳбар ўзи ўтказган мажлисда муҳаррир қатнашишини талаб қиларди. Ҳафтанинг ҳар кунда эса бирорта мажлис бўлар ва бу унинг тинкасини қуритарди. Анча-бунча йигилишларга муовин ва бўлим мудирларини юборар ва бундан норози бўлган обкомнинг бўлим мудирлари ва оближроком раисининг ўринбосарлари уни турткилашарди. Жобировни ҳалоллиги ва эҳтиёткорлиги асраб турар, бўлмаса аллақачон думини тугишарди. У фақат газета учун яратилганди. Бошқа бирор иш қилишни ўйлаб ҳам кўрмас, ундан яхши муҳаррирни топиб ҳам бўлмасди.

— Ишлар қалай? — деди Жобиров паришон нигоҳда менга тикилиб.

— Бир нави, — жавоб қилдим қандайдир жиддий гап борлигини сезиб.

— Да-а, шундай денг.

— ...

— Кечаги ишимиз нима бўляпти?

— Ҳозирча тинчлик. Номер материаллари билан бўлиб, кеча шуғулланганим йўқ. Бугун-эрта хотинини чақирмоқчиман. Ҳайронман, хотини ҳам ўзидан кам бўлмаса керак. Чақириб унга нима дейиш мумкин? Хуллас, бу масалани атрофлича ўйлаб кўриш керак шекилли.

— Ҳали чақирганингиз йўқми?

— Йўқ.

— Яхши, чақирмай кўя қолинг.

— Нега? Усиз масала ойдинлашмайди-ку?

Жобиров бир зум гапини ўнглолмай, оппоқ ва ингичка бармоқлари билан пешанасини силаб, ўйланиб қолди. Айтиши лозим бўлган гапни менга қай тарзда етказишни ўйларди, чамамда! Ниҳоят қошини чимириб, лабини чўччайтирди-да, хона бурчагига тикилганча гап бошлади.

## **Нурали ҚОБУЛ**

– Хуллас, гап бундай, оғайни, – деди қизаринқираб гуноҳкорона оҳангда. Жобировнинг овози ўзгарди. Пешонаси тиришиб, кўзларида ҳаликка ўхшаш бир ифода жонланди. – Гап иккимизнинг орамизда қолиши керак. Ўйлайманки, сиз менинг аҳволимни тушунасиз. Мен сизга ўзимдан ҳам кўпроқ ишонаман. Сиздек ҳаётда аниқ мақсади бор одамларга ҳавасим келади. Бундайлар эртами-кечми албатта ёриб чиқади. Кеча кечқурун энди уйга кетаман деб турсам, оближроком раиси Истамов кўнғироқ қилиб қолди. Бир гап бор, олдимга келасизми ёки айтаверайми, дейди. Айтаверинг, дедим. Олдингизга Раҳима Шарипованинг эри арз қилиб борибди. Жуда шилта. Энасини эмчагини қирққан одам. Эҳтиёт бўлинглар, тагин газетада бирор нарса чиқиб кетмасин. Гап бор, обкомдагилар ҳам бундан хабардор. Кўришганимизда айтарман. Эртага мен эр-хотинни чақириб, яраштириб қўяман. Шаҳар маданият бўлимига ҳам бир йилдан бери одам топишолмаяпти. Балки эрини шу ерга тикиб қўярмиз. Қўлидан иш келади. Шу билан овозиям ўчар, деди. Бор гап шу. Оближрокомнинг органимиз. Оғиз очиб бир нима деёлмадим...

Жобировнинг юзига термилиб, хўрсиндим. У эса мендан нигоҳини олиб қочиб, деразага тикилганча, юпқа лаблари гезариб, сигарета тортарди. Таралмаган сарғиш сийрак сочи уни янада ғариб ва ожиз кўрсатарди.

– Сиз унинг кимлигини билдингиз-ку, – дедим кеча ошхонадаги суҳбатга ишора қилиб.

– Биламан, – деди узоқ ўйланиб Жобиров чуқур нафас оларкан менга ғамгин тикилиб. – Лекин у билан тенг бўлиш ярамайди. Хотинини менинг ўйнашимга чиқариб, мениям газетаниям шарманда қилади. Биласиз-ку ука, бизда ҳеч ким ва ҳеч бир нарса ўз ўрнида эмас. Нотабий маънавий иқлим ва носоғлом руҳий вазият одамларни тўғри фикрламоқ ва тўғри йўлдан юра билмоқ закосини остин-устун қилиб юборган.

У шундай деди-ю, қулоғигача қизариб кетди. Кечаги гапларининг аксини гапираётгани, менинг олдимда ўзининг бор қиёфаси билан гавдаланиб, тургани учун бурнининг усти терлаб, хижолат бўларди. Уни бу ноқулай ҳолатдан ҳалос этиш учун Жобировнинг юзига қарамаслигим керак эди.

## Унутилган соҳиллар

— Шарипов келса нима дейин? — дедим олдимда турган газеталарни асабий йиғиштириб.

— Мени олдимга олиб кининг. У билан ўзим гаплашаман, — деди овози товланиб Жобиров.

Орадан бир кун ўтди. Қабулхонада деразаси олдида Норматовдан илон воқеаси тафсилотини тинглаб, кулишиб тургандик. Тошбуви опа деразани очиб, мени муҳаррир чақираётганини айтди.

— Ҳазил-ҳазил билан-у, лекин эҳтиёт бўл. Қўшшаев йўлини топиб, думингни тугишни мўлжаллаб юрибди, — деди Норматов кўзимга тик қараб.

— Мен ёмон ишламаяпман-ку, ишимдан редактор ҳам рози, — дедим бу гап мен учун янгилик эмаслигини билсам ҳам ҳайрон бўлиб.

— Икки хил шароитда ходимлар раҳбарларга ёқмайди, — деди ернинг тагида илон қимирласа сезадиган Норматов қошини чимириб. — Ёмон ишласанг қўлидан ҳеч бир иш келмайдиган ходим сифатида думингни тугишади. Яхши ишласанг агар, бир кун келиб ўрнини эгалламаслигинг учун тинчителишади. Шунга қараб тирикчилик қилаверинг ука.

— Нима қилишим керак бўлмаса?

— Ўртада юриш керак. Олдинга ҳам ўтиб кетмаслик, орқада ҳам қолмаслик керак.

— Мен ўртада юролмаيمان.

— Бўлмаса ўйиндан чиқариб юборишади. Сени орқа тоғинг йўқ. Гапингга ҳеч ким қулоқ солмайди.

— Чиқаришиб бўпти.

— Кўрамиз. Мен кўп балони кўрган одам сифатида, сенга яхшилик тилаганим учун бор гапни айтаяпман. Рост гап, қанча редакцияларда ишлаб, сендек интилувчан ва ҳеч нарсадан тап тортмайдиган болани учратмагандим. Сен ё зўр одам бўласан, ёки белинг синиб кетади. Ўртада юрсанг олдиндан ҳам, орқадан ва ён томондан ҳам сенга тиг тегмайди. Бундайларни батамом қоралай олмайдилар ва пешқадамлар сафига ҳам қўшмайдилар. Вақти-соати билан пешқадамлар ўққа учади ёки ўйиндан чиқиб кетади. Орқадагилар уқувсизликдан йўлда қолиб кетади. Ниҳоят одамларнинг кунини ўзини замоннинг ҳар қандай шамолларидан асрай билган, эҳтиёткор

ва қатиқни ҳам пуфлаб ичадиган — ўша ўртада юрганларга қолади. Сен ҳаётга жуда катта талаблар қўйиб яшайдиган одамга ўхшайсан. Бундайлар умр бўйи атрофидаги ноҳақлик ва аҳмоқликлардан азоб чекиб яшайдилар ҳамда ўзгаларнинг дардини юрагига яқин олавериб, ҳаётдан эрта кўз юмадилар.

— Мен ҳар қандай тақдирга тайёрман. Фожеийликка мойиллик бизнинг қонимизда бор. Назаримда менинг ёшлигимдаёқ кўзим очилиб қолгандек.

— Бу ҳам яхши, ҳам ёмон.

— Биламан.

— Шунга қараб ишингни қилавер бўлмаса. Бор, шеф кутиб қолмасин. Кейинги пайтда сени кўп йўқлайдиган бўлиб қолди.

— Жанжалли бир шикоят хати бор эди. Шунга бўлса керак.

— Хабарим бор. Шокир Шарипов оғзига ип ўлчамаган сен билан Жобиров қолган эди. Сизларга ҳам навбат кепти, шекилли. Билиб қўй. Ҳукмдорлар олисдан меҳри билан илтиб, яқинлашсанг ёндириб юборишади.

— Сукрот бўлиб кетинг-е, — дедим унинг билагидан тутиб. — Сизнинг ҳар бир гапингиз одамга дунёни, ҳаётни чуқур тушунмаслигини, қанча билган сари шунчалик кам билишлигини эслатиб туради. Сиз билан гаплашсам яшагим келади...

— Яшаш фойдали, — деди у менга муғомбирона жилмайиб.

— Яхши яшаш ундан ҳам. Бу масалада кўнглингиз тўқ бўлсин, — дедим мен ҳам кулиб.

— Бўпти. Кир, шефнинг олдига.

Жобировнинг қиёфасида ҳайрат билан нафрат қўшилганда ҳосил бўладиган ифода қотиб қолган эди. У гап-сўзсиз сигарета ушлаган чап қўли билан стол устидаги газетага ишора қилади.

Беихтиёр газетанинг биринчи бетидеги фармонга кўзим тушди. Унда республикада қўшиқчилик санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун вилоят филармониясининг солисти Раҳимахон Шариповага Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони берилгани эълон қилинган эди.

— Энди мақолага узил-кесил аза тутамиз. Эрта-индин итга соя бермайдиган эрига халқ артисти унвони бериб юборишмаса эди, — деди Жобиров столининг тортмасидан янги сигарета қутисини олиб очаркан. — Ишингизни қилаверинг...

Карим Усмонов туман марказига кўчиб келгач, ярим йил чамаси узлуксиз даволанди. Қўш инфарктданми ёки толиққаниданми ўзига келиши қийин бўлди. Ухлаганиниям, ҳушидан кетганиниям англамай, кунига ўн-ўн беш соатлаб худ-бехуд ётарди. Хотини оҳиста ва беозор оҳангда бунчалик кўп ётиш соғлиқ учун зиён эканлигини таъкидлар, эрининг ўксик кўнглини кўтаришга уринарди. Доктор эса пиёда юриш кераклигини таъкидларди.

— Қандай қилиб кўчада юраман, — дерди Усмонов хотинига боладек термилиб. — Ҳамманинг кўзи менга қадалаётгандек туюлаверди.

— Сиз ўзлигингиздан чекинманг, Каримжон ака! Ҳақиқат барибир рўёбга чиқади. Шунча азобларга дош берган одам энди, оқланган пайтда ўзингизни панага оласизми? Сизни ўша балоларга гирифтор қилган одамларга қасдма-қасд яшаш керак.

— Тепадагиларда биз кутган бағрикенглик йўқ.

— Бу дунёда ҳеч ким осмонга устун бўлмаган. Қачонлардир оқни оқ... дейдиганлар шундай катта мамлакатда топилар ахир...

— Топилар, ҳамма нарса ўрнига ҳам тушар-ку, лекин мен...

— Усмонов бундай суҳбатларда ўзини йўқотиб қўядиган хотинига азоб бермаслик учун гапни бошқа томонга бурди. — Бугун олдимга ўрмон хўжалигининг директори Худойберди Эсонов келади. Бир иш қилмоқчиман. Сизга ҳам маъкул келади, — деди ним табассум билан ўзини тетик кўрсатишга уришиб.

Сўнгра беихтиёр хаёлига жарбулоқлик подачи билан бўлган илк учрашув ва унга ёрдамлашадиган бола келди. Қийналмаслик учун бу гапни хотинига айтмаган, эслашга юраги тоб бермайдигандек эди.

Усмонов ўзини тетикроқ сезган дастлабки кунларнинг бирида болалигида пода боққан дараларга отланди. Кунора бўлмаса-да, икки кунда бир марта тоғ этакларини айланишни одат қилди. У бу дақиқаларда ҳамма нарсани унутиб, ўзининг машаққатли болалик йилларига қайтар, бўз ерни оҳиста босганда вужуди ором олар, виждони ҳам уни қийнаб келаётган азоблардан халос бўлгандек туюларди.

Авжи кўклам кезлари, далаларга яшил ранг югуриб, баҳор

тоғ этакларини гуллатаётган, кўз илғамас кеңгликларни қоплаган қизғалдоқзор ёниб очилганда ҳар куни Жарбулоқ дараси томон жўнарни. Юракни ўйнатгудек алвонранг далага армонли тикилганча қотиб қоларди. Бу далалар Дунётепадан шу қадар гўзал ва бетакрор кўринардик, ҳатто қалби сўқир одам ҳам тоғ этагини қоплаган бу манзарага бефарқ қарай олмасди. Баҳор куёшидан қорайиб кетган Усмонов адирлардаги сўнгги қизғалдоқ сўлмагунча одатини тарк этмасди. Алвон далалар ўрнида қорайиб кўринадиган бедапоярлар юраги тубида чўкиб ётган дардларини ёдига соларди. Фақатгина баҳор ёмғиридан сув ичадиган бу лалми ерлар ва бедазорлар саратон яқинлашиши билан сомон рангига кирар, Сангзор дарёси бўйларидаги, у ўтмишда келажаги билан илк бор учрашган соҳилларгина яшнаб турарди.

Жарбулоқнинг подасини элликларни қоралаб қолган, қорачадан келган, қийиқкўз, чайир одам боқарди. Ўн уч ёшлар чамасидаги камгап ва тортинчоқ бола унга кўмаклашарди.

Дунётепадан туриб энтикканча қизғалдоқларга термилиб ўтирган Усмоновнинг юраги ҳаприқиб, дарага тушди. Бедапояннинг ўнг тарафидаги камарга подани ташлаб, қаталоғи тутиб, думини кўтарганча қишлоққа қараб чопадиган молларни уриб-сўкиб қайтарадиган подачилар камарнинг оғзини олиб ётишарди. Моллар тоғ ва ён тарафни ўраб турган тепалик томон қочмас, чопмоқчи бўлганлари ҳам қирнинг ярмига бормай қайтиб тушарди. Қаталоғи тутган мол борки, қишлоқ кўриниб турадиган сойлик томон ўзини урар ва подачиларнинг ирғай таёғига дучор бўларди.

— Ассалому алайкум! — деди Усмонов подачига яқинлашгач.

— Ваалайкум ассалом! Ассалому алайкум! — жавоб қилди подачи.

Усмонов улар билан илиқ сўрашди.

— Танишиб кўяйлик, менинг исмим Карим ака, юқори қишлоқдаман...

— Мени отим Эгамқул, буники Абдукарим, — деди подачи ҳамсуҳбатига диққат билан тикилиб. — Сиз Карим Усмонов эмасмисиз? — сўради ҳаяжонини босолмай.

— Ҳа, — деди Усмонов ерга тикилиб?

— Ростданам Карим Усмонов сизмисиз? Биз Хизрга дуч

келдик, Абдукарим. Бу киши ўша — ўзимиздан чиққан обком Усмонов. Бизни кечиринг, танимабмиз. Танимасни сийламас, дейдилар. Буни қаранг-а?

Шошиб қолган Эгамқул подачи ўрнидан туриб, қайтадан Усмоновнинг кўлини олди. Довдираганча хуржунини титкилаб, дастурхон ёзишга тутинди. Абдукарим подани ёриб чопиб келаётган ғўнажинни қайтариш учун югурди. Усмонов Эгамқул подачини гапга солди.

— Бу боланинг отасини танисангиз керак, — деди Эгамқул овозини пастлатиб. — Гулбулоқда райком бўлиб, пахта иши билан қамалган Исломов. Мол-мулки мусодара қилинган, болачақаси қишлоққа кўчиб келди. Энг катта фарзанди шу. Жилови соз бола экан. Буюрган ишингизни қилиб кетаверади. Ҳеч ким бунинг отаси райком бўган демайди. Кун бўйи мол боқиб, кечаси билан укаларини ёнига олиб гишт қуяди. Мендан эрта чиқиб, подани йиғади. Бир кам дунё, дегани шу экан обком бово...

Эгамқулнинг сўзларини тинглар экан, Усмоновнинг юрак юрагининг тубида нимадир чирт этиб узилгандек бўлди. Қизғалдоқнинг қуёшида қорайиб кетган, лаблари ёрилган подачининг содда нигоҳига термилганча хўрсиниш аралаш ютинди. Одамларнинг отаси ҳақида сўраб-суриштираверишидан безиб қолган бола эса ўзини поданинг нари тарафига кўз-қулоқ бўлганга солиб, қайтиб келмади.

Усмонов Жарбулоқдан хомуш қайтди. У худди шу куни ўзининг ўтмиши билан юзма-юз келган ва бу воқеа титраб турган юрагини ларзага солган эди...

Бўйдор ва қотма Эсонов келганда Усмонов гулларга сув сепиб ўтирарди. Негадир унинг руҳи тетик, дили равшандек эди. Тоққа тикилиб энтикар, ўзича ҳазин бир куйни кўкайида куйларди.

Усмонов номдор одам эди. Уникига илк бор кириб келган Эсонов ҳам ўзини боладек ҳис этди. Кўпни кўрган, синчков Усмоновнинг самимий муносабатидан таъсирланган ҳамсухбати ҳам юрагидагини тўкиб соларди.

— Ёнабулоқ яланглиги юз гектар келадими? — сўради Усмонов Эсоновга маънодор тикилиб.

— Ҳа, лекин сув чиқиши қийин-ов. Ариқни ҳам техника билан қазиб бўлмаса керак, — жавоб қилди Усмоновнинг фикрини англаб Эсонов.

— Ариқни қўлда қазиймиз. Сув чиқариш йўлини ҳам ўйлаб қўйганман. Икки кўзига қум тўлдирилган хуржун ортилган эшакни сойдан Ёнабулоқ томон ёналатиб ҳайдайсиз. Ариқни қум тўкилган икки чизиқ ораси бўйлаб қазиймиз. Ота боболаримиз тепаликларга шу усулда ариқ қазиб, сув чиқаришган. Энди асосий гапга ўтсак. Мен сизнинг номингизга ариза ёзиб қўйганман. Мени тоғбегими, боғбон қилибми ишга олсангиз. Уйимга чақириб, бу ҳақда оғиз очганлигим учун узр. Аслида ишхонангизга бориб дардимни айтишим керак эди. Сиз қўлласангиз, ўша Ёнабулоқда бир ажойиб боғ қилсак...

Негадир Усмоновнинг овози титраб, бўғилиб қолди. Кўзларида ғилтиллаган ёш оқиб тушмаслиги учун мижжа қоқмай ток остида шилдираб оқаётган ариқчага тикилди. Сўнгра, йўталган бўлиб, рўмолчаси билан лаб-лунжини, кўзини артди...

— Муҳиддин Раҳимович ҳам айтгандилар. Боғмозор участкасига бошлиқ бўлсангиз девдик, — деди ниҳоят Эсонов ҳаяжонини босиб.

— Раҳмат, ука. Бошлиқлик планини бажариб бўлганмиз. Одамдай, ота-боболаримиз қилган ишларни соғинибман. Усиз ҳам оғир ишга ярамайман. Сизни ёрдамингизга кўз тикиб, бу ишга журъат этдим. Гап кўчатларни топиб, вақтида экиб олишда. У ёғи юришиб кетади.

— Ҳаммасини ўзимиз қиламиз. Бизга бош-қош бўлиб турсангиз, бас, Карим Усмонович. Сиз билан ёнма-ён ишлаш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бошимни осмонга етказдингиз. Олдингизга келишга тортиниб юргандим. Ўн беш йил бурун сизнинг тавсиянгиз билан хўжаликка директор бўлганман.

Эсоновнинг гапи бўғзига тикилиб қолди. Ҳаяжонланган Усмонов нима дейишини билмай ўйга толди. Унга қаттиқ ҳаяжонланиш мумкин эмасди. Ўзини босиш учун ҳовли бўйлаб юра бошлади. Эрининг ҳар бир хатти-ҳаракатини кўздан қочирмайдиган Раъно Мардоновна югуриб келганда,

## *Унутилган соҳиллар*

Усмоновнинг юзида "ишингизни қилаверинг, ҳаммаси жойида" деган ифода зоҳир эди. Аёл изига қайтди. У Эсоновнинг ҳам кўнгли бузилганини сезди ва бу ҳис вужудини қамраб олмаслиги учун ўзини чалғитмоқчи бўларди.

"Одамлар тириклигимдаёқ мен учун кўз ёши тўкмоқдалар, — дея ўйлади Усмонов ўзича хаёлга толиб. — Улар орасидан кетганимдан кейин нима бўларкин? Инсон юзи иссиқ. Кишилар бир-бирларининг айбларини доимо ҳам бетга солавермайдилар. Андиша деган гап бор. Лекин элни бошқариш учун, одамларга йўл кўрсатиш учун, катта ишлар қилиш учун андиша қўл келмайди. Андишани ҳам ақлли, фаросатли, дунё кўрган одам, тушунади. Халқда, аҳмоқни урма, сўкма, ишга сол, деган гап бор. Лекин бу уни элбоши қилиб қўй дегани эмас. Инсонлар сурувдаги қўй эмаски, уларга бир кўз билан қараб, теппатенг ем-емиш берсанг. Ҳар бир одамга қадам олишидан келиб чиқиб, муносабатда бўлиш, имконият ва қобилиятига яраша вазифа юклаш керак. Биз эса калтабин ва кўрқоқлигимиз боис ярим ақлдилардан сохта даҳо ясаб қўйиб, сўнгра унинг соясига салом бериб, орқамизга тепки есак ҳам дамимизни чиқармай, думимизни қисиб юраверамиз. Қани энди одамларнинг истеъдоди ва ақл-заковатини аниқ кўрсатиб берадиган механизмлар, компьютерлар ишлаб чиқишганда эди. Жуда кўпларнинг асл қиёфаси очилиб, аломат бир тирикчилик бўларди. Бизда оддий ва одатий ҳаёт меъёри издан чиқиб кетди. Одамлар орасида, эрталаб уйидан бугун халққа қандай фойдам тегар экан, кишиларнинг янада бахтлироқ бўлиши учун нима қилсам экан, дея чиқадиганлар бармоқ билан санокдидир балки. Бугун давлатдан, одамлардан нимани юлсам экан, уйимга нима олиб келсам экан, дея остона ҳатлаб чиқувчиларни эса истаганча топиш мумкин. Харидорларнинг йигирма тийин ҳақиға хиёнат қилган сотувчи судланиб, мажбурий хизмат олади. Бироқ давлатнинг юз минглаб маблағини еган одамга огоҳлантириш ёки ҳайфсан берилади. У бу жазони худди мукофотдек қабул қилади ва ҳатто ташаккур билдириб чиқиб кетади. Ҳаёт шунақа, лақмалиқдан бошланган соддалик, ёвузлик ва очкўзликка айланиб кетганлигини туппатузук кишилар ҳам сезмай қоладилар. Бундайлар доимо ўз

имкониятига ортиқча баҳо бериб, одамлардан ортиқча баҳо кутиб яшайди. Миянгга ўрнашиб қолган кераксиз, гоҳида зарарли фикр ҳам сени умр бўйи чалғитиши мумкин. Кал ўзидан ҳам кўра калроқни яхши кўрганидек, биз ўзимиздан устунларни ўла-ўлгунча севолмай ўтамиз. Бу билан фақат ўз ожизлигимизни намоёиш этамиз, холос. Шахс сифатида шаклланмаганлигимиз туфайли халқ қалбига йўл топишни эмас, кўпроқ қандай бўлмасин аслида йўқ, сохта обрўйимизни сақлашни ўйлаймиз. Ҳали бизда жуда кўплар ҳақиқатни қоғоз ва минбардан излайдилар ва бу йўлда ота-боболаримиз амал қилиб келган оддий ҳақиқатларни топтаб ўтадилар. Катта ҳақиқатларни айтиш учун эса катта майдонга тушганда бошқа халқлар ила тенг фикрлай биладиган жамият керак. Қай бир соҳада адолат изласанг, бориб бошингни тошга урасан. Буларни кўриб азобланиб юргандан кўра, ўлиб кетган ҳам маъқул деб ўйлайсан гоҳида. Лекин инсоннинг, инсоният кудратининг мўъжизакор кучи қани? Наҳотки, одамлар, бир-бирларидаги бу чексиз кучкуватни қадрламай, англаб етмай ўтиб кетсалар?!"

Усмонов ўз хатолари ҳақида ҳам кўп ўйларди. Киши мансабга мингандан кейин энг яқин одамлари ва дўстлари билан чин юракдан очилиб-сочилиб гаплашолмайдиган бўлиб қоларкан. Унинг халқдан узоқлашиши ҳам аслида худди шундан бошланар экан. Воқеалар ва иззат-хурмат оқимида киши борган сари ўзлигидан чекинарган. Халқ ҳам ғалати барометр. Юқоридагилар оқни қора, қорани оқ деса, шулар бир гапни билар, ахир, деб ишониб яшайверади. Шундай улуғ мартабали одамлар халқни алдайими, деб ўйлашади. Амалдорми, демак, у тўғри гапиради. Бизда одамлар энг аввало оқни оқ, қорани қора дейишни ўрганишлари керак. Шундан сўнггина кишилар маънавий оламида инқилоб яшаш мумкин. Акс ҳолда ўзимизнинг кимлигимизни билмай ўтиб кетаёрамиз. Бир марта деҳқонларнинг эллик даражали иссиқда меҳнат қилишини ҳужжатли фильм қилгани ёрдам сўраб машҳур кинорежиссёр Комил Ёрматов келганди. Ҳавонинг иссиқлиги эса бу пайтда ўттиз беш-қирқ даражалар атрофида эди. Шунда у даладаги меҳнатни суратга олиш учун прожекторлар иссиқдан фойдаланиб, симоб устунини эллик даражага етказган ва бу

топқирликдан қувонишиб, ёлғон кўрсаткични операторлар лентага туширишганди. Шунда ҳамма қойил қолганди. Усмонов эса негадир хомуш тортиб, номдор киночидан ҳафсаласи пир бўлган эди. Бу оддий ва кичкина найрангбозлик бизнинг ҳаётимиз учун гоят типик воқеа эди. Бу пайтга келиб барча соҳаларда шу хилдаги маънавий ва иқтисодий қаллобликлар биз учун одат тусига кириб қолганди.

Шаҳарга туташ шу хўжаликда содир бўлган яна бир воқеани ҳамон алам билан эслайди. Вилоят газетасида бир ўзи минг гектардан ошиқ майдонни дефолиация қилган механизаторнинг сурати босилиб чиқди. Бу одамнинг ғалати қиёфаси ва телбанамо кўзлари Усмоновни ўйга толдирди. Эртаси куни ўша хўжаликка бориб, Мансур тракторчини суриштирди.

Директор, райком секретари Қамбаров ҳамроҳида уни дала бошига олиб борганда қаршиларида кўзлари теварак-атрофга ва келганларга олазарак боқадиган, қарийб ақлдан озган одам турарди. Унинг икки кўзи директор билан бригада бошлиғида эди. Усмоновнинг назарида у роботга ўхшаб кетди. Агар бригадир унга бориб фалончини ўлдир, деса у буни сўзсиз бажариб келарди.

– Ҳорманг, Мансур ака! Саломатлик яхшими? – деди Усмонов унинг қўлини қисиб.

– Ўғлим миняпти. Мукофотга Запорож беришди, – деди у чийиллаган овозда.

– Соғлиқ қалай, соғлиқ? – сўради Усмонов овозини баландлатиб.

– Ҳосил яхши бўлади. Худога шукр. Тракторим билан бир ўзим дефоилация қилиб ташладим. Олтита ўғлим бор. Биттаси ҳам ўқишга киролмади. Ёрдам беринг. Пулим йўқда. Бўса берардим.

Тракторчи мўлтираган кўзларини Усмоновга тикиб турар, ўнг қўли кўкрагида эди. Усмоновнинг тили калимага келмай тракторчининг елкасига қўлини қўйганча қотиб қолди. Анчадан сўнг, ҳаяжонини ичига ютиб, боши билан "хўп" ишорасини қилди. Тракторчини юзи ёришиб, ғалати илжайди. Сўнгра қувонганидан телбаларча кула бошлади.

## Нурали ҚОБУЛ

---

— У ҳам мен билан ишлайди. Ҳозир опкеламан ўғлимни, — деди гайритабиий баланд овозда ва боладек ирғишлаб пайкал томон югуриб кетди.

Тўрт киши — обком секретари, райком секретари, директор ва бригада бошлиғи бир-бирининг юзига қарамай серрайишиб турарди.

— Сизларни отса ҳам одамнинг ҳақи кетади! — деди овози титраб Усмонов. — Ҳаммамизни, мени ҳам отиш керак! Гитлер урушда қўллаган дорини биз халқнинг бошидан сепаяпмиз!

Ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Қандай қилиб бир ўзи шунча майдонни дорилайди? — сўради Усмонов бригадирдан.

— Ҳидни билмайди. Противогаз ҳам киймайди, — тутилиб-тутилиб жавоб қилди бригадир. — Туппа-тузук эди. Кейинги икки йилда шунақа бўлиб қолди. Гапи ҳам телба-тескари. Даволан десак йўқ дейди. Тўрт мучаси соппа соғ...

— Машинани мукофотга бердиларингми ёки пулига?

— Мукофотга — пулига...

— ...  
Усмонов райком секретари билан директорга "ўзингни ос", дегандек қараб кўйди.

— Ўғли нима иш қилади?

— Отасига ёрдамлашади.

— У ҳам ҳидни билмайдими?

— Йўқ, билади. Отасиям доридан шунақа бўп қолди...

Улар яна жимиб қолишди.

— Қамбаров, — деди Усмонов райкомнинг биринчи секретарига қараб. Бу кишини бугуноқ касалхонага ётқизиш керак. Айтинг, облсовпартактивнинг шифохонасига қабул қилишсин. Шахсан бош врачга менинг топшириғим эканлигини айтинг! Шу одамнинг соғлиғи учун боши билан жавоб беради! Ўнинчини битирган ўғли ёки қизи бўлса ўзимизни институтга жойлаш керак. Ахир порасиз ҳам битта-яримта одам ўқишга кириш керак-ку ахир?! Техникумлар бор. Хуллас, бу масалани мен сиздан сўрайман. Биласизми, умуман мана шу оилани бир ўрганиб чиқайлик. Шундай қилинг, райкомнинг навбатдаги бюро йиғилишларидан бирида шу

оиланинг аҳволини бир кўриб чиқайлик. Масалани бизнинг ходимлар билан бирга тайёрлайсизлар. Бу воқеа бутун Урта Осиёга хос фожа. Айтинчи, фашистлардан қаеримиз кам бизни, Кулматов! — директорга юзланди Усмонов. — Полизнинг қоровули ҳам ҳосилини ўтган-кетгандан кўриydi. Сиз эса бутун бошли хўжалик одамларига мутасаддисиз! Сизга инсон эмас, пахта, сохта шуҳрат керак! — Усмонов бригадирга юзланди. — Қодир ака! Бу одамнинг аҳволини кўриб туриб нега индамадингиз! Мана бу галстук тақиб, қорин қўйганларни нега ёқасидан бўғиб олмайсиз?! Эртага сизни ҳам шу аҳволга тушмаслигингизга ким кафил?!

Усмонов бошқа гапиролмади...

Лекин масала райком бюросига қўйилмади... Худди шу воқеадан сўнг у қора рўйхатга тушди...

Бироқ Мансур тракторчи тузалиб кетмади. Усмонов икки марта ўзи путевка олиб бериб, бир врач ҳамроҳлигида даволатиш учун марказий санаторийларга ҳам юборди. Ўтган-қайтганда оиласининг аҳволидан хабардор бўлиб турди. Охири марта уни кўргани...

Усмонов районга чиқиб кетаётганда йўл бўйидаги эски қабристонни текислашаётганига кўзи тушиб қолди. Тўхтаб нима гаплигини суриштирди. Беш гектар чамаси келадиган эски қўйиндини қарийб текислаб бўлган бульдозерчи машина тўхташи билан ҳаллослаб чопиб келди. Усмонов чопишидан уни таниди. Бу Мансур тракторчи эди...

— Ассалому алайкум, обком бово! — деди у ҳансираб. — Соғ-саломат юрибсизми? Ман ўла-ўлгунча сиздан миннатдорман. Бошингиз тошдан бўлсин. Ўғлим ўқишга кирди...

— Нима гап? — деди Усмонов ер томон ишора қилиб.

— Директор айтди. Текисла, пахта экамиз деди, — кўзларини Усмоновга қадаганча қалтираган овозда гапирарди тракторчи. — Трактор катта лаҳадга тушиб кетди. Зўрға чиқардим. Битта гўрдан уч-тўртта одамнинг суяги чиқяпти. Ҳаммасини самосвалга ортиб олиб кетишяпти...

Усмонов серрайганча уни тинглаб, эгни-бошига тикилиб турарди. У ранги ўнгиб кетган солдатча тринка қўйлак, галифе шим ва размери каттароқ кирза этик кийганди. Юрганда этик

ғўлқиллаб, ғалати товуш чиқарди. У кейинги пайтда армиядан қайтган солдат борки, эшигига ётиб олар, токи бирорта кийимини олмагунча ҳоли-жонига қўймас экан. Кўплар эса унга раҳми келганидан ўғли уйга кириб келиши биланоқ суюнганидан кийимини ечтириб, бола-чақадан Мансур тракторчиникига бердириб юборарди. У кўча-кўйда ўз-ўзича гапириниб, солдатчасига шахдам қадам ташлаб юрар, болалар унга эргашишарди. Бироқ ҳеч кимга зиёни тегмас, очиққанда дуч келган уйдан егулик сўрар, унинг... емиши нон билан сув эди. Одамлар қўл уришга журъат этолмайдиган неки иш бор, бирор бир авлиёни суриб ташлаш ёки мачит гумбазидаги яримой шаклини суғуриб олиш каби даҳрий ишларни унга буюришарди.

Унга эса не иш буюришмасин барибир, иш бўлса, бола-чақасини боқиш учун ойлик берса бўлди эди. У буюрилган ҳар қандай ишни иштиёқ билан елиб-югуриб бажарарди. Гоҳида ўзича хиргойи ҳам қилиб қўярди. Тракторчи бетиним ишлар негадир унинг ғайри-табиий қиёфасини ишсиз тасаввур этиб бўлмасди.

Ўшанда Усмонов ҳайқалдек қотганча тракторчи билан хайрлашди. Елкасига қоқиб ҳам қўйди. Ишингиз бўлса боринг, дегандек, имо билан шаҳар тарафни кўрсатди. Мансур тракторчи ўзида йўқ хурсанд эди. Усмоновнинг ичидан эса тўлиб-тошиб йиғи келарди.

Кечкурун шаҳарга қайтаётганида эса хўжалик раҳбари бошқош бўлиб, текисланган қўйинди ўрнига чигит эктирарди...

... Раъно Мардоновна келтирган ош устида улар деярли гаплашишмади. Ҳамсуҳбатлар ўз-ўзидан жимиб, мақсади бир, қиладиган ишлари аниқ кишилардек сукут сақлардилар. Одатда бир-бирини чуқур тушунган одамлар ўзларини шундай тутадилар.

Усмоновнинг дарз кетган юраги куз эрта кирган тоғ этакларидаги сарғайган боғлардек дардчил ва армонли эди. Эсонов билан гаплашиб, бир қарорга келишгач, юрагининг тубида умид учқунлари милтиради.

— Эртадан бошлаб ишга киришамиз. Ерни ҳозир ҳайдаб қўйсақ, баҳоргача ҳузур қилиб қор остида ётади, — деди чой ичишаётганда Усмонов. — Ёнабулоққа ҳайдовчи трактори чиқолмаса керак-а?

— Ҳашак ўримида бир амаллаб ўроқ машинасини олиб чиқувдик. Йўл қилмасак қийналамиз, — жавоб қилди Эсонов ичида нега шу фикр хаёлимга илгари келмади дея ўйларкан. — Бор техникани ташлаб, узоғи билан уч кунда йўлни созлаймиз. Керак бўлса сельхозтехникадан сўраймиз.

— Мен эрталаб соат тўққизларда тепаликнинг этагидаги теракзорга бораман. Вақт топсангиз ўтинг. Ўша ерда бафуржа маслаҳатлашамиз.

— Уйда тура туринг, келиб машинада олиб кетаман.

— Раҳмат. Пиёда, секин чиқиб бораман, — деди майин жилмайиб Усмонов. — Сиз эртага техникалар етиб боришининг йўлини қилаверинг. Бу ишни амалга оширсак қандай яхши бўларди. Боғдан бери келмасдим, — болаларча энтикди Усмонов. — Умр ҳам кутиб турмайди. Тер чиққандан жон чиқмас, дейдилар.

Эсонов оғиз очиб, эътироз билдиrolмади.

— Ҳа, яна бир гап, — деди Усмонов Эсоновни кузатаркан. — Менга барча билан баробар муносабатда бўлинг, илтимос. Мени деб бошқа ишчиларга бирорта ортиқча топшириқ берманг. Аста-секин ҳаммамиз тил топишиб кетамиз. Иш ҳам ўз-ўзидан изга тушади.

Усмонов хотинига ишлаб юрган чоғлари дала айлангани чиққанда киядиган этиги ва кийимларини топиб қўйишни тайинлади. Ўзи эса ўтириб боғдорчилик илмий-текшириш институтининг директори, эски кадрдони Маҳмуд Мирзаевга хат ёзди. Эрта баҳорда Санзор ўрмон хўжалигидан хат олиб боришини айтиб, тоғ иқлимига боп мевали ва манзарали кўчатлардан ажратиб қўйишни сўради.

Шундан сўнг, деярли ҳар куни ўтган-қайтган одамлар Усмоновни Ёнабулоқ дарасида кўрадиган бўлишди. Тепаликка сув чиқариш учун қум солинган хуржунни эшакка ортиб, сойдан ёна бўйлаб тепага қараб ҳайдашди. Тўқима хуржуннинг тешигидан тўкилган икки қатор қум чизиғи бўйлаб ариқ олишди. Шу дақиқаларда Усмоновнинг кунлари кейинги пайтда илк бор мароқли ва завқли ўтди. Бир неча кун ўзича маст

бўлиб юрди ва бу кунларнинг ҳаётбахш таассуротидан кўнгли ёришди. Эрта баҳорда Ёнабулоққа экилган кўчатлар орасидан тиниқ сой суви жилдираб оқаётганда қувончдан энтикиб, кўзига ёш ҳалқаланди. Кўз ёшлари совуқ тоғ шамолида муздек томчига айланиб, юзини қитиқлаб ерга тушар, сармаст Усмонов ҳеч нимани кўрмас ва эшитмас эди. У шу муддат мобайнида деярли ҳар дақиқада бир нарсани — одамлар уни аяётганликларини сезарди.

Ҳаётнинг энг оғир синов ва азобларига бардош бериб, охири ўз она қишлоғидан, уни ёшлигидан бери биладиган кишилар орасидан паноҳ топган болафеъл, кўнгил одами Усмоновнинг оғзидан чиққан бир гапини улар икки қилиб бажаришарди. Бирга ишлайдиган кишилар қандай қилиб бўлмасин Усмоновнинг кўнглини олишга тиришар, ўзаро гурунгларида Усмонов илгари қилинадиган бирорта қадимий тансиқ таомнинг номини айтиб қолса, эртасигаёқ пишириб келишар ёки меҳмонга айтишарди. Усмонов хижолат бўлар ва ўша кишига қайта-қайта миннатдорчилик билдирарди. Одамлар уни меҳмондорчиликка айтиб, қўй сўйишар ва устига тўн ёпишарди. У ташриф буюрган уй байрам тусини оларди. Отақул махсум айтганидек, оёғи узангида юрганида қишлоқдошларидан ҳол-аҳвол сўрашга ҳам вақт тополмаган Усмонов бу иззат-икромлардан ўзини ноқулай сезар, уни кўнглини олиш учун кун бўйи бола-чақаси билан елиб-югураётган кишилардан кечирим сўрагиси, бирма-бир бағрига босиб, тўйиб-тўйиб йиғлагиси келарди.

Ана шу дамларда у ўзи ҳаётда йўл қўйган энг катта ва биринчи хатони англаб етди. Киндик қони тўкилган тупроқдан узоқлашган инсоннинг ови юрса ҳам дови юрмас экан... Сенга шундай кенг ва гўзал дунёни тақдим этган она заминни унутган одамда ватан ва миллат туйғуси тўла-тўкис бўлмас экан. Жуфти ҳалолдан бевақт айрилганига дош беролмай умри эрта хазон бўлган ва олисдаги ўғлининг отасига ўхшаган қош-қовоқларига

сўнги бор тўйиб-тўйиб тикилолмай, армонда кўз юмган онасининг вафотидан сўнг қишлоққа камқатнов бўлиб қолганди. Энди бу хатони у жони билан тўғрилайди. Унинг тупроғи мана шу азиз ва мўътабар заминга қўшилиб кетади. Айни дамда шу нарса ҳам унинг кўзига бахтдек кўринди. Ҳаётининг сўнги давларида шундай, бахтсизроқ яшаганинг маъқул, шекилли. Шунда ўлмоқ ҳам унчалик алам қилмайди, дея ўйлай бошлади.

Кутилмаганда ҳаёлига шу фикр келганидан ўзи ҳам ҳайрон эди.

Усмонов яна бир нарсани, Аминовга берган ваъдасини ҳам ўйларди. Шу пайтгача икки марта унинг одамлари келиб, "оқсоқол"дан салом айтиб кетишди. Унинг жазосини енгиллатишнинг фақат битта йўли бор эди. Олий суд ва Иттифоқ прокуратураларига ёзиш, адвокатларга мурожаат қилиш бефойда эди. Усмонов Ҳакимовнинг олдига бош эгиб бориши ва дастлаб, ўзини халос қилгани учун қуллуқ қилиши, сўнгра эса Акрам Аминовни чиқаришга бош-қош бўлишни сўраши керак эди. Бу ишга жазм этиш Усмонов учун ўлим билан баробар эди. Истаган одамани бош эгдириб ўрганиб қолган Акбар Ҳакимов барибир Усмонов тавба-тазарру қилиб олдимга келади, деб кутиб юрарди.

Лекин қулоқдан қулоққа етган гапларга қараганда, Аминов илгариги гапга қулоқ соладиган Аминов эмас. Ҳар нарсага ақли етадиган Усмонов эса унга бўлиб ўтган ғавғолар моҳиятини, Ҳакимовнинг бу ердаги тулкилигини яхшилаб тушунтирган бўлса керак. Шу боис эрта чиқиб келса, ҳали-бери дови қаримайдиган Аминов Ҳакимов билан ҳисоб-китоб қилиши мумкин. Бу ҳисоблашув не билан тугагини Ҳакимов яхши биларди. Ҳакимов ҳамма ишни режа бўйича жуда пухта олиб бораётганди. Орада бир нарсани – Аминовнинг Усмонов жазони ўтаётган лагерга ўтказилганини пайқамай қолди. Акс ҳолда бунга йўл қўймас эди. Улар ҳамюрт. Бугун бўлмаса эртага тил топишиб кетиши мумкин. Ҳакимов Аминовнинг кўнглини олиш

учун ҳеч нарсани аямасди. Учрашувларда бу ердан чиққач, бир-икки йилда илгарисидан ҳам каттароқ ишга жойлаштириб кўйишни қайта-қайта таъкидларди.

Ҳеч кимга мирламайдиган Акбар Ҳакимов орадан кўп ўтмай, Аминовга берган ваъдасининг устидан чиқди.

Тоғ ёзининг илк кунлари эди. Усмонов тонг қоронғусида Ёнабулоққа чиқиб кетиб, эл ётар маҳали қайтарди. Ўша куни эрталаб ишга кетаётганда Раъно Мардоновна қўшниникига сут олиб келгани чиққан эди. Эшик олдида хотинини кутдида, келавермагач, ўрлаб кетди. Ёнабулоққа етганда, нариги сойдан отлиқ Тошмурод тоғбеги чиқиб келди. Боғ оралаши билан юрагидаги хижиллик тарқаб, вужудида кўнгилини эритувчи осуда бир ҳис, анчадан буён тўймаган сархуш сокинлик пайдо бўлди.

— Офтобада бир чой қайнатиб ичайлик, — деди Усмонов тоғбегига меҳр билан тикилиб. — Мен ўтин тераман. Сиз сойга тушиб сувнинг кўпириб турган жойидан бир офтоба олиб келмайсизми?

Усмоновни юраги куяр эди. Тошмурод тоғбеги булоқдан офтобани тўлдириб келганда, муздек сувдан ҳузур қилиб симирди. Тоғбеги яримлаб қолган офтобани тўлдириб келиш учун яна сойга тушиб кетди. Соясида икки одам ўтирадиган бўлиб қолган самбиттол остига эски жулпатни тўшади. Қоровулхонадан ёстиқ олиб чиқди. Белбоғини ёзди. Усмонов тегирмонда тортилган жайдари буғдой унидан қилинган нон ва бир ҳовуч парвардага тикилиб турганда, кўзи тиниб ёнбошлади. Юраги беҳуд бўлиб, оёқ-қўли бўшашиди.

У юрагини ҳовучлаб кутиб юрган учинчи инфаркт бошланаётган эди. Чуқур нафас олиб, чалқанча ётганча кўзининг сўнгги нурлари билан осмонга, оппоқ ва сўнгсиз осмонга тикилган Усмонов бошида гирдикапалак бўлаётган тоғбегига охириги сўзларини айтди.

## *Унутилган соҳиллар*

— Раъно опангиз билан хайрлаша олмадим. Яна юз йил яшасам ҳам унинг меҳри олдида... Айтинг, мени онамнинг ёнларига қўйишин! Жой бор!..

Тошмурад тоғбегининг фарёдидан Ойқор ларзага келди. Боғни тўлдириб, чуғурлашаётган кулранг тоғ чумчуқлари гуриллаб, Усмоновнинг очиқ кўзлари қадалиб қолган самога кўтарилди...

Карахт бир ҳолатда таъзияга етиб бордим. Қишлоққа етгунга қадар ҳамон у киши билан хаёлан гаплашардим. Халойиқнинг кўплигидан оёқ босиб бўлмас, танга отсанг ерга тушмас эди. Йиғилганларнинг кўпчилиги Усмоновнинг ҳамқишлоқлари, кейинги бир неча йилда у билан ишлаган ва эгарда юрганда ундан яхшилик кўрган оддий одамлар эди. Булар орасида Усмоновнинг бошига етганлар ҳам беозоргина кўл қовуштириб туришар, унинг одамийлиги ҳақида паст овозда гапиришарди...

Дарвозахонада мунғайиб ўтирган, соч-соқоли ўсиқ бир киши диққатимни тортди. Бу Мансур тракторчи эди. Ўтиб-қайтаётганларга мўлтираб термилар, гоҳ қиқирлаб кулар, гоҳ йиғлар эди...

Эртаси куни республика газеталарида партия ва ҳукумат раҳбарлари имзоси билан Усмоновнинг ватан ва халқ олдидаги хизматлари қайд этилган каттакон таъзиянома босилиб чиқди...

Ойниса холанинг айтиб йиғлагани ҳали-ҳануз қулоғим остида акс садо беради.

*Хоин бўлмадинг, жигарим,  
Қонинг челаққа томмади,  
Ботир бўлган жигарим-а-ай,  
Қонинг юракка томди-ия...*

Уснат — Тошкент. 1986 йил.

9900

**Нурали ҚОБУЛ**


**УНУТИЛГАН  
СОҲИЛЛАР**

Маъсул муҳаррир: Н.Ҳошимов  
Муҳаррир: А.Нарзуллаев  
Тех. муҳар: Н.Содиқова  
Дизайнер: Р.Ташматов  
Оператор: Н.Мухитдинова

Теришга берилди 27.08.2013. Босишга ружсат этилди  
14.11.2013. Қоғоз бичими 60x84 1/16. Virtec Times UZ  
гарнитураси. Шартли босма табоғи 16,0.  
Нашр босма табоғи 16. Адади 4000 нусха.  
Бюртма №141

Нашриёт лицензияси: АИ №183. 08.12.10.

«Dizayn-Press» МЧЖ нашриёти босмаҳонасида чоп этилди  
100100, Тошкент шаҳар Бобур кўчаси 22-уй.  
Тел: (8 371) 255-34-28; 280-58-01  
dizaynpress@mail.ru



ISBN 978-9943-20-194-1



«DIZAYN - PRESS»